

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**М.Ю. МАҲКАМОВА**

**Махсус фанларни ўқитиши методикаси**

**ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ**

**Барча архитектура-қурилиш магистратура мутахассисликлари учун  
(ўқув қўлланма)**

**Тошкент 2020**

**УДК: 371**

**Муаллиф: Махкамова М.Ю.**

Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат: ўқув қўлланма – Т.: "ПРИНТ РЕБЕЛ" МЧЖ матбаа корхонаси", 2019. – 172 б.

Ушбу ўқув қўлланмада "Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат" курси бўйича ўтиладиган мавзулар, уларнинг илмий, назарий, педагогик ва амалий асослари тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган. Жумладан, педагогик технологиянинг ривожланиши ва унинг принциплари, педагогик жараён, унинг қонуниятлари-педагогик технологиянинг асоси, таълим жараёнининг мақсадини белгилаш технологияси, тарбия жараёни технологияси, тарбия жараёнининг мақсади ва унинг технологияси, педагогик ташҳис, ўзликни англаш ва педагогик технология, таълим-тарбиянинг мазмуни технологияси таълим-тарбиянинг методлари, воситалари ва шаклларининг самарадорлик мезони, педагогик фаолият, унинг мазмуни, ўқитувчи одоби ва унга қўйиладиган талаблар, бўлажак педагогларга ўқитувчилик фаолиятини маҳоратли ташкил этиш, ўқитувчининг муомала маданияти каби мавзулар ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Ушбу ўқув қўлланма барча таълим йўналишидаги бакалавр талabalari, магистрантлар, олий таълим муассасалари профессор- ўқитувчилари, академик лицей ва касб-хунар қоллежлари педагоглари ва шу соҳага қизиқувчилар учун мўлжалланган.

**Тақризчилар:** Низомий номидаги ТДПУ профессори, п.ф.д.

Б.С.Абдуллаева.

ТДИУ доценти п.ф.н. Н.С.Файзуллаева.

ТАҚИ "Бино ва иншоотлар" факультети декани, доцент

И.Алиев.

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сонли буйруғига асосан ўқув қўлланма сифатида нашр этишига руҳсат берилди.*

## СҮЗ БОШИ

Ўқув-услубий адабиётлар мажмуаларини, янги педагогик технологияларни яратиш ва амалиётга жорий этиш, бир томондан, давлат ва жамоат муассасалари, таълим идоралари ходимларидан, иккинчи томондан педагог олимлар, илғор ўқитувчилар, амалиётчилар томонидан катта ишларни бажаришни, таълим-тарбия, педагогик технологиялар соҳасида фундаментал тадқиқотлар ўтказиш, янги педагогик технологиялар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва илмий-тажриба синовдан ўтказиш, илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўқув қўлланмада ҳар бир масалани изчил таҳлил қилиш, ўрганиш тизими ёки режаси билан бирга асосий тушунчалар ҳам берилган. Маълумки, ҳар бир фаннинг, қолаверса, ҳар бир масалани ўрганишнинг ўз тушунчалари, категориялари мавжуд. Уни ўзлаштирмасдан туриб, муаммонинг моҳиятини чуқур ўрганиб бўлмайди. Шунинг учун ҳар бир мавзуга доир тушунчаларнинг моҳиятини мазкур матндан ёки педагогик луғатлардан билиб олиш зарур.

Мустақил Ўзбекистон тараққиётида ҳал қилувчи муаммолар: халқимизнинг минг-минг йиллик миллий қадриятларини, педагогик меросини ўрганиш ва таълим-тарбия жараёнини миллийлаштириш; жамият тараққиётида маънавиятнинг устуворлигини таъминлаш ва маънавий тарбия назариясини, амалиётини такомиллаштириш; ёшлар онига миллий мафкура, миллий ғояни сингдириш, ватанпарварлик тарбиясининг янги мазмун ва методикасини ишлаб чиқиш; жаҳон андозаларига мос таълим тизимини яратиш, илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш; педагогик кадрларни ҳозирги давр талаби асосида таълим-тарбия ишига тайёрлаш, педагогик технология билан қуроллантириш кабилар "Педагогика" фанининг долзарб вазифаси бўлиб қолди.

Шуни таъкидлаш лозимки, жамият тараққиётида илм-фан ишлаб чиқариш кучига айлангач, бугунги кунда таълим-тарбия ишида педагогик технология даври бошланди. Немис олими Ф.Ховфман педагогика фани тараққиётида уч даврни: тарбия ҳақида донолик, педагогия (педагогик ғоялар) ва педагогика илми ривожланиш босқичларини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, педагогик технология даврини тўртинчи босқичда эса бўлади.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда педагогик технология XX асрнинг 80 йилларида кенг жорий этилган бўлса ҳам биз бу борада орқада эдик. Зоро, педагогика узоқ давр коммунистик мафкуруни сингдириш воситаси, "ғоявий" устуворлик ўрта асрлар даражасида қолиб кетишига сабаб бўлди. Натижада, педагогиканинг обрўси, унинг жамият тараққиётидаги ўрни пасайди. Илмий тадқиқотда ҳам, амалий фаолиятда ҳам уч-тўртта ғояни, шиорни чиройли ифодалай олса ўзини педагог деб ҳисоблайдиганлар кўпайди. Бюрократик педагогиканинг асосий қудрати- "дўқ-пўписа" таълим-тарбия ишининг мезони эди. Педагогик қонуниятларни ўрганишга эҳтиёж ҳам, рағбат ҳам йўқ эди.

Ҳозирги шароитда ҳар бир фаолият, меҳнат, жумладан, педагогик фаолият ҳам илмий асосланганлиги, эришилган натижаси билан ўлчанади. Таъкидлаш лозимки, педагогик назариядаги қуруқ сафсата, амалиётдаги

субъектив мавҳумлик барҳам топа бошлади. Бошқа соҳалардаги сингари илғор технология педагогика соҳаси ҳам жаҳон тажрибаларидан намуна олмоқда. Бу - педагогик технология умуман йўқ эди, деган сўз эмас. Аслида, педагогика тарихи таълим-тарбия технологиялари тарихидир. Аммо, ана шу тажрибалар аниқ тизимга солинмаган, уларнинг қонуниятлари илмий асосланмаган эди.

Педагогик технология, янги педагогик технологияни алоҳида ўқув предмети сифатида ўрганилиши таълим-тарбия фаолиятининг самарадорлигини оширади, мураккаб педагогик меҳнатни енгиллаштиради. Бўлажак мутахассис учун педагогик технология педагогик маданият, педагогик маҳорат мезонидир. Бугунги кунда "нима учун ўрганиш ва қандай ўрганиш" - дидактиканинг асосий принципидир. Янги педагогик технология таълим-тарбия жараёнини оптимал лойиҳалаш, юқори натижага эришишда барча бўғинларнинг, омилларнинг ишлашини таъминлаш имкониятини беради.

Педагогик технологияни ўрганишда аввало ўз принципларига: фаннинг мақсади, мазмуни, дидактик жараён, талаба ва муаллим фаолияти уйғунлигига амал қилиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, талаба педагогик технология бўйича ўз малакасини оширувчи фаннинг моҳиятини, таълим-тарбия ишини самарадорлигини таъминловчи механизм эканлигига иқрор бўлиши, билишга интилиш зарур. Юқорида таъкидлаганимиздек, педагогик технологияда ўрганиш мақсади, мотиви ҳал қилувчи омилдир.

Педагогик технологияни ўрганишда тарихийлик, бошқа фанлар, айниқса психология билан, педагогик жараённи амалиёт билан боғлиқлиги каби изчиллик принципларига амал қилинади. Педагогик технологияни ўрганишда ҳам техника воситалари қўл келади. Педагогик жараённи моделлаштиришда замонавий техникадан фойдаланиш - самарадорлик гаровидир. Жамиятни демократлаштириш, таълим-тарбия жараёнини демократлаштириш, ёшларда мустақилликни шакллантириш келажакда бир неча босқичли имтиҳонлардан воз кечишиңи тақозо этади. Муаллим хукмдорлигига, муаллим-имтиҳончи ёки баъзи бир субъектив манфаатдорликка барҳам бериш вақти келди. Ривожланган мамлакатлар тажрибасида кўп ҳолларда ўқитувчи имтиҳони, назоратидан воз кечилган. Ўқитувчи назоратисиз таълим арzon ва қулай эканлиги тан олинмоқда. Агар талаба хоҳласа, талаб (илтимос) қилса, ўқитувчи муаллим томонидан билимни синашга ёрдам бериши мумкин бўлар. Мавжуд тестлар ёки ҳар бир мавзудаги билимни текшириш саволлари орқали талаба ўзлаштириш даражасини ўзи аниқлаши мумкин.

Демак, педагогик технология: ўрганиш мақсади (мд), мотив (мв), фаолият (фт), муаммо (мо), тушунчалар (та), мазмун (мн) ва тўла ўзлаштириш (тў) мужассамлигини талаб этади. Яъни:

1. мақсад -> мотив -> талаба фаолияти.
2. муаммо -> тушунча -> мазмун.
3. тўла ўзлаштириш -> тест -> ўзини баҳолаш ёки фт + мо + та + мн = тў.

Албатта, билимнинг мезони амалиёт, педагогик технология қоидаларига асосан ҳар бир дарс тарбиявий жараённи лойиҳалаш, билиш, моделлаштириш маҳорати билан ўлчанади.

## **1-МАВЗУ: "ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР" ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

1. Ўзбекистонда "Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури" янги педагогик технологияларни яратиш ҳақида
2. Педагогик технологиянинг предмети.
3. Педагогик технологиянинг вазифалари.
4. ЮНЕСКО илғор педагогик технологиялар ҳақида.
5. Педагогик технологияларни ўрганиш муаммолари.

### **Асосий тушунчалар:**

Фан предмети. Педагогик технология. ЮНЕСКО. Кадрлар тайёрлаш Миллий модели. Бир бутун педагогик жараён. Таълим жараёнини лойихалаш. Тарбия жараёнини лойихалаш. Оптималлаштириш. Моделлаштириш. Миллийлик. Умуминсонийлик. Таълим-тарбиянинг техникавий ресурслари. Таълим-тарбиянинг инсоний ресурслари.

Ўзбекистонда "Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури"да таълим-тарбияни тубдан ислоҳ қилиш илғор педагогик технологияларни, замонавий ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш" га боғлиқлиги кўрсатилади. Маълумки, Миллий дастур босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Биринчи босқич (1997-2001 йиллар) мавжуд кадрлаш тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, илмий-услубий, молиявий моддий шартшароитлар яратиш жумладан, педагог ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни замон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этиш.

Иккинчи босқич (2002-2005 йиллар) Миллий дастурни тўла рўёбга чиқариш, меҳнат бозорини ривожлантириш ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларини ҳисобга олган ҳолда унга аниқлик киритиши, "Таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилади, ўқув-тарбия жараёни юқори сифатли ўқув адабиётлар ва илғор педагогик-технология билан таъминланмоқда.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) тўпланган тажрибалар таҳлил этилади. Уларни умумлаштириш асосида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш қўзда тутилган.

Таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари янада мустаҳкамланади, ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланади. Бунда биз педагогик технология "Миллий дастур"ни амалга оширишнинг муҳим воситаси эканини кўрамиз.

Педагогик технология асримизнинг 60-йилларида Америка Қўшма Штатларида, 70-80 йилларда бошқа ривожланган мамлакатларда кенг кўлланила бошланди.

ЮНЕСКОнинг 1996 йилдаги халқаро конференциясида мамлакатимизнинг маънавий, иқтисодий салоҳиятини оширишда ва таълим-тарбияни интенсивлаштиришда педагогик технология муҳим аҳамиятга эга эканлиги илмий асосланди.

"Педагогик технология билимларни ўрганиш яхлит жараёнида таълим шаклларини оптималлаштириш, техникавий, инсоний имкониятлар, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини амалга ошириш методлари тизимиdir", - деган хуносага келинади.

Узоқ вақт ҳукм сурган бюрократик педагогика таълим-тарбия жараёнига илмий ёндашиш йўлларини беркитган эди. Айниқса, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш ман этилган эди.

Ўзбекистонда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" мустақиллик шарофати бўлса, уни амалга оширишнинг асосий илмий-методик омилларидан бири янги педагогик технологиялардир. Педагогик лойиҳалаш моделлаштириш тизими, механизми. Яъни, педагогик қонуниятларга асосланган таълим-тарбия тизимининг самарали, оммабоп механизмидир. Педагогик технология оммабоплиги, илмий асосланганлиги билан индивидуал маҳоратдан фарқ қиласди. "Янги педагогик технологиялар" фанининг **мақсади**: Бўлажак мутахассисликларни мавжуд педагогик қонуниятлар ва аниқ шарт-шароитларга асосан таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш самарали метод ва воситаларни танлашга ўрганишдан иборат.

**Курснинг вазифаси:** Бўлажак ўқитувчиларга педагогик технология, ривожланган мамлакатларнинг илфор педагогик технологияси, Ўзбекистонда "Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури"ни амалга ошириш тажрибалари ҳақида назарий билим бериш:

- педагогик жараённи лойиҳалаш;
- таълим-тарбия мақсади, мазмуни ва оптимал методларини, кўникума ва малакасини шакллантириш;
- педагогик диагностика қобилиятини ўстиришдан иборат.

Албатта, янги педагогик технология таълим-тарбия жараёнининг мавжуд қонуниятларига мамлакатимиз ривожланишининг ўзига хос хусусиятларига, тарихий тараққиёт тажрибаларига асосланади. Педагогик технологияни яратиш миллийлик ва умуминсонийлик тамойилларига, инсонпарварлик ва демократия принципларига ижодкорлик ва ташабускорликка таянади.

"Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат" фани бўлажак ўқитувчиларни илмий -методик тайёрлашда алоҳида ўрин тутади. Педагогика назариясидан мукаммал билим, малакага эга бўлгандан кейин педагогик технология ёки педагогик маҳорат фани ўрганилади. Демак, педагогик технология, педагогика, педагогик маҳорат, психология, математик моделлаштириш фанлари билан ўзаро боғлиқликда ўрганилади. Педагогик технология фанининг дастури уч йўналишда:

Педагогик технологиянинг назарий асоси, тарихи ва амалий кўникумалар шакллантиришга қаратилган.

### **Саволлар:**

1. Кадрлар тайёрлашни амалга оширишнинг қайси босқичида педагогик технология тўла жорий этилади?
2. Педагогик технологиянинг предмети нимада?
3. Педагогик технологиянинг вазифалари нимада?
4. ЮНЕСКО илғор педагогик технология ҳақида қачон, қандай холосага келган?
5. Педагогик технология бўлажак мутахассислар тайёрлашда қандай ўрин тутади?

## **2-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ**

1. Педагогик технологиянинг моҳияти ва унинг таълим-тарбия жараёнида тутган ўрни.
2. Педагогика тарихи-педагогик тизим ва педагогик технологиялар тарихи.
3. Ривожланган мамлакатларда илғор педагогик технологияларнинг жорий этилиши.
4. Мустақил Ўзбекистонда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг жорий этилиши. Янги педагогик технология тажрибалари.

### **Асосий тушунчалар:**

Техника. Педагогик техника. Технология. Педагогик жараён.  
Педагогик тизим. Ўқитишнинг техника воситалари (УТВ). Илғор педагогик технология, дидактик жараён. Таълим мақсади, тарбия мақсади.  
Таълим мазмуни. Тарбия мазмуни. Комил инсон. ўқувчининг таълим фаолияти. Ўқитувчининг таълим-тарбия фаолияти. Таълимий натижа.  
Тарбиявий натижа.

Педагогик технология нима? У анъанавий таълим методидан нима билан фарқ қиласди?

Маълумки, кейинги йилларда "Педагогик технология", "Янги педагогик технология", "Илғор педагогик технология" тушунчалари педагогик адабиётларда кенг қўлланилмоқда. Педагогик технологияга доир айрим ишларда унинг моҳиятини ёритишга ҳаракат қилинган. Қатор мақолалар эълон қиласди проф. Н.Саидаҳмедов "Бу сўз фанга 1972 йилда кириб келди ва юононча "техос" - хунар, санъат ва "логос" - фан сўзларидан ташкил топиб, "хунар фани" маъносини англатади". "ПТ бу ўқитувчи (тарбиячи) томонидан ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчиларга таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгилаб, олинган шахс сифатларини шакллантириш жараёни деб таърифласак хато бўлмайди", - деган холосага келади.

Аслида, "технология" тушунчасининг энциклопедиядаги таърифини, яъни ўзбекча маъносини "хунар фани" деб аташни ўйлаб кўриш керак. Яъни- "мастерство" тушунчасини "маҳорат" деб таржима қилиш, "педагогик технологияни "педагогик маҳорат" дейиш ҳам мумкин. Профессор В.П.Беспалко ҳам "Яхши илмий асосланган таълим-тарбия технологияси -педагогик маҳоратдир", - деб ёзади.

Бу борада ЮНЕСКОнинг маҳсус йиғилишида педагогик технологияга берилган таъриф характерлидир.

"Педагогик технология - бутун таълим шаклини оптималлаштириш вазифаси асосида ўқитиши ва билимларни ўзлаштиришни белгилаш техник ва инсоний имкониятлар ўзаро ҳамкорлиги методларини яратиш, жорий этиш тизимидир" педагогик технология - таълим-тарбия жараёнiga тизимли ва бир бутунликда ёндашишдир.

XX асрнинг 70-йилларида педагогик жараёнга тизимли ва бир бутунликда ёндашиш ғояси тавсия этилганди. Аммо, унда асосан ўқитувчи фаолиятининг устуворлиги, унинг ижодкорлиги ва фаолиятига эътибор берилган. Педагогик жараёнда ўқитувчининг билим олишдаги, ўз-ўзини тарбиялашдаги фаоллиги алоҳида бир бутун педагогик жараён сифатида қаралмаган.

Иккинчидан, "бизнинг педагогик ишлаб чиқариш, педагогик жараён технологик мантиқ асосида тузилмаган эди, ахлоқий насиҳатбозлик анъаналарига асосланган эди. Шунинг учун ҳам бизда ишлаб чиқаришнинг барча бўлими: технологик жараён, операциялар ҳисботи, лойиҳалаш ишлари, жорий этиш, мослаштириш, мезон, назорат даражасини ҳисобга олиш йўқ, эди". Технологик жараён, унинг модели кафолатли натижа борасида тажриба мавжуд. Масалан, бугунги кунда хорижий технологияларни жорий этиб, жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Педагогик жараёнда-чи?

Учинчидан, техника ва инсон масаласи, ўқитувчиларнинг педагогик технология билан қуролланганлиги масаласи ҳам паст даражада. Ваҳоланки, АҚШда Б.Блум, Л.Андерсон, Д.Кратвол, Н.Гронлунд, Ж.Керролл, Ж.Блоклар томонидан кафолатли натижани таъминловчи педагогик технология ишлаб чиқилган. 70-йиллар бошидаёқ АҚШ ва Японияда педагогик технологияга бағишлиб маҳсус журналлар чиқарила бошланган.

Асримизнинг 40-50 йилларида ўқув жараёнига техник воситаларнинг (радио, кино, назорат воситалари) жорий этилиши ПТ га tenglashтирилди. Фақат 60-йилларнинг ўртасида, 70-йилларда бу тушунча мазмуни чет эл педагогик нашрларида (АҚШ, Япония, Италия, Венгрия) ва халқаро конференцияларда кенг муҳокама этила бошланди ва унинг илмий-тадқиқот натижаларига кўра икки йўналиши кўрсатилди. Биринчи йўналиш ПТ ни "ўқитишининг техник воситалари"ни қўллаш сифатида белгиласа (М.Кларк, Хоркридж-Буюк Британия; К.Чедуик, Д.Фини-АҚШ; С.Г.Шаповаленко-Россия), иккинчиси "ўқув жараёни технологияси" сифатида қаралди. (Т.Самакато - Япония, К.Бруслинг - Швеция, Т.А.Илина

-Россия). Тизимли ёндашиш таъсири остида аста-секинлик билан ПТ моҳиятига аниқлик киритила борилди ва рус олимаси Н.Ф.Тализина унинг моҳиятини "белгиланган ўкув мақсадига эришишнинг усулларини аниқлашдан иборат"<sup>1</sup> деб тушунтириди.

Юқорида келтирилган таърифлардан қўриниб турибдики, ўтган йилларда ПТ ўкув жараёнини белгиланган таълим мақсади ва мазмунидан келиб чиқиб лойиҳалаш дея ифодаланади. Бу бир жихатдан тўғри, лекин теранроқ фикр юритилса, унинг бир ёқламалиги яққол кўзга ташланади. Зоро, бундай ёндашишда ўқувчи шахси, унинг фаоллиги эътиборга олинмайди. Камчиликни биринчи бўлиб, В.П.Беспалко пайқади: "ПТ - бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойиҳасидир" деб таърифлади.

Таъкидлаш жоизки, 80-йиллардаёқ В.П.Беспалко томонидан педагогик технологиянинг илмий мактаби яратилди. Аммо қатор йиллар давомида ПТ назарияси ва амалиёти бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганиб келинди.

Бизнинг фикримизча, янги ПТ ни "Педагогика" фанининг алоҳида тармоғи сифатида ёки фақат таълим амалиётини мақбуллаштиришга ўрганиб келинган, йўналтирилган тизим деб қараш мумкин эмас. ПТ бу соҳадаги назарий ва амалий изланишларни аниқлайди. Бу ерда изланишнинг моҳияти - педагогик тизимни ташкил этувчи элементларни ўрганиш асосида янгилашдан иборат. Сабаби, ҳар қандай ўкув тарбиявий жараённи ташкил этувчи у ёки бу педагогик тизимни акс эттиради.

Демак, ПТ амалиётга жорий этиш мумкин бўлган маълум педагогик тизимнинг лойиҳасидир. Унда педагогик тизим таркиби нимадан иборат? Педагогик тизим ўзаро боғлиқ бўлган воситалар, усуллар ва жараёнлар йиғиндиси бўлиб, шахсдаги муайян сифатларни шакллантиришга педагогик таъсир этишни мақсадга мувофиқ тарзда амалга оширади. Бинобарин, ҳар бир жамиятда шахсни шакллантириш мақсади белгилаб олинади ва унга мос равишда педагогик тизим мавжуд бўлиши керак. Агар мақсад ўзгарса, тизим ҳам ўзгариши муқаррардир.

### **Педагогик технологияларни жорий этилиш тажрибалари.**

"Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" жамият, давлат ва оила ўз жавобгарлигини ҳис этадиган, ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашни асосий мақсад қилиб қўйди. Демак, Миллий дастур бизда таълим ва тарбия соҳасидаги давлат буюртмаси сифатида қабул қилинняпти. Фақат, ижтимоий (давлат) буюртмасигина таълим ва тарбиянинг умумий мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб беради ёки олий (умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар) таълим учун педагогик тизимнинг мавжудлик шартларини кафолатлади.

Қуйида барча таълим турлари учун умумий бўлган педагогик тизим лойиҳасини келтирамиз.

<sup>1</sup> Беспалко В. П. "Педагогические и прогрессивные технологии обеспечения" М, 1995 г)

Олиб борилган илмий тадқиқот ишларнинг натижалари ҳар қандай педагогик тизим ўзаро боғлиқ бўлган қўйидаги инвариатив элементлардан ташкил топишини кўрсатиб беради: 1- талабалар, 2- таълим (тарбия) мақсадлари, 3-таълим (тарбия) мазмунни, 4-дидактик УТВ, 5- педагог, 6- фаолиятни ташкил қилиш.

Бу педагогик тизим, ҳар қандай назарияга хос бўлгани каби, қўйидаги икки тушунчани қамраб олади: дидактик масалалар ва уларни амалга оширишнинг педагогик технологияси. Дидактик масалалар педагогик тизим доирасида инсон фаолиятининг ҳар қандай соҳаси каби аниқ мақсад ва унга эришиш учун шарт-шароитлар ҳамда бу фаолиятлар учун ахборотлар бўлиши керак.

Ҳар бир дидактик масала педагогик тизимида ўзига мос келадиган ПТ элементлари билан ҳал қилинади, улар: дидактик жараён, педагог ёки ўқитишнинг техник воситалари ҳамда ўқитишнинг ташкилий шакллари таълим-тарбияни бир бутунликда жамият талабларини қондиришни кўзда тутади. Эътиборни юқорида келтирилган педагогик тизим тузилишига қаратайлик. Бу тизимга узлуксиз равишда ижтимоий буюртма таълим-тарбия мақсадини умумий ҳолда белгилаб беради. Унга мос педагогик технологияни яратиш, педагогик тадқиқотларнинг вазифасидир. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" таълим-тарбиянинг мақсадини янги йўналишда, яъни "ўтмишдан қолган мафқуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла холос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш" деб белгилади. Демак, таълим-тарбия мақсади янгиланди, унга мос ҳолда мазмуннинг янгиланиши табиийдир. Таълим мазмуни ўқув дастурлари, қўлланма ва дарсликларда ўз ифодасини топади. Шу муносабат билан олимларимизга фан соҳалари бўйича таълим мазмунини ишлаб чиқиши каби шарафли масъулият юклатилади. Шундай қилиб, педагогик тизимда дидактик масалаларнинг ўз ечимларини топиши Миллий дастур ғояларини рўёбга чиқаришнинг муҳим босқичидир.

### **Педагогик технология принциплари**

Технологияларни лойиҳалаш ва улардан таълим-тарбия жараёнида мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланиш маълум қонуниятларга асосланади. Бу асослар ПТнинг ўзига хос жиҳатларини ифода этади ва методикадан фарқли томонларини кўрсатиб беради. Бошқача қилиб айтганда, уларни ПТ принциплари деб аташ мумкин.

Принцип-лотинча "принципиум" сўзидан олинган бўлиб, асос дастлабки ҳолат, бошқарувчи ғоя, умумлашган талаб каби маъноларни англаатади. Дидактикада олимлар принципларни турлича талқин қилишади: педагогик фаолиятни йўлга соладиган дидактик ҳолатлар, тавсиялар (В.И.Загвязинский, Л.И.Гритсенко), ўқитишнинг меъёрий асоси (М.А.Данилов), дидактика ва методиканинг барча саволларини ечиш учун умумий талаблар (И.И.Қобилятский), дидактик мақсадларга эришиш усуллари (И.Я.Лернер) ва ҳоказо.

Биз педагогик технология принциплари деганда лойиҳаланган ўқувтарбиявий жараёнини амалга оширишда юқори натижаларга эришиш учун риоя қилинадиган умумий меъёрлар ва талабларни тушунамиз. Демак, у ёки бу педагогик ҳодиса принцип бўлиши мумкин, бироқ уни ўқув жараёнида ҳисобга олиш (риоя қилиш) зарур бўлса, яъни унга таянилса.

Олиб борилган аналитик-синтетик тадқиқотларнинг кўрсатишича, ПТ принциплари дидактик принциплардан тубдан фарқ қиласди ва ўзида муҳим сифат кўрсаткичларни мужассамлаштиради. Дарвоҷе, таълимнинг тарихий ривожланиш босқичларида ўқув-тарбиявий жараённи амалга ошира оладиган ПТ мавжуд бўлганми ёки бу феномен бугун пайдо бўлдими? Бу саволга академик В.П.Беспалконинг жавоби қўйидагicha: "Педагогик технология ҳар доим ҳар қандай ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида мавжуд, бироқ энг мақбул ўқитиш ва тарбиялаш технологиясини танлаш ва англаган холда бошқариш педагогика фани ва мактаб амалиёти имкониятлари доирасидан четда қоляпти". Аслида ҳам мактаб (олий ўқув юрти) амалиётида ПТнинг моддий ташувчилари-китоблардан, техник воситалардан ва ўқитиш методикаларидан кўпдан буён фойдаланиб келинади ёки олдиндан режалаштирилган таълим-тарбия жараёни ўқитувчи фаолияти орқали амалиётга жорий этиляпти. Шу билан биргаликда ПТ - бу қотиб қолган, қисувга олинган ялангоч лойиҳа эмас, балки таълим ва тарбия самарадорлигини белгиловчи қатор омилларни баҳолаш имконини бера оладиган ижодкорлик, яратувчилик, фидойилик фаолияти натижасидир.

ПТ принципларини аниқлашда қўйидаги ҳолатлар эътиборга олинади:

- 1) мавжуд жамият талабларига мос келадиган таълим-тарбия мақсади;
- 2) дидактик жараённинг объектив қонуниятлари;
- 3) таълим-тарбия жараёнини амалга оширадиган шарт-шароитлар.

Янги ПТни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ҳам тузилиш ҳам моҳият жиҳатдан яхлитлик принципига асосланади. Бу принцип технология лойиҳаси яратилаётганда педагогик тизимининг барча элементларини ўзаро таъсир остида бўлишини ва ўзаро боғлиқлигини эътиборга олишни тақозо этади. Яъни, таълим мақсадининг қатъиян аниқланиши (нега ва нима учун?), ўқув жараёни мазмуни (нима?), ташкилий шаклларни (қандай?), ўқитиш методлари ва воситаларини (нима ёрдамида?) саралаш ва танлашга кўмаклашиши, шунингдек, ўқитувчининг маҳорат даражасига боғлиқ ҳолда дидактик жараён самарасини аниқлашга имкон бериши керак. Яхлитлик принципини педагогик технологияни ташкил этувчи элементлардан бирини янгилаб ёки ўзгартириб, қолганларига тегмасликни, қайта кўрмасликни инкор этади. Мисол учун, таълим мақсадини ўзгартириб, унинг мазмунини ёки ўқитиш жараёнини эскича қолдириш мумкин эмас. Нима учун бугунги кунда республикамиз халқ таълими тизимида чуқур ўзгаришлар ва ислоҳотлар амалга ошириляпти?

Биринчидан, таълим-тарбиянинг мақсади янгиланди. Эркин фикрлайдиган фуқарони, баркамол инсон шахсини шакллантириш зарур. Иккинчидан, бу ижтимоий буюртма ўз навбатида таълим мазмунини

тубдан қайта кўришни, янги ўқув дарсликлари ва дастурларини яратишни келтириб чиқаради. Учинчидан, таълим-тарбиянинг янги мазмуни ахборотларни ўқувчи (талаба)ларга маълум вақт доирасида етказиш жараёнини тезлаштирувчи воситаларни талаб этади. Ана шу важдан янги педагогик ва ахборот технологияларини яратиш президентимиз томонидан олимларимиз олдига кўндаланг вазифа қилиб қўйиляпти. Педагогик фаолият юритаётган ҳар бир шахс бу муаммоларни тўғри англаб олиши ва таълим-тарбия жараёнига ижодий ёндашишлари зарур.

ПТ мақсадли таълим-тарбия жараёнини тавсифлайди. Агар анъанавий педагогикада мақсад муаммосига назариячилар ва амалиётчилар кам эътибор қаратишган бўлса, ПТда бу марказий муаммо ҳисобланади ва унинг икки жиҳати амалда ажратилиб кўрсатилади:

1. Ташҳисланадиган мақсадли таълим ва ўқув материалини ўзлаштириш сифатини объектив назорат қилиш.

2. Умумий ҳолда шахсни ривожлантириш.

ПТ ўқув-тарбиявий жараённи олдиндан лойиҳалаш ва кейинги босқичда бу лойиҳани синф (аудитория) да амалга оширишни кўзда тутади. Щу боисдан ПТнинг муҳим принципи - бу бўлажак ўқув-тарбиявий жараённи олдиндан лойиҳалаш принципидир. Тўғрисини айтганда ҳамма ҳам лойиҳа муаллифи бўлавермайди. Ўқитувчи бу шарафли ном-"педагог-технolog" соҳиби бўлиши учун шу китобда қайд этилган дидактик масалалар ва уни ҳал этиш технологияларини лойиҳалаш қонуниятлари билан чуқур таниш бўлиши керак. Бу эса, табиийки, ўқитувчидан ижодкор фаолиятни талаб этади. Лойиҳаланган технология дарс мавзусига ажратилган вақт доирасида жорий этилиши лозим. Ўқув вақти ПТни олдиндан кўришда муҳим кўрсаткич ҳисобланади ва ўқитувчи уни ҳисобга олиши шарт. Лойиҳаланаётган дидактик жараён синф ўқувчиларининг ўзлаштириш даражасига мос келиши, ҳамма учун тушунарли бўлиши жуда муҳимдир. Шундагина якуний натижка кўлга киритилади.

Якуний натижанинг кафолатланиши ПТнинг яна бир муҳим принципидир. Бу тушунча аслида нисбий характерга эга, чунки, тузилган технология амалга оширилгач, яхшими ёки ёмонми, ҳар қалай маълум натижалар бўлиши ўқувчиларнинг ўқув материалларини турли даражада ўзлаштириб олишлари табиий. Бироқ бу ерда якуний натижка тасодифий ва паст кўрсаткичга эга бўлади. Гап мавжудлик алгоритмининг кейинги икки босқичида кетяпти: назорат қилувчи харакат дидактик жараённинг натижавий яқунини аниқлаб беради ва тузатиш амали ўқувчиларнинг паст ўзлаштиришига сабаб бўлаётган дидактик жараён хатоларини йўқотиш усулларини кўрсатади. Хўш, якуний натижка қайси сатҳда бўлиши керак?

Бу саволга жавобни ПТнинг жуда муҳим принципи-ўқитишининг тугалланганлик пиринципи жавоб беради. Ўқувчининг тажрибаларни ўзлаштириш сифати (а) ўзлаштириш коэффициенти ( $K_a$ ) билан аниқланишини таъкидлаган эдик. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, агар  $K_a \leq 0,7$  бўлса ўқитиш жараёни якунига етган, тугалланган деб ҳисобланади ва кейинги ўқув мавзусини ўрганишга киришиш мумкин, Агар  $K_a \geq 0,7$

бўлса ўқувчилар билан янги мавзуни ўрганиш фақат "ўзлаштирмовчилар" сонини кўпайтиради. Шу ўринда қўйидаги ҳолатга алоҳида тўхталиш лозим. Мамлакатимиз ўқув юртларида ўқувчиларнинг ўзлаштириш сифати -  $K_a \geq 0,55$  бўлса, яъни ўқув материалининг 55-фоизи ўзлаштирилса "қоникарли" деб ҳисобланаяпти. Фикримизча, бу кўрсаткич таълим тизимини ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичлари учун етарлидир. Сабаби узоқ йиллар давомида шаклланган эски таълим тизими совет педагогикаси инқирозга юз тутди ва мамлакатимизда миллий таълим модели яратилди. Унинг келгусидаги ижобий "порглаш эффекти" биринчи президентимиз томонидан илмий асосланди. Ана шу "эффект" натижасида ўқувчиларнинг ўзлаштириш сифати ҳам ошиб бораверади ва келажакда ривожланган давлатлар даражасига кўтарилади. Демак,  $K_a$  ўзгарувчан қийматга эга бўлиб, турли давлатларнинг ижтимоий-сиёсий соҳасидаги туб ўзгаришларни ҳисобга олади. Мисол учун, америкача бихевиористик концепцияда "муваффақият қонуни" мавжуд бўлиб, ўқувчилар 95-фоиз саволларга тўғри жавоб берсагина таълим муваффақияти тўғрисида фикр юритилади.

Замонавий ишлаб чиқариш ўзида эгилувчан автоматлаштирилган тизимни мужассам этганлиги билан ажралиб туради. Бугун янги технологиялар алмашувчанлик хусусиятига эга: зарурат туғилса янги маҳсулот турига мос ҳолда ишчи ўринлар қайта жиҳозланиб, технологик жараён тузилмаси зудлик билан ўзгаририлади. Технологиянинг бу сифат кўрсаткичи эгилувчанлик деб юритилади.

Эгилувчанлик янги ПТларга хос асосий принцип ҳисобланади ёхуд у ПТнинг қўлланиш соҳаларини таълим мазмuni ҳажмига мос ҳолда бирмунча кенгайтиради. Гап шундаки, у ёки бу мавзу бўйича лойиҳаланган технология ҳеч бўлмаганда фан бўлимлари чегарасида эгилувчанлик хусусиятига эга бўлиши керак. Ўқитувчida кам куч ва кам вақт сарфи эвазига фан мавзулари бўйича дидактик жараён тузилмасини ташҳисли мақсадга мувофиқ тарзда алмаштира олиш ёки қайтадан лойиҳалаш имкони мавжуд бўлади. Мисол учун, физика фанининг "Куч" мавзуси бўйича лойиҳаланган технология аниқ ўрнатилган мавзу мақсадига мувофиқ, кичик ўзгаришлар билан "Иш" мавзуси учун ҳам қўллаш имкони бўлса, шубҳасиз, лойиҳа муаллифи эгилувчанлик принципига таяниб иш кўрган бўлади. Эгилувчанлик принципи асосида яратилган ПТлар таълим босқичларининг турлари учун ҳам қўл келади. Бу ерда фан дастури мавзулари бўйича ЎЕ сони ва уларнинг мазмuni ҳажм жиҳатидан ўзгаради, холос. Бу фикрни мисол ёрдамида тушунтиришга ҳаракат қиласиз. Маълумки, кимё фани барча таълим муассасаларида (умумий ўрта мактаб академик лицей, касб-хунар коллежи, олий мактаб) ўқитилади. Шу фанинг "Кислоталар" мавзуси бўйича олий мактаб талabalari учун лойиҳаланган технология кисман ўзгаришлар киритган ҳолда умумий ўрга мактаб ўқувчилари учун ҳам қўллаш мумкин. Бу ерда ўқув материалининг ҳажми ( $K$ ) ва ўқувчиларнинг юкланданлик коэффициенти ( $\varepsilon$ ) ҳисобга олиниши керак.

Шундай қилиб, ПТнинг эгилувчанлигини таъминлаш ўқитувчидан дидактик жараённи кўриш қонуниятлари билан чукур таниш бўлишни тақозо этади.

Педагогик технологиянинг сифат кўрсаткичлари нималардан иборат? У бошқа соҳа технологияларидан қайси жиҳатлари билан фарқланади? Ана шу саволларга жавоб топиш учун кўплаб педагогик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилишга тўғри келди ва натижада бу кўрсаткичларнинг асосий мазмuni аниқланди:

1) **Замонавийлик:** Таълим амалиётига илмий асосланган ва тажрибада текширилган дидактикага оид янгиликлар, фаол методлар ва шакллар, тартиб-қоидаларни жорий этишнинг мажбурийлиги Миллий дастур foясидир. Аслида ҳам таълимнинг тараққиёт даражаси унинг мазмунига киритилаётган фан-техника янгиликлари билан тавсифланади. Педагогик жараёнда сусткашликка, ҳаракатсизликка йўл қўйиш мумкин эмас, акс ҳолда таълим инқизотга учрайди. Шу жиҳатдан олганда таълим мазмунини узлуксиз янгилаб бориш янги ПТнинг жиддий шартларидан биридир. Бу йўналишда олиб бориладиган ишлар, биринчи навбатда, ўқув дастурларидан таълим-тарбиявий аҳамияти кам бўлган тарихий материалларни чиқариб ташлаш мақсадини белгилайди. Бу ҳаракатлар ўқув предметини шундай тасаввур имконини берсинки, натижада ўқувчиларда у ёки бу фан тўғрисида мантиқий хулосалар шаклланиши, ўқув материалларини ўзлаштириш жараёнини енгиллаши, эгалланган билимларни амалиётга қўллаш имкониятлари вужудга келсин. Ўқув материалларини тизимлаш фанлараро алоқаларни ҳам тифизлаштиришга, ихчамлаштиришга имкон бериши билан биргаликда баъзи бир ўқув ҳаракатларининг автоматлашувига ҳам замин яратади, ўқув вақтини тежашга, ўқувчилар ўзлаштириши зарур бўлган билим ва кўникмалар ҳажмини камайтиришга олиб келади.

2. **Илмийлик** таълимнинг дидактик масалаларини белгилашда фаннинг абстраксия погоналаридан (3)тўғри фойдаланиш ҳисобига эришилади. Ўқитиши назарияси ва ўқув-тарбиявий ишларни такомиллаштириш техникасини доимий равишда ривожлантириш шарт. Шундагина замонавий таълим тўғрисида ижобий фикрлар айтиш мумкин бўлади. Бу эса ўз навбатида таълим-тарбия жараёнини узлуксиз тадқиқ қилишни, унинг натижаларими амалиётда қўллаш зарурлигини кўзда тутади.

"Ўқитиши технологияси - бу таълимни илмий асосда такомиллаштириш синоними ёхуд илмийлик биринчи галда у ёки бу ечимнинг қиммати тўғрисидаги хусусий фикрга эмас, балки қабул қилинаётган ечимларнинг илмий далилларга таянишини белгилайди".

3. **Ўқув жараёнини мақбуллаштириши**-кам куч сарфи эвазига ўқитувчи ва ўқувчи (талаба) нинг ўқитиши мақсадига эришишdir. Бу эса таълим жараённи учун энг мақбул шароит яратишни, лойиҳаланаётган дидактик жараён босқичларига мос ҳолда ўқитиши методларини, шаклларини, техник воситаларни танлаш белгилangan мавзуу мақсадига мувофиқ тарзда ва ўқув вақти миқдорини ҳисобга олиб амалга ошириш кераклигини талаб этади.

Албатта, бу талаб ўқитиши жараёни қаерда кечаяпти, ўқитувчининг касб маҳорати, имкониятлари қандай, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига таълим мазмуни тўғри келадими, деган қатор саволларга ҳам жавоб топиш кераклигини ўқтиради (Ю.К.Бабанский).

4. Ўқитувчи ва ўқувчи(талаба)нинг дастурли фаолияти ўқув жараёнидан жамики ортиқ ҳаракатларни йўқотишга, юқори ҳамжиҳатликни таъминлашга ва пировард натижада-кўзланган якуний натижаларни қўлга киритишга интилишни ифодалайди. Дидактик жараённи лойиҳалашда ўқитувчи "технолог" сифатида фаолият кўрсатади: ҳар бир дарсда таълим мақсадини аниқ ўрганиши, ўтилаётган ўқув материалларни мазмунини саралашда ўқувчиларнинг ўзлаштириш фаолияти даражаларини (а), фанни баён қилишнинг илмий тилини (Р) ҳисобга олиши керак ва ниҳоят, ташкилий шаклларнинг мосини танлаб, белгиланган вақт доирасида самарали дидактик жараённи ташкил этади. Бу кўрсаткич талабга мос ҳолда ўқув-билиш фаолиятини амалга ошириш учун унга олдиндан алоҳида тайёргарлик кўриш керак бўлади. Умуман ўқув жараёнига олдиндан ишлов бермасдан, якуний натижаларининг талим мақсадига мос келишини чамаламасдан, шунингдек, ўқитиш давомида юзага келадиган ноқулай ҳолатларга боғлиқ ҳолда бошқариш имкониятларини ҳисобга олмасдан туриб ўқув жараёнини технологиялаштириш мумкин эмас.

*5. Ахборот технологияси ва техник воситалар* самарасини белгилайдиган дидактик материаллардан кенг фойдаланиш замонавий ПТнинг энг асосий белгиларидан биридир. Миллий дастурда ўқувтарбиявий жараённи бошқаришнинг бу муҳим воситасига алоҳида урғу берилган. Бироқ ахборотли воситалар (компьютер, электрон алоқа, радио, телевидение)дан фойдаланиш даражаси икки омил билан аниқланади:

а) ўқув жараёни учун ахборотли воситалар самара берадиган мавзууни аниқлайдиган дидактик материалларни ишлаб чиқиш;

б) ўқитувчиларнинг ўз амалий фаолиятларида техник воситалар ва дидактик материаллардан методик жиҳатдан тўғри фойдалана олиш тайёргарлигини текшириш.

Ахборотли таълим жараёни олдиндан педагогик лойиҳалангандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Педагогик жараённи компьютерлаштириш истиқболли йўналишлардан бири ва ПТнинг шуғулланиши лозим бўлган соҳасидир.

6. Ўқув жараёни учун замонавий моддий-техник базанинг мавжуд бўлиши ПТнинг навбатдаги сифат белгисидир. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун янги база яратиш, унинг таркибий тузилишини лойиҳалаш ҳам назарий ва эмперик тадқиқотлар асосида амалга оширилади. Мисол учун, қувватли техник-технологик воситалардан фойдаланиш архитектурага оид қатор ечимларни ўқув биноси лойиҳаланаётгандаёқ ҳисобга олишни ва тегишли қулай шароитлар (иқлим, ёруғлик, мебель, ва бошқа) билан таъминлашни тақозо этади. Демак, аудиториядан тортиб то нашриёт базасигача таълим воситалари

таркибига кириб, уларсиз замонавий технологияларни тасаввур қилиб бўлмайди.

7. Ўқув-тарбия жараёни натижаларини объектив назорат қилиш ва сифатли баҳолаш ПТнинг ўз олдига қўйган натижавий мақсадидир. Маълумки, жаҳон педагоглари уюшмаси томонидан тан олинган икки назорат тури мавжуд: субъектив ва объектив. Субъектив усулда билим ва кўникмаларни текшириш ўқувчи (талаба) олдига қўйилган саволга олинадиган жавобни эшлишдан ҳосил қилинган таассурот остида ўқитувчи томонидан амалга оширилади ва ўқувчи жавоби ҳеч қандай ўлчов ва сифат мезони билан таққосланмайди. Мисол учун, имтиҳон саволларига оғзаки жавоб беришни баҳолаш ёки ёзма ишларни текшириш субъектив назоратдир, сабаби баҳолаш сифатининг объективлигига қўйилган талаблар олдиндан шакллантирилган ўлчов билан солиштирилмайди.

Билим ва кўникмаларни назорат қилиш ва баҳолашнинг объектив усулида ўқитувчи ўз ҳукмини ўқувчининг жавоби (ёки амалий ҳаракати)ни белгиланган таълим мақсадига мос ҳолда маълум усуллар ёрдамида аниқланган сифат мезонларини акс эттирувчи ўлчовлар билан солиштириш асосида қабул қиласди. Субъектив назорат қилишда нафақат мулоҳазалаш ва баҳолаш аниқлиги, йўқолади, балки бўлажак мутахассис шахсини шакллантиришда тузатиб бўлмайдиган зиён етказиш мумкин. Мисол учун, ўқувчидаги баҳога нисбатан нотўғри (баҳонинг тўғри қўйилганини инкор этиш) ёндашишни юзага келтириб чиқариш мумкин. Афсуски, кўп йиллар давомида биз ўқувчилар билимини субъектив усулда назорат қилиб келдик. Бу эса, табиийки, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳар доим ҳам ижобий муносабатларни шакллантиришга кафил бўла олмайди.

Тест объектив назорат қилиш усули бўлиб, бугун амалиётда кенг қўлланиляпти. Тестга қатор талаблар қўйилиб, уларнинг ичида асосийлари: мослик (адекватлилик), оддийлик, аниқлик ва муайянликдир.

**Мослик.** Тестнинг мослиги дейилганда тест топшириқларининг ўқувчи (талаба)лар эгаллаши зарур бўлган билимлар мазмуни ва маъноси билан тўлиқ равишда ва аниқ мос келиши тушуниллади. Тестнинг мазмунан мослиги дастлаб назарий таҳлил (экспертиза) орқали, сўнгра эса экспериментал усулда текшириб кўрилади. Назарий таҳлил давомида тестнинг мазмуни ўқув дастури ва ўқув қўлланмаси билан таққосланиб, унинг тўғри ёки нотўғри тузилганлиги ҳақида холосага келинади. Бу борада ўқитувчи фаоллик кўрсатиб ҳар бир фандан тузилган тестни комиссия кўригидан ўтказиши керак. Акс ҳолда тест мослик талаби чегарасидан чиқиши мумкин.

**Аниқлик.** Тестни лойиҳалашда уларнинг аниқлик даражасига алоҳида эътиборни қаратиш керак. Ўқувчи(талаба) тестни ўқиши билан дарҳол қайси фаолиятни бажариш зарурлигини, қандай билимларни ва қайси хажмда намойиш қилиш чегарасини чуқур англаб олиши керак. Тестнинг аниқлик даражасини таъминлаш учун улар кетма-кет серияли экспериментлар ёрдамида текширилиб кўрилади.

**Оддийлик.** Бу талаб тест мазмунида мумкин қадар топшириқларнинг ифодаланиши фаолият турига қараб содда ва тўғри чизиқли ҳолатда бўлишини эътироф этади. Бунинг учун тест топшириқлари маълум доира чегарасида ечилиши мумкин бўлган масалалардан ташкил топиши керак. Агар бир топшириқнинг ўзида ечимини кутаётган бир нечта масалалар мавжуд бўлса, у ҳолда биз ўқувчи учун сунъий ҳолда қийинчилик туғдирдимиз. Чунки, улар тестдаги барча саволларни англаб олиш ва уларни хотирасида доимо сақлаб туриши улардан бирига жапоб бера бориб, бошқаларига ҳам жавоб беришни унутмаслиги керак. Агар ўқувчи номаълум сабабга кўра саволларнинг бирини унутса ва унга жавоб бермаса, бу ҳол унинг билимини нотўғри баҳоланишига сабаб бўлиши мумкин, аслида сабаби эътиборсизлик бўлишига қарамай. Яхшиси, тестларни ечишда ўқувчилар фаолиятини тааллуқли бўлмаган саволлар билан чалғитиш ва мураккаблаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Уларга оддийлик талабига жавоб бера оладиган кетма-кет пест таклиф этилгани маъқул.

**Муайянлик.** Тестга қўйилган бу талаб унинг бажарилиш сифатини барча эксперталар (имтиҳон оловчи, мутахассис ва х.к.) томонидан баҳолашда қарама-қаршиликлар юзага келмасликни тақозо этади. Бу деган сўз -тест таркибида ишончли ишлов беришга имкон бера оладиган аниқ ва ўзгармас натижа олиш мумкин бўлган топшириқлар алоҳида ажратилиб кўрсатилиши керак. Шунинг учун тестни тузишда маълум фаолиятни акс эттирадиган топшириқни ифодалаш билан чегараланмасдан, балки ўзида ўлчов тизими ва баҳолаш сифатини мужассамлаштира олган этalonни ишлаб чиқиши керак. Ўқувчининг фаолиятини бажариш сифати ҳақида хулоса чиқарувчи бундай бўлинмалар тестнинг мухим (жиддий) амаллари дейилади. Умуман тест амали деганда синалавчининг тест шартига биноан уни ечишда бажарган алоҳида ҳаракати тушунилади. Жиддий амаллар эса маълум предмет бўйича ўқувчи билимини текширишнинг мақсадини аниқ ифода этувчи амаллардир. Тестнинг бу амаллар сонини ажратиш ва ҳисоблаш учун уларни тез топиш мақсадида эталонда турли усуслар билан белгиланади (тартиб рақами билан белгилаш, ажратиб кўрсатиш, қавс ёрдамида ва х.,к.)

Ўқувчилар билимини баҳолаш жараёнини объективлаштириш мақсадида тест топшириқларини юқорида тилга олинган талабларни ҳисобга олган ҳолда **табақалаштириши** зарур. Фақат шу йўл билангина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Табақалаштиришда ҳар бир ўқувчининг маълум фан бўйича ўзлаштириш даражаси эътиборга олинади. Биз олиб борган илмий тадқиқотларда ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси тўрт синфа бўлинди (бу фаолият даражаларига мос келтирилган сондир) ва тунга мос ҳолда тест топшириқдари ҳам табақалаштирилади.

**Биринчи даражали тест** - номаҳсул фаолиятни ифодалайди.

**Иккинчи даражали тест** - алгоритмли фаолият.

**Учинчи даражали тест** - маҳсулдор эвристик фаолият.

**Тўртинчи даражали тест**- маҳсулдор ижодий фаолият билан тавсифланади.

Топшириқларни табақалаштиришда бир неча кўрсаткичлар эътиборга олиниши керак. Жумладан, топшириқ ҳажми (чизма ишнинг, математик ҳисоблашнинг салмоғи, саволлар сони ва ҳ.к.); уни бажариш учун зарур бўлган фикрлаш фаолиятининг тури (олдиндан маълум бўлган маълумотларни қайтариш, одатдаги шароитда билимларни қўллаш, ўқув муаммосини ечишнинг янги усулинин топиш ёки қўшимча адабиётлардан янги маълумотларни олиш); дастурлаштирилган жавобларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги. Дастребки икки гурух тести шу билан фарқланадики, топшириқларни бажариш учун номаҳсул фаолият талаб этилади холос. Учинчи ва тўртинчи синф тестларини ечиш учун эса ижодий ҳарактерга эга бўлган фикрлаш фаолиятини, яъни ижодкорликни намоён қилиш зарур. Бундан ташқари биринчи ва иккинчи даражали тест топшириқлари мураккаблиги жиҳатидан кам фарқланадиган масалалардан иборат бўлиши мумкин.

Ўқувчилар билим ва кўнималарини баҳолашда автоматлаштирилган назорат воситаларидан фойдаланишини йўлга кўйиш ПТнинг шуғулланиши лозим бўлган йўналишидир. Бу борада мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Давлат Тест Маркази катта тажрибаларни тўпламоқда ва ўз ахборотномаларида улар билан кенг китобхонлар оммасини таништириб бормоқда.

Шундай қилиб, бу фаслда биз ПТнинг асосий принципларини ёритишга ҳаракат қилдик. Янги ПТ ўзининг педагогика ва қатор бошқа фан ютуқлари билан боғлик бўлган хусусий назариясига эга бўлиб, у биринчи галда ўқув-тарбиявий жараённи илмий асосда кўришга йўналтирилгандир. Ўқитишнинг ахборотли воситаларидан, дидактик материаллардан, фаол меҳодлардан самарали фойдаланишга асосланган ўқитувчиларнинг дастурли фаолиятига педагогик технология замин яратади.

Олий педагогик таълимда интеграл технологиялар республикамиизда олий таълим тизими янги ривожланиш поғонасига кўтарилиди: икки босқичли таълим-бакалавриат ва магистратура фаолият кўрсата бошлади; давлат талим стандартлари ишлаб чиқилди; талабаларнинг мустақил билим олишини якка тартибда амалга ошириш жорий этиляпти, таълим мазмунида фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ўз аксини тобора кўпроқ топмоқда; профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишга эътибор кучайтирилганлиги алоҳида таҳсинга лойик.

Ўқув-тарбиявий жараённи ривожланган давлатлар тажрибалари асосида такомиллаштириш, унинг иштирокчилари-ўқитувчи ва талаба (магистр) фаолиятини "субъект-субъект" қонуниятлари асосида ташкил этиш зарурати бугун барча олий ўқув юрларида педагогика ва психология фанларини ўқув режасига киритиш лозимлигини ҳаётнинг ўзи исботлади. Галдаги вазифа - бу фанларни ўқитишга алоҳида эътибор қаратиш, инновацион педагогик фаолиятнинг сиру-саноатларини тадқик, қилиш асосида амалий хулосаларни қўлга киритишдир. Зоро, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жамиятни тўлиқ, педагоглаштириш муаммосини кўп тартибига қўяётгани назардан четда қолмаслиги керак.

Ўзбекистонда шахс манфаати ва таълим устуворлиги эътироф этилган бир даврда педагогика фани эркин шахсни шакллантириш қонуниятлари, ёшлар шахсини ҳаётга мослаштиришнинг шакл ва методлари, мазмуни ва принципларини ўрганади. Эндиликда педагогика ўз предмети, фанлар билан алоқаси, педагогик билимлар тизими ва уларнинг мантиқий тузилмаси, назарий педагогик билимларни тарбияга, таълим амалиётига қўллаш масалаларига доир муаммоларни қайтадан янгича талқинда қўймоқда. Демак, педагогикада тадқиқотларнинг долзарблиги, бир томондан, жамият эҳтиёжи-ўқув-тарбия тизимини янада ривожлантириш билан. бошқа томондан, педагогик билимларнинг янгиланиш ва ривожланиш даражаси билан белгиланар экан.

Бугунги кунда педагогик назария ва амалиёт муаммоларини тадқиқ қилиш технологик ёндашув асосида олиб борилиши лозим. Педагогика мутлақ технологик фандир ва у таълим доирасининг барча қатламларини қамраб олади.

Педагогика фани предмети жамият эҳтиёжи ва ривожланаётган шахс қизиқишига ҳамоҳанг тарзда сунъий тарбиявий жараённи кўриш қонуниятларини ўрганади ва уни изчил амалга оширади. Ана шу сунъий тизим "Педагогик тизим", унда кечадиган жараёнлар эса "Педагогик технология" деб аталади. Педагогик тизим ташқарисида ҳеч қандай мақсадли таълим-тарбия жараёни кечмайди ёки педагогик технология - бу амалиётда жорий этиладиган педагогик тизим лойиҳасидир. Бу тизимни такомиллаштириш, асосан, қуйидаги йўналишларда олиб борилмоқда:

- дидактик бирликларни йириклиштириш;
- ўқитиш натижаларни олдиндан белгилаш, режалаштириш;
- таълим жараёнини психологиялаштириш;
- компьютерлаштириш.

Бугунги кунга келиб, шубҳасиз, бу йўналишлар бўйича маълум ютуқларга эришилди. Агар бу йўналишлар аниқ, таълим-тарбия мақсадини ечишга қаратилган ҳолда яхлитлаштирилса ёки интеграл ҳолатга келтирилса, бу амал натижасида кучли технология вужудга келади. Бу технология интеграл технология деб аталади ва юононча сўз бўлиб, "бир бутунлик", "узлуксизлик" маъноларини англатади. Интеграл технологиялар учун янги машғулот шакли-семинар-практикум яратилади. Унинг мазмуни: машғулотни ўтказиш учун талабалар кичик гуруҳдарга бирлашади ва ҳар бир гуруҳ, чегараланган вақт давомида бажара оладиган топшириқ, олади. Ана шу топшириқни олгандан бажаришга киришадилар ва бунда таълим-тарбия жараёни обектини тўғри танлаш жиддий аҳамият касб этади. Объект обдон тадқиқ, қилингач, натижалари бўйича кичик гуруҳлар "хисоб" берадилар, яъни машғулот "публик ҳимоя" кўринишида ташкил этилади. қарабисизки, талабалар ўз-ўзини ўқитиш, баҳс, мунозара, мавқенини мустаҳкамлаш орқали ўқув мавзуларини чуқур ўрганадилар ва шу тарзда якуний натижа таъминланади.

### **Саволлар:**

1. Педагогик технология нима?
2. Педагогик технология анъанавий дидактика методларидан нима билан фарқ қиласи?
3. Педагогик технология тарихий тараққиёти ҳақида нима биласиз?
4. Ривожланган мамлакатлар илғор педагогик технологиялар ҳақида нималарни биласиз?
5. "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" асосида педагогик технология жорий этилиши тадбирлари.

## **3-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ҚОНУНИЯТЛАР, ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН ВА УНИНГ ТИЗИМИ - ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ АСОСИ**

1. Педагогик жараён, педагогик тизимнинг моҳияти
2. Педагогик жараённинг бир бутунлиги ва унинг ўзига хос қонуниятлари
3. Педагогик технология принциплари
4. Педагогик тизимнинг таркибий қисмлари ва улар ўртасида боғлиқлик.
5. Педагогик жараён моделини яратиш - педагогик технологиясининг мақсади.

### **Асосий тушунчалар:**

Педагогик жараён. Педагогик тизим. Қонуният. Педагогик қонуният. Педагогик технология принциплари. Таълимий фаолият. Тарбиявий фаолият. Таълим мақсади. Таълим мазмуни. Тарбия мақсади. Тарбия мазмуни. Анъанавий таълим тизими. Ўзликни англаш. Оптимал мазмун. Оптимал восита. Таксономия. Диагностика. Модел. Таълим-тарбия жараёнини моделлаштириш.

Педагогик технология педагогик жараён ва унинг тизимига асосланади. Педагогик технология таълим-тарбияга илмий ёндашар экан, албатта, педагогик қонуниятлар унинг тамал тоши, методологияси бўлиб, хизмат қиласи. Маълумки, педагогик қонуниятларга асосланмагани учун мактаблар, бутун таълим-тарбия тизими инқироз ҳолатга бориб қолди. Шунингдек, педагогик технология, уни жорий этиш масаласи ҳам кун тартибида йўқ эди.

Педагогик жараён қонуниятлари (Б.Ахмедов, Ю.К.Бабанский), педагогик технология (М.В.Кларин, В.П.Беспалко), таълим-тарбияга бир бутунликда ва тизимли ёндашиш ғояси бир вақтда ўтган асрнинг 80-йиллар охирида бизга кириб келади. Педагогик жараён қонуниятлари, педагогик тизим ва педагогик технология бир-бирини тўлдиради.

Педагогик технология педагогик жараён қонуниятлари ва педагогик тизимга асосланса, педагогик қонуниятлар ва таълим-тарбия тизими, педагогик технологияда намоён бўлади.

Ҳар қандай жараён натижага эришиш мақсадида изчил фаолият тизимиdir. Таълим-тарбия мақсадида ташкил этилган объект ва субъект ўзаро ҳамкорлик тизимида педагогик жараён дейилади. Шунинг учун ҳар бир педагогик жараён ўзига хос қонуниятлар, мақсад, унга эришиш воситаси ва натижа мезонига эга. Педагогик технологияни "Янги", "Илғор" урғулар билан мавсумий масалага айлантириш унинг имкониятларидан тўғри фойдаланишидан чалғитади. Педагогик жараён ҳақидаги ҳар қандай янгилик, ташаббус, жумладан, педагогика ҳам унинг мавжуд қонуниятларига асосланиши мақсадга мувофиқдир.

Қонунийт барқарор, такрорланиб турувчи маълум жараён воқеа, ходисаларнинг ички алоқадорлигидир. Масалан, педагогик жараённинг бир бутунлиги, унинг мақсади, вазифалари, мазмуни, шакли ва методи жамиятнинг ижтимоий-иктисодий талаби, мафкурасига мослиги;

- тарбия, таълим, маълумот ва ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги;
- тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаш, ўқитиш ва ўрганишнинг етакчилиги;
- таълим-тарбияда икки томонлама фаолият ва педагогик фаолиятнинг етакчилиги;
- педагогик жараёнда тарбияланувчининг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш;
- педагогик жараёнда жамоа ва шахснинг ўзаро алоқаси;
- педагогик жараёнда вазифалар, мазмун, шакл ва методларнинг ўзаро боғлиқлиги каби қонуниятлари шулар жумласидандир.

Агар педагогик технология педагогик жараённи лойиҳалашдан бошланар экан, аввало, педагогик жараённинг бир бутунлиги қонуниятига амал қилинади. Педагогик технологиянинг аҳамияти, устунлиги ҳам шунда. Бир бутун шахсни камол топтирища бир бутунликда ёндашиш ва педагогик жараён таркибининг ўзаро боғлиқлиги педагогик технологиянинг илмийлигини оширади. Бошқа технологик жараёнда ҳам бирор тизими ёки буғин таркиби ишламаса бутун жараён, ишлаб чиқариш тўхтайди. Педагогик жараённинг бир бутунлиги талаби ҳам педагогик технологиянинг принципи билан уйғундир.

Шунингдек, таълим-тарбия давр талабига, жамиятнинг ривожланиши принципларига, бугунги кунда бозор иқтисоди тамойиллари ва истиқлол мафкурасига мослиги ҳам янги педагогик технологиянинг йўналишини белгилайди. Жамиятнинг буюртмаси педагогик технология ва педагогик тизимнинг таркибий қисмидир.

Педагогик технологиянинг долзарблиги, кенг оммалашгани ҳам унинг кафолатли натижа, модел, методика эканлигидадир. Натижани аниқлашда педагогик жараённи таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларнинг ўзаро боғлиқлиги қонуниятига асосланилади.

Маълумки, педагогик жараённинг бу ўзига хос хусусияти таълимтарбия ва ривожланишнинг бир-бирини тўлдириши, шахсни ҳар томонлама камол топтириши билан характерланади. Демак, педагогик технологияда таълим, тарбиянинг мақсадини, вазифасини белгилашда ана шу қонуниятга амал қилиниши табиий. Педагогик технологиянинг анъанавий таълим-тарбия методикасидан фарқи, устунлиги ҳам ўқувчи фаоллиги принципига асосланishiда. Яъни, бу борада тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаш, ўқитиш ва ўрганишнинг бирлиги қонунияти билан ҳамоҳангдир. Жаҳон педагогик тажрибасида тарбияланувчининг фаолияти устуворлиги, тарбиянинг уни ташкил қила билиш маҳорати зарурлиги илмий асосланган. Таълим-тарбиянинг икки томонлама хусусияти педагогик тизим ва педагогик технологияда барча тадқиқотчилар томонидан тан олингани эътиборга молиқдир. Педагогик жараённинг, шунингдек, педагогик технологиянинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳам ана шунда. Тарбияланувчи, таълим олувчиларнинг ёш ва шахсий хусусиятлари, имкониятларини ҳисобга олиш қонунияти ҳам педагогик технологиянинг асосий йўриқномаси бўлади.

Педагогик тизимни лойиҳалашда, таълим-тарбия мақсади, мазмuni, методлари, тарбия обьекти ва субъекти фаолиятини белгилашда ўзига хослик ва мослик қоидасига амал қилиниши лозимдир.

Жамоа шаклида ўқитиш, жамоа орқали тарбиялаш мавжуд экан педагогик технологияда, таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашда жамоа ва шахснинг ўзаро ҳамкорлигига асосланилади.

Педагогик жараённинг бир қонунияти мақсад, вазифа, мазмун, шакл ва усулларининг уйғунлиги педагогик технология учун методологик асос бўлиб хизмат қиласи. Педагогик жараённи лойиҳалашда, натижани таҳлил қилиб истиқбол йўлларини белгилашда таълим-тарбия тизимининг ана шу таркибий қисмлари ўзаро боғлиқлиги ҳисобга олинади. Таълим-тарбия мақсади, вазифалари, мазмуни, метод ва воситалари ҳар қайси алоҳида таркибий қисм сифатида қаралмаса ҳам давлат буюртмаси ва педагогик (дидактик) восита сифатида асосий ўрин тутади.

Хуроса шундан иборатки, янги педагогик технологияни, педагогик технология назариясини ёки айнан бир машғулот(дарс)нинг педагогик технологиясини яратишда педагогик жараённинг умумий қонуниятларига асосланishi зарур. Акс ҳолда субъектив тажриба технология бўла олмайди.

Ана шу педагогик жараён қонуниятлари ва педагогик технология моҳиятидан келиб чиқадиган ўзига хос принциплар мавжуд.

Принцип-лотинча "бошланиш" деган маънени англатади. Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқадиган, унинг методикасига қўйиладиган талаблар, принциплар мавжуд. Айrim тадқиқотчилар, "педагогик технологиянинг тамойиллари: кафолатланган якуний натижа, таълимнинг маҳсулдорлиги, тескари алоқанинг мавжудлиги, таълим мақсадининг аниқ шаклланганлиги" кабилар деб талқин қилишди.

Бу таҳлил педагогик технология хусусиятларини етакчи талабларини ўзида тўла мужассамлантиримайди. Бизнингча, педагогик технологиянинг принциплари: педагогик жараённи лойиҳалашда педагогик тизимнинг оптималлиги, мақбуллиги;

-таълим-тарбия натижасининг кафолатлиги;

- педагогик жараённинг бир бутунлиги ва таркибий кисмларнинг ўзаро боғлиқлиги;

- педагогик диагностика ва педагогик технологиянинг ўзаро боғлиқлиги;

- ўқитувчи ва ўқувчи фаолигининг уйғунлиги, тарбияланувчи фаолиятини ташкил қилиш;

- инсон ва техника ресурслари, оптимал воситаларни, таълим-тарбияда техника воситаларини кенг қўллаш;

- педагогик жараённи моделлаштириш кабилар.

Педагогик тизим педагогик технологиянинг асосидир. Педагогик тизим шахсни маълум сифатлар асосида шакллантириш воситаси, методлар ва жараёнлари кўламидир. В.П.Беспалко педагогик тизимнинг ўзига хос хусусияти, педагогик тизим педагогик технологиянинг асоси эканлигини илмий ва амалий асослайди. Унинг ғояси бўйича 1- ўқувчилар, 2- тарбия мақсади, 3- тарбия мазмуни, 4- тарбия жараёни, 5- ўқитувчи (ёки техника воситалари), 6- тарбия жараёнининг ташкили.

### **Жамият ва давлат буюртмаси**

1. Ўқувчилар
2. Таълим-тарбиянинг мақсади
3. Таълим-тарбиянинг мазмуни
4. Таълим-тарбия жараёни
5. Ўқитувчилар ёки мураббий
6. Ташкилий шакл

### **Педагогик технология тизими**

Педагогик тизим кенг маънода бутун таълим-тарбия тизимини ифодалайди. Масалан, "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"ни амалга ошириш педагогик тизими (жумладан, халқ таълими тизими) дэса бўлади. Аслида, бу шаклда таркибда педагогик жараён, педагогик технологияни ифодалайди. Таълим-тарбия жараёнига бир бутунликда ёндошиш, барча бутунларнинг бир хил, ўзаро боғлиқлиқда ишлаши педагогик технологиянинг талабидир. Маълумки, техникада бирор бутун, детал ишланмага фаолият, ҳаракат бўлмайди. Педагогик технологиянинг анъанавий таълим-тарбия методикасидан устунлиги ҳам шунда. Агар анъанавий таълим-тарбия методикасида таълим-тарбия мақсади, мазмуни, йўл ва усуллари воситалари алоҳида қаралса, у ёки бу жиҳатидан такомиллаштириш таҳлил қилинса педагогик технологияда бир бутун ва ўзаро боғлиқлиқда ўрганилади.

Биз буни Б.Л.Ферберман ва Бошқаларнинг ("Илғор педагогик технологиялар" Т, 1999 йил) қиёсий таҳлил жадвалида кўрамиз.

<b>Анъанавий кўргазмали тушунтириш</b>	<b>Педагогик технология асосида тушунтириш</b>
<p>1. Ўқитувчи томонидан ўқувчиларга билим бериш.</p> <p>2. Умумий ўқув мақсади.</p> <p>3. Тайёр билимларни баён қилиш.</p> <p>4. Суҳбат, ҳикоя қилиш устуворлиги.</p> <p>5. Тасвирлаш, бир хиллик.</p> <p>6. Ахборотларни эркин ёдда сақлаш.</p> <p>7. Ахборотларни ёдда сақлаш, мустаҳкамлашга доимий эътибор.</p> <p>8. Ягона ўзаро боғлиқ тизим, фанлараро боғлиқлик етишмаслиги, айrim фан ва масалалар алоҳида ўрганилиши.</p> <p>9. Таълимни таълим учунлиги уни ҳаётга меҳнатга қаратилмаганлиги.</p>	<p>1. Тизимли ёндошиш асосида таълим жараёнини лойихалаш.</p> <p>2. Педагогик диагностика ва таълим стандарти асосида аниқ мақсадни белгилаш.</p> <p>3. Билим олишга йўналтириш.</p> <p>4. Ўқувчиларнинг таъсири ва ҳамкорлиги.</p> <p>5. Билимларни шаклланиш даражасини баҳолаш.</p> <p>6. Билим ва малакаларни тўла ўзлаштириш.</p> <p>7. Белгиланган натижанинг кафолатлилиги.</p> <p>8. Таълимнинг амалий самарадорлиги.</p>

Педагогик технологиянинг аҳамияти тарбия жараёнида янада аниқроқ намоён бўлади. Педагогик технологиянинг асосий принципи бир бутун ва тизими ёндошар экан, бу тарбия жараёнидаги мавхумлик кемтигини тўлдиришга шароит яратади, Буни қуидаги қиёсий таҳлилда кўриш мумкин.

<b>Анъанавий тизимда тарбия жараёнининг ташкил этилиши</b>	<b>Педагогик технология асосида тарбия жараёнининг ташкил этилиши</b>
<p>1. Тайёр ғояларни тарғиб қилиш, ахлоқий насиҳатлар устуворлиги.</p> <p>2. Тарбия мақсадининг умумийлиги.</p> <p>3. Тарбияда тушунтириш, ҳикоя қилиш, намуна ва жиҳозлаш методларининг устуворлиги.</p> <p>4. Тарбия мазмунининг умумийлиги.</p> <p>5. Тарбия жараёнининг мавхумлиги.</p> <p>6. Таълим, тарбиявий соатлар, насиҳатлар, тарбия воситаси</p> <p>7. Тарбия натижасининг аниқлиги.</p>	<p>1. Тарбия обьектини ўзига хос хусусияти асосида тарбия жараёнини лойихалаш.</p> <p>2. Истиқболли ва оптимал жорий мақсад қўйилиши .</p> <p>3. Тарбиячининг ўзлигини англаши, ўз-ўзини тарбиялаш мустақил фикрлаш.</p> <p>4. Тарбия мазмунида истиқлол мағкураси, ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантиришни мужассамлаштиргани.</p> <p>5. Тарбия жараёнига тизимли ёндошиш, моделлаштириш.</p> <p>6. Барча тарбия институтларининг, оила, маҳалла, ёшлар ташкилотлари замонавий компьютер техникаси, адабиёт ва санъатнинг тарбияда кенг қўлланиши.</p> <p>7. Тарбия натижасининг кафолатлилиги, амалий фаолиятда намоён бўлиши</p>

Педагогик технология фақат таълим жараёнида эмас, балки тарбия жараёнида маънавий ва маърифий ишларда қўлланиши самарадорлик омилидир. Педагогик технология таксономияга асосланади. Таксономия-юононча тизимли жойланиш, тузилиш, тартиб-қомус-қонун деган маънони англатади, яъни, мураккаб тузилмаларни тизимлаштириш, таснифлаш назариясидир. Таксономия узоқ вақт тизим, тизимшуносликнинг (систематика) синоними сифатида қўлланилган бўлса, XX асрнинг 60-70-йилларида таксономия систематика (тизимшунослик), унинг таркибий қисми сифатида қўлланила бошлади. Таълим-тарбия жараёни ҳам серкирра, мураккаб жараён бўлиб, унга тизимлик таълимоти асосида ёндашиш аниқ мақсадга эришиш, кафолатли мақсадни таъминлайди. Тизимли (системали) ёндашиш, таълим-тарбия жараёни лойиҳалаш, моделлаштириш имкониятини беради. Албатта, лойиҳалашда педагогик диагностикадан бошқа йўл йўқ. Медицина ҳам инсоншунослик бўлиб, унда тўғри диагноз 90 % даво деган принцип мавжуд. Медицинада одамни жисмонан шакллантириш, тананинг тўғри фаолиятини таъминлаш мақсадида бўлса, нотўғри диагноз касални баттар қиласди, ўлдиради. Педагогик жараёнда, анъанавий таълим-тарбия тизимида, афсуски, диагностика кенг жорий қилинмаган. Педагогнинг идроки, тажрибага асосан таълим - тарбия амалга оширилиб келинмоқда.

Педагогик технологияда тизимли ёндашиш, унинг таркибидаги ўқувчи фаолияти, таълим-тарбиянинг мақсади, мазмуни, охирги натижа дарражаси педагогик диагностика заруратини оширади. Тўғри, ўтган асрнинг 70-80-йилларида таълим-тарбия жараёнини оптималлаштириш масаласида педагогик диагностика муаммоси кўтарилиган эди. Бугунги педагогик диагностика, педагогик тестларни кенг қўлланиши билан мукаммаллиги билан характерланади.

Зеро, педагогик технологияда кимни ўқитиш, нима учун ўқитиш мақсади устувордир. Шу нуқтаи назардан педагогик диагностикада боланинг қобилияти, лаёқати, йўналганлигини аниқлаш ва унинг фаоллигини ошириш тавсияси яратиш масалалари ҳал этилади. Шунингдек, педагогик технологиянинг асосий принципларидан бири ҳам таълим-тарбияда объектив ва субъектив омилларнинг уйғунлигидир.

Анъанавий методикадан педагогик технология устунлиги таълим-тарбиянинг икки томонлик хусусиятига амал қилиниши, ўқувчи фаоллигини ташкил этишда ўқувчи, тарбияланувчининг мотиви, интилиши, ўзлигини англаб ўз -ўзини бошқариш, тарбиялаш учун изчил фаоллиги самарадорлик гаровидир. Таълим-тарбия жараёнида тизимли ёндашиш, педагогик технологиянинг моделини яратиш имкониятини беради. Педагогик жараённи моделлаштириш (модел-ўлчов, намуна маъносини англатади) у ёки бу жараённи тизимли ва бир бутунликда ўрганиш категориясидир.

Педагогик жараёнда айрим дарс, тарбиявий тадбирларни моделлаштириш, лойиҳалаш жараёни тажрибаси мавжуд. Аммо, бутун педагогик жараённи моделлаштириш, ҳар бир воситани ўз ўрнида қўллаш

кенг жорий этилмаган. Педагогик технология ана шу бўшлиқни ҳал этишда, компьютер техникасини қўллаш зарурлигини кўрсатади.

Жумладан, тарбия жараёнини, маънавият-маърифат ишларини моделлаштириш илмий-амалий аҳамиятга эга бўлади. Ҳанузгача маънавият - маърифат, тарбия ишлари ахлоқий насиҳатга асослангани, унинг юриқномаси, дастури истиқболли ва жорий режаномалардан иборат эканлиги унда кутилган натижа бермайди. Президентимиз бошчилигига мамлакатимизда маънавият-маърифатга катта эътибор берилаётгани, катта маблағ ажратилгани, маънавиятчилар армияси кун сайин кўпайтирилаётганига қарамай кутилган натижа бермаётгани унинг илмий асоси, педагогик технологияси яратилмаганлигидадир. Маънавий тарбия режаномасидан тарбия жараёнининг модели тубдан фарқ қиласди. Тарбия жараёнида тарбияланувчи мақсад, мазмун, методика, восита ва тарбиячи ўзаро боғлиқликдаги модели мавжуд. Масалан, тарбиянинг мақсади истиқлол мағкурасидан келиб чиқадиган вазифалар асосида ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантиришдир. Комил инсоннинг сифатлари ақлий ва ахлоқий баркамоллиги, эстетик диidi, меҳнат қўнимаси, қасбга муҳаббат, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий маданияти каби фазилатлар уйғунлигидир. Тарбиявий ишлар режаномасидан фарқи ҳам педагогик технология тизимлилиги, аниқ кафолатлар мақсаддага асосланган моделлигига. Шунинг учун тарбия жараёнининг педагогик технологиясини яратиш долзарб масаладир.

Хулоса шундан иборатки, педагогик технология таълим-тарбия жараёни қонуниятларига амал қиласиган, ўзига хос принципларга эга.

### **Саволлар:**

1. Педагогик жараён нима?
2. Педагогик жараён қонуниятлари қайсилар?
3. Педагогик тизим нима?
4. Педагогик тизимнинг таркибий қисмлари қайсилар?
5. Педагогик технологиянинг ўзига хос принциплари нимада?
6. Педагогик жараён модели нима?
7. Педагогик технология ва педагогик жараён моделининг ўзаро боғлиқлиги нимада?
8. Тарбия жараёнининг, педагогик технологиясининг ўзига хослиги нимада?


## **4-МАВЗУ: ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ**

1. Таълим-тарбия мақсади комил инсонни шакллантириш эканлиги.
2. Таълим жараёнида истиқболли ва жорий мақсад қўйиш усуллари.
3. Белгиланган мақсаддага эришишга асосан янги мақсадлар қўйиш.
4. Мақсаддага тўла эришишни мувофиқлаштириш.

### **Асосий тушунчалар:**

Таълим мақсади. Тарбия мақсади. Комил инсон, Ҳар томонлама ривожланган шахс. "Авесто". Ўқув стандартлари. Таксономия. Бихевиоризм. Диққат. Иқтидорли. Эталон. Мувофиқлаштириш. Синф. "Бригада-индивидуал метод". Ўрганиш. Ўзлаштириш, баҳолаш. Баҳо мезони.

Педагогик технология кафолатли таълимий-тарбиявий мақсаддага эришиш билан аҳамиятли ва долзарбdir. Шунинг учун мақсаднинг аниқлиги, унга мос мазмун, мақсаддага босқичма-босқич эришишда тарбияланувчининг ва тарбиячи фаолиятининг уйғуналиги педагогик технологиянинг талабидир. Анъанавий таълим-тарбия тизимида ҳам мақсад педагогнинг асосий муаммоси бўлиб келган. Чунки, қурувчи олдиндан нимани кураётганини билганидек, тарбиячи ҳам кимни тарбияламоқчи, нимани шакллантирмокчи эканини билиши шарт. Таълим-тарбиянинг мақсади-киши шахсининг модели сифатида қоида мавжуд. Аммо, педагогик технологияда мақсад ва унга эришиш кафолати бутун педагогик жараён, технологик жараённинг мезони, калитидир. Аввало, жамият ва давлат буюртмасидан келиб чиқадиган таълим - тарбиянинг умумий мақсадига асосланилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишдек ташкилий тадбирларда қуйидаги бевосита таълим - тарбия вазифаларини қўяди.



Шунингдек, таълим мазмуни асосида мақсад қўйиш; педагог фаолияти асосида; ўқувчиларнинг қобилияти; ҳиссий таъсирланиши асосида; ички жараён асосида; ўқувчининг ўрганиш фаолияти асосида мақсад қўйиш технологиясини тавсия этади.

## **Масалан, қуидаги чизмада мақсад таксономияси ифодаланади**

<b>Үқитиши мақсадининг түшунчалари</b>	<b>Үқув фаолияти</b>
<p>1. Ўрганадиган мавзу бўйича назарий масалаларни, фактларни ўзлаштириш.</p> <p>2. Амалда қўллаш.</p> <p>3. Анализ, таркибларига бўлиб таҳлил қилиш.</p> <p>4. Синтез. Бир бутунликда таҳлил қилиш.</p> <p>5. Баҳолаш. У ёки бу масаланинг аҳамияти аниқланади. Мезон белгиланади.</p>	<p>Ҳар бир түшунчанинг моҳиятини Ўрганади, фактларни билади. Коида ва принципларни ўзлаштиради.</p> <p>Ҳар бир қонун, коида назарий масалаларни амалда қўллайди.</p> <p>Хато ва камчиликларни аниқлади, мулоҳаза, фактларни тўғрилигини таҳлил қиласди. Қисқа ёзма иш тайёрлайди, иншо ёзади, эксперимент ўтказади, ҳар хил вариантда қўллайди. Масалани мантиқий изчилликда ёритади, ёзма иш ёзади, хулоса чиқаради.</p>

Ана шу асосда ҳар бир фаннинг ёш авлодни ҳаётга, яшашга тайёрлашдаги вазифасидан келиб чиқадиган аниқ таълимий мақсад ва вазифалари мавжуд. Ўқитувчи ўз олдига ана шу умумий мақсадни амалга ошириш учун ўз олдига жорий мақсад қўяди. Таълим мақсадини белгилашда ўқув стандартларини ишлаб чиқилиши хайрли иш бўлди. Таълим мақсадини белгилаш технологияси ҳақида М.В.Кларин концепцияси мукаммалроқдир.

"Мазкур дастурнинг мақсади - таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мағкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла ҳалос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир", деб кўрсатилади.

"Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш қуидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутади:

...кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўрсатиш;

... таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқариш ва жорий этиш кабилар.

Бунда М.В.Кларин таълим жараёнининг таксономияси асосида мақсадни аниқлаш варианtlарини тавсия этади. Маълумки, педагогик технологиянинг яна бир асоси бихевиоризм (инглизча ҳулқ) таълимотидир. 50-60-йилларда Америка психологлари томонидан кенг қўлланилган бихевиоризм педагогик технологияда кенг қўлланилди. Назоратдаги фаолият, фаолиятни назорат қилиш, ҳаракат билан фаолиятни

тенглаштириш (идентификацияси), назоратдаги фаолият бихевиористик таҳлил ўқув мақсадини янада аникроқ белгилайди. М.В.Кларин таълим жараёнида эталон мақсадни аниқлашда бихевиоризмга асосланиши мумкинлигини таъкидлайди. Эришиладиган мақсадда феъл тушунчалари мантиқини аҳамиятига эътибор бериш ҳам педагогик технологиянинг талабидир. Масалан, ўрганиш, ўзлаштириш, аниқлашдан билиш, тушунишдан - қўллаш маънолари фарқ қиласди. Шундан келиб чиқиб қуида келтирилган шакл тавсия этилади:

### **Ўқитиши жараёнида таъсир этиши мақсади**

<b>Ўқитиши мақсади тушунчалари</b>	<b>Ўқувчи</b>
<ol style="list-style-type: none"> <li>Тасаввур. Ўқувчини билим, ахборотларни қабул қилиш, қобилияти, унга тайёрлиги, уни англаши, хоҳиши, Диққати.</li> <li>Жавоб. Ўқувчи ташаббуси, ихтиёрий ўқувчиси сифатида аксадо, жавоб қизиқиш.</li> <li>Мухим масалаларни ўзлаштириш. Ўрганилаётган масалаларда энг мухим масалаларни аниқлаш, унга эътиқод.</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>Ўқитишининг муҳимлигини англайди. Машғулотни дикқат билан мулоҳаза қиласди.</li> <li>Уйга вазифани бажаради, мактаб ички қоидаларига амал қиласди. Муомалаларнинг муҳокамасида қатнашади.</li> <li>Мухим масалаларни ўрганишга интилиш, эътиқод, изчиллик, қунт</li> </ol>

Мақсадга босқичма-босқич эришилганига қараб у мувофиқлаштирилади, мақсадга тўла эришиш учун ўзига хос технологик йўл қўлланади, янги-янги ўқув мақсадлари қўйилади.

Демак, педагогик технологиянинг одатдаги дидактик мақсаддан фарқи диагностика асосида мақсад қўйилишидир. Синф групҳ ёки алоҳида ўқувчига қўйилган диагноз қанчалик тўғри бўлса, қўйилган мақсад шунчалик тўла ва осон бажарилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, педагогик технологияда мақсадга тўла эришиш принципи етакчилик қиласди. Шунинг учун М.В.Кларин "мақсадга эришиш технология"сини алоҳида таҳлил қиласди. Уни учга бўлиб ўрганади: эталон мақсадга асосан "мезоний баҳолаш", "таълимий жараён" ва "мақсадга тўла эришиш".

Мақсадга тўла эришиш учун натижани босқичма-босқич баҳолаш зарур бўлади. Бугунги кунда тест назоратининг жорий этилиши, бу дидактик вазифани амалга оширишга қўл келади. Маълумки, тестда таълим мақсади, эришиладиган мезон ўз аксини топади. Шунинг учун ҳар бир босқичда тест орқали натижани аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун таълим мақсадини тестга тушириш мухим масаладир.



Ўқитишида такрорловчи босқич технологик жараёнда алоҳида ўрин тутади. Такрорлашда: таълимнинг умумий мақсади; умумийдан маълум аниқ мақсад белгиланиши ва ҳар бир босқичда ўқувчининг ўзлаштириш даражасини аниқлаш; шунга асосан таълим жараёни мувофиқлаштирилади, бошқарилади.

Масалан:



## **Таълим жараёнида тақрорлаш технологияси**

Масалан, дарснинг тузилиши технологик жиҳатидан таҳлил қилинадиган бўлса;

- а) Ўқувчилар диққатини ташкил этиш;
- б) Дидақтик мақсад ҳақида ахборот бериш;
- в) Зарурий билим - малакаларни рағбатлантириш;
- г) Маълум таъсир этадиган ўқув материалини кўрсатиш;
- д) Ўқувчилар жавобини акс-садосини (реаксияси) рағбатлантириш;
- е) Ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;
- ж) Олинган мустаҳкам билим, малакани рағбатлантириш;
- з) Ўқувчилар фаолиятини баҳолаш кабилар.

Ўқувчиларнинг ўзлаштириши даражаси қанчалик тезлиги ва мукаммалиги билан белгиланади. Уларнинг ўзлаштириши бўйича қобилияти уч гурӯҳга бўлинади:

1. Иқтидорли, улар тез ўзлаштириш мумкин - 30 %
2. Оддий, ўртача ўқувчилар - 50 %
3. Қобилияти паст ўқувчилар - 20 %

Мақсад қўйишда барча ўқувчиларни ўзлаштириши ҳисобга олинади. Тўла ўзлаштириши мақсади, уни амалга ошириш методикаси қўйидагича бўлиши мумкин.

1. Кириш қисм - ўқувчиларни тўла ўзлаштиришга йўналтириш;
2. Ҳар бир ўқувчини тўла ўзлаштиришга эришиш;
3. Ҳар бир ўқувчини тўла ўзлаштириш даражасини баҳолаш;
4. Ҳар бир ўқувчи баҳосини ташкил қилиш.

Кейин ўқитувчи ҳар бир ўқувчини тўла ўзлаштириш имконияти билан таништиради.

1. Синф тўла ўзлаштириш учун янги методика билан ўқитади.
2. Ҳар бир ўқувчи охирида, фанни ўзлаштириб бўлганда баҳоланади.
3. Ўқувчилар қиёсий баҳоланмайди, балки ўқув матни эталони, мезони билан баҳоланади.

4. "Эталон даражасига" эришган ўқувчи "аъло" баҳо олади.
5. "Аъло" баҳолар чекланмайди.
6. Ҳар бир ўқувчига истаганча ёрдам кўрсатади.
7. Ҳар бир ўқувчи фанни ўзлаштириш жараёнида диагностик қўзатилади.
8. Агар ўқувчи маълум топшириқдан қийналса бошқа йўл қўлланилади.

Шуниси характерлики, педагогик технологиянинг принципи кафолатли тўла ўзлаштириш экан, унда ўқув материалини босқичмабосқич ўзлаштириш, изчиллик методикаси асос бўлади. Аслида, Шарқ, аниқроғи, Ўзбекистон мактабларида ўрта асрлардан бошланган методикадир. Тарихдан маълумки, фанни ўзлаштириш изчиллик ва узлуксизлик принципига асосланилган. Яъни, ҳар бир фан ўрганиб бўлингандан кейин мусобақа методи орқали билимлар текширилган ва тўла ўзлаштиргандан, ундан кейинги фанга (ёки босқичга) ўтилган. Бир синф (гурӯҳ) даги талаба ўзлаштириш даражасига қараб ҳар хил таълим мазмунида таҳсил олган. Педагогик технология тизимида АҚШ

тажрибасида индивидуал-бригада" индивидуал таълим XX асрнинг 60-йилларида кенг қўлланилади.

Ҳар бир ўқувчининг қобилиятига ўзлаштириш даражасига қараб таълим мақсад ва методикаси белгиланади. Масалан, бу тизимни қўйидагича амалга ошириш мумкин.

1. Ҳар бир ўқувчи мазкур фан бўйича билим даражаси тест орқали текширилади.

2. Сўнгра маълум бўлим бўйича текширилади, қандай билимга эга эканлиги аниқланади.

3. Натижага асосан ҳар бир ўқувчи учун мазмун белгиланади.

4. Ўқувчи - бўлимларга бўлиб топшириқ олади.

5. Қўйилган мақсад амалга оширилгандан кейин якуний тест топширади ва фан бўйича баҳоланади.

6. Агар мақсадга эришилмаган ёки маълум кисм ўрганилмаган бўлса, такрорланишига қайтилади.

Тўла ва якка (бригада - индивидуал) таълим 80-йилларда АҚШ да жорий этила бошлаган. Бунда якка ўқувчилар ва кичик гуруҳлар билан ишлаш тизими яратилган. Яъни, ўқувчилар 4-5 кишилик гуруҳларга бўлинади, унда иқтидорлilar ва қолоқлар, қизлар ва бошқа этник вакиллар бир хил бўлиши мақсадга мувофиқ. Ҳар бир гурух, берилган топшириқни тез бажаришига эътибор берилади. Гуруҳдаги ўқувчилар бир-бирини текширади, ёрдам беради. Ҳафтанинг охирида якун ясалади, баҳоланади. Ўзаро ёрдам ва бир киши ҳамма учун принципига амал қиласди. Бу методда ўзлаштириш даражаси ошиши билан бирга ўқувчиларни ўз-ўзини баҳолаш малакаси ҳам ривожланади, ўқитувчи ўртасида дўстлик, ўртоқлик даражаси ҳам ошади.

Якуний натижаларга эришишимиз учун биз ўз олдимизга қўйган ўқув мақсадларни тўғри белгилашимиз ва талабаларда қандай янги билим ва кўнилмаларни шакллантиришимиз кераклигини кўз олдимизга келтиришимиз керак. Бугунги кунда ўқув мақсадларини белгилашнинг кўплаб таксономиялари мавжуд. Лекин, дунё бўйича энг кенг тарқалган ва кўпчилик олимлар томонидан тан олинган таксономия Бенджамин Блумнинг ўқув мақсадлари таксономиясидир.

Таксономия сўзи шажара деган маънони билдиради. Таксономияда тушунчалар одатда соддадан мураккабга қараб жойлаштирилади.

Б. Блум таксономиясидан ҳам худди шундай. Бу таксономия олтига категориядан иборат. Булар билиш, тушуниш, анализ, синтез ва баҳолаш категорияларидир.

Таксономия категориялари	Изоҳ ва тахминий қалитли саволлар	Мақсадга эришилганлик кўрсаткичлари
БИЛИШ	Ҳар қандай материални эслаб қолиш даражасини белгилайди. <u>Калитли саволлар:</u> Нечанчи йилда...? ... санаб беринг?	Талаба терминлар, далиллар, тушунчалар, ҳодиса ва жараёнларни билади ва уларни эсга туширади

	...тушунчасини нимани аңглатади?	
ТУШУНИШ	<p>Ўқув материалини ўзлаштириш даражасини белгилайди.</p> <p><u>Калитли саволлар:</u></p> <p>Гапни давом эттиринг...? ... санаб беринг? Нима учун...? Ўз сўзингиз билан тушунтириб беринг. Чизмани (схемани) тушунтириб беринг.</p>	Далил ва қоидаларни тушунади, ўқув материалини ўз сўзлари билан гапириб беради. Чизма, график ва схемаларни тушунтириб беради.
ҚЎЛЛАШ	<p>Қоида, назария ва методлардан таниш ва янги шароитларда фойдалана олади.</p> <p><u>Калитли саволлар:</u></p> <p>Бу ... қўллашдан мақсад қандай? Масалани бошқа усуллар ёрдамида ҳал қилинг Бу ходиса (жараённи) қандай қоида (назария) билан тушунтириш мумкин?</p>	Талаба ўз билимларидан нафақат стандарт вазиятларда, балки янги шароитларда ҳам тўғри фойдаланади
АНАЛИЗ	<p>Ўқув материали структурасининг элементларини ажратса олади ва улар ўртасидаги мантиқий алоқадорликни билади.</p> <p><u>Калитли саволлар:</u></p> <p>... структураси қандай? ... классификация қилинг. ... нима билан фарқ қиласди? ... жараён (ходиса)даги асосий нарсани ажратинг. ... сабабларини аниқланг. ... нимадан бошлиш керак? ... нима билан якунлаш керак?</p>	Бутунни элементларга ажратади ва улар ўртасидаги алоқадорликни билади, фикрлаш мантиқидаги камчиликларни топа олади, далиллар ва натижалар ўртасидаги фарқни ажратса олади, маълумотларнинг муҳимлигини аниқлайди
СИНТЕЗ	<p>Элементларни бирлаштириб янгилик яратиш даражасини белгилайди.</p> <p><u>Калитли саволлар:</u></p> <p>... муаммосининг ечимини топинг. ... сифатига (хусусиятига) қараб ... тушунтириб беринг. ... бўйича иш режасини тузинг.</p>	Талаба ижодий ишлайди, маълум бир экспериментни ўтказиш режасини таклиф қиласди, бир нечта соҳадан олинган билимларидан фойдаланади. Маълумотларни ижодий тарзда қайта ишлаб янгилик яратади
БАҲОЛАШ	Ўқитувчи томонидан берилган (ёки ўзи ишлаб чиқсан)	Талаба маълум бир маълумот (нарса, ходиса,

	<p>мезонлар асосида ўкув материалини қай тарзда ўзлаштирганига баҳо беради.</p> <p><u>Калитли саволлар:</u></p> <p>... ижобий (салбий) томонларини кўрсатинг. ... тўғрисида сиз қандай фикрдасиз? Хулосалар қанчалик тўғри деб ўйлайсиз? ... ҳақидаги фикрлариз ҳақиқатга тўғри келадими?</p>	<p>жараён)ларни баҳолаш мезонларни ажратса олади ва улардан фойдаланади, хулосаларни мавжуд ҳолатга мос келишини аниқлай олади.</p>
--	---	---

Билиш категорияси энг содда категория бўлиб, объект, ходиса, воқеа, жараёнларнинг номини билиш, уларга таъриф бериш билан боғлиқдир.

Масалан, “**Бино ва иншоотларни барпо этишда пардозлаш ишлари**” мавзуси бўйича билиш категориясига қўйидаги мақсадларни ишлаб чиқиш мумкин:

- Талаба бино ва иншоотларни барпо этишда пардозлаш ишлари;
- Талаба бино ва иншоотларини барпо этишда пардозлаш ишлари ҳақида гапириб беради.

Тушуниш категорияси нарса ва ходисаларнинг мазмун-моҳиятини тушуниш, оғзаки нутқни ёзма нутқга ўтказиш, ўрганган билимларини ўз сўзи билан гапириб бериш, мустақил равишда мисоллар келтириш билан боғлиқ.

Мисол тариқасида “Бино ва иншоотларни барпо этишда пардозлаш ишлари” мавзуси бўйича тушуниш категориясига қўйидаги мақсадларни ишлаб чиқиш мумкин:

- Талаба бино ва иншоотларни барпо этишда пардозлаш ишлари технологиясинг босқичлари ҳақида гапириб беради;
- Талаба бино ва иншоотларни барпо этишда пардозлаш ишлари қўйиладиган замонавий талаблар ҳақида фикр юритади.

Кўллаш категорияси олдинги иккита категорияга нисбатан мураккаброқ бўлиб, назарий билимларни амалиётда қўллаш билан боғлиқ.

Бунда қўйидаги мақсадларни ишлаб чиқиш мумкин:

- Талаба клейстер, елимлар ва мастикалардан фойдаланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун албатта маҳсус шароитлар керак бўлади. Яъни, масалан, талабанинг ўзи мустақил равишда гулқоғозларни деворга ёпиширига олади.

Юқорида кўрсатиб ўтган учта турдаги мақсадга эришиш учун биз анъанавий ўқитиш шакл ва усулларидан (маъруза, сухбат, кўргазмали усуллар, машқлар, назорат топшириқларини бажариш) фойдаланишимиз мумкин. Чунки, бу мақсадлар аниқ назарий билим бериш билан боғлиқ.

Б. Блум таксономиядасиги қолган уч категория ўз моҳиятига кўра мураккаб бўлиб, улар талабаларнинг мустақил фикрлашини талаб этади.

Анализ (таҳлил қилиш) категорияси предмет, нарса ва ҳодисаларни таққослаш ва шу асосида қандайдир бир холосага келиши билдиради.

“Бино ва иншоотларни барпо этишда пардозлаш ишлари” мавзуси бўйича анализ категориясига қўйдаги мақсадларни ишлаб чиқиш мумкин:

- Талаба ҳар хил гулқоғозларни ва уларнинг сифатини таққослайди;

Синтез категорияси нарса, ҳодиса, жараёнларнинг умумий жиҳатларини топиш, уларни классификациясини яратиш, муаммоларнинг ечимини топиш билан боғлик.

Масалан:

- Талаба бино ва иншоотларни барпо этишда пардозлаш ишларига оид ҳар хил муаммоларни ҳал қиласди.

Б.Блум таксономиясидаги энг мураккаб категория—баҳолаш категориясидир.


Қачон биз қандайдир бир предмет, ҳодиса, жараён ёки воқеага баҳо беришимиз мумкин? Уни тўлиқ ўрганиб, амалиётда синааб, салбий ва ижобий томонларини таққослаганимизда.

Бу категория бўйича қуйидаги мақсадни келтиришимиз мумкин:



- Талаба бино ва иншоотларни барпо этишда пардозлаш ишларига баҳо беради.


Анализ, синтез ва баҳолаш категориялардаги ўкув мақсадларига эришишимиз учун фақатгина анъанавий усуллардан фойдаланиш етарли эмас. Бунда албатта интерфаол усулларни кўллаш керак бўлади.

“Бино ва иншоотларни барпо этишда пардозлаш ишлари” мавзусини ўқитишда Б.Блум таксономияси асосида ишлаб чиқилган ўкув мақсадларини қуйидаги чизмада яққол қўришимиз мумкин.




- Талаба бино ва иншоотларни барпо этишда пардозлаш ишлари;
- Талаба бино ва иншоотларини барпо этишда пардозлаш ишлари ҳақида гапириб беради.






- Талаба хар хил гулқозларни ва уларнинг сифатини таққослади;



- Талаба бино ва иншоотларни барпо этишда пардозлаш ишларига оид хар хил муаммоларни хал қиласи



Юқоридаги ўқув мақсадлардан фойдаланған ҳолда “Блум ромашкаси” ни ишлаб чиқишимиз мүмкін.

Ромашканинг олтита барги Б.Блум таксономиясининг олтита категориясига тенг бўлганлиги учун, ундаги саволлар ҳам хил бўлади.

1. Оддий саволлар.
2. Аниқлаштирувчи саволлар.
3. Интерпретациян (изоҳ берувчи) саволлар.
4. Ижодий саволлар.
5. Баҳо берувчи саволлар.
6. Амалий саволлар.

**Оддий саволлар** – маълум бир фактларни айтишга, бирон бир маълумотни эсга тушуришга қаратилган саволлар.

**Аниқлаштирувчи саволлар** – одатда “Агар мен тўғри тушунган бўлсан...”, “Сиз айтмоқчисизки...” каби саволлардан бошланади. Бу саволларнинг мақсади – қайтувчан алоқани таъминлашdir.

**Интерпретациян (изоҳ берувчи) саволлар** – одатда “Нима учун?” деган саволдан бошланади.

**Ижодий саволлар** “Сизнинг фикрингизча...” “Агар ... бўлганда...” каби гаплардан бошланади.

**Баҳо берувчи саволлар.** У ёки бу ҳодиса, воқеа ва тушунчаларни баҳолашга қаратилган бўлади. Масалан “Нима учун ... ёмон (яхши)?”

**Амалий саволлар** назарияни амалиёт билан боғлаш учун керак.

**“Бино ва иншоотларни барпо этишда пардозлаш ишлари”** мавзуси бўйича қуйидаги “Блум ромашкаси”ни тузиш мүмкін.



Хулоса қилиб, педагогик жараённинг таркибий қисмларидан бири аниқ бажариши мумкин бўлган, кафолатли натижага эришиш мақсади, технологиясидир дейиш мумкин. Педагогик технология факат таълим мазмунини ифодаловчи мақсад эмас, балки дидактик тизимни ҳам қўзда тутади.

### **Саволлар:**

1. Таълим - тарбия мақсадининг педагогик моҳияти нимада?
2. Таълим - тарбия мақсади нима?
3. Таълим-тарбия мақсади ҳақида Шарқ мугафакирлари қарашларининг ўзига хослиги нимада?
4. Таълим жараёнида истиқболли мақсад қўйиш технологияси нимада?
5. Янги мақсадлар нимага асосан қўйилади?

## **5-МАВЗУ: ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

1. Тарбиянинг ижтимоий аҳамияти
2. Тарбия устуворлиги-ҳаёт талаби
3. Тарбия технологиясининг ўзига хос хусусияти
4. Тарбия жараёни тизими
5. Тарбия иши ва оммавий тарбия
6. Тарбияга комплекс ёндашиш ва тарбия технологияси

### **Асосий тушунчалар:**

Тарбия устуворлиги. Тарбиянинг диалектик хусусияти. Педагогик маҳорат. Тарбия мураккаблиги. Тарбия улуг иш. Тарбияланувчи. Тарбиячи. Тарбия мазмуни. Тарбия методи. Тарбия воситалари. Ижтимоий фанлар. Гуманитар фанлар. Тарбиявий иш. Ижтимоий фаол шахс. Тарбияланувчининг фаоллиги. Мустақил фикрловчи шахс.

Биз юқорида таълим-тарбия жараёнига хос умумий педагогик технология хусусиятлари, принциплари ҳақида тўхтадлик.

В.П.Беспалько, М.В.Кларин, Н.Саидхмедов, О.Розқов, М.Очиловлар асосан таълим жараёнининг педагогик технологияси ва уни такомиллаштириш ҳақида фикр юритадилар. Аммо тарбия жараёнининг педагогик технологияси кам ўрганилган. И.П.Подласий "Педагогика" (Новий курс М. 1999) ўқув қўлланмасида "Тарбия технологияси" мавзусига алоҳида ўрин ажратган.

Таълим жараёнининг технологияси тарбия жараёнига нисбатан ўзига хос хусусиятига эга. Тарбия жараёни ва унинг натижасидаги маълум даражадаги мавҳумлик педагогик технологияни жорий этишини қийинлаштиради. Шунингдек, тарбия ишида расмиятчилик иллати унда педагогик технологияни қўллашга йўл бермайди. Дунё ҳамжамиятида ҳамма мамлакатларда ҳам маънавият, тарбия умумдавлат, умумхалқ аҳамиятига молик масала деб қабул қилинмаган, натижада тарбия жараёни -технологияси ҳам кам ўрганилган.

Тарбия технологиясини ўрганиш бугунги кунда энг долзарб масаладир. Демак, бизнинг халқимизнинг буюқ қадриятларидан бири азал тарихдан маънавиятни, тарбиянинг улуғланиши, уни ижтимоий ҳаётнинг мезони сифатида қабул қилингани. Шунинг учун бугунги кунда жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омили, устувор масалаларидан бири маънавият, тарбия деб қабул қилинган.

Иккинчидан, "Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот- ё ҳалоқат, ё саодат-ё фалоқат масаласидир." - деган Абдулла Авлонийнинг "Буюқ мутафаккирнинг бу Сўзлари асримиз бошида миллатларни (педагог, мураббий, ота-она ва хоказо) тажрибаси ёки маҳорати ҳар хил натижаларга олиб келиши аниқ. Оммабоп тарбия технологиясининг яратилиши миллий тарбия, миллий онг ва умуминсоний фазилатларни шакллантиришда

муҳим омил бўлади. Ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантиришга комплекс ёндашиш тарбия технологиясининг индивидуал маҳоратдан афзаллиги ҳам ана шунда.

Учинчидан, тарбия ишига илмий, малакали ёндашишнинг калити ҳам педагогик технологиядир. В.П.Беспалко "Ҳар қандай фаолият ёки технология ёки санъат бўлиши мумкин. Санъат ички сезги (интуиция) га, технология эса фанга асосланади, ҳаммаси санъатдан бошланади ва технология билан тугайди ва яна қайтадан бошланади" - деган эди.


Тарбиявий ишни айримлар санъатга, тарбиячини артистга ўхшатадилар. Санъат, адабиёт тарбиянинг самарали воситаси, лекин тарбиячи ҳеч қачон артист бўлмайди. Тарбиячи педагогик қонуниятларга, педагогик технология га асослансангина ўз фаолиятида яхши натижага эришади. Тарбия ишидаги билиб - билмай қилинган таваккалчилик, кўп ҳолларда самарасиз бўлаётгани маълум.

**Тарбия** - аниқ мақсадга қаратилган шахсни маънавий ва жисмоний камол топтириш жараёнидир. Алишер Навоий "Тарбия улуғ иш, одоб уругини эккан одамнинг ҳосили жавоҳир бўлади", деган эди. Тарбияга илмий ёндашиш, технологик ёндашиш вақти келди. Технологик ёндашиш-малакавий (профессионал) ёндашишдир. Зоро, тарбиянинг вазифаси, мазмун қўлами кун сайин ошиб бормоқда. Педагогик технологиягина бу жараён моделини яратиши, серқирра жараённи аниқ тизимини ишлаб чиқиши ва самарадорлигини таъминлаши мумкин. Демак, тарбия технологиясининг яратиш ҳаёт тақозаси бўлиб, илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Тарбия технологиясининг анъанавий педагогик маҳоратдан афзаллиги нимада?

Аввало, педагогик маҳорат тажрибалар асосида умумлашган бўлса ҳам, у шахсий (индивидуал) маҳоратга асосланади. И.П.Подъласий бунинг умумий ишлаб чиқариш технологиясини қўйидагича қиёслайди:

Индивидуал маҳорат	Умумий технология
<ol style="list-style-type: none"> <li>Жараён ишчи томонидан бошдан охиригача ўзи томонидан бажарилади.</li> <li>Жараён тизими ҳақида мукаммал билим.</li> <li>Ҳаммасини ўзи амалга ошириш.</li> <li>Жараённи узок давом эттириш.</li> <li>Сифатли маҳсулот.</li> <li>Тасаввур, ҳиссиёт, тажрибага асосланиш.</li> <li>Маҳсулот ишлаб чиқарувчининг имкониятига боғлиқ.</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>Жараён ҳар соҳага тақсимланади, ҳар бир ишчи ўз вазифасини бажаради.</li> <li>Ишчи бажарадиган соҳани билиши.</li> <li>Ҳаммасини ўзи бажаришдан озод бўлиши, "тайёр" қўлланма (лойиха, модел) амалга оширилиши.</li> <li>Жараён анча тезлашади.</li> <li>Маҳсулот сифатининг кафолатлилиги.</li> <li>Илмий лойиха, фанга асосланиш.</li> <li>Маҳсулот маълум ишлаб чиқарувчи имкониятига боғлиқ бўлмайди, иштирокчи омманинг хизмати натижасидир.</li> </ol>

Тұғри, ҳозиргача "интеллектуал (ақл) ишлаб чиқариши", шунингдек тарбия технологияси ҳақида кам фикр юритилади. Лекин, жағон тажрибасыда, янги педагогикада тарбия жараёни ҳам ишлаб чиқариш технологиясига үхашашлиги исботланмоқда. Кейинги 20-йилда жорий этилган у ёки бу ҳолатда педагогик жараёнга бир бутунликта, тарбия жараёнига комплекс ёндашиш, тизимли ёндашиш каби тажрибалар ҳам бир томонлама эканлигини күрсатди. Шунинг учун ҳам ҳар қайси ташаббус маълум (йиллар) мавсумий бўлиб қолди. Барчасида ҳам таълимтарбия жараёнининг икки томонлама хусусияти, ўқувчи фаолияти, ўз - ўзини тарбиялаш таркиби teng намоён бўлмас эди. Тарбия жараёнининг таркиби: тарбияланувчи, жамият буюртмаси, тарбия мақсади, тарбия мазмуни, тарбия воситалари, тарбия методлари, тарбия омиллари, тарбиячи фаолияти бир-бирига боғлиқлигини, ўзаро уйғунлигини таъминлади. Ижтимоий тарбияга жамият буюртмаси.



Тарбия технологияси барча учун умумий бўлиб, техникани ривожланиши, ҳар бир уйга компьютер интернет кириб бориши билан қўлланма, тавсия сифатида оммалашиши ҳам мумкин. Чунки, тарбия умумхалқ иши, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида ёшлар тарбияси билан шуғулланилadi. Ўз тажрибаларини ёшларга ўргатиш, уларни ҳаётга тайёрлаш инсоний бурч. Лекин, шу фаолиятни самарали бўлиши ҳар бир кишини; ота-онани, тарбия институтлари ходимларининг педагогик технологияга амал қилишига боғлиқ, бўлади. Тарбия технологияси тарбия жараёнининг модели экан, бу ҳар бир тарбиячига, ўз - ўзини тарбиялашда мақсадли, изчиллик ёндашишга имконият яратади.

Тарбияни технологиялаштиришни инкор этувчилар ҳам бўлади. Ишлаб чиқариш технологиясини тарбия жараёнига қўллаш мумкин эмас дейилиши мумкин. Шунингдек, инсонни маълум модел асосида тарбиялаш ҳам макеадга мувофиқ эмаслигини исботлашга уринадилар.

Шуни эътиборга олиш лозимки, биз тарбиянинг педагогик технологияси хақида фикр юритяпмиз. Тарбиянинг фалсафий, сиёсий, социологик жиҳатларига технологияни жорий этиш масаласига қўймоқчи эмасмиз. Тарбия технологиясини педагогиканинг предмети доирасида қўллашни тавсия этмокчимиз. Зоро, педагогиканинг предмета шахсни шакллантириш жараёни қонуниятлари, тарбиявий таъсир этиш принципи воситалари, шакллари, методлари.

Кўпгина манбаларда педагогиканинг предмета тарбия деб кўрсатилади. Аммо тарбия масаласи билан кўпгина ижтимоий, гуманитар ва табиий фанлар ҳам шуғулланади. Фанларнинг тарбия масаласининг ўрганишда бир -бирига боғлиқдигини б-шаклда қўриш мумкин:

Тарбия технологияси - қўйилган вазифани бажаришга қаратилган илмий тизим (система). Бу ҳолат таълим технологиясидаги сингари : қуидаги шаклга ўз ифодасини топади.

6-шакл

ТАРБИЯ			
Табиий фанлар	Ижтимоий фанлар	Гуманитар фанлар	Педагогик фанлар
1. Таълим билан бирлигини 2. Ақлий тарбия мазмуни, воситасини	1. Жамият тараққиётида тарбиянинг тутган ўрни 2. Тарихий тараққиётда тарбиянинг тутган ўрни 3. Маънавиятда	1. Инсон ҳаётида тарбиянинг тутган ўрни 2. Тарбиянинг моҳияти мазмуни 3. Тарбия воситаси бўлиши	1. Шахсни шакллантирири шга таъсири 2. Тарбия технологияси 3. Тарбиянинг методлари, воситалари, шакллари

Юқорида қайд этганимиздек, педагогик технологиянинг асосий принципларидан бири тарбияга комплекс ёндашишdir. Комплекс ёндашиш: аввало тарбияда барча фанларнинг қонуниятларига, натижаларига асосланиш; иккинчидан, мақсад, мазмун восита ва методларнинг бирлиги, ўзаро боғлиқлиги; учинчидан, ҳам ижтимоий онг, ҳам ҳиссиётни характер ва эътиқодни таркиб топтириш; ўз - ўзини тарбиялашга йўллаш; тўртинчидан, барча тарбия билан шуғулланадиган ижтимоий институтларнинг тарбияда ҳамкорлиги; бешинчидан, бир бутун шахсни шакллантиришда бўлак - бўлакларга бўлиб эмас, бутунликда ёндашиш. Ақлий, ахлоқий, эстетик, меҳнат, иқтисодий, ҳукуқий, экологик, жисмоний тарбияни бирга қўшиб олиб бориш.

И. П. Подъласий "тарбиявий иш"ни технологиянинг асосий йўналиши сифатида қарайди.

#### Тарбиявий иш беш босқичли фаолиятни:

1. Вазиятни таҳлил қилиш, мақсадни белгилаш
2. Тарбиявий жараённи режалаштириш
3. Тарбиявий ишни ташхил этиш

4. Тарбиявий ишни амалга ошириш

5. Натижани аниқлаш

*Тарбиявий иш технологиясида қуйидагилар тавсия этилади:*

1. Тарбиявий ишнинг вазифаларини аниқлаш- самарадорлик шартларини белгилаш. Бу вазифалар маҳорат билан асосланган бўлиши ва ўқувчиларга тушунтирилиши шарт. Ўз фикрини ўтказмаслик, болаларни ўз иши сингари қабул қилиши ва зарурий ечимини топиши.

2. Ҳар қандай тарбиявий иш комплекс муносабат асосида лойихдланиши. Аввало тарбияланувчиларнинг қизиқиши, ташаббускорлик билан фаолияти, уларнинг изчил ҳаракати. Иккинчидан, педагогнинг ҳар бир ишда ҳар томонлама натижага эриша олиши.

3. Асосий вазифани бажаришни оптималлаштириш.

4. Шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда тарбия мазмунини белгилаш. Тарбиячи ўқувчиларнинг қизиқиши, йўналиши, хошиш-иродасини тарбияланганлик даражасини ҳисобга олиши.

5. Тарбия жараёнининг ҳар бир босқичида самарали метод, усул, воситаларни қўллашни лойиҳалаштириш. Тарбияланувчиларнинг фаоллиги, мустақиллигини таъминлаш. Агар зарур бўлса қайси методика қулиялигини уларнинг ўзидан сўраш.

6. Тарбия ишида юқори ташкилотчиликка эришиш, жамоани шакллантириш.

7. Тарбия ишида андоза бўлмаслиги, вазиятга қараб ўзгарувчанлик, мувофиқлаштириш.

8. Тарбия иши ҳиссиётга таъсир этувчи улкан қудратга эга бўлиши, тарбияланувчининг характеристини шакллантириши, ҳаёт йўлини танлашга ёрдам бериши.

Педагогик технология тарбия жараёнини лойиҳалаштирад экан, унда қуйидаги талабларга амал қилиш зарур:

- тарбияланувчиларнинг тайёрлигини, ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш. Болаларнинг қизиқишини уйғотиш, ўз-ўзини тарбиялаш мотивини таркиб топтириш;

- тарбиявий иш кўп ҳолларда жамоада олиб борилиши, жамоани, ҳар бир боланинг тарбия жараёнини лойиҳалашда, режалаштиришда фаол иштироки;

- мақсаднинг аниқлиги, бошидан охиригача фаолияти, восита ва шахсларни белгиланиши;

- ҳар бир тарбияланувчининг вазифаси аниқлиги, масъуллиги.

Педагогик технологиянинг афзал жихатларидан бири шундаки, таълим

- тарбия жараёнида ўқувчининг фаоллиги, мотивига асосланилади. Билим олиш мотиви таълим жараёнида қанчалик аҳамият касб этса, тарбия жараёнида ҳаёт йўналишининг шаклланганиги шунчалик қимматга эга. Яъни бир томондан ҳаёт йўналишини таркиб топтириш тарбиявий ишнинг мақсади бўлса, иккинчи томондан боланинг тарбияланганлик даражаси,

ҳаёт нуқтаи назари, йўналиши тамал тоши тарбиявий ишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шахснинг ҳаёт йўналиши, унинг дунёқараши, ахлоқий руҳияти ва маънавиятига асосланган жамиятга муносабати, нуқтаи назари, ҳаёт йўналиши амалий аҳамиятга эга бўлиб, унинг ҳулқида намоён бўлади. Ҳаёт йўналиши фаол (актив) ва лоқайд (пассив) бўлиши мумкин.Faол ҳаёт йўналишида борликқа қизиқиш, доимо уни ўзгартиришга интилиш. Лоқайд йўналишда ҳар бир масалага ўзи бўларчилик нуқтаи назаридан ёндашиш, тайёр фикрларни қабул қилиш.

Ижтимоий фаол шахсни шакллантириш бугунги кунда таълим - тарбиянинг асосий вазифасидир. Ижтимоий фаол шахс мустақил онгли, бажарадиган, ўз эътиқоди ва ҳаёт йўналишига эга бўлади. Биринчи президентимиз И.А.Каримов: "Бизга мерос бўлиб келган таълим-тарбия тизимининг маълум бир маъқул жиҳатлари билан бир қаторда унинг энг номақбул томони шундан иборатки, ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларни мустақил ва эркин фикрлашга йўл қўймаслик... эди.

Бу тизим ватанига, ҳалқига, миллатига фидокор, мустақил фикрлайдиган, бирон - бир масалани онгли равишда, масъулият билан ҳал қиласидиган, изланувчи, янгиликка интилевчи кадрлар эмас, асосан саёз савияли ходимларни, муте кишиларни минглаб етиштирган" - деган эди.

Миллий дастурнинг асосий вазифаларидан бири ҳам ижтимоий фаол шахсни шакллактиришдан иборатдир. Бу борада педагогик технологиякинг принципи ҳам ҳозирги даврда тарбиячи жамият буюртмаси талабларига мос келади. Президентимиз юқоридаги фикрни давом эттириб: "Таълимнинг янги модели ишга тушгач, инсоннинг ҳаётда ўз - ўзини топиш жараёни тезлашади. Ҳар қандай одам ўсмирилик чоғида, эндиғина вояга етиб келаётган даврида жамиятда муносиб ўрнини топиши керак.

... таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имкониятига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади"<sup>2</sup> – деб таъкидланган эди.

Оилада ота-она, катталар намунаси, изчил тарбия ҳаётий йўналишни шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Фаол ҳаётий йўналиш таркиб топганлик эса педагогик технологиянинг ҳал қилувчи омилидир. Зоро, тарбияланувчининг фаоллигига эришиш тарбия технологиясининг асосий талабидир.

Демак, тарбия технологияси жаҳон тажрибасида синалган, мамлакатимизнинг маънавий қудратини оширишда зарур бўлган воситадир.

## **Саволлар**

1. Тарбиянинг ижтимоий моҳияти ҳақида Абдулла Авлоний нима деган эди?
2. Бизнинг мамлакатимизда тарбия устувор масала деб қабул қилинишига сабаб нимада?
3. Тарбия жараёнининг диалектик хусусияти нимада?
4. Тарбия технологиясини яратиш долзарблиги нимада?
5. Тарбия технологиясини анъанавий педагогик маҳоратдан фарқи нимада?
6. Тарбия жараёни тизими ва ҳар бир таркибнинг вазифаси қайсилар?
7. Тарбия масаласини ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлар қайси йўналишда ўрганади?
8. Тарбия иши оммавий тарбиядан нима билан фарқ қиласди?
9. Тарбияга комплекс ёндашиш ва тарбия технологиясининг ўзаро боғлиқлиги нимада?
10. Тарбиявий иш, тарбия жараёнини лойиҳалашга қўйиладиган талаблар қайсилар?
11. Ижтимоий фаол ҳаёт йўналиши моҳияти ва уни тарбия технологиясида тутган ўрни нимада?

## **6-МАВЗУ: ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ (давоми)**

1. Тарбиянинг мақсади - киши шахсининг модели эканлиги.
2. Тарбия жараёнининг технологиясини ўрганишнинг аҳамияти.
3. Тарбия жараёнининг технологияси.
4. Тарбиявий мақсадга тўла эришиш технологияси.

### **Асосий тушунчалар:**

Тарбия. Тарбия мақсади. Киши, шахс модели. Шахс. Комил инсон. Умуминсоний қадриятлар. Ватанпарварлик. Тафаккур. Онг. Ижтимоий онг. Еътиқод. Портлаш эффиқти. Маънавий маданият. Миллий мафкура. Миллий гоя. Тарбия жараёнининг икки томонлама хусусияти. Тарбия натижаси.

**Тарбиянинг мақсади-** киши шахсининг модели, тарбиявий фаолиятининг лойиҳаси, дастуридир. Қурувчи олдиндан нима қураётганини билганидек, тарбиячи ҳам кимни тарбияламоқчи, нимани шакллантирмоқчи эканини билиши шарт. Акс ҳолда тарбияда бирор мақсадга эришиш қийин. Мустақиллик туфайли тарбия жараёнига, бутун педагогик жараёнга илмий ёндашиш, тарбия жараёни қонуниятлари ҳақида мулоҳаза юритиш

имкониятига эга бўлинди. Чакирик, шиорбозлик каби тарбия методикаси занжиридан қутулдик. Педагогик технология талаби ҳам тарбия жараёнига бир бутунликда ёндашишдир. Яъни, тарбиянинг мақсади, мазмуни методлари ва воситалари, тарбиячи ва тарбияланувчи фаоллигини ўзаро боғлиқликда амалга оширишдир. Агар мақсад нотўғри қўйилса, объектив ва субъектив шарт-шароит ҳисобга олинмаса, кутилган натижага эришиб бўлмаслиги аниқ. Мақсадга асосан мазмун, метод, воситалари ва тарбиячи фаолияти белгиланади. Демак, тарбиянинг мақсади тарбия жараёнининг муҳим таркибий қисмидир. Тарбия ёш авлодга катталар тажрибасини ўргатиш зарурати, уларни ҳаётга яшашга тайёрлаш мақсадида таркиб топган ва мингминг йиллар шу мақсад такомиллашиб, алоҳида фазилатларни тарбиялашдан бир-бирига боғлиқ сифатларини бир бутун шахсни-комил инсонни шакллантириш мақсади қўйила бошлади. Тарбия мақсади ҳар бир даврда жамият талабидан келиб чиқади. Масалан, бир асрга яқин мустамлака асоратида миллий қадриятларни йўқотиш, руслаштириш тарбия мақсадида хукмрон бўлди.

Бутун бир авлод онгига сингиб кетган, анъанага айланган мутеълик иллатидан қутулиш, мустақил фикрлайдиган, онгли, юксак маданиятли комил инсонни тарбиялаш долзарб муаммодир. Ўзбекистон тараққиётининг устувор масаласи деб, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистон ривожланишининг маънавий- ахлоқий негизлари ишлаб чиқилди. Бу негизлар:

- умуминсоний қадриятларга содикдик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик кабилардир.

Тарбия устувор деб эълон қилинди. Кадрлар тайёрлаш миллий моделида "шахс", унинг ҳар томонлама камолоти асосий мақсад қилиб қўйилди. Бу ҳаётий муҳим масалалар тарбия жараёни технологиясиз амалга ошиши қийин. Биз олдинги мавзуда тарбия технологиясининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхтадик. Қуйида анъанавий тарбия тизими ва тарбия технологиясининг ўзига хослиги, афзаллигини кўрамиз:

<b>Анъанавий тарбия тизими</b>	<b>Тарбия технологияси</b>
<p>Тарбиявий соатларда, сухбат маъruzаларда насиҳат, тайёр тавсиялар, маслаҳатлар бериш. Мавҳум тарбия мақсади. Тарбиянинг сухбат, ҳикоя қилиш шакллари. Гояларни эркин эслаб қолиш. Ахборотларни ёдда сақлаб қолишини кучайтириш. У ёки бу сифатлар тарбия</p>	<p>Тарбия тизимига асосан тарбия жараёнини лойиҳалаш. Тарбия мақсадининг аниқлиги, ижтимоий онг, тушунча ва эътиқодни шакллантиришг босқичма-босқич эришиш. Тарбияланувчинин ўз-ўзини тарбиялашга эришиш. Тарбияланувчининг таъсирланиши, аксессадо, назорат қилиш. Тарбияланганлик даражасининг аниқ</p>

<p>қисмларининг шакллантириш. Тарбия воситалари, тарбия институтлари (муассасалари, оила, маҳалла) нинг алоҳида таъсири.</p>	<p>мезони, тестларни жорий қилиш. Бир бутун шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ўзлигини аниқлаш ва ўз-ўзини тарбиялаш. Тарбия тизимини моделлаштириш, уни тадқиқ қилиш ва такомиллаштиришда комп'ютер технологиясини қўллаш.</p>
--	--

Тарбия жараёни ҳам икки томонлама хусусиятга эга: тарбия ва тарбияланувчининг фаолиятига асосланади. Педагогик технология тарбия жараёнида объект ва субъект фаолиятининг идентификациясига асосланади.

Тарбия жараёнининг педагогик технология тизимида ҳам мақсад етакчи ўрин тутади. Фақат одатдаги тарбия мақсадидан технологик мақсад фарқ қиласди. Агар одатдаги тарбия мақсади фақат тарбиявий вазифани, мазмунини ифодаласа, педагогик технологияда:

1. Умумий мақсад, киши шахсининг модели.
2. Технологик мақсад ёки мақсад технологияси, шахснинг шаклланиш жараёни; акс-садо, таксономия ва бихевиористик муносабат.
3. Кафолатли мақсад ва унга босқичма-босқич эришиш методикаси устундир.

Тарбия жараёнида мақсадни лойихалаш технологияси педагогиканинг ўзига хос предметидир. Тарбия мақсадининг технологик таҳлили ундаги мавҳумликка барҳам беради, ички қонуниятларига асосланган имконият яратади. Тарбиявий жараён мақсадини учга бўлиб: ижтимоий онгни шакллантириш: эътиқод, кўнукма, одатларни шакллантириш: фаолиятни баҳолаш, ўз - ўзини баҳолаш кабиларга эътибор қаратиш мумкин.

Айрим адабиётларда бу масалалар тарбия методлари таснифи сифатида ҳам таҳлил қилинади. Аслида тарбия методи ҳам маълум мақсадни амалга оширишга қаратилган тарбиячи ва тарбияланувчининг ўзаро боғлиқликдаги фаолият йўлларидир. Масалан, ижтимоий онгни шакллантиришнинг ўзига хос мақсад ва вазифалари мавжуд. Маълумки, инсоннинг объектив оламга тушунган, билган ҳолда муносабатда бўлиши, унинг оламга муносабати онг деб аталади. Ижтимоий онгнинг эса сиёсий, хуқуқий, ахлоқий онг, дин, фан, санъат, фалсафа шакллари мавжуд бўлади. Шахснинг объектив борликка, воқеа-ҳодисаларга онгли муносабатини, ижтимоий тушунчаларни шакллантириш тарбиянинг мақсади ва предметидир.

Ижтимоий онгни шакллантириш мақсадининг ўзига хос технологияси мавжуд. Ижтимоий онгни таркиб топтиришда субъект ва объект фаолияти уйғунлиги самарадорлик гарови эканлигини қуидаги жадвалда кўрамиз:

<b>Тарбиячи</b>	<b>Тарбияланувчи</b>
<ol style="list-style-type: none"> <li>Ахлоқий, ҳуқуқий, экологик, эстетик, иқтисодий ва ҳакозо тушунчаларни шакллантириш, ҳикоя қилиш, сұхбат-маъруза, мунозара.</li> <li>Ахлоқий, ҳуқуқий, экологик, эстетик, иқтисодий меҳнат, жисмоний фазилат, маданият, билимларни таркиб топтириш, фан асосларини ўргатиш.</li> <li>Ижтимоий муносабат ҳақида қарашлар, тафаккур, касбга йўналтиришни шакллантириш.</li> <li>Ўз-ўзини тарбиялашга йўллаш, мунозара, мухокама, Сұхбат.</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>Ҳар бир ижтимоий муносабат ҳақида тушунчаларнинг моҳиятини билади, чукур ҳис этади.</li> <li>Инсоний фазилатларнинг ижтимоий аҳамияти, заруратини чукур англаш, кишилик жамияти тарихий тажрибаларини билиш.</li> <li>Ҳаётий тажрибаларни таҳлил қилиш, тегишли холоса чиқариш.</li> <li>Рефлексия ўзлигини, мижози, қобилиятини билиш, ўзлигини билиш.</li> </ol>

Демак, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий (ва хоказо) онгни, тафаккурни шакллантириш мураккаб жараён. Тарбиявий фаолият, тадбир, дарснинг ижтимоий онг, эътиқодга айланиши мураккаб педагогик технологияга эга. Бу нима дегани? Биринчидан, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қиласи ва натижада мамлакатимизда мавжуд мухит бутунлай ўзгаради. Иккинчидан, таълимнинг янги модели ишга тушгач, инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади. Ҳар қандай одам ҳам ўсмирлик чоғида, эндиғина вояга этиб келаётган даврида жамиятдан муносиб ўрнини топиши керак.

Учинчидан, таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. ўзининг кадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади.

Тарбия жараёнининг педагогик технологиясида эътиқод, маънавий фазилатлар, ҳулқ-атвор кўникмаларини таркиб топтириш алоҳида ўрин тутади.

<b>Эътиқод, маънавий фазилатлар, ҳулқ-атвор кўникмаларини таркиб топтириш</b>	<b>Ўқувчи фаолияти</b>
<ol style="list-style-type: none"> <li>Ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий, меҳнат, касб эътиқодини, кўникмаси мезонини, мақсадларини, воситаларини лойиҳалаш.</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>Маънавий мотив (ички интилиш), маънавий фазилатларнинг ижтимоий аҳамиятини билиш.</li> <li>Ўз ғояси, дунёқарашининг</li> </ol>

<p>2. Маънавий эътиқодни таркиб топтириш. Миллий мафкура қадриятларга, миллий қадриятларни ҳурмат, садоқат руҳида тарбиялаш</p> <p>3. Ҳулқ-автор кўникмалар таркиб топтириш, машқ, қилиш.</p> <p>4. Маънавий, жисмоний маданиятни шакллантириш. сўз ва иш бирлигига эришиш.</p>	<p>тўғрилигини англаш ва ҳимоя қила олиш умуминсоний қадриятларни ўрганиш.</p> <p>3.Кундалик фаолиятда интизомга риоя қилиш.</p> <p>4.Маънавият ҳақидаги билим, тизимларни ҳаётий фаолиятга, турмуш тарзига айлантириш.</p>
---	---

Хулоса шундан иборатки, педагогик технология тарбия жараёнининг барча серқирра буғинларининг бир хил ишлашини, тарбия натижасидаги аниқлик, кафолатини таъминлайди. Бу жараёнда мақсаднинг аниқ бўлиши, лойиханинг илмийлиги педагогик диагностикага асосланишига боғлиқ.

### **Саволлар:**

1. Тарбиянинг мақсади нима?
2. Тарбия жараёни технологиясининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
3. Тарбия жараёни тизими қандай?
4. Тарбия жараёнининг икки томонлама характеристи педагогис технологияда қандай акс этади?
5. Тарбиявий мақсадга босқичма - босқич эришиш қандай амалга ошади?
6. Тарбиявий мақсадга тўла эришиш технологияси нимада?

## **7- МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ТАШХИС, ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ**

1. Педагогик ташхис ва уни таълим-тарбияда тутган ўрни.
2. Таълим-тарбия мақсадига ташҳисли ва тизимли ёндашиш педагогис тарбиянинг талаби.
3. Шахс сифатлари ва унинг тарбияланганлик даражасини аниқлаш.
4. Ўқувчи, талабанинг ўзига хос хусусияти, қобилияти, лаёқатининг методикаси.
5. Тарбияланувчининг ўзлигини билиши ва ўз-ўзини бошқара билиши.
6. Педагогик ташхис ва ўзликни англашда тест усулидан фойдаланиш.

### **Асосий тушунчалар:**

Ташхис (диагностика). Педагогик диагностик тест. Эксперимент (тажриба, Педагогик кўзатиш. Шахсий сифатлар. Ўзликни англаш. Ўзликни билиш. Қобилият. Лаёқат. Тарбияланганлик даражаси.

Таълим-тарбия тизимининг инқирози, самарасизлиги икки томонлама бегоналашган мактаб таркиб топгани ўқувчи мактабдан безор, ўқитувчи ўқувчидан бегоналиги билан характерланади. Агар шахснинг меҳнат маданияти даражасини аниқлаш зарур бўлса, юқоридаги мезонга асосан кузатилади. Шунингдек, бу фазилат даражаси бўйича тест тузилади. Шу асосда сўров ёки ёзма иш олинади. Қобилиятни аниқлашда биографик усулдан ҳам фойдаланиш мумкин. Яъни, тарбияланувчининг ирсий фазилатлари оила, маҳалла ижтимоий таҳлил асосида ҳам унинг қобилияти, лаёқати, тарбияланганлик даражаси ҳақида хulosha чиқариш мумкин. Масалан, математика таълимида шу фанга бўлган қобилиятни аниқлаш, билим-малака даражаси ташхиси муҳим аҳамиятга эга. Бу хусусиятлар қуидагича:

1. Фанга қизиқиш, уни ўрганишга мойиллик ва эҳтиросга айланиши.
2. Меҳнатсеварлик, батартиблик, барқарор диққат, мустақиллик, мақсадга интилувчанлик қатъийлик.
3. Тегишли соҳа бўйича билим, кўникма ва малакаларнинг мавжудлиги.

**Булар:**

1. Математик объектлар, муносабатлар ва амалларни формалаштириб идрок қилиш, математик масалаларда ўзига хос "йиғма" аналитик-синтетик таҳлил қилиш.
2. Математик фикрлаш миқдорий ва фазовий муносабатлар, сонлар ва белгилар символикаси соҳада мантиқий фикрлаш қобилияти, математик материални тез ва кенг умумлаштирилиши.
3. Математик хотира кабилар. Шу каби техникавий қобилияти ва унинг диагностикаси масаласи.

М.Г.Давлетшин тадқиқотида қуидаги методика қўлланилади:

- а) техникани англаш, яъни техникавий курилмаларнинг тузилиши ва ишлашини тез ўзлаштира олиши;
  - б) техникавий ижрочилик фаолияти;
  - в) техникавий конструкторлик қобилияти. Шахс ақлий даражасининг диагностикаси:
1. Техникавий механика, молекуляр физика, термодинамика, оптика ва електрнинг асосий қонуниятларини билиши.
  2. Техникавий объектларнинг фазовий образларидан фойдаланиш.
  3. Техникавий кузатувчанликка асосланган техникавий фикрлаш.
  4. Техникавий қурилма ва унинг қисмлари орасидаги ўзаро алоқанинг мантиқини кўра билиш кабилар.

У ёки бу фанга лаёқати, қобилияти, уни ўзлаштириш даражасига ташхис қўйиш учун тест саволлари тузилади ва текширув ўтказилади. Натижага кўра таълим-тарбия мақсади, мазмуни, уларнинг амалга оширувчи методика лойиҳалаштирилади. Шахснинг қобилияти, ички дунёси, мотиви кўп жиҳатдан психологик таҳлил бўлса, билим даражаси, таълим-тарбия мақсади педагогик масаладир.

Шунинг учун педагогик технология, жумладан, педагогик ташҳисда педагогика ва психология фанларининг ўзаро ҳамкорлиги, боғлиқлиги намоён бўлади. Анъанавий таълим-тарбия тизимида педагогик диагностикани изчил қўлланиш жорий этилмаган, шунингдек, боланинг ўзлигини билиши ва ўзини тартибга йўллаши масаласи ўрганилмаган. Педагогик технологияда ўқувчи, талабанинг ёки кенг маънода тарбияланувчининг фаолияти ҳал қилувчи омил экан, бу муаммоларни ҳал қилмасдан муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Тўғри, ўзликни англаш, билиш ҳақида психологик тадқиқотлар мавжуд. Лекин, бу борада педагогика билан психологиянинг ҳамкорлиги, таълим-тарбияда боланинг ўзлигини билишига ва ўз-ўзини тарбиялашга йўллаш методикаси етарли ўрганилмаган. Ваҳоланки, педагогик технология борасидаги тадқиқотларда ҳам билим олиш, ўз-ўзини тарбиялаш ўқувчининг фаолиятинии ташкил этишда ўзлигини билиши муҳим аҳамиятга эга. Ҳанузгача педагогик диагностика ўқитувчиларнинг ички ҳисси, ўз тажрибасига асосланган. Ўз-ўзини тарбиялашга йўллаш ҳам ташаббус ва таваккалга асосан амалга ошириб келинмоқда. Педагогика, қолаверса педагогик технологияда ўқувчи ва талабанинг таълим-тарбияда ўзлигини билишига йўллаш, субъектив фаолиятининг самарадорлигини ошириш тизими яратилмоги лозим. Шаклланиш жараёнида шахснинг ўзлигини билиши ўз-ўзини тарбиялаши, тартибга солиши алоҳида аҳамиятга эга. Ижтимоий ва жисмоний менни англаш мураккаб руҳий жараёндир. Бу жараён объектив ва субъектив шарт-шароитга боғлиқ бўлади. "МЕН"ни англашдан мақсад ёш ва алоҳида хусусиятлар, уни педагогик ташкил этиш, методик тизим муҳим ўрин тутади.

Боланинг ўзлигини билиши ёшлигиданоқ бошланади. Оч қолиши, сувсалиши, совук қотиши, бошқа ҳаёт заруратларини англаши ва шуни ҳал этишга ўринишидан бошланади. Психологларнинг кузатишича, айниқса 3-4 ёнда бола олам билан боғлиқ ҳолда ўзлигини била бошлайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ижтимоий онг билан ўзликни англаш; ўзликни англаш, ўзликни билиш, ўзини қадрлаш ҳисси ва иродавий фаолият - ўзини бошқариш кабилардан таркиб топади.

Фаолият ўзини билишнинг ҳам методи ҳам мезонидир. Онгли фаолият асоси ўзликни билишда, ўзини бошқара билишда. Шунингдек, фаолият жараёнида шахс ўзининг имкониятлари, қобилиятини англайди. Ўзликни билишнинг асосий методларидан бири ўзни кўзатишdir. Ўзни назорат қилиш иродаси, ўзликни билишнинг воситасидир.

Боланинг ўзлигини билишини ташкил этиш педагогикадан юксак маҳоратни, ҳаётда холисона қиёслаш, фикрлаш фаолиятини талаб этади. Унинг йўллари: сұхбат, савол-жавоб, намуна кўрсатиши, машқ қилдирииш кабилар. Бошлангич синфда ўзлигини англаш фанларни ўрганиш, синфдан ташкари таълим-тарбия ишлар жараёнида изчил амалга оширилади. Бошлангич синфда ҳам "Нима яхши, нима ёмон,", "Ким яхши-ю, ким ёмон," мавзуларда мунозаралар ўзлигидаги яхши ҳислатларни ёки камчиликларни билиш ҳақидаги сұхбатлар самарали усуслардир.

Таълим жараёнида фанларни ўзлаштириш қобилиятини, имкониятларини Ўқувчи ўзи билиши, камчиликларни англаши, камчиликларни тузатиш йўлини аниқлаши самарадорлик тарозисидир.

Психологик кузатишларга қараганда, ўсмирлик ёши ўзликни билишда ўзига хос самарали даврдир. Чунки, ўсмир ҳам ёш бўлса-да, ўзини катталардек ҳис қиласди, катталарга тақлид қиласди. Агар З ёшда олам ва мен тушунчаси бошланса (саволлар кўпайса), 12 ёшда ўзига эътибор кучаяди. Ўсмирлик даврида ўзликни англаш, ўзини билиш, ўзини кузатиш, ўзига эътибор, ўзини тартибга солиш шахсий эҳтиёжи ривожланади. Шундан келиб чиқиб, ўз-ўзини тарбиялаш мотиви ҳам кучаяди. 4-синфдаёқ бола ўзининг ички дунёсининг айrim соҳаларини билади. 5-синфда ўзини билишга интилиш, қизиқиш ортади ва ўзига танқидий қарайдилар. 6-синфда ўзини танқидий кузатиш ортади ва яхши-ёмон фазилатларни ажрата олади. 8-9-синфда ўзини бутунлай таҳлил қила олади. Яъни, ўсмир ёшида ўзининг қобилияти ва имкониятларини, хулқи ва камчиликларини баҳолай олади. Ўсмирни тўғри баҳолай олишига ўргатиш муваффақиятнинг гаровидир, педагогик маҳорат мезонидир. Ўзлигини билиш ва ўз-ўзини тартибга солишда энг хавфлиси ўзига ишончни йўқотишидир. Педагогик технологиянинг вазифаси тарбияланувчининг кучли, устун, таянч томонларни топиб уни илҳомлантиришда, ўз кучига ишонч ҳосил қилишда.

Ўзлигини билган, ўз кучига ишонч ҳосил қилса, ўз-ўзини тарбиялаш самарали бўлади. Ўз-ўзини тарбиялашнинг йўлини, мазмунини ўргатиш таълим-тарбия ишнинг асосий мезонидир. Зоро, педагогик технологияда Ўқувчи фаолиятининг самарадорлиги таълим-тарбия жараёнини муваффақияти гаровидир.

### **Саволлар:**

1. Педагогик ташҳисни технологияда тутган ўрни нимада?
2. Педагогик ташҳиснинг галим - тарбияда тутган ўрни нимада?
3. Шахс сифатларини санаб беринг.
4. Тарбияланганлик даражасининг мезони нима?
5. Лаёкат, қобилиятини аниқлаш методикасини изохланг.
6. Иқтидорлилик мезони нима?
7. Ўзликни аниқлаш ва ўз-ўзини бошқаришнинг аҳамияти нимада?

## **8-МАВЗУ: ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАЗМУНИ ВА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ**

### **Асосий тушунчалар:**

Таълим стандарти. Таълим мазмунни. Дифференциаллик.  
Индивидуаллик. Илмийлик. Пухта ўзлаштириш. Мавҳумлик. Иқтидорлик.  
Тасвирий изоҳлаш. Қонуниятлар асосда изоҳлаш. Умумлаштириш.  
Ўзлаштириш коэффициенти. Таълим мазмунни мураккаблиги. Тарбия мазмунни.

Таълим-тарбия мазмунни педагогик технологиянинг асосий таркибий қисмидир. Ўзбекистонда "Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури" таълим мазмунни методологиясини ўзгартирди. Агар узоқ вақт "кимга нимани ўқитиш" етакчи принцип бўлган бўлса, бугунги кунда "нима учун ўқитиш" таълим мазмунининг асосини ташкил этади. Биз узоқ вақт танқид қилиб келган прагматизм-буғунги кунда нима фойдали бўлса таълим мазмунининг асосини ташкил этади. Зоро, таълим мазмунни бўйича дунё андозаси ҳисобга олинган стандартлар ишлаб чиқилди. Таълим стандартларини яратилиши фақат мезон жиҳатидан эмас, балки методик жиҳатдан технологик аҳамиятга эга. Чунки, узоқ вақт таълим-тарбия мазмунида умумийлик ва зўриқтириш мавжуд эди. Натижада мактаблар инқизорзга учради, ўқувчилар мактабдан безор бўлди.

Янги педагогик технология таълим-тарбия мазмунини бошқа бўғинлар давлат буюртмаси ва мақсад, ўқувчи имконияти, ўқитувчи ва дидактик жараён билан макбўл бўлишини талаб этади. "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" таълим тизимининг барча бўғинларида педагогик технологияни яратишни кўрсатсада, ўз навбатида педагогик технология таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишни методик таъминлайди.

Таълим-тарбия жамият ва давлат буюртмаси унинг мазмунида ўз аксини топади. Таълим илмийлик, педагогик диагностикага асосланиш мазмунининг оптимальлиги, ўзлаштириш методикаси педагогик технология кридаларига асосланади.

В.П.Беспалко таълим мазмунни технологияси абстрактлик орқали унинг ички қонуниятларини аниқлашга ҳаракат қиласи. Масалан, таълим мазмунни илмийлиги (в), уни ўзлаштириш даражасини англаши (у) ва пухталиги (р) билан белгилаш асосида ташҳис қўйиши тавсия этади. Илмий ўрганиш даражасини мавҳумлик даражасини (В) ифодаланади.

Предметни илмий билишни босқичли ва даражали: А - даражали иқтидорли - В-1, факт ва воқеликни тасвирий изоҳлаш: Б-даражали табиат ва ўзига хос воқеликни қонуниятлар асосида баён қилиши; В-даражали (В-3) (прогностик) қонуният ва хусусиятларни айнан ёритиш, жараённи моделли изоҳлаш; Р-даражали-воқеликни юқори даражада асослаш, умумий қонуниятларини таҳлил қилиш. Шундай қилиб, билим шаклланиш жараёнининг мустаҳкамланиши (а, Б<sub>1</sub> дан а<sub>2</sub> в<sub>2</sub> ва ундан а<sub>3</sub> в<sub>3</sub> ва хоказо).

Шундай қилиб илмий билим даражасини қуидагича аниқлаймиз:

$$(Кв): K \frac{B_{\Phi}}{B_m}$$

Қайсики  $B_{\Phi}$  күриниб турибиди:  $1/1 < K < 4B = 1$  ақлий ривожланган иқтидорли шахсни шакллантириш масаласини ҳал этади. Мавхұмлик даражаси  $B = 2$  теңг бүлганды үқитувчи ҳар бир воқеликни айнан ўрганиш имконияти беради. Бу айниқса гуманитар фанларни ўрганиш жараёнида қўл келади. Рақамлар билан ифодаланадиган таълим назарияси  $B = 3,4$  ақлий ривожланишини чексиз тафаккур қилишга йўллади.

Таълим мазмунининг мураккаблиги масаласида ҳам В.П.Беспалко ўзига хос принцип мавжудлигини асослайди. Яъни, ўқув дастури, дарслигини "тушуниб бўлмайди", "мураккаб ёзилган", "ўқийман-ўқийман тушунмайман" каби мулоҳазалар нисбий эканлигини исботлайди. Чунки, абстраксия устувор бўлган математика, физика, химия, назарий механика каби фанларда кўпинча мураккаб деган тушунча мавжуд. Гуманитар фанлар гўё осон туйилади.

Демак, мураккаблик тушунчаси таълимнинг тушунарли бўлиши принципига асосланади. Шунинг учун ҳар бир фанни ўзлаштириш самарадорлиги ўқувчи, талаба фаннинг тилини, тинглашни қанчалик ўрганганлигига боғлиқ. Зеро, ҳар бир фаннинг предметини ифодаловчи ўзига хос тушунчалар, категориялар мавжуд. Таълим мазмунидаги мантиқий изчилилк унинг ўрганиш самарадорлигини оширади.

Таълим мазмунининг қийинчилиги тушунчаси ҳам мураккаблик сингари нисбийдир. Ўқув дарсликларини биринчи, иккинчи, учинчи даражали мураккаблик ва қийинчиликка бўлиш мумкин.

Таълим мазмунини ўзлаштиришнинг автоматлашган даражаси (Кч) билан белгиланади. Яъни, олинган билимнинг малакага айланиши, амалий фаолият, автоматлашган кўнукмага айланиши билан ўлчаш  $\phi = T\phi + If - H\phi + \mathcal{U}_z$ .

Яъни, фаолият таълимий фаолият ( $T\phi$ ), ижро фаолияти ( $If$ ), назорат фаолияти ( $H\phi$ ) ва ўзгартирувчи ( $\mathcal{U}_z$ ) фаолият йифиндисига теңг. В - таълим мазмунининг илмийлиги даражаси (тми) ўзлаштириш даражаси (автоматлашган), ( $n\phi$ )-ўзлаштирганини англаш даражаси, Рт - пухта ўзлаштириш даражаси, К - илмийлик коеффициенти.

Яъни, ўзлаштириш коеффициенти ўқувчининг ўзлаштириш вақти синфни ўзлаштириш вақтига нисбати билан аниқланади. Ёки ўзлаштириш коеффициенти ( $Kv$ ), ўқувчининг таълим мақсадини амалга ошириш даражаси билан ўлчанади. Хулоса қилиб айтганда, таълим мазмунининг технологияси ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлайди. Тарбия мазмунининг технологияси, унинг мақсади, объектив ва субъектив шарт-шароитга боғлиқдир. Тарбия мазмунида ҳам педагогик диагностикаша асосланиши, унинг

муракаблиги, қийинлиги, унинг эътиқод ва кўникмага айланиши мезонлари мавжуд. Тарбия мазмунида технологияни жорий этишда, уни моделлаштириш-абстраксия илмийлигига йўл очмоқда. Унинг самарасизлиги ҳам кўп ҳоллар сафсатага айланиб қолганида, тарбия мазмунидаги индивидуаллик ва табақалаштириш талаби бузилганида.

Тарбия мазмунининг муракаблиги унинг серқирралигига, тарихий, миллий ва умуминсонийлик уйғунылигини таъминлашда. Тарбия мазмуни ва унинг ҳар бир бутун шахс сифатлари қомуси яратилиши ҳам зарур. Чунки, тарбия умумхалқ иши бўлиб, уни ҳар ким ўз билганича олиб боради. Шуни учун ўқув тизимидағи сингари умумий дастур яратилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир инсоний фазилат этимологияси миллийлиги, умуминсонийлиги, ижтимоий аҳамияти ҳақида қўллашга, йўриқнома бўлиши ҳаёт талабидир.

### **Саволлар:**

1. "Кадрлар тайёrlаш Миллий дастури" таълим мазмунига қандай методологик ўзгартиришлар киритди?
2. Таълим-тарбия борасида давлат ва жамият буюртмаси нима?
3. Давлат стандартлари нима? Ўз фанингизнинг давлат стандартини биласизми?
4. Таълим мазмуни технологияси нима?
5. Илмий билиш босқичлари нимада? Битта мавзууни ўрганишнинг технологиясини формулада кўрсатинг.
6. Таълим мазмуни муракаблиги, кийинлигини қандай тушунасиз?
7. Белгилар таълим мазмунида нимани билдиради?
8. Тарбия мазмуни муракаблиги нимада?

## **9-МАВЗУ: ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ОПТИМАЛ МЕТОДЛАРИ, ВОСИТАЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

1. Таълим-тарбия методлари, воситалари ва шаклларининг самарадорлик мезони.
2. Таълим-тарбия методлари, воситалари ва шаклларининг (инструментларнинг) мавжуд шарт-шароитга мослиги.
3. Таълим-тарбия ишида ижодкорлик.
4. Педагогик технологияни ривожлантириш концепцияси ҳақида.

### **Асосий тушунчалар:**

Оптимал. Оптимал метод. Оптимал мазмун. Оптимал восита. Оптимал шакл. Ижодкорлик. Оптимал шарт-шароит. Концепция.

Таълим-тарбия жараёнини оптималлаштириш масаласи йигирманчи асрнинг 70-йилларида тадқиқ этилди, жорий этила бошланди.

Оптималлаштириш педагогик технологияга қўйилган дастлабки кадам эди, чунки оптималлаштиришда ҳам асосий мақсад юқори натижа. Унда ҳам мавжуд шарт-шароитни ҳисобга олиш кўзда тутилади. Ўқитувчи ва ўқувчини зўриқтиришдан қутултириш оптималлаштиришнинг асосий вазифасидир. Педагогик технология бутун педагогик жараёнга тизимли ёндашиш, инсоният ва техник имкониятлар, ўқувчи ва ўқитувчи фаолияти уйғунлиги асосланади. Технология илмий абстрактлаш, чукур илмий таҳлилга асосланса, оптималлаштириш қиёсий таҳлил, умумлаштириш орқали мақбул методикага асосланади.

Таълим-тарбия метод ва воситаларини, шаклларини оптималлаштириш мавжуд шароитни ҳисобга олгани ҳолда кам меҳнат сарф қилиб, юқори натижага эришишдир. Бунда таълимнинг тарбия билан бирлиги, олинган илмий билимлар билан амалиётнинг бирлиги масаласи ҳам ҳал этилади. Масалан, 4-шаклда қўрсатилганидек таълим мақсади, мазмуни барча таълим методларига макбул бўлсада, олинган натижа ҳар хил бўлиши мумкин. Аввало, таълим-тарбия мақсадига, мазмунига мос методлар танланади. Педагогик жараён тизимидағи ўзаро боғлиқ бўғинлар бир-бирига мос бўлсагина қутилган натижага эришилади. Агар Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди мавзуси ўрганилаётган бўлса, унда оғзаки баён қилиш методида ўқитувчининг сарф қилган вақти ва кучи кўп бўлиши мумкин деб тахмин қилинади. Чунки, Алишер Навоий ҳақидаги бадиий фильmlар, диафильмлардан фойдаланилса, таълим-тарбиявий, ривожлантирувчи натижа самаралироқ бўлиши мумкин.

Оптималлаштириш технологиясида асосий мезон ўқитувчи ва ўқувчининг сарф вақти ва кучининг камлиги олинган натижанинг кўплиги. Таълим-тарбиянинг интенсивлиги (тез ўзлаштириш) асосий мақсаддир.

Таълим мазмунини оптималлаштириш ўзига хос технологик тизимга эга. Таълимий мақсад ва вазифалар, давлат стандартлари таълим мазмунини танлашнинг мезонидир. Буни таълим жараёнининг бошқа таркибларига боғлиқлигини 5-шаклда кўрамиз.

Таълим-тарбия воситаларининг оптималлиги қуйидаги шаклда таҳлил қилинган. Маълумки, таълим-тарбиянинг самарадорлиги воситалардан тўғри, мақсадли фойдаланишга боғлиқ. Таълим-тарбия воситаларини танлашда унинг дастур ва стандартларга мослиги алоҳида аҳамиятга эга. Яъни, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, кўргазмали воситалар таълим-тарбия мазмунига мос бўлиши лозим. Таълим-тарбиянинг техника воситалари самарадорлик гарови эканлиги тажрибада исботланган. Аммо замонавий техника воситалари билан барча таълим муассасалари таъминланмаган. Шунинг учун мавжуд шароитни ҳисобга олган ҳолда кўргазмали қуроллар ва бошқа воситалардан фойдаланиш мумкин. Иккинчи бир принцип таълим воситаларининг ўқувчи ва ўқитувчи имкониятларига мослигидир. Агар техника воситалари, лаборатория воситаларидан

ўқувчи ёки ўқитувчи фойдаланиш имкониятига эга бўлмаса, энг қулай восита ҳам яхши натижа бермайди.

### **Таълим-тарбия мазмунининг оптималлиги**

№	Номи	Таълим-тарбия стандарти мослиги	Таълим дастури ва мослиги	Ўқувчи имкониятига мослиги	Ўқитувчининг илмий метод. дарс	Мазмуннинг илмийлиги
1.	Дарслик	+	+	-	+	+
2.	Дарс мавзуси	+	+	+	+	+
3.	Тарбиявий соат мавзуси	-	-	+	+	+

### **Таълимнинг оптимал методини танлаш ТЕХНОЛОГИЯСИ**

№	Таълим методлари	Таълим-тарбия мақсадига мослиги	Таълим-тарбия мазмунига мослиги	Ўқитувчи имконияти ва сарф қилган вақти	Ўқувчининг қобилияти ва сарф қилган вақти
1.	Оғзаки баён қилиш	+	+	-	-
2.	Кўрсатмалик методи	+	+	+	+
3.	Амалий машғулот методи	+	+	+	+
4.	Муаммоли ва тест методи	+	+	+	+

### **Таълим-тарбия воситаларнинг оптималлашгани**

№	Қўлланма мавзу	Таълим-тарбия стандарти мослиги	Таълим дастури ва мослиги
1.	Т.ТЖБ.	+	+
2.	Дарслик ва қўлланма	+	+
3.	Кўргазмали воситалар	+	+

Шундай қилиб, таълим-тарбия жараёнини оптималлаштириш, унинг мазмуни, методлари, воситаларнинг оптималлигига эришиш педагогик технологиянинг таркибий қисмидир. Таълим-тарбия метод ва воситаларини оптималлаштириш ўқитувчидан педагогик ижодкорликни талаб қиласди. Мавжуд шарт-шароитни хисобга олган ҳолда такомиллаштириб бориш ўқитувчи изланишига боғлиқ.

## **Махсус фанларни педагогик технологиялар асосида ўқитиш муаммолари ва вазифалари.**

Мамлакатимизда мафкуравий мўлжалларнинг тубдан янгиланиши, миллий истиқлол ғоясининг омма онгига узлуксиз сингдириб борилиши педагогик тафаккурни ҳам ўзгартирмоқда. Мафкуравий жараёнлар педагогик воқеликни акс эттирадиган таълимий фаолият лойиҳаларини асослайдиган фан соҳаси, тасаввурларини қамраб олмасдан иложи йўқ. Янги педагогик билимлар кўлами Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари асосида кенгайиб бормоқда, тадқиқот йўналишлари эркин шахсни шаклланиши муаммоларига қаратиласяпти. У эса таълим-тарбия тизимида янгича методик ёндашувларни юзага келтираётир.

Айниқса, ижтимоий-гуманитар фанларнинг баркамол инсонни тарбиялашдаги мавқеи миллий мафкура доирасида янада кўтарилиб, уларнинг олий мактабда ўқитилишига, мазмунини янгилашга қўйилган талаблар ҳам кун сайн ошиб кетаяпти. Маъruzalardan асосий эътибор ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда таълим мазмунини жамиятимиз ва дунё саҳнасида рўй берадиган объектив жараёнлар, мафкуравий муаммолар, ҳодиса ва воқеалар билан тўлдиришга қаратилди. Одатда дидактика ўқитиш назарияси сифатида иккита саволга жавоб беради: «Нимани ўқитиш керак (мазмун)?», «қандай ўқитиш керак (технология)?». Назаримизда, юқоридаги семинарларда саволнинг иккинчиси жавобсиз қолди, ўз ечимини тўлақонли топмади.

Олиб борилган аналитик-синтетик тадқиқотларнинг кўрсатишича, олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчилари амалиётида ҳам «изоҳли тасвири ёндашув»-нъянавий методика ҳали-ҳануз устуворлик касб этмоқда, асосий ўқув вақтини эгалламоқда. Бу ерда маъруза ўқитишнинг асосий шакли сифатида сақланиб қоляпти ёки 80 -дақиқа (танаффусиз) давомида ўқитувчи тайёр билимларни узатиш билан овора. У талабаларнинг ўқув билим фаолияти ташкилотчиси бўлиши билан бир қаторда билимлар манбаига айланаб қолаётганлигини кўз атиш мумкин.

Тўғри, олимлар олий мактаб ўқитиш тизимида маъruzanining ўрнини алоҳида эътироф этишади ва шу билан биргаликда унинг қатор камчиликларидан холи эмаслигини уқтиришади:

- маъруза - ўзгалар фикрини суст қабул қилишга талабани ўргатиб қўяди, мустақил фикрлашни бўғади;
- маъруза- мустақил шуғулланишга мойилликни йўқотади;
- маъруза дарслклари йўқ ёки кам бўлган ҳоллардагина керак;
- маъруза давомида баъзи талабалар мулоҳаза юритишга улгуришади бироқ кўплари матнни механик, тарзда ёзib боришади - аудиторияни бошқариш мураккаблашади, тескари алоқанинг йўқлиги ўқитувчига ўз фаолиятини тузатишга имкон бермайди.

Бу бир томондан. Бошқа томондан маърузани узлуксиз ўқиши учун ўқитувчи катта ички энергия сарфлайди, натижада рухий зўриқиши келиб чиқади.

Иккинчидан, энг асосийси, ўқитишнинг анъанавий шаклида эркин шахсни шакллантириш жараёни суст боради мустақил фикрлайдиган ва келажакда эркин фаолият кўрсатадиган мутахассисларни тайёрлаш каби давлат буюртмасини амалга ошириш қийинлашади.

Изоҳли-тасвирли ёндашувдан фарқли ўлароқ, технологик ёндашув таълим тараққиётининг ҳаракатлатиравчи кучи сифатида бугун амалиётга тезкор тадбиқ этилмоғи зарур. Педагогик технология фан мавзулари бўйича олдиндан лойиҳаланиши ва у ўқитиш текислигига кўчирилса якуний натижани (талабанинг ўқув материалларини камидаги 55% ўзлаштиришини) кафолатлаши билан фарқланишини эслатиб ўтамиш! Шу билан биргаликда ҳар қандай педагогик технология асосини илмий жиҳатдан қурилган дидактик жараён ташкил қиласиди. Ана шу жараённи ажратилган ўқув вақти доирасида амалга ошириш олий ўқув юрти ўқитувчисининг педагогик маҳоратини даражалаб беради.

Қуйида умумий ҳолда ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишни илмий асосда ташкил этиш ва бошқаришга асосланган, бу жараёнда ўқитувчи ҳамда талабанинг тутган мавқеини ойдинлаштирадиган педагогик технология тузилмасини келтирамиз (чизмада).

Асосий канал (1) орқали ўрганилаётган мавзу бўйича ўқув элементларининг тузилган рўйхати мазмунни ўқитувчи томонидан маълум вақт оралиғида талabalарга етказилади. Бу жараёнда янги билимларни қабул қилиш, англаш, ўзлаштириш амалга оширилади.

Талабадан тескари алоқа (3) ёрдамида тегишли ахборотлар ўқитувчига етиб боради, яъни ўқитиш жараёни натижалари тўғрисида маълумот олинади. Бугун қўлланилаётган рейтинг тизими айнан шу вазифани улдалаши лозим. Ўқитувчида талабанинг ўзлаштириш даражалари тўғрисида аниқ маълумотлар бўлсагина, у ўқув-билиш фаолиятини самарали бошқаради, таълимий ахборотларнинг мазмунига зарурый тузатиш кирита олади шу ерда бир зиддиятли ҳолатини келтириб ўтамиш. Профессор-ўқитувчи ўртасида ҳали-ҳануз давом этаётган тортишувларга сабаб бўлаётган ҳолат-талabalар билимларини қайси метод ёрдамида назорат қилиш ва баҳолаш керак? Ёзма ёки оғзаки сўров маъқулми ё тест-рейтинг маъқулми? Бироқ ўқитувчи эътиборидан рейтингдан кўзланган асосий мақсад-натижалар асосида ўз фаолиятини коррекциялаш зарурияти четда қолиб кетаяпти. Ўқитувчи нима учун бир хил ўқув фонди ва шароитида талаба А -ўқув материалларини яхши ўзлаштирайпти, талаба Б-эса аксинча суст ўзлаштирайпти, деган саволга жавоб топиш керак.

Ана шунда ўз фаолиятини тузатиш, яъни асосий ўқув материаллари сифатида талалабарга узатилаётган ахборотлар мазмунининг мақбўл хажмини режалаштириш мумкин. Шу мақсад учун 2-канал ишга тушади. Фаннииг аниқ мавзуси бутун фан юзасидан талабанинг эгаллаши лозим бўлган билим ва қўнималар тизими (стратеик мақсад) олдиндан

белгиланади ва уларга дарс давомида таянилади. Фақат ўқитиш жараёни натижалари олдиндан белгилансагина педагогик технологиянинг асосий тамойили-якуний натижанинг кафолатланишини таъминлаш мумкин бўлади.

Ўқув вақтининг асосий қисми талабанинг ўз-ўзини бошқариш жараёнига сарф бўлиши керак. Талабалар муайян мавзуга тегишли бўлган ўқув элементларга ишлов бериш учун "қўшимча ахборотлар манбай"га мурожаат қилишади. Бу манбани ўқитувчи ўз фани бўйича аудиторияда яратиши лозим. Шундагина унинг педагогик маҳоратини ижобий баҳолаш мумкин. Улар китоб (дарслик кўлланма, ишланма, маъruzалар матни, монография, журнал, газета мақолалари в.б.), ўқишининг техник воситалари, компьютер, интернетдан иборат бўлиб, талабаларнинг мустақил ишлашига, ўз -ўзини ўқитиш ва назорат қилишга қулай имконият туғдиради. Бу вақт умумий ўқув фондининг 70% ни ташкил этиши мумкин, қолган 30% ўқитувчи ихтиёрига берилаяпти. Ана шу вақт сарфини ўқитувчи мавзу бўйича ўқув элементларининг сони ва мураккаблик даражасига боғлик ҳолда тақсимлайди.

Шундай қилиб, қаралаётган технологик жараён тузилмасининг самарадорлигини ошириш учун:

- 1.талабаларга узатилаётган илк ўқув ахборотларининг оптимал мазмунини аниқлаш;
- 2.талабаларининг билиш фаолиятини самарали бошқаришни режалаштириш ва амалга ошириш;
- 3."ўз -ўзини ўқитиш" асосида талабанинг ўқув материалини ўзлаштириш имкониятидан кенг фойдаланиш;
- 4.талабанинг ўзлаштириш даражаларини назорат қилишни ташкил этиш.

Энди бевосита фан мавзулари бўйича ўқитиш технологияларини лойиҳалаш қонунларини ўрганиб чиқиш:

### **Фан мавзуси бўйича мақсадни белгилаш қонуни**

Кузатишлардан маълум бўлишича, бугун олий ўқув юртлари ўқитувчилари фан мавзулари бўйича ўқув мақсадларини қуидагича белгилашмоқда:

1) Мақсадни ўрганилаётган мавзу мазмуни орқали белгилаш. Мисол учун "Марказий Осиё минтақасидаги мағқуравий жараёнларни ўрганиш" ёки "Педагогик тадқиқот методларини ўрганиш" ва хаказо. Мақсадни бундай ифодалашда ўқув жараёнини кўриш учун бирор бир конструктив ечим қаралмаяпти. Шу боисдан мақсадни бу тарзда ўрнатишини педагогик технология тарафдорлари етарли эмас, деб ҳисоблашади.

2) Мақсадни ўқитувчи фаолияти орқали белгилаш. Мисол учун, "Талабаларни интерфаол методлар тузилмаси билан таништириш", ёки "Диққатни бошқаришни тренинг ёрдамида намойиш қилиш" ва ҳоказо. Мақсадни "Ўқитувчи томонидан бундай ўрнатилиши ўқитувчининг шахсий фаолиятига қаратилган, бироқ ўқитувчи ўз ҳатти-ҳаракатларидан

келиб чиқаётган ўқитишининг реал натижалари билан, рўй бериши мумкин бўлган ҳолатлар билан солиштирмай белгилайди, чунки кутилаётган натижалар мақсадни белгилашнинг бу усулида қаралмаган.

3) Мақсадни талабанинг ўқув фаолияти орқали белгилаш. Мисол учун "хўжаликда рўй берган иқтисодий тенгликни ечиш" ёки "педагогик тизимни лойиҳалаш бўйича машқ қилиш" ва ҳоказо. Бир қарашда ўқув мақсадларини бундай ифодалаш дарсни лойиҳалаш ва ўтказишга бирмунча аниқлик киритади. Бироқ бу ерда ҳам диққат-марказдан ўқитишдан кутилаётган натижада, унинг оқибатлари четда қолиб кетяпти.

Педагогик технология тарафдорларининг фикрича, ўқитиши мақсадларини ўқитувчи ёки ўқувчи фаолияти, предмет мазмуни орқали белгилаш кутилаётган натижалар тўғрисида тўлиқ тасаввурни бермайди. Юқоридаги ҳолатларда ўқув мақсадлари талабага ҳаракатларда акс этган ва кафолатланиши зарур бўлган ўқув натижалари орқали белгиланмаяпти. Ана шу ҳолат педагогик технологияга зид эканлигини таъкидлаш жоиз.

Агар таълимий учлик- "мақсад-жараён (восита)-натижада" да Ўзбекистонлик ва Россиялик олимлар асосий эътиборни ўқитиши жараёни муаммоларига қаратишган бўлса, ғарб педагоглари томонидан занжирнинг икки четдаги звенолари бирмунча чуқур тадқиқ қилинган. Шу боисдан америкалик психолог ва педагоглар (Б. Блум, В. Герлах, Б. Скиннер ва б.) томонидан "ўқув мақсадлари таксономияси" концепциясига ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлиб асос солган бўлса-да, у бугунгача ўзининг аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Фан мавзулари бўйича ўқув мақсадларини аниқ ўрнатиш педагогик технологияни лойиҳалашнинг дастлабки шарти ҳисобланади. Бу муаммони ҳал этиш учун ўқитувчи асосий эътиборни янги мавзу бўйича ўқув элементлари рўйхатини тузишга қаратиши лозим. Ўқув элементи деганда ўрганиш мақсадида танланган фаннинг барча обектлари тушунилади. Рўйхатга киритилган ўқув элементлари бошқа ижтимоий тажриба мавзусидаги тушунча, ходиса, жараёнлардан ажратиб туриши лозим. Мисол учун, "Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари" (Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллар фани) мавзуси бўйича 7 та ўқув элементи алоҳида ажратиб кўрсатилган: 1. Ватан равнақи. 2. Юрт тинчлиги. 3. Халқ фаровонлиги. 4. Комил инсон. 5. Ижтимоий ҳамкорлик. 6. Миллатларо тутувлик. 7. Динларо бағрикенглик. Булар мавзу бўйича белгиланган умумий мақсадларни ва мазмунни ифодалайди. Ўқитувчи белгиланган ҳар бир умумий мақсадларни ва мазмунни ифодалайди. У белгиланган ҳар бир умумий мақсадни-микромақсадларга айлантириш керак бўлади. Мисол учун "Комил инсон" (№4 ўқув элементи)ни ўрганишда қўйидаги микромақсадларни алоҳида белгилаб олиш мумкин: комил инсон ғоясининг миллий ва умумбашарий моҳияти; тасаввуф илмида комил инсон тушунчаси; Ўрта аср алломаларининг ижодида баркамол шахсни ифодалаш; президентимиз асарларида комил инсон талқини; Миллий дастурда баркамол шахс тарбияси; янгилаётган жамиятимизда соғлом авлод тарбияси в.б.

Мавзу мақсадини аник; ўрганиш борасидаги кейинги қадам-бу ажратиб кўрсатилган ўқув элементлари бўйича талабаларнинг бошланғич билим даражаларини тегишли педагогик инструментарий (тест, ёзма, оғзаки сўров, компьютерли назорат) ёрдамида ўлчаш ва баҳолаш хисобланади. Бу амални бажариш зарур, акс ҳолда ўқитувчи машғулот давомида "Американи кашф этиши" мумкин. Бошқача айтганда, ўқитувчи қайси ўқув элементларини талабалар бирмунча чуқур ўрганиши ёки қай бирини юзаки-эпизодик тарзда тушунтириш мумкинлиги тўғрисида ахборот олади ва ўз фаолиятини олинган натижаларга мос равища ўзгартиради.

### **Фан мавзуси бўйича ўқув ахборотларини саралаш қонуни.**

Мавзу мақсадини ўрганишда иштирок этган ўқув элементлари бу босқичда ҳам иштирок этишди, бироқ улар энди рўйхат кўринишида матн кўринишига ўтади. Мазмунни саралашда ўқитувчи, асосан, икки ҳолатни, яъни ўқув материалини баён қилишнинг илмий тили ёки фан ривожининг абстраксия поғоналарини инобатга олиш шарт.

Ҳар бир ижтимоий фан ўз хусусий ривожланиш тарихига эга. Фан тараққиёти олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида ривож топган. Фан обьектларидан ўқув элементлари ажратиб олинади ва ўқув дастури тузилади. Шубҳасиз, ўқув элементлари (ЎЕ) фан обьектларидан (ФО) кичик бўлади, яъни ЎЕФО. Олимлар фан ривожининг қуидаги абстрация поғоналарини эътироф этишади ва ўқитувчи ЎЭга ишлов беришда уларга таяниб иш кўриши лозим.

Биринчи абстраксия поғонада (феноменологик) нарса ва ҳодисаларнинг баёнини тавсифлаш чекланган, обьектларнинг муайян тартибли рўйхати келтирилган бўлади, уларнинг сифат ва хусусиятлари қайд этилади. ЎЕ оддий, одатдаги тилда тушунтирилади. Мисол учун, ўқитувчи "комил инсон" тушунчасини ҳазрат Навоий таърифи билангина етказади.

Иккинчи абстраксия поғонада (аналитик-синтетик) фан учун хусусий бўлган тушунча ва атамалар, қонуниятлар ЎЕнинг асосий таркибини ташкил этади. ЎЕ фан тилида баён қилинади. Мисол учун, "комил инсон" тушунчасини ёритишда ўқитувчи қатор алломаларнинг, замонавий олимларнинг, президентнинг таърифларини таҳлил қиласи ва синтезлаб, "ягона хулоса" чиқаради.

Учинчи абстраксия поғонада (башоратловчи) фанга тегишли маълум ҳодисаларни уларнинг сонли назариялари асосида тушунтирилади, қонун ва хусусиятларни аналитик тасвирлаш амалга оширилади. Ҳодиса ва жараёнларнинг кечиши муддати ва сонини олдиндан айтиб бериш имкониятлари мавжуд бўлади. Ривожланган фан тили вужудга келиб, ЎЕ баёни фанлараро боғланишлар асосида олиб борилади. Мисол учун, "комил инсон" тушунчаси психология, фалсафа, педагогика, социология фанлари мавқеидан келиб чиқсан ҳолда талабаларга етказилади, соғлом авлоднинг мамлакатимиз равнақини ривожлантиришдаги ўрни жонли мисоллар ёрдамида тушунтирилади.

Тўртинчи абстраксия поғона (аксиоматик) нарса ва ҳодисаларни тушунтириш ўқув материалининг кенг камровлиги, ҳодисалар моҳиятига чуқур кириб бориш билан тавсифланади. Фаннинг предметлараро тили мавжуд бўлиб, улар ёрдамида илмий билишнинг амалий йўналишлари қайтадан илмий асосланади. Мисол учун, ўқитувчи "Комил инсон" моҳияти, уни шакллантириш босқичлари, комиллик мезонлари, баркамол шахсни тарбиялаш методлари, шакллари ва бошқа қирраларни илмий-тадқиқот институтлари билан алоқа ўрнатган ҳолда ўрганади ва дарс давомида талабаларга етказади. Бу ўқув элементи бўйича фандаги энг сўнгги ютуқдардан фойдаланган ҳолда ўқитувчи маъруза матнининг илмийлигини таъминлайди. Шундай қилиб, ўқитувчи бутун маъруза матнини тўрт даражада ёритиш, яъни, таълим мазмуни белгиланган ЎЕ ёрдамида ифодалashi мумкин экан. Бироқ ўқув материалининг мураккаблашуви талабаларнинг ўзлаштириш даражасига нечоғлик тўғри келади? Бу саволга жавоб топилгандагина белгиланган таълим мақсадларига эришиш мумкин бўлади.

Талабаларнинг ўзлаштириш даражалари. Ўз навбатида талабалар ЎЕни қайси даражада ўзлаштиришлари ёки маҳорат билан бажаришлари керак? Бу саволга психологлар томонидан яратилган фаолият назарияси жавоб беради. Ахборотлардан фойдаланиш ҳарактерига қараб фаолиятнинг икки кўринишини фарқлаш мумкин: номаҳсул ва маҳсулдор.

Талабаларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш даражалари номаҳсул фаолиятда танишув ва алгаритмик даражада, маҳсулдор фаолиятда эса евристик (қисман изланувчан) ва ижодий даражада бўлиши мумкин. Бошқача айтганда гуруҳдаги талабалар ўз иқтидори ва қобилиятига кўра тўрт даражага бўлинар экан. Энди айтинг-чи, танишув даражада фаолият кўрсатадиган талабага аксиоматик поғонада сараланган ўқув материалларини тавсия этиб бўладими? Асло, йўқ! Унга фақат феноменологик поғанага тўғри келадиган ўқув материалини бериш керак. Худди шу жараёнда табақалаштирилган таълимни жорий этиш зарурати мавжуд. Гуруҳни ўзлаштириш даражасига мойс равища кичик гуруҳларга ажратиш ва уларга алоҳида ишланган ўқув ахборотларини тавсия этиш лозим.

**Дидактик жараённи кўриш ва ўқув вақти давомида амалга ошириш қонуни.**

Фан мавзулари бўйича дидактик масалаларни (мақсад, мазмун, талабанинг ўзлаштириши) аниқ, белгилаш асосида самарали дидактик жараённи технологияларини амалиётга тадбиқ этиш мумкин.

Дидактик жараён ўзаро боғлиқ бўлган учта компонент-мотиватсия, талабанинг ўқув-билиш фаолияти ва уни бошқаришдан иборат.

Мотивацион босқичда ўқитувчи талабалар диққатини мавзуни ўрганишга турли методлар ёрдамида жалб этади, уларда ички талаб, эҳтиёжни вужудга келтиради. Бундан методлар сарасига муаммоли вазиятларни машғулот бошланишида талабаларга тақлиф этиш, тарихий материаллардан фойдаланиш, у ёки бу мавзуга оид қисқа метражли кино кадрлар кўрсатишни киритиш мумкин.

Улар талабаларда кучли мотивларни вужудга келтириш билан мавзуни зўр ҳиссиёт билан ўрганишга ундейди.

Ўқув фаолияти натижасида талабалар билимларни ўзлаштирадилар, кўникма ва малакаларни эгаллашади. Тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар қандай ўқув фаолияти умумий лойиҳа бўйича кўрилади ва ўзида мўлжални бажарувчи, назорат қилувчи ва тузатувчи ҳаракатларни мужассамлаштиради. Бу ҳаракатларни талабалар бевосита ўқитувчи ёки дарслик ёрдамида турлича тўлиқликда ва турлича таълим назариясига таянган ҳолда бажариши мумкин. Ўқитувчи талабанинг хатти-ҳаракатларини кузатиш ва фарқлай олиши лозим. Ўқув ҳаракатларининг ҳар бир ЎЕни ўзлаштиришининг маълум босқичида намоён бўлади. Мисол учун, мўлжалли ҳаракатнинг бажарилиши ва ўқув топшириқларини ўзлаштириш қуидагича боради: а) ўзи учун топшириқни фаол қабул қилиши; б) топшириқларни тушуниб йэтиш; в) уларни бажариш кетмакетлигини ўрганиш методикасини эгаллаб олиш; г) мустақил равишда ўқув топшириқларини ўрганиш.

Бажарувчи ҳаракатлар ҳам ўзлаштиришнинг турли босқичларида бўлиши мумкин: а) асосий ўқув ҳаракатларининг бажарилиши (тахлил, ўзлаштириш, таққослаш, моделлаштириш); б) алоҳида ҳаракатларнинг айrim ЎЕ бўйича бажарилиши; в) бир масаланинг ечимиға қаратилган ва йирик блокларга қўшилган ҳолда амалга ошадиган бир катор ўқув ҳаракатларни бажариш; г) бу блокларни англаш даражасида (кўникма) ёки "автоматик" (малака) даражасида амалга оширилади.

Кейинги босқич-назорат қилувчи ҳаракат мавзу бўйича ЎЕни ўзлаштириш даражаси бўлиб, ўқувчининг ўз -ўзини назорат қилиши эвазига амалга оширилади ва этalon билан солиширилади. Агар ўзлаштириш даражаси паст (5.5%) бўлса, у ёки бу ҳаракат босқичида йўл қўйилган хатолар ўқув фаолиятининг тузатувчи босқичида аниқланиб, тузатишга оид қўшимча дидактик жараён ташкил этилади.

Ўқув фаолиятининг муҳим кўрсаткичи унинг натижасидир: объектив-ечимнинг тўғрилиги, натижани олгунга қадар ҳаракат ва қадамлар сони, вакт сарфи; субъектив талаба учун ишнинг муҳимлиги; якундан субъектнинг қаноатланиши, учун сарфи ва бошқалар.

Дидактик жараённинг сўнгги таркибий қисми-ўқув-билиш фаолиятини бошқариш ҳисобланади. Сабаби, зарурий ўқув ахборотлари ўқитувчидан талабаларга, тўғри алоқа ёрдамида узатилади. Асосий ҳаракатларни бажарганлиги ҳақидаги маълумотларни эса тескари алоқалар ёрдамида талабалардан ўқитувчига узатиш имконияти мавжуд бўлади. Бошқаришнинг муҳим жиҳати шундаки, агар ўқув фаолияти талаба томонидан бажарилса, бошқариш алгоритмини ўқитувчи томонидан ёки талаба ҳам бажариши мумкин. Бунинг учун ўқув топшириқларининг тўғри жавоблари-этalonлари талабаларга ҳам берилади. Шунда талабалар ўз фаолиятларини текшириш ва ҳаракатларини тузатиш имкониятига эга бўладилар.

Шундай қилиб, дидактик жараённи кўриш қонунларини қисқача баён қилдик. Хўш, ўкув вақти дидактик жараён босқичларида қандай тақсимланади? юқорида биз 30% ўкув вақти ўқитувчи ихтиёрига берилишини таъкидлаган эдик. Ана шу вақт мотивацион ва бошқариш босқичлари учун сарф бўлади. Асосий ўкув вақти (70 %) талабанинг ўз - ўзини ўргатишга яъни ўкув фаолиятига ажратилишини пайқаш қийин эмас.

Албатта, дидактик жараён ўқитишнинг самарали ташкилий шакллари асосида амалга оширилади. Ўкувчи мавзунинг мураккаблиги ёки дидактик жараённи татбиқ этиш вақтини ҳисобга олган ҳолда фаол ўқитиш шаклларидан фойдаланади.

### **Педагогик технология концепциясининг ривожланиш тарихи**

Бугун мамлакатимиз истиқоли шарофати туфайли барча фан соҳаларини ривожланган давлатларда тўпланган тажрибалар асосида таҳлил қилиш ва янада ўрганиш ва ҳаётимизга татбиқ этиш даври келди. Миллий дастурда таъкидланганидек яқин келажакда "Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг халқаро ҳукуқий базаси яратилади, халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари рўёбга чиқарилади, халқаро таълим тизимлари ривожлантирилади".

Бу фаслда биз педагогик технология назариясининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихига назар ташлаймиз.

30-йилларда "педагогик техника" тушунчаси маҳсус адабиётларда пайдо бўлди ва у ўкув машғулотларини аниқ, ва самарали ташкил этишга юналтирилган усул ва воситалар йигиндиси сифатида қаралди. Шунингдек, бу даврда ПТ деб ўкув ва лаборатория жихозлари билан муомала қилишни уддалаш, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш тушунилди.

40-50-йилларда ўкув жараёнига ўқитишнинг техник воситаларини жорий этиш даври бошланди. Айниқса кино, радио, назорат воситалари, улардан фойдаланиш методикаси ПТга тенглаштирилди.

60-йилларнинг ўрталарида бу тушунча мазмуни чет эл педагогик нашрларда кенг мухокамага тортилди. 1961 йилдан бошлаб АҚШда "Педагогик технология" (Эдусационал Течнологий), 1964 йилдан Англияда "Педагогик технология ва дастурли таълим" (Течнологий анд programmed Леарнинг), Японияда эса 1965 йилдан "Педагогик технология" (Эдусационал Течнологий) журналлари чоп этила бошланди. 1971 йилда худди шу номли журнал Италияда чиқарила бошланди (1-чизмага қаралсин).

## Ривожланган мамлакатлар педагогик технологиялар марказлари



1-чиズма.

Давлатлар	АҚШ	Англия	Япония	Италия	Венгрия
Йил	1971	1976	1965	1971	1973
Марказлар	Коммуникация ва Ассоциация	Педагогик технология Миллий Кенгаши	Умумяпон Педагогик технология Марказий Кенгаши	Педагогик технология Миллий кенгаши	Ўқитиш технологияси Давлат маркази
Йил	1961	1971	1970	1964	1965
Журналлар					

ПТ муаммосининг ўта долзарблиги ҳисобга олиниб, унинг илмий асосларини тадқиқ қилиш мақсадида маҳсус корхоналар тузилди. Мисол учун, 1967 йилда Англияда педагогик технология Миллий Кенгаши (Национал соунсил фор Эдусационал Течнологий) ташкил этилди ва 1970 йилдан бошлаб "Педагогик технология журнали" (Жоурнал оғ Едусационал Течнологий) чиқа бошлади. АҚШнинг қатор университетлари ва илмий марказларида ҳам ПТ муаммоларига жиддий эътибор берилди. 1971 йилда маҳсус "Коммуникация ва технология Ассоциация"си (Ассоциацион фор Эдусационал Соммуниcation анд Течнологий) фаолият кўрсата бошлади. Ҳозирги кунда бу ташкилотнинг барча штатларда ва Канадада 50-дан зиёд филиаллари ишлаб турибди.

Японияда ПТ муаммолари билан тўртга илмий жамият шуғулланмоқда, фаол ҳаракатдаги педагогик технология Марказий Кенгашининг 22-та давлат университетларида марказлари мавжуд. Ҳар уч ойда япон тилида чиқадиган "Педагогик технология соҳасидаги тадқиқотлар" (Эдусационал Течнологий Ресеарч) журналларида йирик олимларнинг илмий ишлари ўз ўрнини топмоқда. Яқинда Умумяпон педагогик технология Марказий Кенгаши (Тхе Жапанесе Соунсил оғ Течнологий Сентерс) тузилиб, бу соҳада халқаро алоқалар ўрганиш ишлари билан машҳур.

Дидактиканинг бу йўналишига эътибор ниҳоятда ошиб боришини 70-йилларда ўтказилган қатор халқаро конференциялар тасдиқлайди. Шундай халқаро конференциялар 1966 йилдан бошлаб ҳар йили баҳорда Англияда ўтказилиб келинади ва анжуман материаллари "Педагогик технология жиҳатлари" (Аспестс оғ Эдусационал Течнологий) номида нашр қилинади.

Шу каби маълумотларни келтиришни ғарб давлатлари мисолида яна ҳам давом эттириш мумкин, бироқ чизма бунга эҳтиёж қолдирмайди. Юқоридагиларнинг ўзидаёқ, ПТ педагогика назарияси ва амалиёти соҳасидаги алоҳида ҳодиса сифатида диққат марказда турганлигини, 60-йиллардан бошлаб чет элларда янги йўналиш сифатида шаклланганлигини таъкидлаб турибди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, бу даврда ПТ икки йўналишда муҳокама қилинди ва ривожлантирилди: биринчиси-ўқув жараёнiga техник воситаларини қўллаш билан боғлиқ бўлса, (шу жумладан дастурли таълимнинг техник воситалари), иккинчиси - ўқитиш технологияси масалаларини, яъни ўқув материалларни таҳлил қилишдан тортиб, таълим жараёнини турлича нашрли ва техник воситалардан жамулжам фойдаланган ҳолда тизимли ташкил этишга қадар бўлган кенг доирадаги муаммоларни қамраб олади.

Шу ерда биринчи конференция материаллари (1966 йил) тўпламнинг кириш мақоласида ёзилган жуда муҳим далилни келтириш ўринлидир: "икки тушунча- "педагогика" ва "технология"ларни қўшиш мантиқи тортишувларга сабаб бўляяпги. Чунки, "технология" сўзи синф хонасига техникани киритиш ва "дегуманизация" (инсонпарварликдан воз кечиц) гояси билан тавсифланиши педагогик касб вакилларини чўчитиши мумкин". Албатта, бу фикр маълум даражада тўғри бўлиши мумкин. Бироқ, технократик фикрлаш (техниканинг инсон ва унинг қадриятлари устидан устунлиги) фанда қораланади ёки инсон ҳеч қачон "темир машина"га тобе бўлмайди, балки уни ўз ақл-заковати билан яратади ва бошқаради. Бу муаммонинг психологик жиҳатлари бўлиб кам ўрганилган соҳа.

70-йилларнинг бошига келиб, ўқув жиҳозларииинг турли хилларини ва ўқитишнинг предметли воситаларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарурӣ шартлардан бирига айланди, уларсиз илғор методика ва ўқитиш шакллари самарасиз бўлиши, таълим сифатига эришиб бўлмаслигиenglаб этилди. Жумладан, 1965 йилда собиқ СССР Педагогика Фанлари Академиясида "Ўқув жиҳозлари ва ўқитишнинг техник воситалари" илмий текшириш институти ташкил этилди ва ҳозир ҳам Россия таълим академияси институти сифатида фаолият кўрсатаяпти. 1973 йилда Венгрияда "Ўқишиш технологияси Давлат Маркази" бевосита ЮНЕСКО ташаббуси ва дастури асосида ташкил этилди ва унинг асосий вазифаси ўқитиш технологиясининг янги қирраларини кашф этиш, мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллашшириш бўйича илмий тадқиқотларни ривожлантириш каби масалалардан иборат бўлди.

ЮНЕСКО инсонпарвар ва тараққийпарвар ташкилот сифатида халқаро муаммоларни ўрганиш билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. 1971 йилда ЮНЕСКО собиқ бош директори Рене Маис Франсия Бош вазири (айни вақтда Таълим вазири) Едгаро Форага мурожаат қилиб маҳсус гурухга раҳбарлик қилишни, тезкор ўзгаришлар рўй берадётган бир шароитда жаҳон таълими олдига қўйилган мақсадни ва уни амалга ошириш учун ақлий ва моддий воситалар миқдорини белгилаб беришни илтимос қилди.

Шундай қилиб, 1972 йилнинг кеч кузида Буюк Британия ва Франция китоб дўконларида "Яшаш учун ўқиши. Дунё тарбияси бугун ва эртага" китоби пайдо бўлди. Бу воқеага роппа-роса 35 йил вақт ўтган бўлсада, маъruzанинг асосий ғояларини эслаш фойдадан холи бўлмайди. Боз устига бу китоб бошқалари каби мамлакатимиз кенг аудиториясига кириб келмади, кутубхоналаримиз бойлигига айланмаган.

Комиссия томонидан жаҳон таълимининг жорий ҳолати таҳлил қилиниб, асосий йўналишлари белгиланди. Комиссия миллий Концепция, шунингдек маориф ва тарбияни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш учун уч тавсияларини ифода этди. Бу концепциянинг бош ғояси: инсон бугун ҳаёти давомида тикланиш ҳолатида бўлади, демак у ўз потенциалини фақат узлуксиз таълим жараёнидагина амалга оширади доимо янгиликларни билишга ва мавжуд тажрибаларини фаоллаштиришга интилади. Шу боисдан маълумотлилик фақат маълум ҳажмдаги билимларни узатиш билан боғлиқ ҳолда эмас, инсон ўз ҳаёти давомида тикланиш жараёнининг мантиқини аниқлайдиган омил сифатида тушуниш керак. Энг асосийси, Едгаро Фора томонидан "замонавий технология таълимни модернизатсиялашда ҳаракатланувчи куч" эканлиги қайд этилди.

Бу даврда таълим тизимидағи ўзгаришлар турли мамлакатларда турлича кечди: бальзи бирлари амалиётдаги мавжуд таълимни такомиллаштиришни афзал кўрсалар, бошқалари ўз олдиларига ҳозирги таълим тизимини янгисига алмаштиришни мақсад қилиб қўйди. Нихоят, учинчилари эса жамиятни ўзгартирмасдан туриб, таълим тизимини ислоҳ қилиш мумкин эмаслигини, вақтни бой бермасдан ёшлар билан олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишларнинг янги тизимини яратишига киришиш кераклигини эътироф этидилар.

Бугун Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил бораётганлиги учун кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди, давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топди. Ўқув-тарбиявий жараённи илфор педагогик технологиялар билан таъминлаш зарурати ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий дастўрини рӯёбга чиқариш шартларидан биридир. Шу сабаб биз бу нопедагогик феноменнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёнини ўрганишга тарихий ёндашмоқдамиз.

1977 йилда Будапештда ўтказилган ўқитиш технологияси бўйича Халқаро семенарда таълимни технологиялаштириш жараёни билан боғлиқ омиллар рус олими С.Г.Шаповаленко томонидан қуйидагича белгиланди: техникани билиш ва мукаммал эгаллаш; аудиовизуал фонди билан таниш бўлиш; техник воситалардан фойдаланиш методикасини эгаллаш.

Бироқ бу фикрнинг бир ёқламалиги яққол кўзга ташланади. Ундан фарқли ўлароқ ғоялар шу семинар иштирокчилари томонидан айтилди. Мисол учун, венгер олими Л.Салаи ўқитиш технологияси доирасини бир мунча кенгайтишга ўринади: режалаштириш, мақсад таҳлили, ўқув тарбиявий жараённи илмий асосда ташкил этиш, мақсад ва мазмунга мос келадиган методлар, воситалар ва материалларни танлаш бевосита ПТни

лойихалашдаги ўқитувчи фаолиятига хослигини таъкидлайди. Шунга яқин фикрлар, яъни ўқитиш технологияси ўзиди ёрдамчи восита ва янги тизимни қамраб олган ҳолда ўкув жараёнини ривожлантиришга, унинг ташкилий шаклларини, методларини, мазмунини ўзгартирган ҳолда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг педагогик тафаккурлашига таъсир қўрсатиши Ж.Селлер томонидан таъкидлайди. Бу маълумотлар шундан далолат берадики, 70-йиллар охирига келиб чет элларда техника ривожи ва таълимни компьютерлаш даражасига боғлиқ ҳолда ПТнинг иккита жиҳатлари алоҳида ажратилиб қўрсатилган ва тадқиқ қилинган: 1) ўкув жараёнига техник воситаларни жорий этиш; 2) амалий масалалар ечимини топишда билимлар тизимидан фойдаланиш. Мисол учун, Японияда бу даврда олиб борилган тадқиқотлар ўкув жараёнини технологиялаштиришнинг биринчи юналиши, яъни, таълимнинг янги техник воситаларини яратиш ва ўкув жараёнига қўллаш билан бевосита боғлиқ бўлган. Бундай ҳолат бошқа қатор давлатлар учун ҳам ҳарактерли бўлиб, ПТнинг иккинчи йўналиши-назарий-дидактик жиҳатлари 80-йилларнинг бошида АҚШ ва Англияда тадқиқот обьектига айланди. Чунки, "технология" сўзи кенг маънода назарий билимларни амалиёт мақсадига кўчириш, бу кўчиришнинг аниқ йўлларини ишлаб чиқиш зарурати эътироф этилди.

Шундай қилиб, 80-йилларда ПТнинг моҳиятини ойдинлаштиришга бўлган уринишлар янада давом эттирилди. Бу соҳа Россиялик педагог олимларнинг диққатини ҳам жалб эта бошлади. ПТнинг ривожланиш тарихи Т.А.Илинанинг илмий мақолаларида буржуа дидактикасининг йўналиши сифатида талқин этилсада, у биринчилар қаторида ўз ҳамкасларини бу муаммо билан шуғулланишга даъват этади ва чет эл мактаблари ва педагогикасида бу соҳадаги янги ва қизиқарли нашрларнинг барчасини кузатиш фойдали эканлигини алоҳида таъкидлайди. Шу боисдан 80-йилларнинг охири, 90-йилларда ПТнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилиш Россияда кенг йўлга қўйилди. Академик В.П.Беспалконинг 1989 йилда нашр этилган "Слагаемые педагогической технологии" (5) китоби бу соҳадаги йирик тадқиқотларнинг натижаси ҳисобланади. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, 80-йиллардаёқ Владимир Павлович томонидан ПТнинг илмий мактаби яратилган эди ва китоб муаллифи ҳам шу даргоҳда таҳсил олганлигини алоҳида фахр билан тилга олади: Устоз ғояси: "ПТ-амалиётга жорий этиладиган маълум педагогик тизим лойиҳасидир". Бугунги кунда ана шу концепция педагогик ҳамжамият томонидан тан олинди ва олимлар томонидан таълимий технологияларни лойиҳалаш ва ривожлантиришда фойдаланиб келинмоқда. Фикримизнинг далили сифатида "Педагогика" журналида чоп этилаётган қатор мақолаларни келтириш мумкин.

Хўш, ПТ мамлакатимиз таълим тизимида, қолаверса, педагогик нашрларда илмий тушунча тарзида қачон пайдо бўлди? Шубҳасиз, янги соҳа 1997 йилда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида долзарб тадқиқот обьекти даражасига кўтарилди ва ижтимоий буюртма сифатида юзага

қалқиб чиқди. Шу билан биргаликда мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ бу муаммога қўл урилди, аникроғи 1993 йилда "Халқ таълими" журналида чоп этилган мақолада биринчи марта ПТ тушунчаси моҳияти, унинг таърифи ва маълум педагогик тизим доирасидаги талқини ёритилди.

ПТ таърифи, моҳияти ва тарихи ҳамда замонавий лойиҳаси методологик ёндашувлар асосида таҳлил қилинди.

ПТ муаммоларига оид олимларнинг фикрлари вақтли нашрларда, "Марифат", "Учитель Ўзбекистана" каби газеталарда мунтазам равишида ёритилиб турибди. Демак, бу мавзу назарияси ва амалиёти кўп минг сонли аудиторияга кириб боряпти, ўқитувчилар кунлик фаолиятларида улардан фойдаланаётганлиги маълум.

XX11 асрга қадам қўйиш арафасида Г.К.Селевко томонидан ПТга оид йирик методик асар-ўқув қўлланма яратилди ва унда педагогик технологиялар таснифи келтирилади. Олим ПТларни ўн икки турга ажратади:

1. Қўлланиш даражаси бўйича (умумпедагогик; хусусий предметли; локалли, модулли, тор педагогик).

2. Фалсафий асос бўйича (материализм, идеализм, диалектик метафизик инсонпарвар, ноинсонпарвар, антропософия, теософия, прогматизм, екзистенсиализм, стсионизм).

3. Руҳий ривожлантиришнинг етакчи омиллари бўйича (биогенли, социогенли, психогенли, идеалистик).

4. Ўзлаштириш концепцияси бўйича (ассотсиатив-рефлекторли, ривожлантирувчи, бихевиористик гешталт-технология, сугестив, нейролингвистик).

5. Шахс тузулмасига йўналтирилганлик бўйича (информацион, операцион, ҳаяжонли-бадиий, ҳаяжонли-ахлоқий, ўз -ўзини ривожлантирувчи, эвристик ва амалий).

6. Мазмуни ва тузилиш ҳарактери бўйича (таълимий ва тарбиявий, дунёвий ва диний, умумтаълим ва қасбга йўналтирилган, гуманитар ва технократик турлича соҳавий технологиялар, хусусий предметли ҳамда монотехнологиялар, политехнологиялар).

7. Ташкилий шакллар бўйича (синф-дарс, муқобилли, академик, якка тартибли, гурухли, жамоа бўлиб ўқиш усуслари, табақалаштирилган талим).

8. Билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш тури бўйича (марузали классик ўқитиши; аудиовизуалли техник воситалар ёрдамида ўқиши; "маслаҳатчи тизим"; китоб ёрдамида ўқитиши; "кичик гурух" тизими; компьютерли ўқитиши; "репетитор" тизими; "дастурли таълим" - В.П.Беспалко).

9. Болага ёндашиш бўйича (авторитар, дидактотцентрик, шахсга йўналган технологиялар, ҳамкорлик технологияси, эркин тарбиялаш технологияси, эзотерик технологиялар).

10. Устувор методлар бўйича (репродуктив, тушунтириш-кўрсатиши, ривожлантирувчи таълим, муаммоли таълим, ижодий; дастурли таълим, диалогли, ўйинли таълим, ўз -ўзини ўқитиш талими, информатсион таълим).

11. Мавжуд анъанавий тизимларни янгилаш юналишлари бўйича (муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш асосида; болалар фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосида; ташкиллаштириш ва бошқариш самарадорлиги асосида; ўқув материалларини методик ва дидактик реконструкциялаш асосида; табиатан монандлик муқобиллик технологиялари; муаллифлик мактабининг ягона технологияси).

12. Таҳсил олувчилар тоифаси бўйича (оммавий технология, олға одимловчи таълим, тўлдирувчи; ўзлаштиrmовчилар билан ишлаш технологиялари, иқтидорлилар билан ишлаш технологиялари).

Бу таснифни келтиришдан асосий мақсад педагогларни ўтмишда қўлланилган, ҳозирги кунда жорий этилаётган ва келажакда қўллаш мумкин бўлган технологиялар билан тўлиқ таништиришдир. Уларнинг кўпчилиги сизга мутлақо нотаниш эканлигига ҳам ишонамиз, бироқ бундан ташвишга тушишга ҳожат йўқ. Бу ҳақда Г.К.Селевконинг китобидан тўлиқ маълумотларни олишингиз мумкин (24). Таснифдан кўриниб турибдики, олимнинг ўзи ҳам ҳар доим илмий жиҳатдан асосланган ва ҳаммага ҳам тушунарли бўлган технологияларни келтириш лозимлиги олдида ҳисоб беравермайди.

Шундай қилиб, ПТ концепциясининг ривожланиш тарихини кўзатиш натижалари асосида бу соҳада сермашақкат изланишларни олиб бораётган тадқиқотчиларни фаолият даражаларига боғлиқ ҳолда шартли уч гурухга ажратиш мумкин:

1. Баъзи "жонқуяр" олимларнинг ПТни педагогикадаги замонавий юналиши, деб анъанавий ёндашишлари ва ўз имкониятлари доирасида муаммога илк бор қўл уришлари. Улар "тасодифий" гурух вакиллариидир.

2. Таълимнинг бугунги ахволига қайғурладиганлар ва уни информатика инқироздан қутқарувчи куч технологиялаштириш, деб қарайдиган "қисман ижодкор" гуруҳига мансуб тадқиқотчилар.

3. Бу гурух аъзолари технологиялаштиришни объектив жараён, деб ҳисоблайдилар ва янги сифатий муаммоларни ечиш учун таълимни эволюцион жараёнга қўтариш шартларидан бири эканлигини эътироф этган ҳолда ижод қилмоқдалар. Улар "илмий" гуруҳни ташкил этадилар.

### **Таълим тизимида методика ва технология уйғунлиги**

Маълумки, бугунги кунда таълим тизими ва жараёнига кириб келаётган педагогик технологиялар, уларни қўллаш борасида кўплаб илмий изланишлар, баҳс-мунозаралар мавжуд. Албатта, турли хил қарашга эга бўлган бу фикр-мулоҳазалар бир-бирини инкор этмайди, балки тўлдиради, деб ўйлаймиз.

Хўш аслида технология нима дегани ўзи?

Илмий-педагогик адабиётларда технология сўзи грекча «течне» - санъат ва маҳорат, «логос» - таълимот сўзидан олингандиги қайд этиб ўтилган.

ЮНЕСКОнинг таърифлашича эса, «педагогик технология» бу бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнида ўз олдига таълим шаклларни самарадорлаштириш вазифасини қўювчи техник ҳамда шахс ресурслари ва уларнинг ўзаро алоқасини ҳисобга олиб билимлар яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли услубидир.

Ўтмишга назар ташласак, педагогик технология атамаси ғарб педагогика фани ва амалиётига дастлаб 1950-60-йиллардан бошлаб кириб келган. Шу кунгача олимлар томонидан педагогик технологиялар хусусида таъриф, тушунча, изоҳдар жуда қўп билдирилган. Лекин шуни айтиб ўтпш жоизки, айрим амалиётчи ўқитувчилар томонидан педагогик технология методиканинг айнан ўзи ёки дарсларда интерфаол усуллар, техника воситаларидан фойдаланиш дея қатъий фикр билдирилмоқда. Шу боис ўқитувчилар орасида нотўғри тушунча бўлмаслиги учун педтехнология ва методиками бир-биридан ажратиб олиш зарурдир.

Бугунги кунда методиканинг ўзи икки хил маънода таърифланади, яъни, биринчидан, методикага фан сифатида қараш кераклиги, унинг ўз предмети ва тадқиқот юналиши эътироф этилади. Иккинчи томондан эса, методикага метод ва усулларнинг уйғунлашуви, яъни технологик жараён сифатида қаралади. Ўқитиш технологияси - бу жараён. Агар методикага фан деб қаралса, методик асосларга илмий асослар сифатида қаралади. Бунда эса методика ва технологиям бир-бирига тенглаштириб бўлмайди. Яъни, технологияни кенгрок маънода тушуниш керак. Чунки, технология методикадан фарқ қилган ҳолда фақат билим бериш эмас, балки, аниқ мақсад ва натижага йўналтирилган таълим жараёни ҳамdir.

Методика ва технологиянинг бир-биридан фарқини З.Абасов шундай тушунтиради." «методика, бизнинг фикримизча, таълим мақсадларига йўналтирилган таълим мазмuni, ўқитишни ташкил этишининг биргаликдаги мажмуидир. Бир хил мазмунга эга бўлган методика, услуга ва усуллар ёки методик тизим икки ўқитувчига икки хил натижа бериши мумкин. Педагогик технология қўлланганда эса, турли ўқитувчилар турли хил ёндашувда. турли хил восита ва усуллардан фойдаланишсада, бир хил натижа олишлари мумкин».

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ўқитувчининг шахсий маҳорати ва характеристики методикада акс этади, яъни методика ўқитувчига натижани кафолатламайди. Технология эса, методикадан фарқ, қилган ҳолда кўплаб олимларнинг фикрича, илмий ва амалий хулосаларга асосланади.

Технология методика, дидактика ҳамда таълим - тарбия назариясини инкор этмайди, уларнинг ўрнини босмайди ҳам. У маълум алгоритмларни ишлаб чиқади, ўкув жараёнини конструкциялайди ҳамда кафолатланган натижага эришишнинг аниқ ва қатъий йўлларини белгилайди.

Ушбу хулосалардан қўриниб турибдики, педагогик технологиянинг ҳам, методиканинг ҳам ўз ўрни бор. Лекин, ҳар қандай педагогик технологиялар, ҳар қандай янги усул ва методлар педагогик жамоа, отоналар томонидан яхши қабул қилиниши ҳамда таълим тизимининг яхшиланиши, ривожланиши, шу билан бирга ўқувчиларнинг шахс сифатида камол тонишлариға ижобий таъсир кўрсата олиши керак. Бунинг учун амалда қўлланилаётган ёки қўлланилмоқчи бўлган педагогик технология замирида илмий асос-ижтимоий, иқтисодий, Педагогик психологик ва фалсафий асос бўлиши ва таъкидлаб ўтилганидек, таълим тизими ва шахс камолоти. жамият тараққиётига ижобий таъсир қила олиши лозим.

Тажрибадан маълумки, педагогик технологияларни қўллашда мактаб ўқитувчилари ва ота-оналар томонидан зиддиятлар, қарама-қаршилик ва норозиликлар юзага келиши мумкин (Бунга ҳозирда қўлланилаётган рейтинг тизимини мисол қилиш мумкин). Бундай вазиятлар юзага келмаслиги учун, аввало, қуйидагиларни амалга ошириш зарур, деб ўйлаймиз:

- А) ўқитувчиларга қўлланилмоқчи бўлган педтехнология, унинг мақсади ва кутиладиган натижалар тўғрисида тўлиқ ахборот бериш;
- Б) қарорлар қабул қилиниши босқичида мазкур масада юзасидан ўқитувчилар орасида кенг миқёсда муҳокамалар ўтказишни ташкил этиш ва уларнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборга олиш;
- Б) ўқитувчиларнинг позициялариға кўра турли хилдаги гуруҳлар билан табақалаштирилган ишлар олиб бориш;
- Г) моддий, молиявий ва психологик ёрдам, моддий техник таъминот, инновацион фаолиятга ижобий ёндашишни шакллантириш;
- Д) ҳамма ўқитувчилар учун доимий ва мажбурий илмий методик ўқишлиларни (муаммоли семинар, конференциялар, давра сұхбатлари, тренинглар) ташкил этиш.

Маълумки, ДТСга ўтиш билан боғлиқ. охирги 20-30 йиллар мобайнида россиялик олимлар ривожланган ғарб давлатлари таълимтарбия тизимини, шунингдек, педагогик технологияга оид ишларни чуқур ўрганиб бордилар ва шу асосда илмий тадқиқот ишларини яратдилар. Ўз навбатида илғор педагогик амалиёт ва тадқиқотларга асосланган ҳолда педагогик жараёнларни ривожлантиришнинг илғор йўналишларини аниқладилар. Бу юналишларнинг янги педагогик технологияларни қўллашда методологик асос сифатида қабул қилиниши таълимнинг оқилона ташкил этилишига омил бўла олади. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1.Педагогик мақсадларнинг йўналишларини гуманитарлаштириш, яни инсонга бериладиган таълим ва тарбия жамият томонидан инсоннинг ўз и учун хизмат қилишига имкон бериш.

2.Педагогик жараёнлар орасидаги асосий субъектлар ўқитувчи ва ўқувчи муносабатини объектив-субъектив шақдан диалог муносабатига асосланган субъектдан субъектга кўчириш.

Бунда ўқитувчининг маънавий интеллектуал таъсири остида ҳар бир ўқувчининг ўз имкониятларини тула ишга сола олишлари тамиnlаниши керак.

3.Шу вақтгача мустаҳкам ўрнашиб қолган шахсни бир ҳилда ижтимоийлаштиришдан фарқли ўлароқ миллий, табиий, демофафик ва руҳий-физиологик асосларга ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари диққат-эътиборини кучайтириш. Бундай ҳолда ҳар бир боланинг шахсида зохир бўладиган ички кечинмаларни авайлашга эътибор беришни кучайтириш муҳимдир. Бунда «ҳар томонлама ва уйғун ривожлантириш» чақириқларига қарама-қарши ўлароқ, шахсни шакллантиришда фаолият-хизмат тарзида ёндашиш йўналиши аниқ кўринишга эга бўлиши керак.

4. Таълим мазмунига бўлган қизиқиш «моддий» томондан « rivожлантирувчи » йўналишга ўтиш. Бошқача қилиб айтганда таълим мазмуни «тайёр» ҳолда бериладиган билимлар миқдорига эмас, балки ўқувчиларнинг ижобий ташабbusлари, фаолиятларини рағбатлантириш, кўникма ва малакаларини шаклланишига хизмат қилмоғи керак. Яъни, дунё, маданият, табиат, хаёт, оила, саломатлик каби тушунчаларни ўз ичига о лган педагогик жараённинг асосий функциясини ташкил қилувчи тарбия масалаларини таълим орқали ҳал килишга интилишdir.

5. Давлат ва мактаб орасидаги ўзаро муносабатлар ҳарактерининг ўзгариши-бу мактабларнинг мустақил фаолият қўрсатиши билан боғлиқдир. Бу республикамиздаги ўзига хос хусусиятлари, шароитлари билан фарқ қиласидиган худудларда мактабаларнинг ўзига хос равишда ривожланишларига давлат томонидан керакли шароитлар яратиш орқали амалга оширилади Шунинг учун ҳам мустақил давлатимизнинг янгилаиган таълим сиёсатини амалга ошириши ва замонавий педагогик технологияларининг самарали қўлланилишида маҳаллий идоралар, ҳокимликларнинг мустақил фаолиятлари муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, замонавий педагогик технологиялар таълим тизимида кириб келар экан, керакли педагогик шарт-шароитлар бўлиши тақозо этилади. Кўпгина педагогик олимларнинг илмий изланишларидан маълумки, агар педагогик жараёнда моддий-техник таъминот, мазмун, метод, усул, ўқитувчи шахси ўзаро бир-бири билан боғлиқ ҳолда таъсир этсагина, бу жараён мукаммал ва самарали бўлиши мумкин.

Гап замонавий педагогик технологияларни таълим тизимида қўллаш хусусида борар экан, у мактабнинг моддий-техник таъминотига ҳам ўз талабини қўяди.

Машғулотларни гурухларга ажратиш ва индивидуал ўтиш учун ўқувчиларнинг синф ва синфлар ташқари фаолиятдарининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, олган билим, кўникма ва малакаларини амалда қўллаш, қўл меҳнати, амалий фаолият жараённада амалга оширишларига шароит яратишни (синф хонаси, кутубхона, спорт зали, устахона ва х.к.) кўзда тутиш муҳимдир. Шунингдек, ўқитувчининг дарсга пухта тайёрланиши, керакли материаллардан фойдалана олиш учун замонавий педагогик-психологик, дидактик ва фалсафий адабиётлар, илмий-оммабоп

журналлар, газеталар, бадиий адабиётлардан фойдалана олиши учун бой фондга эга бўлган кутубхона, унинг ишини енгиллаштириш учун синф хоналари компьютер билан тамиnlаниши ҳам муҳимдир.

Педагогик жиҳатдан таъминланишнинг яна бир элементи, бу-ўқитувчи шахси, мактаб педагогик жамоасини шакллантириш, педагогик технологияларнинг кириб келиши билан боғлиқ замонавий мактабларда жаҳон андозаларига мос равишда ўқитиш ишларини яхшилаш мақсадида педагогик кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифати, касбга тайёргарлик даражалари муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, замонавий педагогик технологияларни қўллашда мактабларнинг адаптация жараёнидан ўтишига имкон бериш ҳам педагогик жиҳатдан таъминланишнинг элементларига киради. Шу билан бирга боланинг интеллектуал ривожланганлиги ҳақидаги ахборотга эга бўлиш замонавий педтехнологияларни қўллашда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги замонавий таълим, илғор педагогик технология янги рух ва мазмундаги, педагогик тафаккур, тараққийпарвар фикр, ғоялар маҳсулидир. Янги фикр, ғоялар ўз навбатида мавжуд муаммолар, йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг чуқур таҳлил қилиниши натижасида юзага келади. Шунинг учун ҳам жамиятдаги ижтимоий-маданий муҳит ахволи таҳлил қилинган ҳолда таълимни инсонпарварлаштириш, юзага келган мавжуд муаммоларни оқилона хал этиб бориш, янгича ишлаш янги педагогик тафаккурнинг асоси бўлиб қолади. Бу эса ўз навбатида таълим натижасини кафолатлайдиган, таълим тизимининг ривожланиб бориши, жамият тараққиёти, шахс камолотига ҳисса қўшадиган замонавий педагогик технологияларнинг кириб келишига замин яратади.

Баён этилган фикрлар шундай хуносаларга келинишизга имкон беради: таълимнинг ҳар бир босқичида замонавий педагогик технологияларни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шароитларда жамият муносабатларни ислоҳ қилиш, яъни, демократиялаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, таълимни инсонпарварлаштиришга самарали таъсир кўрсатадиган илмий-концептуал асосга эга бўлгандагина қўллаш мувофиқдир. Қўлланилаётган технологиялар ўқитувчи ва ўқувчи ҳаётига енгиллик олиб келиши, ўқувчининг ҳоҳлаб, қизиқиб ўқишига имкон бериши ва жамият тараққиётининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатишини кафолатлаш керак. Замонавий педтехнологиялар қўлланилишидан олдин адаптациядан ўтиши, педагогик шарт-шароитлар, моддий-техник база ҳисобга олиниши лозим.

Агар педагогик технологияларни қўллашда илмий асос ва кафолатланган натижа бўлмас экан, бундай технологиялар оқибати шахс камолоти, таълим тизими ва жамиятнинг юксалишига тўғаноқ бўлаверади.

## **Махсус фанларни ўқитишида замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг ўрни.**

Ўқув тарбиявий жараённи илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш вазифаси ҳам бевосита ўқитувчидан ижодкорона фаолиятни, қолаверса, ишлаб чиқаришга тегишли бўлган соҳа билимларини эгаллашга жалб этади. Мадомики, технология мавжуд экан, уни таълим тарбияга сингдириш шарт экан, бу жараён қаерда кетиш мумкин деган савол туғилиши табиий. У шаксиз педагогик корхонада-педагогик ишлаб чиқаришда рўй беради.

Технология бу шахсни ўқитиши, тарбиялаш ва ривожлантириш қонунларини ўзида жо қилган ва якуний натижани таъминлайдиган педагогик фаолиятдир. Технология тушунчаликни регулятив (тартибга солиб турувчи) таъсир кучига эга бўлиб, назариячи олимлар ва ўқитувчиларни янгича тафаккур, эркин ижод қилишга ундейди.

### **У қўйидагиларни ўз ичига олади:**

- Самарадор ўқув-билим фаолиятининг асосларини топиш.
- Уни экстенсив (куч, вақт, ресурс йўқотишига олиб келадиган самарасиз) асосдан кўра интенсив (жадал) мумкин қадар илмий асосда кириш.
- Талаб этилган натижаларни кафолатлайдиган фан ва тажриба ютуқларидан фойдаланиш.
- Ўқитиши давомида тўсиқларни тузатишлар киришини лойиҳалаш методига таянган ҳолда йўқотиши.
- Таълим жараёнини юқори даражада ахборотлаштириш ва зарурӣ ҳаракатларни алгоритмлаш.
- Техник воситаларни яратиш, улардан фойдаланиш методикасини ўз лаштириши.

Технология мураккаб жараён сифатида қатор ўқитиши босқичларидан, уч навбатида бу босқичларининг ҳар бири ўзига хос амалиётлардан иборат бўлади.

**Амалиёт-ўқитувчининг синфда** (аудитория) мавзу бўйича ўқув унсурларини тушунтириш мақсадида бажарган ишларининг йиғиндиси бўлиб, ўқитиши жараёнини ушбу босқичида туталланган қисмини ташкил этади.

Амалиёт технология асосини ташкил этиб, таълим мақсадини режалаштиришда ва амалга оширишда этиборга олинадиган асосий унсур ҳисобланади.

Бирор бир ўқув унсурини тушунтириш учун ўқитувчи самарали таълим воситалари материалларидан фойдаланиш давомида у ёки бу алгоритмик ҳаракатни мақсадга мос ҳолда аниқ бажаради.

**Техник назорат-ўқитувчи** фаолиятига тегишли бўлиб, технологияда иштирок этаётган воситаларнинг- техник ҳолатини аниқлаш ва баҳолашдир. Бинобарин қўлланилиши зарур бўлган ўқитишининг техник воситаларини машғулот олдидан тайёрлаш ёки ишлатиш жараёнида узгарадиган хусусиятларини белгилаб олиш таълим жараёнининг бир

маромда, узлуксиз давом этилишини, вақтдан самарали фойдаланишни кафолатлады. Вақт ўтиши билан у ёки бу техник восита кўрсаткичлари ўзгариши, паспортида кўрсатилган миқдордан фарқланиши мумкин. Шу боисдан допуск тушунчаси технологияда қўлланилади.

Допуск (ўлчаш фарқи)-энг катта ва энг кичик чекли ўлчамлар орасидаги фарқ-ўлчовдир, дидактик жараёндир. Фойдаланаётган ҳар бир техник восита учун допуск майдони-ишлатиш чегараси мавжуд бўлади. Агар шу чегара бўзилса педагогик технология сифатига путур етади ёки кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Демак, ўқитишнинг техник воситасини яроқли ҳолга келтириш чоралари кўрилади. Допуск тушунчасига шунингдек рейтинг тизимида ҳам дуч келишнмиз мумкин.

Педагогик технология моҳият жиҳатидан бошқа технологиялар билан бир сафда туради, чунки, «шерик»лари қатори уч хусусий соҳасига методлари ва воситаларига эга маълум «материал» билан иш кўради ва у инсон онги тафаккури билан боғлиқ билимлар соҳаси сифатида бошқа технологиялардан ажралиб туради. Унинг ўзига хос жиҳати тарбия компонентларини мужассамлаштирганидир.

Технологик ёндашув асосида ўқувчиликнинг ўқув-билим фаолиятини қандай ташкил этиш керак? Педагогик технология «синф дарс» тизимини қонуниятлари асосида жорий қилинадими ёки уни инкор этадими? каби саволларга жавоб берайлик. Кичик гуруҳларда ишлатишни ташкил этаётган ўқитувчи олдида биринчи галда гуруҳ таркиби масаласи туради. Тадқиқотчилар фикрига кўра, гуруҳ таркибининг мақбул сони-5 кишидан иборат бўлиши эътироф этилди. Гурухни саралашда қуйидаги ҳолатлар эътиборга олиниши лозим: Биринчи ўринда турли предмет бўйича гуруҳ тузилиши мумкинлиги ҳисобга олиниши зарур, аммо бир предмет чегарасига ҳам гуруҳ таркибини турғун сақлаш тавсия этилмайди. У алоҳида ўқувчиликнинг ҳаракатланишини ҳисобга олган ҳолда доимо ростланиб турилиши лозим. Ўқув гурухининг яхлитлигида ўқувчиликнинг ўзаро муносабатлари ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Ўқув жараёнини кичик гуруҳларда ташкил этиш дарснинг барча босқичларида янги материалларни баён қилишда ўтилганларни мустаҳкамлашда, машқ бажаришида қўл келиши таъкидланиши: кичик гуруҳларда ишлаш технологиясини дарснинг барча босқичларида қўллаш мумкин деган фикрни ўқув предметларига ҳам кўчириш мумкин. Бироқ бу ерда гуманитар предметлар - тарих давлат ва ҳуқуқ асослари, адабиёт, баъзи ҳолларда география ва биология фанлари янги ўқув материалининг катта қисмини ўрганиш учун кичик гуруҳларнинг ташкил этилишига имкониятлар очиб беради. Тадқиқотларнинг кўрсатишича кичик гуруҳларда ишлаш, кичик ёшдаги болаларни, юқори синф ўқувчиликнинг ўқитишда ҳам бир хил даражада самарали бўлади. Фронтал ишлаш шароитида ўқув материаллари мазмуни ва узатиш усуллари ҳар бир ўқитувчининг индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳамда вариантланмайди. Бу эса ўқувчига ўз хусусий фикрини билдиришга ва ривожлантиришга, ўз нуқтай назарини асослашга имкон бермайди.

Ўқув ахборотларини ўзлаштириш самарадорлигининг муҳим шарти бу жараёнга бўлган ўқувчидаги имкониятни, мисол учун, ўз тенгқурлари билан мухокамага киришиш у ёки бу савол бўйича мавқеини ҳимоялаш ва бошқа ҳолатлар. Бундай имкониятларни фронтал шакл ҳам, бўлган индивидуал шакл ҳам бера олмайди. Бунинг учун бирмунча қулай кичик гуруҳда ишлаш керак. Бунда кичик гуруҳларда ўзлаштириш даражаларининг бир ҳил эмаслигининг сабабларини топиб ўқитувчи ўз хусусий педагогик фаолиятини тузатади. Айнан шунинг учун ўқув жараёнини ҳар бир ўқувчини ўқитишининг алоҳида босқичларида нималарга еришганини доимо ҳисобга олиш билан амалга оширилади. Кичик гуруҳларда ишлашнинг тарбиявий аҳамияти ҳам катта. Энг асосийси ўқишига қизиқиши кескин ошади, ижобий муносабатлар шаклланади. Ўқувчиларнинг жавобларидан маълум бўлишича бирор-бир ўқувчи доскада топшириқни бажараётган бўлса, қолганларнинг учдан икки қисми бегона ишлар билан ёки ўзаро гаплашиш билан банд бўлар экан. **Иккинчи ўринда** ўқитувчининг тушунтириши, **учинчи ўринда** фронтал топшириқларни бажариш жараёнида ўқувчилар кўпроқ бепарволикка йўл қўйишар экан. Кичик гуруҳларда ишлаш пайтида эса бор йўғи 2,1% ўқувчиларнинг фикри чалғиши қузатилади.

Умуман олганда педагогик технологиялар ўқув таълим тизимида узлуксиз жараён бўлиб, мураккаб тизим ҳисобланади. Энди бу йирик йўналишга маҳсус фанларни қўшиб янгича ёндашиш бундан ҳам мураккаб ҳисобланади. Умуман сифат-бу обьектнинг сифат белгисини ифодоловчи хоссалар, аломатлар мажмуи. Сифат обьектларининг кишилар эҳтиёж ва талабларини қондиришни, унинг мақсадга ва қўйиладиган талабларига мувофиқлигини таъминлайди.

**Педагогик технология**-бу олдиндан лойиҳалаштирилган ўқув тарбия жараёнини мунтазам ва тадрижий тарзда амалга оширилишини таъминловчи технологик тартиблар йиғиндисидир.

Педагогик технология-бу фақат таълимда техник воситалардан фойдаланишгина эмас, балки, ўқув тарбия жараёнини мазмундор техникавий амалга оширишdir.Хусусан конструкциялаш ва усуллар ҳамда материалларни қўллаш воситасида таълим самарадорлигини оширувчи омилларни таҳлил этиш йўли билан таълим жараёнини оптималлаштириш тамойилларини аниқлаш ва усулларини ишлаб чиқиш аҳамиятлидир.

Педагогик технологияларни моддийлаштириш (дарсликлар, таълим мегодикаси, ўқитувчи, педагог ўқитувчи фаолияти)-шахсни белгиланган сифатларда шакллантиришга мақсадли ва олдиндан кўзланган педагогик таъсирни яратиш учун зарур бўлган ўзаро боғлиқ воситалар, усуллар ва жараёнларнинг ташкиллаштирилган мажмуи. Унинг тузилишини қўйидаги инвариант усуллар белгилайди: ўқувчи; таълим тарбиянинг мақсади, таълим ва тарбиянинг мазмuni; тарбия ва ўқитиши жараёнлари; ўқитувчилар педагогик фаолиятини ташкиллаштириш шаклларидан иборат. Маҳсус фанларни ўқитишида педагог эксперементга алоҳида эътибор бериш керак.

Тадқиқотчи маҳсус яратган ёки назорат қилаётган шароитларда ўқув ёки тарбия ишлари *соҳасидаги эксперемент, маълим усуllibari, воситалари ва уларнинг натижалари* ўртасидаги боғлиқликни белгилаш педагогик омиллар ўртасидаги сабаб, оқибат муносабати ҳақидаги янги билимларни олишга имкон берувчи педагогик тадқиқот усулларининг мажмуидир.

Назоратдаги ва эксперемент гурухларни қиёслаш ўрганилаётган обьект ёки тизимга хос тегишли ўзгаришларни қайд этиш асосида кўрилади.

Янги педагогикада моделлаштириш ҳам маҳсус фанларни ўқитиш ва педагогик технология ўртасида боғлиқлик вазифасини бажарувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Маҳсус ўхшаш моделлар яратиш йўли билан амалда мавжуд педагогика тизимини моддий ёки фикран тиклаш, бунда мазкур тизимни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш тамойиллари намоён бўлди.

Моделлаштириш ёрдамида тизимнинг кам аҳамиятли хоссаларидан четлатиш мумкин, лекин ҳар қандай модел шундай педагогик ҳодисалар тоифасини маълум даражада соддалаштиришни назарда тутадики, у нарсани идроклаш сифатида кўринади ва обьектнинг айнан ўхшаш барча томонидан унинг такори бўлиш мумкин эмас. Педагогик фаолият ўқув программаси ёки бир қатор бошқа программалар, шунингдек таълимнинг бошқа вазифалари ва унинг ижтимоий мақсадларида кўзда тутилган натижаларига эришиш учун таълим муассасаларида маҳсус тайёргарлиги бўлган мутахассислар томонидан амалга ошириладиган фаолият педагогнинг ваколатлилиги, педагог фаолиятининг самаралилиги қуйидаги кўрсаткичлар билан баҳоланади; билим даражаси ва у бошқаларни ўқитмоқчи бўлганини тушуниши; ўқитиш технологиясини эгаллаганлик даражаси; шахсни ўқитиш тарбиялаш ва ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларни бир вақтда бажаришга эришиш қобилияти. Маҳсус фанларни ўқитишда ҳар доим замонавий педагогик технологиялар қонунлари ҳисобга олинган ҳолда талим-тарбия ишлари олиб борилиши шарт, аммо маҳсус фан бўлгани учун маҳсус йўналишлар ишлаб чиқиш керак. Масалан, Археология ўз илмий йўналишига эга, унга алоҳида тизим керак. Этнографияга алоҳида усул керак. Булар шундай тизимлаштирилиши керакки, натижани олдиндан билиш шунга қараб хulosалар ва яна янгиликлар киритишга ҳаракат қилишга имкон туғилсин.

Бунда *биринчи навбатда* педагогиканинг классик қонуниятларига бўйсуниб иш бошлаш. *Иккинчидан* замонавий педагогика асосларидан унумли фойдаланиш. *Учинчидан* айнан маҳсус фаннинг қайси илмий юналишда бўлса, ўшани ҳисобга олиш (масалан: этнография бўлса, унинг энг муҳим томонлари асосларини ҳисобга олиш). *Тўртинчидан*, педагогнинг ўз услуби, шахсий педагогик қобилиятини ишга солиш зарурдир.

### **Саволлар:**

1. Оптималлаштириш нима?
2. Оптималлаштириш нринсиплари (талаблари) нимада?
3. Оптималлаштириш ва педагогик технологиянинг ўзаро боптиклиги ва ўзига хослиги нимада?
4. Таълим-тарбиянинг оптимал методларини танлаш мезони нимада?
5. Битта мавзууни ўрганишнинг оптимал методини топинг?
6. Таълим-тарбия мазмунини оптималлаштириш мезони нимада?
7. Таълим-тарбия воситалари қайсилар? Уларнинг оптималлик мезони нимада?
8. Таълим - тарбиянинг самарадорлик мезони нимада?
9. Таълим - тарбияда ижодкорликнинг тутган ўрни нимада?
10. Педагогик технологияни ривожлантириш технологияси ҳақида қандай фикрдасиз?

### **10-МАВЗУ: ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАР<sup>3</sup>**

1. Интерфаол усуллар ҳақида тушунча.
2. «Ақлий ҳужум» интерфаол усули
3. Ўйинлар ва уларни ташкил этиш
4. «Бумеранг» интерфаол усули
5. “Кластер” интерфаол усули
6. “Эссе” интерфаол усули
7. “Ўйланг – жуфтликда ишланг-фикр алмашинг” интерфаол усули
8. “Нилуфар гули” интерфаол усули
9. “Мунозара” интерфаол усули
10. “Ўз ўрнингни топ” интерфаол усули
11. “Кичик гурӯхлардан ишлаш” интерфаол усули
12. “Меню” интерфаол усули
13. “Кичик гурӯхларда босма материаллар билан ишлаш” интерфаол усули
14. “Дебатлар” интерфаол усули
15. “Фоялар ғилдираги” интерфаол усули
16. “Чархпалак” интерфаол усули
17. “Инсерт” интерфаол усули
18. “Синквейн” интерфаол усули
19. “Венн диаграммаси” интерфаол усули
20. “Резюме” интерфаол усули
21. Муаммоли савол ва вазиятлар яратиш
22. Таълим усулларини танлаш мезонлари

<sup>3</sup> Ушбу мавзууни очиб беришда Б. Ходиев ҳамда Л.Голишларнинг “Мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усул ва воситалари ўқув-услубий қўлланмасидан, 2011 йилда нашр этилган “Касбий таълим методикаси” журналида берилган материаллардан, дарс ишланмаларидан, ТАҚИ талабаларининг мустақил ишларидан кенг фойдаланилди.

## **Асосий түшүнчалар:**

Интерфаол усул. «Ақлий ҳужум» Үйинлар. «Бумеранг».“Кластер”.  
“Эссе”. “Үйланг – жуфтликда ишланг-фирмалашынг”. “Нилуфар гули”.  
“Мунозара”. “Үз үрнингни топ”. “Кичик гурухлардан ишлаш”. “Меню”.  
“Кичик гурухларда босма материаллар билан ишлаш”. “Дебатлар”.  
“Фоялар филдираги”. “Чархпалак”. “Инсерт”. “Синквейн”. “Венн диаграммаси”. “Резюме”. Муаммоли ўқитиши. Таълим усулларини танлаш мезонлари.

Бугунги кунда таълим соҳасида педагогик технологиялар, интерфаол ўқитиши усуллари каби түшүнчалардан кенг фойдаланиб келамиз.

Кўп педагогларимиз ушбу түшүнчаларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англамайдилар ва педагогик технология деганда фақат интерфаол усулларни кўллашни тушунадилар.

Ушбу масалага ойдинлик киритиши мақсадида педагогик технология ва интерфаол ўқитиши жараёнининг мазмун-моҳиятини очиб бермоқчимиз.

Технология сўзи педагогикага ишлаб чиқариш соҳасидан кириб келган. Бизга маълумки, ҳар қандай технология якуний натижага қаратилган бўлиб, бу натижани олдиндан режалаштиради ва босқичмабосқич амалга оширади. Энг муҳими шундаки, ҳар қандай технологияда якуний натижага кафолатланади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, педагогик технология деганда олдиндан лойиҳалаштирилган ва якуний натижани кафотлатлайдиган таълим ва тарбия жараёни тушунилади. Демак, педагогик технологияни амалга оширишдан аввал ўқув мақсадларини аниқ белгилаш зарурдир. Ўқитувчи дарс натижасини олдиндан кўз олдига келтириши лозим. Яъни, дарсга киришдан олдин ҳар бир ўқитувчи “Хозир ўқувчилар ... ларни билмайдилар, мен дарсни якунлаб, аудиториядан чиқиб кетганимдан кейин, ўқувчилар ... биладилар, ... бажара оладилар” каби масалалар ҳақида жиддий ўйлаши керак.

Педагогик технология доирасида икки ҳил ёндашувни ажратишимииз мумкин: технологик ва жараёнли.

Технологик ёндашувнинг мақсади – талабаларга билим бериш, уларнинг кўнигма ва малакаларини ривожлантиришдир. Бу ёндашувда ўқув мақсадини аниқ ва тўғри белгилаш муҳим ҳисобланади.


Жараёнли ёндашувнинг мақсади эса – талабалар танқидий тафаккурини, ижодий ва мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришдир. Бу ёндашувда жараён мақсадга кўра муҳим ҳисобланади. Айнан жараёнли ёндошувда интерфаол усуллардан фойдаланилади. Чунки, интерфаол ўқитиши усулларининг аксарияти талабаларга янги билим бермайди. Бу усуллар ўқитувчи ва талабаларда мавжуд бўлган билимларни фаоллаштиради, умумлаштиради, анализ, синтез қилишга ўргатади. Интерфаол усуллар талабаларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг асосий механизми ҳисобланади. Шунинг учун “Синквейн”, “Кластер”, “Нилуфар гули”, “Венн диаграммаси” ва бошқа

интерфаол усуллар асосида бажарилган топшириқлар бағоланмайды, талабалар рағбатлантирилади, ҳар қандай фикрлар қабул қилинади (бу фикрлар ўқитувчининг нуқтаи назаридан нотүғри бўлса ҳам).

Интерфаол ўқитишиш усулларини яхшироқ англашимиз учун, уларни анъянавий ва фаол ўқитишиш усуллари билан таққослаймиз.


Ўқитишининг анаъянавий усулларини қуидаги чизма орқали тушунтиришимиз мумкин:

Умуман олгандан интерфаол ўқитишишни қуидагича изоҳлаш мумкин:




Анъянавий ўқитишида ўқитивчи фаол иштирок этиб, ўқувчиларга фақат ахборотни етказиб беради. Бунда ахборот бир томонлама узатилади.

Ўқитишининг фаол усуллари қуидаги чизмада акс эттирилган:



Бунда ҳам ўқитувчи машғулотнинг марказида бўлиб, ахборотни етказиб берувчи ягона манба ҳисобланади. Лекин ўқувчилар пассив тингловчилардан фаол тингловчиларга айланади.

Улар саволлар бериши, ўз фикрларини билдиришлари мумкин.  
Ўқитишининг интерфаол усуллари эса қуидаги чизмада кўрсатилган:



Интерфаол стратегияларида ўқитувчининг роли кескин ўзгаради – энди ўқитувчи дарснинг марказий фигурасидан дарснинг ташкилотчисига айланади, дарснинг умумий йўналишини белгилайди (олдиндан керак бўлган топшириқларни тайёрлайди, гуруҳлар ишини ташкил этиш бўйича саволлар ва мавзуларни танлайди), вақтни назорат қиласи, маслаҳат беради, мураккаб терминларни тушунтириб беради. Ўқувчиларда эса ахборотнинг қўшимча манбалари пайдо бўлади – китоблар, луғатлар, энциклопедиялар, компьютер дастурлари ва бошқалар. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг ижтимоий тажрибалари ортади – улар бир-бирлари билан мулоқотга киришадилар, берилган топшириқларни ҳамкорликда бажаришга ўрганадилар, бир бирларини фикрларини тинглаш ва ҳурмат қилишга одатланадилар.

Интерфаол усулларнинг айримларини кўриб чиқамиз.

### **«Ақлий ҳужум» интерфаол усули**

**Ақлий ҳужум** - ғояларни илгари суриш усули. Қатнашчилар бирлашган холда қийин муаммони ечишга ҳаракат қиласидилар, уни ечиш учун шахсий ғояларини илгари сурадилар.

Бу усулнинг асосий вазифаси – муаммони тушуниш ва ечишга талабаларнинг мотивациясини ўйғотишдир.

У қатнашчиларни ўз тасаввурлари ва ижодларидан фойдаланишга ундайди, берилган муаммога кўп сонли ечимлар топишга ёрдам беради.

Ақлий ҳужум усулининг олиб борилиши қуидагича:

1-босқич. Тайёрлов. Ўқитувчи мавзуни аниқлайди, мақсадни, натижаларни, баҳолаш мезонини шакллантиради.

2-босқич. Кириш. Ақлий ҳужум усули мақсадни амалга ошириш воситаси эканлигини тушунтиради. Берилган муаммони баён қиласи ва бошлаш тўғрисида буйруқ беради.

3-босқич. Ғояларни киритиш. Ғоялар магнитофон ёки видеолентага, плакат ёки доскага ёзиб олишни ташкил қиласы. Талабалар муаммони ечиш буйича ғоя ва таклифлар ҳақида мулохаза юритадилар. Ғоялар устидан кулиш тақиқланади. Ғоялар канча күп бўлса, шунча яхши. Фикрларга тўлиқ эркинлик берилади, талабалар рафбатлантирилади, фикрларни баён қилишга ундан борилади. Талабаларга ўз фикрини баён қилишга имкон берилади.

4-босқич. Таҳлил. Ўқитувчи илгари сурилган ғояларни таҳлил қилишни ташкил қиласы. Талабалар билдирилган ғояларни, таклифларни гурӯҳ бўлиб таҳлил қиласы. Энг қулай ва мақсадга мувофиқларини аниқлайдилар.

5-босқич. Якун ясаш, таҳлил ва баҳолаш. Ўқитувчи талабалар томонидан амалга оширилган фаолиятга якун ясайди, таҳлил қиласы ва баҳолайди. Талабага ўз-ўзига баҳо бериш имконияти ҳам берилиши мумкин.

### **Ўйинлар ва уларни ташкил этиш**

Хозирги кунда етук кадрлар тайёрлашда энг кенг қўлланиладиган интерфаол усуллардан бири **ўйин усулидир**. **ўйин усулларининг асосий мақсади** талабаларни факат тинглаш эмас, балки билимларни ўзлаштиришда бевосита иштирокини таъминлаш ва бу орқали таълим самарадорлигига эришишдир. Ўйин ҳар хил муаммоларни ҳал этишдаги таҳминий фаолиятни тузиш учун энг қулай асос ҳисобланади.

Иштирокчиларнинг ўйин мақсадларини аниқ тушунишлари ва шахсий кизикишлари вазиятни бошқаришнинг муҳим омиллари ҳисобланади.

Ўйинни моделлаштириш қоидалар орқали амалга оширилади. Ўйин қоидаси ўйин элементларига мувофиқ унинг мазмунини ифодаловчи низомдир. Ўйин қоидаси ҳаётдан олинган ёки маҳсус ўйлаб топилган бўлиши мумкин.

Ўйиндаги ташкилий фаолиятнинг муҳим белгиси ролларнинг шартли эканлиги. Аммо ҳар бир рол мақсади аниқ белгиланиши ва ролларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаши зарурдир. Шунинг учун роллар ўйин иштирокчиларининг қизиқишлирига қараб тақсимланиши мумкин.

Ўйиннинг бошқарувчиси жамоа бўлиб, иштирокчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини ва мулоқотга киришишини таъминлайди. Жамоа бўлиб карор қабул қилинади.

Лойихалаштирилган ўйинлар қоидасига кўра таълим муассасалари ёки муайян ташкилотларда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар асосида ўтказилиши мумкин.

Ролли ўйинлар доимо реал ҳаётга яқин бўлган инсон ҳаётининг ҳар хил шарт-шароитларини кўзлаган ҳолда амалга оширилади. Иштирокчилар ўйин давомида вазиятни таҳлил қилишади. Бунда уларга хеч ким ёрдам бермайди. Улар ўзларини бошқариши ва уюштира олиши лозим. Мураккаб вазиятлар билан боғлиқ ўйин мақсадларига шахсий харакатлари орқали эришадилар ва хулосаларни қабул қиласы. Демак, ролли ўйинларда қандайдир ҳаётий вазият ижро қилинади.

Ролли ўйинларнинг афзаликлари:

1. Ролли ўйинлар талабаларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради.

2. Келгусидаги амалиёт учун муайян малакаларни таркиб топтиради.

3. Назарияни амалиёт орқали ўрганишга олиб келади.

Ролли ўйин раҳбари қоидага кўра ўйиннинг бевосита иштирокчиси булолмайди. Унинг вазифаси ўйин усули орқали объектив воқеликни белгиловчи шарт-шароитларни яратиши ва қўллаб-қувватлашидан иборат.

Ролли ўйинларда жамоавий ёки индивидуал қарор қабул қилиниши мумкин.

### **«Бумеранг» интерфаол усули**

Мазкур технология бир машғулот давомида ўқув материалларини чукур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. У турли мазмун ва характерга (муаммоли, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга яроқли бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шаклларини қамраб олади ҳамда бир машғулот давомида ҳар бир иштирокчининг турли топшириқларини бажариши, навбат билан ўқувчи ёки ўқитувчи ролида бўлиши, керакли бални тўплашга имконият бераи.

«Бумеранг» технологияси танқидий фикрлаш, мантииқини шакллантиришга имконият яратади; хотирани, ғояларни, фикрларни, далилларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Таълим билан бир қаторда мазкур усул тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

- жамоа билан ишлаш маҳорати;
- муоммалалик;
- хушфеъллик;
- ўзгалар фикрига хурмат;
- фаоллик;
- раҳбарлик;
- ишга ижодий ёндашиш;
- ўз фаолиятининг самарали бўлишига қизиқиш;
- ўзини холис баҳолаш.

### **Асосий тушунчалар қуйидагилар:**

Очиқ саволлар – бу саволлар муомала, сўзлашувчи давом эттиришга имкон беради. Уларга қисқа, бир хил жавоб бериш мумкин эмас.

Ёпик саволлар – бу саволлар олдиндан «ҳа» ёки «йўқ» типидаги тўғри, очиқ, жавобларни беришни кўзда тутади.

Кўндаланг сўроқ - бир – бирига гуруҳлаб берилувчи қисқа саволлар қатори бўлиб, бу ўзига хос ахборотлар излаш ҳамда далилларни, оппонентлар позициясини аниқлаш ва муайян қарорлар қабул қилиш учун ажойиб имкониятдир.

Күндаланг сўроқ пайтида мунозарага киришиш мумкин эмас. Бу вактда фақат саволлар берилади, мунозарага киришилмайди.

## **ТРЕНИНГ ҲАҚИДА ТУШУНЧА**

Ушбу технология ўқувчи-талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдда сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрини эркин ҳолда баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча ўқувчи-талабаларни баҳолай олишга қаратилган.

### **МАҚСАД**

Тренинг давомида тингловчиларга тарқатилган материалларни улар томонидан якка ва гурух ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда ўзаро сухбат-мунозара орқали, турли саволлар орқали тарқатма материаллар ундаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганини назорат қилиш. Тренинг давомида ўқувчи-талабалар томонидан баҳо балларини эгаллашга имконият яратиш.

### **ЎТКАЗИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

#### **1 – БОСҚИЧ.**

- Тренинг тўғридан-тўғри тингловчиларни 4-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлишдан бошланади;

- тренер ҳар бир гурух ва унинг ҳар бир аъзосига мустақил ўрганиш, фикрлаш ва ёдда сақлаб қолиш учун алоҳида-алоҳида аниқ ёзма тарқатма материал беради (тарқатма материалда) тренер томонидан танланган умумий мавзу бўйича бирон бир ҳажмдаги матн берилган, уларнинг сони гуруҳлар ва тингловчилар сонига боғлиқ. Агар 4-та кичик гурух бўлса, у ҳолда умумий мавзу 4-та кичик матнларга бўлинисб ҳар бир гурухга берилади;

- фаолият самарали бўлиши учун ҳар бир гурухга берилган текстдан ҳар бир тингловчига берилади. Шундай қилиб, 4-та гурух умумий мавзу асосида 4-хил матнга эга, ҳар бир тингловчи эса фз гурухига тушган матнга эга бўлади.

#### **2 – БОСҚИЧ.**

- гуруҳларга берилган матнни гурух аъзолари якка тартибда алоҳида ўрганишлари, текстни эслаб қолишлари, кейин эса керак бўлса бошқаларга ёки тренерга гапириб беришлари, иложи борича текстни ўзлаштириб олишлари кераклигини тренер уқтиради, ва тайёргарлик учун матнни катта кичиклигига қараб 10-15 дақиқа вақт беради. Ўзи эса гурух ва тингловчиларни иш фаолиятини кузатади.

#### **3 – БОСҚИЧ.**

- тренер олдиндан тайёрлаб қўйилган рақамлар ёзилган кичик қофозлар билан ҳар бир гурух ёнига келиб гурух аъзоларидан ушбу қофозлардан биттадан рақам тортиб олишларини сўрайди (қофозлар сони гуруҳдаги тингловчилар сонига боғлиқ, масалан, гуруҳда 5-киши бўлса, қофоздаги рақамлар 1, 2, 3, 4, 5 этиб тайёрланади, агар 4-та бўлса 1-дан 4-гача ва х.). Гуруҳлардаги барча тингловчилар рақамлар ёзилган қофоздан

олишлари керак. Нечта гурух, бўлса, шунча гурух аъзолари сонига қараб рақамлар ёзилган қофозлар тайёрланади.

Тренер рақамлар бўйича тингловчилардан Янги гуруҳлар тузишларини сўрайди. Масалан, ҳамма 1-рақамни олганлар бита Янги гурух, 2-рақамлар иккинчи гурухни, 3-рақамлар учинчи гурухни, 4-рақамлилар тўртинчи гурухни, 5-рақамлилар бешинчи гурухни ташкил этишларини сўрайди. Гурух аъзолари Янги гурухга ўтишларидан ўзлари билан ўрганган матнларини оладилар.

#### **4-БОСҚИЧ.**

- рақамлар бўйича янги гуруҳлар тузилганда ҳар бир янги гурухда аввалги гуруҳлардан биттадан вакиллар ўз-ўзидан тўпланиб қолади, яъни 4та гурухда 4-хил матн ўрганилган бўлса, бу янги гурухда ҳар биттасидан биттадан вакил тўпланади, умумий мавзу бўйича 4-tinglovchi ва 4-хил матн тўпланади.

#### **5-БОСҚИЧ.**

- янги тузилган гурухнинг ҳар бир азоси энди ўзига иккита вазифа, яъни ўқитувчи ва ўқувчи вазифасини олади ва қуидагича фаолият кўрсатади:

1. Ўқитувчи (ўргатувчи) сифатида, ўзи аввал ўрганган материални гапириб беради, тушунтиради, ўзи мустақил ўрганган материалнинг асосий жойларига барчани диққатини жалб қиласи, бошқа гурух аъзоларининг тушуниш ва ўзлаштириш қобилиятларини текширади.

2. Ўқувчи сифатида, гурух аъэоларини навбатма-навбат сўзлаб, тушунтираётган, гапираётган матнларини эшитади, таҳлили қиласи, фикрлайди ва ёдда сақлаб қолишга ҳаракат қиласи.

Тренер эса уларга ўз матнларини фақат сўзлаб беришлари кераклигини уқтиради ва бунга 20-дақиқа вақт беради (матн ҳажмига ва умумий мавзунинг қийин, осонлигига қараб вақт ажратилади).

Бу босқичда тренинг бошланишида тарқатилган барча материал тингловчилар томонидан ўзлаштирилган ҳисобланади.

#### **6-БОСҚИЧ.**

- гуруҳлар бир-бирларига ўз матнларини гапириб беради, барчалари ушбу матнларни билиб олишгач, тренер ўрганилган материал гурух аъзолари томонидан қанчалик ўзлаштириб олинганини текшириб қўриш учун ҳар бири гурух аъзоси бир-бирларига ўз матнларидан келиб чиқсан ҳолда саволлар беришлари мумкинлигини тушунтиради. Шундай қилиб, гурух ичидаги назорат савол-жавоб орқали ўтказилади. Бу эса гурухдаги тингловчиларни бир-бирларига сўзлаб берган материалларини бошқалар томонидан ўзлаштирилганлик даражасини аниқлашга, мустаҳкамлашга ёрдам беради.

#### **7-БОСҚИЧ.**

- тренер барча тингловчиларни яна қайтадан аввалги жойларига қайтишларини сўрайди, яъни яна ҳамма машғулот бошланишидаги гурухларига қайтадилар.

## **8-БОСҚИЧ.**

- тренер аудиториядаги тингловчиларнинг барчаси ҳамма тарқатилган ёзма материаллар билан таниш эканликлари, улар ҳақида түлиқ маълумотга эга бўлганликларини ҳисобга олган ҳолда аудиториядаги ҳар бир ўқувчи-талабадан ҳоҳлаган материални сўраши мумкинлигини айтади.

## **9-БОСҚИЧ.**

- тингловчиларга тарқатилган барча материални улар томонидан қай даражада ўзлаштирилганлиги даражасини аниқлаш мақсадида тренер ўқитувчи, ёки маҳсус гурух, ёки оппонент гурухи томонидан берилган назорат саволларига жавобларни рейтинг баллари орқали баҳоланиши тушунтирилади, масалан, саволларга берилган жавоблар – агар түлиқ жавоб бўлса – 3- балл, қўшимча қилинса – 2 балл, ўтирган жойдан луқма ташланса –1- балл, жавоб берилмаса – 0 балл қўйилиши белгиланади.

Баҳо системасида - түлиқ жавоб учун – 5 баҳо, қўшимча учун – 4- баҳо, луқма ташланса –3 баҳо, жавоб бермаса – 2 баҳоб умуман иштирок этмаса 1- баҳо қўйишни белгилаш мумкин.

Гуруҳ аъзоларининг жавобларини юқорида кўрсатилган тартибда баҳолаш, балларни қўйиб бориш, умулаштириш учун ҳар бир ўзига гуруҳ қатнашчиларидан бирини “ҳисобчи” этиб тайинлаши мумкин (“ҳисобчи” ҳам даврада бўлаётган савол-жавоблар мулоқотида иштирок этади).

## **10-БОСҚИЧ.**

Ушбу босқичда тренер тарқатма материаллар асосида тузилган саволлар (5-6 та) билан ўқувчи-талабаларга мурожаат қиласи (саволлар иложи борича ҳамма матнларга тегишли бўлгани маъқул, шунингдек, тренер аудиториядаги барча ўқувчи-талабаларни жавоб бериш учун қамраб олишга ҳаракат қиласи).

Белгиланган саволларга жавоб бериш тугагач, тренер доскага гуруҳлар томонидан тўпланган балларни ёzáди ва машғулотнинг кейинги босқичига ўтади.

## **11-БОСҚИЧ.**

Тренер-ўқитувчи ҳар бир гурухни ўз ёзма материалларининг мазмунидан келиб чиқкан ҳолда биттадан савол тайёрлашлари кераклигини айтади ва гуруҳларга савол тузишлари учун 5-7 дақиқа вақт ажратади.

## **12-БОСҚИЧ.**

Бу босқичда гуруҳлар бир-бирларига саволлар берадилар, гуруҳлардаги “ҳисобчилар” эса гуруҳ аъзоларининг жавобларини юқорида белгиланган тартибда баҳолаб борадилар. Жавоблар тўғри бўлса, савол берган гуруҳ жавобни тўлдирмайди.

## **13-БОСҚИЧ.**

Тренер-ўқитувчи гуруҳ аъзолари тўплаган балларни яна бир маротаба доскага ёzáди ва тўпланган баллар (баҳо)ларнинг умумий сонини аниқлайди. Тўпланган баллар (баҳо)ларни умумий сонини гуруҳ аъзоларига теппа-тенг бўлади (юқорида келишилганлик асосида).

ИЗОҲ: агар тўпланган балларни гуруҳ аъзоларига теппа-тенг бўлишда ўқувчи-талабалар томонидан норозилик бўлса, яъни баъзи бир гуруҳ

аъзолари гурухнинг фаолиятида фаол иштирок этиб, умумий жамоавий фаолиятда пассив бўлган бўлишса, ёки умуман иштирок этмаган, қизиқмаган бўлишса, бундай ҳолатда вазиятни ечишни гуруҳ аъзоларига юклатилади. Гурухнинг ечими тўғри ҳисобланади, ёки тренер-ўқитувчи ўз фикрини билдириши мумкин, чунки у дарс жараёнида ўқувчи-талабаларнинг жавоблари, фаол ёки пассивликларини кузатиб боради.

Умуман олганда, агар ўқувчи-талаба фаоллик кўрсатмаган ёки саволжавобларда иштирок этмаган бўлса ҳам унинг шу дарс жараёнида бирон нарсани билиб олгани, эслаб қолиб ўзлаштирганини ҳисобга олган ҳолда унга энг кичик балл берилиши мумкин. Бу ўқувчи-талабани кейинчалик шу шаклдаги дарсларда фаолроқ бўлишга ундейди. Юқоридаги вазият вужудга келса, унинг ечимини ҳар бир ўқитувчи шароитга, фаолиятга қараб ўзи ҳал этиши ёки гуруҳ, жамоага ташлаши мумкин.

Баъзida гурухнинг “ҳисобчилари” балларни қўйишда ноаниқлик ёки қўшиб ёзишлари мумкин, натижада, баъзи гурухларнинг умумий тўплаган баллари бошқа гурухларнидан жуда фарқ қилиши мумкин. Ўқувчи-талабаларнинг ҳаққоний баҳоланишлари уларнинг танлаган “ҳисобчи”ларига боғлиқ эканлигини тренер-ўқитувчи эслатиб ўтади. Агар умумий тўплаган балларни гуруҳ аъзоларига тақсимланганда шу машғулот учун белгиланган максимал баллдан ортиб кетган бўлса, у ҳолда шу машғулот учун керакли баллни олиб қолиб, ортиқчасини кейинги машғулотларга ёки якуний назоратга ўтказиш мумкин.

#### **14-БОСҚИЧ.**

Ҳар бир талабага баллар қўйилгач (ҳар бир ўқувчи баҳолангач) тренер машғулотга якун ясади. Ўқувчи талабаларнинг фаолиятига баҳо беради, берилган жавобларга ўз фикрини билдиради ва қуйидаги саволлар билан уларга мурожаат қиласди:

- бугунги машғулотдан нималарни билиб олдингиз?
- нималарга ўргандингиз?
- нималар сиз учун янгилик бўлди?
- яна нималарни билишни истар эдингиз?

#### **15-БОСҚИЧ.**

Тренер-ўқитувчи ўқувчи-талабаларнинг жавобларини диққат билан тинглаб уларга миннатдорчилик билдиради ва дарсни якунлайди.

Мисол тариқасида “Оқава сувларни механик тозалаш иншоатлари” мавзуси бўйича билим беришда “Бу меранг” технологиясидан фойдаланиш жараёнини қўриб чиқамиз. Бу технологиянинг афзаллик томони шундаки, бунда ўқувчилар янги мавзуни мустақил равишда, фаол ўрганадилар ва ўз билимларини бошқаларга ўргатади. Ўқитувчи эса фаол таълим жараёнини бошқаради. Бунда талабаларни тўртта гурухга ажратиш имконияти бор ва энг муҳими ҳар бир гуруҳ ўқувчилари умумий жараённинг битта томонини очиб беради.

“Оқава сувларни механик тозалаш иншоатлари” мавзусини ўқитишида “Бумеранг” технологиясини қуйидагича ўтказдик. Биринчи босқичда гуруҳ талабалари тўрт гурухга бўлинади.

**Биринчи гурух** талабаларига “Оқава сувларни механик тозалаш” мавзусидаги матн, **иккинчи гурух** талабаларига “Оқава сувларни физика-кимевий тозалаш” мавзусидаги матн, **учинчи гурух** талабаларига “Оқава сувларни биологик усулларда тозалаш” ва **тўртинчи гурух** талабаларига “Оқава сувларни тозалаш иншоотлари” мавзусидаги матнлар берилади.

Талабалар 20-минут ичида берилган матнларни ўқиб, тушуниб ва бошқа ўқувчиларга етказиб бериш даражасида ўрганиши керак. Сўнгра ўқитувчи ҳар бир гурух ўқувчиларига 1-6 гача (гурух ўқувчилари сонига қараб) бўлган сондан бирини танлашни тавсия этади.

Талабалар ҳар бир гурухдаги 1-ракамли ўқувчиларни тўплаб, янги гурух тузади. Яъни, “Бумеранг” технологиясининг иккинчи босқичида ўқувчилар янги гурухларга бўлинади. Янги гурухдаги ўқувчиларнинг матнлари ҳар хил бўлади (чизмага қаранг).

Иккинчи босқичда ҳар бир ўқувчи ўз матни билан янги гурух аъзоларини таниширади. Бунга 20-30 минут вақт ажратилади. Барча матнлар ўрганилганидан кейин, ўқувчилар бир-бирларига саволлар бериб, янги мавзуни такрорлаб, мустаҳкамлайдилар.

Шундай қилиб, иккинчи босқич якунида ҳар бир ўқувчи барча матнларни ўзлаштирган бўлади.

Учинчи босқичда ўқитувчи ўқувчиларни билимларини текшириш мақсадида матнлар бўйича саволлар беради.

1. Оқава сув нима?
2. Оқава сувларни тозалаш зарурлиги
3. Оқава сувлар қачондан бери тозаланади?
4. Оқава сувларни тозалаш иншоотлари нима учун керак?
5. Оқава сувларни тозалашда энг муҳим нарса нима?
6. Оқава сувларни тозалаш иншоотлари қандай қурилади?
7. Оқава сувларни тозалаш иншоотлари қандай талабларга жавоб бериш керак?
8. Оқава сувларни тозалашнинг янги технологиялари борми?

Машғулот якунида, тўртинчи босқичда хulosалар чиқарилади, ўқувчилар баҳоланади. Бунда ўзини-ўзи баҳолаш усулларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Ўқувчилар бир-бирига саволлар бериб, “Энг яхши гурух”, “Энг яхши савол” каби баҳоларни қўйиши мумкин.

### **“Кластер” интерфаол усули**

**Кластерларга бўлиш** педагогик стратегия бўлиб, талабаларнинг уёки бу мавзу бўйича эркин ва бемалол ўйлашга ёрдам беради. У фақат гоялар орасидаги боғланишларни фикрлашни таъминлаш имкониятини берадиган тузилмани аниқлаб олишни талаб қиласди. У фикрлашнинг оддий шакли эмас, балки мия фаолияти билан зия боғланади.

Кластерларга бўлишдан ахборотларни чорлаш босқичида ҳам, фикрлаш босқичида ҳам фойдаланилади. У муайян мавзу синчиклаб ўрганилгунча фикрлаш фаолиятини таъминлашда фойдаланилиши

мумкин. Кластерларга бўлиш талабаларнинг тасаввурларини янги боғланишлари ёки уларнинг график ифодалари кўринишларини таъминловчи сифатида ҳам ўтганликларини якунлаш воситаси сифатида кўлланилиши мумкин. Бу ўз билимларига, муайян мавзу тўғрисида тасаввурига ва уни тушунишга йўл очадиган назардаги стратегиядир.

Кластерларга бўлиш қўйидаги усулларда амалга оширилади:


1. Фикрларни муҳокама қилинмайди, шунчаки ёзиб қўйилади.
2. Имловий хатоларга эътибор берилмайди.
3. Сўзларни ёзиш жараёни берилган вақт ичida олиб борилади ва тўхтатилмайди.

4. Имкони борича, боғланиши мумкин бўлган ғояларни тизиб чиқилади, ғояларнинг сифати ва улар ўртасидаги алоқалар чекланмайди.

Шундай қилиб, “Бумеранг” технологияси талабаларни фаоллигини ошириб, мустақил таълим олишга ўргатади. Бунда ўқитувчи фақат бошқарувчи вазифасини бажаради.

“Кластер” талабаларга мавзуни бир бутун, комплекс равища қабул қилишга ва эслаб қолишга ёрдам беради.

## “Оқава сувларни тозалаш” бүйича “Кластер”



### “Эссе” интерфаол усули

Эссе – таклиф этилган мавзуга 1000 дан 5000 гача сўз ҳажмидаги иншо.

|| Эссе – бу муаллифнинг таъкидлаб ўтадиган индивидуал позициясидаги эркин ифода этиш шакли; қандайдир предмет бўйича умумий ёки дастлабки дунёқарашни ўз ичига олади.

## **Беш дақиқалик эссе**

**Беш дақиқалик эссе** – ўрганилаётган мавзу бўйича олинган билимларни умумлаштириш, мушоҳада қилиш мақсадида ўқув машғулотида охирида 5 дақиқа оралиғида олиб борилади.

Ўқитувчи таклиф этиши мумкин:

- «Мен бу ... ҳақида нимани ўйлайман» ёки «Нима учун, менинг фикримга кўра ...» саволларига жавоб беринг;

- ўқув машғулотида берилган талабалар учун янги саналган ғояни тавсифлаш ва шарҳлаб бериш;

- олинган билим, кўникмалар қаерда амалиётда қўлланилишини тавсифлаш.

Ушбу кўринишдаги эссе баҳоланмаслиги ҳам мумкин. Аммо, ўқитувчи жуфтликларга ажралиш, ишлар билан ўзаро алмашиш ва ёзилганларни муҳокама қилиш таклифини бериши мумкин. Ушбу ҳолда ўқитувчи 2-3 та эссени танлаб текшириши мумкин, уларни овозини чиқарган ҳолда шарҳлаши, талабалар билан муҳокама қилиши ва хулоса қилиши мумкин.

## **Асосланган эссе**

**Асосланган эссе** - қўйилган саволга асосли жавоб келтирилган ёзма ишдир. Муаллиф маълум бир позицияни эгаллайди ва уни ҳимоя қиласди, бунда ўзининг позициясини қўллаб-куватлаш учун бир қанча асосланган исботларни келтиради. Мақсад – муаллиф лозим топадиган қарашларни бошқаларнинг ҳам қабул қилишига ишонтириш.



*Асосланган самарали эссени ёзиши енгил бўлади, қачонки сиз китобхонларга ўзингизнинг эссеингизни ёзиши жараёнида уни фикрий жиҳатдан тақдим этсангиз ва улар билан фикрий мулоқотни ўрната олсангиз.*

## **Асосланган эссе таркиби**

(1) Савол бўйича нисбатан муаллиф нуқтаи назарининг баён этилиши (1 хат боши)

(2) Баён этилган позицияни асослаш – ушбу позицияни қўллаб-куватлашни муаллифнинг ишонарли далиллари, ушбу позицияни қабул қилишга ишонтириш.

(3) Хулоса- резюме



## **Асосланган эссени баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари**

- мавзу мазмунига мос келиши;
- мазмuni, фикри;
- унга таалуқли муаммони олдиндан кўра билиш, шахсий нуқтаи назари, маълумотлар етарлилиги;

- услуг: ифода аниқлиги, муайянлиги;
- орфография

 «Менимча мамлакатимиз иқтисоди гуллаб яшнайды, агарда ... » мавзусида асосланган эссе ёзинг.

### **“Үйланг – жуфтликда ишланг-фикр алмашинг” интерфаол усули**

Ушбу техника биргаликдаги фаолият бўлиб, талабаларни матн устида фикрлаш, ўз ғояларини шакллантириш ва уларни ҳамкорлар ёрдамида муайян шаклда ифодалашга йўналтиради.

### **«Ўйланг-Жуфтликда ишланг-Фикр алмашинг» техникасидан фойдаланган ҳолда гурухларда ишни ташкил этиш жараёнининг тузилиши**

1. Ўқитувчи савол ва топшириқ беради: олдин ўйлаб чиқиш, сўнг қисқа жавоблар ёзиш тартибида.



2. Талабалар жуфтликларга бўлинниб, бири бири билан фикр алмашадилар ва иккала жавобни мужассам этган умумий жавобни ишлаб чиқишига ҳаракат киласди.



3. Ўқитувчи бир неча жуфтликларга ўттиз секунд давомида аудиторияга ўз ишининг қисқа якунини ифодалаб беришни таклиф қиласди.



Қуйидаги ўқув топшириқларини бажариш учун 3 гурухга бўлининг:

1. Мустақил хоҳлаган шаклда «ҳамкорликдаги ўқиши», «ўзаро ўқиши», «биргаликда ўқиши» тушунчаларига, сизнинг фикрингиз бўйича, муносиб тавсиф ва белгиларни ёзинг.

2. Гуруҳда биргаликда ёзилганни муҳокама қилинг ва ушбу тушунчаларни бирга таққослаб таҳлил қилишга ҳаракат қилинг (график ташкил этувчиларидан фойдаланишингиз мумкин).

3. Сиз учун учта ўқиши техникасидан қайси бири маъқул? Ўз жавобингизни асослаб беринг.



Ушбу мавзу бўйича гуруҳ билимини акс этадиган кўргазмали тақдимотни тайёрланг.

Бошқа гурухлар аъзоларининг билимини текшириш учун саволларни тайёрланг.

### **“Нилуфар гули” интерфаол усули**


“Нилуфар гули” интерфаол усули схема кўринишида намоён бўлади. Бу усул ҳар қандай муаммоларни ҳал этишда кўлланилиши мумкин. Интерфаол усул ўзида нилуфар гули образини мужассам этган.

Унинг асосини 9 та катта квадратлар ташкил этиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида тўққизта кичик квадратдан иборат.

**Схемани тузиш қоидалари.** Якка (жуфтлиқда) схема тузилади: асосий муаммо (масала) марказий квадратнинг марказига ёзилади. Уни ҳал қилиш ғоялари марказий квадрат атрофида жойлашган қолган саккизта квадратларга ёзилади.

Ҳар бир ушбу саккизта ғоя марказий квадрат атрофида жойлашган саккизта катта квадрат марказига ўтказилади, - бошқача айтганда, нилуфар гулидан унинг гул баргига ўтказилади. Шундай қилиб, улар ҳар бири, ўз навбатида, яна бир муаммо сифатида қаралади.

### «Нилуфар гули» схемаси



### «Нилуфар» гули схемасини тузиш қоидалари:

1. Амалий нуқтаи назардан барча ғояларни ихчам деб тасаввур қилиш керак. Бу ҳам ақл учун фойдалы машқ ҳисобланади.
2. Катта қофоз варағи зарур бўлади, чунки мушоҳадалар натижаларини бир варақ қофозда кўриш фойдалы ҳисобланади. Варақлар кичик ҳажмда бўлса, зарурий бирор мухим нарса унудилиши мумкин.

“Нилуфар гули” методи талабаларга янги билим бермайди. Бу метод орқали талабаларда мавжуд билимлар мустаҳкамланади, ғоялар мужассамлашади, муаммоларни ечиш йўллари аниқланади.

“Нилуфар гули” методидан амалий машғулотларда фойдаланиш яхши самара беради.

“Амалий машғулот” термини педагогикага оид адабиётларда ҳам кенг, ҳам тор маънода изоҳланади. “Амалий машғулот” термини кенг маънода машқ, семинар (уларнинг барча турлари) ва лаборатория машғулотларини умумлаштиради. Амалий машғулотларнинг маъruzadan фарқланадиган асосий меъёрларидан бири ўқув жараёни қатнашчиларининг биргаликдаги ҳаракатларида ўзига хос характердадир.

Улар вазифаларига кўра ҳам фарқланади. Агар маъruzada илмий билимлар асоси баён қилинадиган бўлса, амалий машғулотларда билимлар

чуқурлаштирилади, кенгайтирилади ва деталлаштирилади. Энг муҳими, амалий машғулотлар талабалар билимини синашга ҳам хизмат қиласи.

**Амалий машғулот** - аниқ мақсадга қаратилган ва таълим берувчи томонидан бошқариб туриладиган, аниқ бир топшириқни бажариш учун керакли назарий дарсда олинган махсус билимлар асосида малака ва кўникмалар шакллантириш мақсадида олиб бориладиган режали дидактик харакатга айтилади.

Касб-хунар таълими тизимининг хусусияти шуки, назария ва амалиёт бир биридан алоҳида, яъни назарий таълим ўқув аудиторияда, амалий машғулотлар устахона ва лабораторияларда амалга оширилади. Назарий дарсда керакли махсус билимлар амалий дарсга нисбатан илгарироқ берилиши таъминланиши керак. Амалий машғулотларда таълим берувчи иш ўрнида факат иш топшириқларига тегишли қўшимча билимларни бериши керак. Агарда амалий машғулотларда таълим берувчи таълим олувчиларнинг дастлабки билимларида камчиликлар борлигини аниқласа, у керакли назарий билимларни беради.

Амалий машғулотларда “Нилуфар гули” методидан фойдаланишда талабалар фаоллигини ошириш учун қизиқарли муаммоли саволларни бериш мақсадга мувофиқдир. Бу усул ёрдамида асосий муаммонинг (мавзунинг) аввало 8 та ғояси келтирилади. Кейин эса ҳар бир ғоя яна 8 кичик ғояга бўлинади. Шундай қилиб, “Нилуфар гулида” камида 64та ғоя хосил бўлади. Ғоялар сонининг чегараси йўқ. Ғояларни шакллантириш жараёнида энг мураккаб муаммолар ҳам ўз ечимини топади.

### **“Мунозара” интерфаол усули**

Бу метод ёрдамида ўқувчиларга муайян муаммо бўйича тўлиқ ахборотлар етказилади, мунозара учун танланган мавзуни ўқувчилар аёвсиз “штурм” қиласи билан ташкил этилади. Мунозара мавзунини ўқувчиларни атрофлича ўрганадилар.

### **Мунозарани ўтказиш методикаси**

1. Мунозара олиб борувчи - бошловчи (ўқитувчи, журналист, бошлиқ ва хоказо) мавзуни олдиндан танлайди ва иштирокчиларни таклиф этади.

2. Бошловчи иштирокчиларга “ақлий хужум” топшириғини беради ва унинг қоидаларини тушунтиради:

- “хужум” дан мақсад - муаммо ечимига оид вариантларни мумкин қадар кўпроқ таклиф этиш;

- ўз ақл-идрокингизни марказлаштиришга ҳаракат қилинг ва дикқатни муаммо ечимига қаратган ҳолда фикрлар билдиринг. Билдирилган ғоялар умумий фикрга зид бўлсада, ҳеч бири рад этилмайди;

- бошқа иштирокчилар ғояларини ҳам ривожлантиринг;

- таклиф этилганларни баҳолашга уринманг, бу иш билан сиз кейинрок шуғулланасиз.

3. Бошловчи котибини тайинлайди ва у юзага келган барча ғояларни ёзиб боради. Муҳокама вақтида сўзга чикувчилар тартиби урнатилади, мунозарага барча иштирокчилар жалб этилади ва уларга уз фикрларини ифодалаш учун

имкониятлар берилди. Агар бирор бир киши томонидан “ақлий хужум” ни ўтказиши қоидалари бузилса, бошловчи зудлик билан муҳокамага аралашади. Биринчи босқич янги ғоялар пайдо бўлгунча давом этаверади.

4. Бошловчи иштирокчиларнинг танкидий тафаккури “чархланиши” учун кискача танаффус эълон қиласи. Кейин иккинчи босқич бошланади. “Ақлий хужум” иштирокчилари гурухланади ва биринчи босқичда билдирган ғояларини мустаҳкамлайдилар. ғоялар гурух бўйича бирлаштирилиб, муаллифлар уларни таҳлил қилишга киришдилар ва натижада ўртага қўйилган муаммонинг ечимида тегишли бўлган фикрларгина ажратиб олинади.

Бошловчи мунозара якун ясайди.

**ИЗОХ:** Америкача мунозара методи турли шаклларда ташкил этилиши эътироф этилган. Бизнинг амалиётда энг кўп таркалган тури - бу “телемунозара” ҳисобланади ёки аниқрок айтадиган бўлсак, журналист Қуддус Аъзамнинг ўқувчилар билан телемулокоти ана шу методнинг ўзгинасиdir.

Телешоу усулидаги мунозара афзалликлари хусусида икки оғиз: бу шаклда ташкил этиш бир вақтнинг ўзида гурухда маъруза ва мунозара методларини қўллаш имкониятини беради. 3-5 киши бўлган гурух олдиндан танланган мавзу бўйича бошқа катнашчи (томошабин) лар иштирокида мунозара ўтказадилар. Томошабинлар муҳокамага кейинрок қўшилиб, ўз фикрларини айтишади ёки савол берадилар.



Телешоу шаклида ташкил этилган мунозарада берилган мавзу бўйича турли фикрларни бирмунча аниқ ифодалашга имконият туғилди. Албатта, бу ерда муҳокамага жалб этилганлар сухбатга пухта тайёргарлик кўришлари ёки шу соҳа билимдонлари бўлишлари билан биргаликда асосий мавзудан четга чиқиб кетмасликлари керак. Телешоуда ҳар бир иштирокчига ўз фикрини тўлиқ баён қилишлари учун кенг имкониятлар бериши лозим (3-5 мин). Бошловчи мунозара боришини кузатиб боради, агар белгиланган мавзудан четга чиқиш ҳоллари рўй берса, дарҳол мунозара га аралашиб шарт.

### “Ўз ўрнингни топ” интерфаол усули

Агар синфда у ёки бу мавзу бўйича тортишувлар вужудга келса бу метод ёрдамида муаммонинг ечимини топиш мумкин. Ундан кўпинча дарснинг кириш қисмida фойдаланишади ва ўтилаётган мавзуни ўрганишга турли хил ёндашувлар мавжудлиги намойиш этилади.

Бу бир томондан. Иккинчидан, ўқувчиларга ўз фикрини баён қилишга, мулоқот кўникмаларини кайтадан тузатишга имкониятлар мавжуд бўлади. Учинчидан, дарс сўнгидан ўқитувчи томонидан мавзуни ўзлаштириш даражасини баҳолаш аниқ амалга оширилади.

1. Синфнинг қарама-қарши бурчакларига иккита плакат осилди. Уларнинг бирига “розиман”, бошқасига “рози эмасман” деган сўзлар ёзилиши керак. Плакатларда баъзи бир мавзуга оид саволлар бўйича билдирилган қарама-қарши фикрлар ҳам ёзилиш мумкин. Масалан: “анжир гуллайди ва мева тугади”, ёки “анжир гулламасдан мева тугади”.



2. Дарсни ташкил этиш қоидалари мухокама қилинади.

3. Қаралаётган муаммо юзасидан ўз фикрларига мос келадиган плакат ёнига бориш зарурлиги ўқувчиларга таклиф этилди.

4. Бўлинган ўқувчилардан ўз қаршиларини асослаш сўралади. Бу пайтда бир гурухдан иккинчи гурухга ўтиш рухсат этилади ва шу тариқа синф ўқувчиларининг ҳаммаси жалб этилди.

5. Муаммо бўйича фикрлар билдирилгач, ўқувчилар ичida мунозара давомида ўз нуқтаи назарини ўзгартирганлар ва бошқа гурухга ўтувчилар бўлиши мумкин. Бундай холларда улар ўз ўрнини ўзгартириш сабабларини асослаши керак бўлади.

6. Иштирокчилардан оппонентлари ичida муаммо юзасидан энг ишончли фикр айтган ўқувчиларни аниқлаш сўралади.

### **“Кичик гурухлардан ишлаш” интерфаол усули**

Кичик гурухларда ишлаш ўқувчиларнинг дарсда фаоллигини таъминлайди, хар бири учун мунозарада қатнашиш ҳуқуқини беради, бир-биридан синфда ўрганишга имкони туғилди, бошқалар фикрини кадрлашга ўргатади

### **Қўлланиш усули**

1. ФАОЛИЯТНИ ТАНЛАШ. Мавзуга оид муаммо шундай танланадики, натижада ўқувчилар уни ўрганиш (бажариш) учун ижодий фаолият кўрсатишлари зарур бўлади ва вазифалар белгилаб олинади.

2. ЗАРУРИЙ АСОС ЯРАТИШ. Ўқувчилар кичик гурух ишида қатнашишлари учун танланган фаолият бўйича баъзи билим, кўникума ва малакаларни олдиндан эгаллаган бўлишлари керак.

3. ГУРУХНИ ШАКЛАНТИРИШ. Одатда ҳар бир гурухда 3-5 ўқувчи бўлади, (эҳтимол, кам ёки кўп бўлиши мумкин). Агар гурухда ишлаш у ёки бу ёзма хужжат тайёрлашни талаб этса, яхшиси 2-3 кишили гурух тузилгани маъқул. Гурух ўлчови масаланинг мухимлиги, синфдаги ўқувчилар сони, ўқувчиларнинг бир-бири билан конструктив ҳолатда ўзаро ҳаракатига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Энг яхшиси, “гетроген” гурух ташкил этишидир. (жинси, ўзлаштириш даражаси ва бошқа белгилар асосида). Гурухда ишлаш ўқувчилар ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлашга таянади. (Мисол учун, бир ўқувчи мунозарани бошқаради, иккинчиси ёзиб боради, учинчиси спикер (садор) ролини ўтайди ва ҳоказо). Синфи гурухларга ажратиш, хоҳиш бўйича ёки ҳисоб бўйича амалга оширилади.

4. АНИҚ ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАР КЎРСАТИШ. Ўқувчиларга фаолиятни бажариш бўйича аниқ ва хажм жихатдан кўп бўлмаган тушунтириш берилади. Ўқитувчи гурухларнинг ишлаш тезлиги турлича бўлишини инобатга олган

холда вақт чегарасини айтади. Гурухлар керакли материаллар ва ахборотлар билан таъминланади. Ўқувчилар гурухда ишни бошлашлари учун вазифаларини аниқ тушуниб етганлиги текшириб кўрилади.

5. ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ЙЎНАЛТИРИШ. Ўқитувчи зарурат туғилса, гурухлар ёнига навбатма-навбат келиб тўғри йўналишда ишлаётганлигини қайд этади ёки уларга ёрдам беради, гурухларга таъзийқ ўтказилмайди.

6. МУҲОКАМА ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ. Гурухларда иш якунлангач, улар натижалари бўйича ахборот берадилар. Бунинг учун хар бир гурух ўз сардорини белгилайди.

Зарурат туғилса, фаолият натижалари бўйича билдирилган фикрлар ўқитувчи томонидан ёзилиб борилади. Мухими, гурух ечимининг асосланишини аниқлаштириб олиш.

Агар вақт етарлича бўлса, у ёки бу фикрни аргументлашда гурухлар бир-бирига савол ҳам беришлари мумкин. Кичик гурухларда ишлаш натижалари ўқитувчи томонидан баҳоланади. Бунда фаолиятни тўғри ва аниқ бажариш, вақт сарфи асосий мезон ҳисобланади.

### **“Меню” интерфаол усули**

Якка тартибда ёки кичик гурухлар билан иш олиб боришни хоҳлаган ижодкор ўқитувчига “Меню” методидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда кичик гурух (ўқувчи) га аниқ топшириқ берилади. Мисол, “Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқлари” таснифи хилма-хил. Ўқитувчи ҳар бир гурух учун алоҳида топшириқ тайёрлайди.

- I. Конституциявий ҳуқуқлар
- I. Маъмурий ҳуқуқ асослари
- II. Фуқаролик ҳуқуқлари асослари
- IV. Мехнат ҳуқуқлари асослари
- V. Экологик ҳуқуқлари асослари

Ҳар бир гурух топшириқ олади ва 3-минут давомида муҳокама қилишади, сўнгра ҳар гурухлардан биттадан вакил ўқитувчи столига келишади ва тайёр “Меню” ни олиб қайтишади. Бу узун қирқилган қофозлар - “Тиллар” бўлиб, уларда хилма-хил ҳуқуқ нормалари баён қилинган бўлади. Гурух вакили тиллардан танлаб олади ва ўз гурухига олиб келади, кейин бошқа ўқувчи шу ишни бажаради ва зарурий материаллар йиғилгунча бу ҳолат давом этади. 10-минут давомида топшириқ муҳокама қилинади ва расмийлаштирилади. Бу жадвал қўлда тайёрланиши ҳам мумкин ёки жавоблар оғзаки ҳам бўлиши мумкин. Бошқа гурух вакиллари саволлар беришади, ўқитувчи эса гурух ишларини, сардор фаолиятини баҳолаб беради.

### **“Кичик гурухларда босма материаллар билан ишлаш” интерфаол усули**

Кичик гурухларда ишлашнинг яна бир самарали методи - бу нашр қилинган материаллар билан ишлаш ҳисобланади. Ўқувчиларнинг зарурий ахборотларни излаб топишлари учун, назарий билимларни мустаҳкамлаш ёки таснифлашлари учун, назарий материалларни чукур англаб олишлари учун бу методдан фойдаланиш яхши самара беради.

Синф 4-5 кишидан иборат кичик гурухларга бўлинади. Гуруҳ бир хил ёки турлича мазмундаги топшириқлар, газеталар, журналлар, фотоальбомлар, бюллетеңлар олишади.

Зарурий материаллар: А - I Форматли оқ қоғоз, қайчи, елим.

Топшириқлар:

А) Газеталардан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ахборотларни топинг ва қўйидаги тартибда уларни жойлаштиинг.

- 1) Фукаролик ҳуқуқлари
- 2) Сиёсий ҳуқуқлар
- 3) Иқтисодий ҳуқуқлар
- 4) Ижтимоий ҳуқуқлар
- 5) Маданий ҳуқуқлар

Б) Инсон ҳуқуқларини жорий этиш шаклларини намойиш этинг. Жорий этишнинг 4-гурухи мавжуд:

- риоя қилиш;
- бажариш;
- фойдаланиш;
- қўллаш.

Ҳар бир гурух (улар 4 та) топшириқ олади, газетадан керакли материалларни топади, мақолаларни, суратларни қирқиб олади ва плакатга елимлайди, зарурий матнни шарҳлайди. Ҳар бир гурух ўз сардорини аниқлайди ва улар иш якуни тўғрисида ҳисбот берадилар. Бошқа гурух ўқувчилари саволлар беришади ва ишни баҳолашади. Бу методни қўллаш давомида ўқувчилардан барча материаллар йиғиб олинади, аксинча ўқувчилар газеталардаги бошқа қизиқарли мақолаларни ўқишига киришиб кетадилар ва сардорлар фикрларига қулоқ солмайдилар. Ўқувчилардан эҳтиёт бўлиб ишлаш талаб этилади, ортиқча қоғоз қирқиши, елимлаш, синфни ифлослантиришга йўл қўйилмайди.

### **“Дебатлар” интерфаол усули**

Дебатлар асосида дарсларни ташкил этишдан кўзда тутилган асосий мақсад муаммонинг ечимини топища ўқувчи ўзгаларни ўз ёндашувишининг тўғрилигига ишонтиришдир. Ўз фикрини аник ва мантиқий баён этиш, бунинг учун эса ишонарли далиллар ва хуносалар топиш кўнилмаларини шакллантиришда дебатлар ўtkазиш самарали метод ҳисобланади.

Улар ўқувчиларда ижтимоий фикрни ўзгартиришга таъсир этиш қобилияти мавжудлигига ишонч туйғуларини ривожлантиради.

### **МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР:**

Дебатлар мавзусини англаб этишлари учун ўқувчиларга шароит туғдирилади. Бунинг учун эса мавзуни *резолюция* шаклида ифодалаш керак бўлади. Маълумки, резолюция хар доим мавжуд холатни ўзгартиришни талаб этади. Мисол учун, “қабул қилинган: АҚШ Олий суди олий жазонинг ноконституцияийлилигини тан олди”.

Машғулотга маҳаллий мутахассислардан (олим, врач, мухандис, ижтимоий арбоб ва бошқа) бири таклиф этилади.

Дебатда қатнашиш учун иқтидорли ўқувчилар танланади ва улар икки гурухга ажратилади: резолюцияни қўллаб-кувватлайдиган ва уларга қарши чиқувчи иштирокчилар дебатларни ўтказиш қоидасини чуқур ўзлаштирган бўлишлари керак. Гурух сардори регламентга риоя қилишни кузатувчи - ёрдамчини тайинлайди.

“Конструктив аргументлар” (3-5 та холатга асосланган; мантиқий ифодаланган ва далилий материаллар билан мустаҳкамланган аргументлар тайёрлаш учун ўқувчиларга етарлича вақт берилади. Уларга муаммонинг кўламини англаш ва баҳса ўз фикрини сақлаб колишлари учун аниқ, мантиқий аргументлар тайёрлашда ўқитувчи ёрдам бериши керак. Шу билан биргаликда ўқувчилар қарши томон билдирилган фикрларни қандай бўлиши мумкинлигини тахмин қилишлари ва олдиндан бу фикрларни инкор этишга ҳам тайёргарлик кўришлари лозим. Баҳслашув натижасида ўқувчилар нималарни қўлга киритиш мумкинлигини тушуниб етсагина дарс самараси тўғрисида гапириш мумкин.

Ўқувчиларни шундай далил - исбот топиш кўниммаларини эгаллашга ўргатиш керакки, натижада билдирилган фикрни қарши томоннинг муҳокама қилишига ўрин қолмасин. Шундагина ўқувчилар тенгдошларининг қарашларини ҳурмат қилишга ёки хусусий тасавурларини синфдошининг фикри олдида ожиз эканлигини тан олишга ўрганади, энг асосийси, уларда эркин фикр юритиш кўниммалари шакллана боради.

#### **Дебатларни ўтказиш тартиби:**

1. Ўқитувчи ва дебат иштирокчилари синфдан жой олишади. Қулай бўлиши учун резолюцияни қўллаб-кувватлайдиганлар ўқитувчининг ўнг томонига, қаршилар эса чап томонига жойлашишгани маъқул.

2. Ўқитувчи қисқача муҳокама мавзусини ва иккала резолюция варианtlарини баён қиласи, сўзга чиқувчилар учун вақтни белгилайди.

3. Ўқитувчи дастлаб резолюцияни қўллайдиганларнинг биринчисига сўз беради ва ундан конструктив аргументларни баён қилиш сўралади. Иложи бўлса сўзга чиқувчилар тартибини ҳар бир гурух аъзолари учун олдиндан белгилаш керак. Ўқитувчининг ёрдамчиси гапирувчи учун ажратилган вақтнинг тугаганлигини эслатиб туради.

4. Ўқитувчи резолюцияни қўллайдиган гурух ўқувчиларини биринчисига сўз беради ва у ўз фикрини етарлича аргументлар ёрдамида асослаб беради.

5. Ўқитувчи биринчи гурухнинг иккинчи ракамли ўқувчисига сўз беради, сўнгра иккинчи гурухнинг иккинчи рақамли ўқувчиси ўз фикрларини резолюция бўйича баён қиласи. Шу ҳолат барча дебат иштирокчилари навбатма-навбат чиқиши қилгунларига қадар давом этади.

6. Кейинги босқичда ҳар бир иштирокчига қарши томоннинг далилларини инкор этиб ташлашга ва улар танқидига жавоб бериш-га имконият туғдирилади.

7. Масала талашиш давомида янги аргументларни келтириш мумкин эмас. Баҳсни ҳар доим резолюцияга қарши томон вакиллари бошлашади.

8. Ўқувчилар бу босқичда резолюцияга нисбатан у ёки бу мавкени эгаллаш сабабларини баён қилишади. Ўқитувчи бу сабабларни синф доскасига ёзиб бориши ҳам мумкин. Ўқувчилар бу сабабларга тегишли саволларга жавоб

беришлари ҳам мумкин, бироқ ўз мавқеининг тўғрилигини оқлашга киришиб кетмасликлари керак.

9. Иштирокчилар шундай аргументларни қўрсатиш керакки, биринчидан уларнинг қарашлари муаммо ечимига зид ҳам бўлиши мумкин, иккинчидан, барчани ўйлашга мажбур этсин, учинчидан, ҳайратда қоларли даражада ифодаланиши лозим.


10. Дебат дарс сўнгидаги ўқувчилар карши томон қабул қилган резолюциянинг жорий этилиши оқибатларини баҳолашиши керак. Шунингдек, ҳар икки томондан ўртага ташланган қарашларни ҳаётга тадбиқ этиш жамият учун қанчалик фойдали ёки заарли эканлиги ҳам мұхокама қилиниши мумкин.

### **“Гоялар ғилдираги” интерфаол усули**


“Гоялар ғилдираги” интерфаол усули учун гуруҳ талабалари учта кичик гурухларга ажратилади. Хар бир гурухга алоҳида топшириқлар берилади.

Биринчи гуруҳ талабалари учун қуйидаги варақ берилади:


#### **1 гуруҳ учун топшириқ:**



## 2 гурхуучун топширик



## 3 гурхуучун топширик



Хар бир гурух берилган саволга жавоб беради ва уз фикрларини доира атрофига ёзб чикади. Жавоблар сони чекланмаган.

Жавоблар сони гурух иштирокчилари сони хам тўғри келиши мумкин, яъни хар бир гурух аъзоси ўз фикрини билдиради.

Гуруҳдаги муҳокамадан кейин, гурух сардорлари чикиб, уз жавобларини айтадилар ва жавоблар муҳокама килинади.

### **“Чархпалак” интерфаол усули**

Ушбу интерфаол усулни “Поллар конструкциялари” мавзуси мисолида очиб берамиз.

“Чархпалак” усулини ўтказиш учун талабалар 4-5 кичик гуруҳларга бўлинади ва ўзларига маҳсус белги танлайдилар.

Масалан:

1 гурух 

2 гурух 

3 гурух 


4 гурух 

Хар бир гурухга қўйидаги шаклдаги “Чархпалак” тарқатилади:

	<b>Ораёпма устига қуриладиган конструкциялар</b>	<b>Грунт устига қуриладиган конструкциялар</b>
<b>Ертўлага қўлланилади</b>		
<b>Цоколь қаватида бўлади</b>		
<b>Биринчи ва иккинчи қават орасида бўлади</b>		
<b>Яшаш хоналари учун қўлланилади</b>		
<b>Хўжалик уйларида мавжуд</b>		
<b>Гаражларни қуришда ишлатилади</b>		

Хар бир гурух тўғри деб топган жавобларни катакчаларга белгилаб боришади (юқорида кўрсатилган белгилардан фойдаланган ҳолда).

Беш дақиқадан сўнг гуруҳлар ўз варақалари билан қўйидаги схема бўйича алмашадилар.



Энди гурухлар бир бирларининг жавобларини текшириб чиқадилар.

Агар бошқа гурух томонидан белгиланған жавобни түғри деб топса, ёнига үзини белгисини ҳам қўяди. Агар нотўғри деб топса, бошқа катақчага ўз белгисини қўяди ва ҳ.к.

Агар гурухлар сони тўртта бўлса, варақлар 3- маротаба алмашади, яъни ҳар бир гурухнинг варақасини қолган учта гурух текширади ва ўз белгиларини қўяди.

Натижада ҳар бир варқда ҳар бир гурухнинг “излари”, яъни маҳсус белгилари қўйилиб чиқади.

Сўнг ўқитувчи варақаларни йиғиб олади ва солиштиради. Агар тўғри жавобни ҳар бир гурух маъқулланған бўлса, яъни барч талабаларнинг фикри бир ҳил бўлса (ва тўғри бўлса), ўқитувчи бу саволга алоҳида тўхтамайди. Акс ҳолда эса ўқитувчи жавоб берган гурухлардан ўз жавобларини исботлашга ундейди ва охири тўғри жавобни айтади.

Бизнинг мисолимизда қўйидаги жавоблар тўғри:

	Ораёпма устига қуриладиган конструкциялар	Грунт устига қуриладиган конструкциялар
Ертўлага қўлланилади		*
Цоколь қаватида бўлади	*	
Биринчи ва иккинчи қават орасида бўлади	*	
Яшаш хоналари учун қўлланилади	*	
Хўжалик уйларида мавжуд		*
Гаражларни қуришда ишлатилади		*

## “Инсерт” интерфаол усули

Инсерт усули:

- матн устида самарали ишлаш малакасини шакллантиради;
- ўқиётган матннинг мазмун - моҳиятини тушунишга ўргатади;
- олдиндан маълум бўлган материални янги материал билан боғлашга имкон беради;
- мавзуни чукурроқ ўрганишга ундейди.

Ҳар бир талабага жадвал шаклидаги матн тавсия этилади. Талаба матнни ўқиш жараёнида жадвалнинг чап томонига маҳсус белгиларни қўйиб боради. (“+” – агар маълумот янги бўлмаса, “-” – агар олдинги олган билимларига нисбатан тўлиқ бўлмаса, V – агар маълумот тушунарли бўлса, ? – агар маълумот тушунарсиз бўлса ёки қўшимча маълумотларни талаб этса).

Талабалар “Инсерт” усули бўйича ўқув адабиёти билан мустақил ишлайдилар.

“Бетон қоришишларини тайёрлаш” мавзуси бўйича қуидаги шаклдаги “Инсерт” технологияси ишлатилади.

Бетон қоришишларини тайёрлаш	белгилар
<i>Бетон ва темир бетон ишларини бажаришида бетон аралашибасини тайёрлаши, ташии, ётқизиши ва зичлаши, кейинчалик унга қарашли ҳамда бетон мустаҳкамлигини назорат қилиши асосий технологик жараён ҳисобланади. Ушбу жараёнларнинг тўғри бажарилишига бетон ва темир-бетон қурилмалар сифати кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.</i>	V
<i>Бетон аралашибаси тайёрлаши. Ҳозирги замон қурилишида бетон аралашибаси асосан автоматлаштирилган бетон заводларида ва йиғма темир-бетон ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг бетон аралашибаси бўлимларида тайёрланади. Бу корхоналар бир нечта қурилиши майдонларини бетон аралашибаси билан марказлаштирилган тарзда таъминлайди. Бундай усул, шубҳасиз, кам механизациялаштирилган ва кам қувватли обьект қошида вақтинчалик қурилган бетон аралашибаси мосламаларига нисбатан техник-иқтисодий афзалликларга эгадир.</i>	+
<i>Бетон аралашибасини тайёрлаши жараёни бетон аралашибасининг барча қўшимчаларини меъёрлаши ва уларни бир жинсли масса ҳосил бўлгунча аралашибасидан иборат.</i>	?
<i>Бетон заводлари ва бетон аралашибаси цехларида материаллар автоматик ва ярим автоматик меъёрлагич воситасида меъёрланади. Улар юқори аниқликда меъёрлашни, тортиши даврининг тезлигини ва осон бошқаришни таъминлайди. Меъёрлаш аниқлиги цемент ва сув учун ±1% (массаси бўйича) ва тўлдиргичлар учун ±2% дан ортиқ бўлмаслиги керак. Бетон аралашибасига битта қоришибаси учун меъёрланадиган</i>	V

*материаллар миқдори 1 м<sup>3</sup> бетон аралашмасига сарфланадиган материаллар ва олинадиган бетон аралашмаси миқдори коэффициентининг қийматига асосланиб аниқланади...*

+

### **“Синквейн” интерфаол усули**

“Синквейн” сўзи француз тилидан олинган бўлиб, беш қатор шеър деган маънени англатади.

Синквейн усули ёрдамида маълум бир тушунчалар бўйича мавжуд маълумотлар таҳлил ва синтез қилиниб ёзилади. Синквейннинг биринчи қатори – битта сўз(от), иккинчи қаторида – асосий тушунчаси иккита сифат билан берилади. Учинчи қатор учта сўз харакатини билдиради (феъллар). Тўртинчи қатор тўртта сўздан иборат бўлиб, ушбу тушунча муносабатларни билдиради. Бешинчи қатор бир сўздан иборат бўлиб, тушунча хақида барча юқоридаги маълумотларни қамраб олади.

Масалан, “Иссиқлик таъминоти” сўзига қуидагича “Синквейн” тузиш мумкин:

#### **Иссиқлик таъминоти**

1. Тизим.
2. Кулайлик кафолати.
3. Иссиқлик ташувчи муҳит.
4. Сув ёрдамида самарали ишлайди.
5. Зарурат.

“Синквейн” усули ўқувчи-талабаларда мантикий, ақлий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантиришга ёрдам беради.

### **“Венн диаграммаси” интерфаол усули**

**Венн диаграммаси** 2-ва 3-жиҳатларини солиштириш, таққослаш, қарама-қарши қўйиш ҳамда уларни умумий тарзда кўсатиш учун қўлланилади.


Тизимли мушоҳада қилиш, таққослаш, солиштириш, таҳлил ва синтезни амалга ошириш кўикмаларини ривожлантиради.

Энг аввало ўқувчиларни диаграммани тузиш қоидалари билан таништирилади. Якка (жуфтликда) Венн диаграммаси қурилади ва кесишмайдиган айлана қисмлари (X) тўлдирилади.

Кейин ўқувчилар жуфтликларга бирлаштирилади, ўзининг диаграммасини таққосланади ва тўлдирилади

Айланалар кесишган жойда улар нуқтаи назаридан икки-уч айлана (XX/XXX) учун умумий бўлган маълумотлар жиҳатлари рўйхати тузилади

## Венн диаграммасининг чизма кўриниши



### “Резюме” интерфаол усули

Бу усул мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Технологиянинг моҳияти шундан иборотки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айни пайтда уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан мухокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонолари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари белгиланади.

Бу, интерфаол технология танқидий, тахлилий, аниқ мантииқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади.

«Резюме» технологияси умумий мавзунинг айрим тармоқларини мухокама қилувчи кичик гурухларнинг, ҳар бир қатнашувчининг, гуруҳнинг фаол ишлашига қаратилган.

Шундай қилиб, “Резюме” технологияси ёрдамида талабалар сувли иссиқлик таъминоти тизимларининг очиқ ва ёпиқ тизимларини афзаллик ҳамда камчиликларини солиштирган ҳолда ўрганишди. Бу эса уларнинг мустақили фикрлашига ёрдам беради.

Мисол тариқасида “Сувли иссиқлик таъминоти тизимлари” мавзусини ўқитишида “Резюме” технологиясидан фойдаланиш жараёни кўриб чиқамиз

### “Сувли иссиқлик таъминоти тизимлари” мавзусини ўқитишида “Резюме” усулидан фойдаланиш

Сувли иссиқлик таъминоти тизимлари			
Очиқ тизимлар		Ёпиқ тизимлар	
афзалликлар	камчиликлар	афзалликлар	камчиликлар
-электр станциясида ва саноат корхоналарида ишлатилган паст ҳароратли сувни таъминоти учун	-станцияда сувни тайёрланиши мураккаблиги ва қимматлиги; -истеъмолчиларга берилаётган сувнинг сифати, санитария	-тизимларда истеъмолчиларнинг иссиқлик қурилмаларига берилаётган сув тармоқ сувидан иссиқлик	-алоҳида иситгич ўрнатилиши натижасида иссиқлик таъминоти тизими мураккаблашиб кетади;

<p>фойдаланиш мумкин; -махаллий иссиқ сув таъминоти қурилмаларининг содда ва арzonлиги, уларда иш муддатининг узайиши.</p>	<p>тозалик ва саломатлик талабларига жавоб бермаслиги; - иссиқлик таъминоти тизими устидан ўтказиладиган санитария назоратининг мураккаблиги; - иссиқлик тармоғининг қайтиш кувуридаги сув сарфининг доимо ўзгариб туриши ва тармоқнинг гидравлик ҳолати барқарор бўлиши натижасида ишлатишнинг мураккаблиги; - иссиқлик таъминоти тизимининг зичлигини назорат қилишнинг мураккаблиги.</p>	<p>алмаштиргичи ёрдамида ажратилган бўлади. Натижада истеъмолчиларга юқори сифатли иссиқ сув берилиши таъминланади.</p>	<p>-иситгичларда ва иссқлик қурилмаларида туз чўқмалари ўтириб қолади; -иссиқ сув таъминотининг маҳаллий қурилмаларида занглаш содир бўлади.</p>
--	---	---	--

## Муаммоли савол ва вазиятлар яратиш

Бугунги куннинг асосий вазифа талабаларнинг ижодий фикрлаш фаолиятини ривожлантириш, унинг етарли даражада бўлишини таъминлаш, бошқариш, ички фикрлаш имкониятларини тўлиқ намойиш эттиришдан иборат.

Бундай вазифаларни ҳал этишда барча турдаги машғулот машғулотларини муаммоли тарзда олиб бориш муҳим ўрин эгаллайди.

Муаммоли ўқитиши заминида талабаларнинг билиш - билим орттириш жараёнида уларнинг ўзида бор билими билан янги вазият, муаммо ўртасида юзага келган зиддиятларни мустақил ҳал эта олиши ётади. Талабаларни бундай фаолиятга ундашнинг мумкин бўлган бошқа барча турлари, жумладан, ишбилармонлик ўйинлари, ишлаб чиқаришдаги вазиятларни таҳлил қилиш ва ҳ.к., яъни кўрсатилган зиддиятларни ҳал этиш заруриятига олиб келдадиган барча машғулотлар, аслида, муаммоли ўқитиши турларини ташкил этади.

Муаммоли ўқитиши мақсади – ўқитувчи томонидан таклиф этилган, махсус билим орттиришга хизмат қиласидиган масала – муаммони талабалар ўз ақл-идроклари билан ечишдан иборат. Муаммоли ўқитиши методикасига кўра, ўқитувчи талабаларни масалани ечиш “йўллари”га солиб юборади.

Муаммоли ўқитиши умумқабул этилган шаклда, одатда, интеллектуал ёндашиш талаб этиладиган мавзу ва фанларда қўлланилади.

Агар ҳақиқий билим олишнинг муаммоли ўқитищдан бошқа усули умуман йўқ десак, хато қилмаган бўламиз. Бундай усул бўлмаса, инсоннинг фикрлашини ва умуман моҳиятини ривожлантиришга қаратилмаган сохта ўқитиши қолади, холос.

Ҳозирги ўқитишининг информацион тизимида ҳам етук бакалавр ва магистрлар тайёрланаётган бўлса, бунга сабаб олий ўқув юртларида информацион ўқитиши тизими одатда соф ҳолатда қўлланилмаган, талабалар ўзича қаердандир, нималарнидир излаб топиб, билимларини орттиришга тўғри келган. Кўпчилик истеъодди педагоглар талабаларнинг билим орттириш жараёнида мустақиллигини ошириш учун турли усул, тадбирлардан фойдаланади. Бу ялпи ҳолат эмас ва расмий ўқитиши тизимини ташкил этмайди. Мутахассис тайёрлаш тизимининг барча элементлари, ўқув режаси, ўқув дастури, шу жумладан барча турдаги машғулот машғулотларидан бошлаб, машғулотликларгача ягона тизим, мутахассис тайёрлаш ғояси билан боғланган бўлиши лозим.

Нафақат маъruzalarning, балки амалий машғулотлар ва лаборатория ишларининг ҳам муаммоли ўтишига эришиш, назария ва амалиётнинг долзарб масалаларини, жамият ва илмий-техника ривожининг ҳозирги ютуқларини акс эттиришини, мустақил ишлаш қобилияtlарини чуқурлатишга кўмаклашишини таъминлаш зарур. Талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш ва ижодий қобилияtlарини намоён этишининг самарали шаклларидан бири бўлган семинар ва лаборатория машғулотларини фаоллаштириш керак.

“Дон маҳсулотларини сақлаш” мавзусига оид муаммоли савол ва топшириқларни келтирамиз.

<b>Ишчи ўқув дастурининг мустақил таълимга оид бўлим ва мавзуулари</b>	<b>Муаммоли савол ва топшириқлар</b>
Дон ва унинг маҳсулотларини сақлаш соҳасидаги масалалар	Дон ва дон маҳсулотларини сақлаш муаммоси бошқа мамлакатларда қандай хал қилинади? Бу чора-тадбирларни қандай баҳолаш мумкин? Донни сақлаш муаммолари бўйича хукуматнинг қандай қарорлари бор? Бу қарорларнинг аҳамиятини очиб беринг.
Сақлашга қабул қилинадиган доннинг холати	Сақлашда доннинг экиш ва технологик хусусиятларининг ёмонлашиш холати нима билан боғлиқ?
Дон захираси зааркунандалари	Дон захираси зааркунандалари томонидан келтириладиган заарларни қандай баҳолаш мумкин? Дон маҳсулотлари зааркунанда қарши курашнинг кимевий усуслари ҳозирги кун талабларига жавоб берадими?
Сақлашда дон массасининг ўз-ўзидан қизиши	Ўз-ўзидан қизиш холати нима учун юз беради? Бу яхшими, ёки ёмонми? Янги йиғиб олинган доннинг ўз-ўзидан қизиши нима билан боғлиқ? Узоқ муддат сақланган паст намли дон ўз-ўзидан қизийдими? Нима учун?
Сақлашда унда, ёрмада ва омихта емда кечадиган жараёнлар	Буғдойдан ёки бошқа донлардан олинган унда қандай жараёнлар кечади. Уларга изоҳ беринг. Бу жараёнларнинг энг муҳим томонларини кўрсатинг
Дон массаси, ун, ёрма ва омихта емни сақлашнинг режим ва усуслари	Донни қабул қилиш, йиғимдан сўнгги ишлов бериш ва рационал режимда сақлаш технологияси хақидаги муаммолар ҳақида фикр юритинг

Сақлашда дон ва уруғларда кечадиган физиологик жараёнлар	Бегона ўсимлик уруғлари донга қандай таъсир қиласы? Уни олдини олиш мүмкінми?
Сақлашда дон ва уруғларда кечадиган физиологик жараёнлар.	Сақлашда йиғимдан сўнгги пишиб етилиш жараёнини бошқариш усуллари ҳақида танқидий фикр юритинг
Дон захираси зааркунандаларига қарши кураш чоралари.	Кемирувчиларга қарши кураш чоралар сифатини қандай яхшилаш мүмкін?
Дон массасида микроорганизмлар фаолияти.	Доннинг ўз–ўзидан қизишда микроорганизмларнинг ролини сиз қандай баҳолайсиз? Сақлашда ёрмага микроорганизм, зааркунанда ва каналарнинг таъсири қандай бўлади?
Дон массаси, ун, ёрма ва омихта емни сақлашнинг режим ва усуллари.	Донни грунтда сақлашнинг салбий ва ижобий томонларини кўрсатинг. Донни ҳаво таъсисиз сақлашнинг салбий ва ижобий томонларини кўрсатинг

Ҳар қандай педагог ўзининг фани хусусиятларидан, машғулот шакли ва мавзусидан келиб чиққан ҳолда таълим усулларини тўғри танлаши керак. Бунда биз Л.Голиш томонидан тузилган жадвалга эътиборни қаратмоқчимиз.

### Таълим усулларини танлаш мезонлари

Усуллар	Дидактик вазифалар	Танлаш мезонлари			Таълим берувчининг тажрибаси
		Зарурый вақт		Моддий-техник шароитлар	
Тайёрланнишга	Амалга оширишга				
Маъруза	Янги материал билан тизимли танишиш, мураккаб тизимлар, ҳодисалар ва ҳоказоларни баён килиш.	Кўп вақт талаб этмайди.	Ўқув машғулотигоҳида «қўшалок»	Алоҳида йўқ	Материални мантиқан, тизимли, муаммоли баён этиш, айтиб туриш, нутқ техникасини билиш, таълим олувчиларни педагогик усуллар билан фаоллаштириш.
Ҳикоя тушунтириш	Янги материални баён этиш, тушунтириш, таҳлил қилиш, ҳар хил ҳолатларнинг далиллари билан исботлаш.	Кўп вақт талаб этмайди.	10 дақиқагача	Алоҳида йўқ.	Ўз фикрларини, мантиқан, ишонарли, ҳиссият билан ва тўғри баён этиш, асосийини ажратиш ва унга эътиборни қаратиш.
Намойиш этиш.	Янги материал билан кўргазмали танишиш, тушунчаларни шакллантириш ўрганиш ва англаш, кузатиш, таҳлил қилиш, амалларни бажариш.	Маълум бир вақт.	Назорат қилиш мүмкін.	Махсус техник ва ўқув восита радиалаб этилади.	Объектни тўғри танлай билиш, унга таълим олувчиларнинг диққатини қаратиш, намойиш этиш техникасини билиш.
Иллюстр	Тушунчаларни	Маълум	Назорат	Ўқув	Энг қулай ҳажмдаги

ация.	шакллантириш, ўрганилаётган предмет ва ҳодисаларнинг мухим белгиларини очиб бериш.	бир вакт.	қилиш мумкин.	воситала ри, бальзан техник воситала р талаб этилади.	иллюстрация материалини танлай билиш, кўрсатиш техникасини билиш.
Видео-усул.	Янги материал билан танишиш ва ўрганиш, мустаҳкамлаш, умумлаштириш, тизимлаштириш, моделлаштириш кўникмалари.	Маълум бир вакт.	Анчагина вакт.	Махсус техник воситала р, видео кўлланмалар талаб этилади.	Муаммога олиб киришни билиш таълим олувчилар фаолиятини йўналтириш, уларга индивидуал ёрдам кўрсатиш.
Китоб билан ишлаш.	Танишув, англамоқ, янги материални ўзлаштириш, билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, реферат ёзиш, ўз-ўзини назорат, мустақил таълим олиш, китоб ўкишга бўлган одатлари, «эркин ўкишни» билиш, асосийини ажратса билиш, конспект қилиш, структуравий-мантикий схемалар тузиш, таянч конспектлари, адабиётни танлаш кўникмаларини шакллантириш.	Кўп вакт талаб этмайди.	Назорат қилиш мумкин.	Алоҳида йўқ.	Зарур адабиётларни танлаб олиш, конспект қилиш, структуравий мантикий схемалар тузиш, ушбу методни амалга ошириш йўлларини билиш, китоб билан ишлашда дидактик талабларни билиш ва амалга ошириш.
Лаборатория усули.	Янги материални қабул қилиш, англаш, ўзлаштириш, мустаҳкамлаш ва билимларни чукурлаштириш, мустақил тадқикот қилишни билиш муаммоларни рационал ҳал этиш, унумли ижодий тафаккурни ривожлантириш, асбоб-ускуналар билан муносабатда бўлиш, ўлчов ишлари олиб бориш.	Анчагина вакт.	Ўкув машғулоти, гоҳида «қўшалок»	Махсус ускунала р.	Тажриба, эксперимент, изланиш ўтказиш техникасини эгаллаш, лаборатория ускуналари билан ишлаш кўникмалари.
Машқ.	Билимларни чукурлаштириш, ўрганилаётган материални амалиётда фойдаланиш учун маҳорат ва кўникмаларни ишлаб чикиш, такрорлаш,	Талаб этмайди.	Назорат қилиш мумкин.	Алоҳида йўқ.	Ҳар-хил турдаги машқларни бажаришни ташкил этишни билиш.

	мустаҳкамлаш.				
Сұхбат.	Таълим олувчиларни ишга тайёрлаш, ахборот бериш, танишув, тизимлаштириш, мустаҳкамлаш, эсда қолиш, билимларни янада чукурроқ англаш, ўзлаштириш.	Маълум бир вақт.	Назорат қилиш мүмкін.	Алоҳида йўқ.	Асосий ва ёрдамчи саволларни ифодалаш, уларни бериш, умумлаштириш ва хуласалар қилиш, саволжавоб усулининг техникасини эгаллаш.
Давра сұхбати.	Тартиблаштириш, мустаҳкамлаш, эслаб қолиш, чукурроқ англаш, билимларни ўзлаштириш, билишга қизиқиши рағбатлантириш ва шакллантириш, коммуникация кўникмаларини, ўз фикрларини мантиқан баён этиш, саволларни шакллантириш, хуласаларни аргументлаштириш.	Анчагина вақт.	Ўкув машғулоти	Думалоқ стол.	Асосий ва ёрдамчи саволларни шакллантириш, умумлаштириш ва хуласалар чиқариш, саволжавоб техникасини эгаллаш.
Мунозара.	Билимларни ўзлаштириш, тартибга солиш ва мустаҳкамлаш, билишга қизиқиши, коммуникация кўникмаларини, ўз фикрларини мантиқан баён этиш, саволларни шакллантириш, хуласаларни аргументлаштиришни рағбатлантириш ва шакллантириш.	Анчагина вақт.	Ўкув машғулоти	Алоҳида йўқ.	Таълим олувчиларни мунозарага тайёрлаш, мунозарани ишлаб чиқиш ва уни бошқариш.
Мияга хужум.	Билимларни ўзлаштириш, тартибга солиш, мустаҳкамлаш, билишга қизиқиши рағбатлантириш ва шакллантириш.	Анчагина вақт.	Маълум бир вақт.	Алоҳида йўқ.	Муаммоли масалаларни тўғри ифодалашни билиш. Таклифларни тайёрлаш ва аргументли шакллантириш.
Ишибилармонлик ўйини.	Саволларни шакллантириш, хуласаларни аргументлаштириш, хулқ-авторни корекция қилиш, вазиятдан чиқа билиш, тўғри қарор қабул қилиш.	Анчагина вақт.	Ўкув машғулоти гоҳида «қўшалоқ».	Алоҳида йўқ.	Ишлабилармонлик ўйинини режасини тузиш, вазиятни мазмунини ва қатнашувчи шахсларнинг тавсифномасини ишлаб чиқиш, иштирокчиларнинг ҳаракатларини йўналтириш, якунлар ясаш, натижаларни баҳолаш.

Пинборд.	Билимларни тартибга солиши ва мустаҳкамлаш, ўз фикрларини оғзаки ва ёзма равишда ифодалашни ва баён этишни билиш, мантиқий ва тизимли тафаккурни ривожлантириш, муомала маданиятини шакллантириш, мунозара юритиш.	Талаб этилмайди.	Назорат қилиш мүмкін.	Алоҳида йўқ.	Вазифани ифодалаб бериш, таклиф этилган жавоблар ўртасида ўзаро мантиқий алоқа ўрнатиш, хуносалар чиқариш.
Муаммоли вазифалар усули.	Ўқитишнинг долзарблиги, предметга нисбатан қизиқишни шакллантириш, вазиятдан чиқиб кета билиш ва тўғри қарор қабул қилиш.	Кўп вақт.	Ўқув машғулоти гоҳида «қўшалок».	Алоҳида йўқ.	Муаммоли вазифани ишлаб чиқиш, муаммо чегараларини ифодалаб бериш, таълим олувчиларнинг фаолиятни уларни ҳал этишга йўналтириш, якун ясаш, хуносалар чиқариш.
Индивидуал (амалий) усул.	Билимларни ва малакаларни чукурлаштириш, назарий билимларни амалда қўллаш, билиш фаолиятини рағбатлантириш, ташкилий компетентлигини, мустақиллигини, шакллантириш.	Кўп вақт.	Ўқув машғулоти гоҳида «қўшалок».	Махсус ускуна.	Махсус тайёргарлик.
Лойихалар усули.	Таълимни актуаллаштириш, билимларни чуқур ва ҳар томонлама ўзлаштириш, уларни амалда қўллаш, таҳлил қилишни, баҳолашни, ташкилий компетентликни, мустақилликни шакллантириш.	Жуда кўп вақт.	«+қўшалок» ўқув машғулоти.	Алоҳида йўқ.	Мавзуни аниқлаш ва лойиха чегараларини шакллантириш, таълим олувчиларнинг фаолиятини йўналтириш (бошқариш).

## **11-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ ҲАҚИДА ТУШУНЧА, УНИНГ ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

**Режа:**

1. Педагогик маҳорат-педагогик категория сифатида.
2. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари ва шаклланиш босқичлари.
3. Ўқитувчилик касбининг ижтимоий-тарихий ривожи ва мазкур касбнинг жамиятда тутган ўрни.
4. Ўқитувчи педагогик маҳоратини ташкил этувчи омиллар.
5. Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар.

**Таяинч иборалар:** педагогик категория, ўқитувчи, педагогик маҳорат компонентлари, педагогик заковат, қобилият, педагогик техника.

“Таълим тўғрида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” таълим соҳасида амалга ошириладиган ишларнинг мақсади, вазифаларива йўналишларини белгилаб беради. Бу вазифаларни амалга ошириш, аввал ўқитувчига, унинг билими ва касб маҳоратининг шаккиланганлик даражасига боғлик. Зоро, ўқитувчи зиммасига юклатилган вазифаларни нечоғли виждан, ақл ва педагогик маҳорат билан бажарилиши жамият келажагини таъминловчи муҳим омилдир.

Педагогик маҳорат асослари фанининг пайдо бўлиши буюк педагого А.С. Макаренко (1889-1939) номи билан бевосита боғлиқ. У болалар калоннасидағи фаолиятида, яъни фақат тарбиясини эмас, маънавий қиёфосини ҳам йўқотган болалар билан ишлаб, уларнинг бенихоя ҳурмати ва ишончига сазовар бўлди. Шахсий тарбиявий усили билан бутун оламга машҳур башланганинг ўзи ҳам А.С.Макаренконинг юксак педагогик маҳорат чўққиссга эришганинг яққол далилидир. ЮНЕСКО қарори билан унинг 100 йиллигига 1988 йил – “Макаренко йили” деб эълон қилинди.

А.С.Макаренко бўлажак педагог талабалик давридаёқ педагог маҳорат сирларини ўрганиш зарурлигини таъкидлаб, шундай дейди: “**Тарбиячи ташкил этишни, юришни, ҳазиллашишни, қувноқ, жаҳлдор бўлишни билиши лозим, у ўзини шундай тутиши лозимки, унинг ҳар бир ҳаракати тарбиялансин.**”

Буюк педагогнинг бу фикрига Украина педагоги институти олимлари катта масъулият билан қарашди. Улар бир неча йиллар давомида Макаренконинг педагогик маҳорати мактабини, мавжуд бўлган илгор назариёт ва амалиёт атрофлича таҳлил қилишди. Натижада 1979 йили “Педагогик маҳорат асослари” фани яратилди ва у барча педагогика олий ўқув юртларида ўқитила бошлади. Бу фаннинг тузилиш принципининг ўзига хослиги шундаки, у педагогда шахс ва жамоага таъсир эта олишни таъминлайдиган турли фанларга боғлиқ бўлган билимларни танлаб, уларни ўзида мужассамлаштиради. Шунинг учун ҳам фан дастурига педагогик маҳорат маҳияти, ўқувчига таъсир этиш воситалари ва усуллари каби педагогик маҳоратнинг адатдаги масалаларидан ташқари, театр педагогикаси ва нотиқлик саъати ҳақидаги маълумотлар ҳам киритилган.

Бу фанни ўрганиш педагогика, психология, методика ва бошқа педагогик фанлардан эгалланган билимларга асосланади.

**Педагогик маҳорат**- бу ўкув жараёнининг барча шаклларини қулай ва самарали ҳолатда ташкил этиш, уларни шахс комолоти мақсадлар томон йўналтириш, талабаларда (ўкувчиларда) дунёқараш, қобилятини шакллантириш, уларда жамият учун зарур бўлган фаолиятга мойиллик уйғотишидир.

Педагогик маҳорат яхлит тизим сифатида қуидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

- педагог шахсни инсонпарварлик йўналишига эга бўлиши, унинг қизиқишилари, қадрият йўналишилари ва идеалларнинг олий мақсад-баркамол авлод тарбиялаб этиштиришга йўналтирилганлиги;
- мутахасислик фанлари, ўқитиш методикаси, педагогика-психологиядан мукаммал билимга эга бўлиш;
- педагогик қобилятига эга бўлиш (мулоқатга мойиллик, ишchanлик, келажакни тасаввур қила олиш, касбий мустақиллик, сенсор ахборотларини тезлик билан англаш (юзидан англаш));
- педагогик техникани эгаллаш, яъни ўз-ўзини бошқара олиш, ўзаро таъсир этиш ва ҳамкорликда ишлашни уddaлаш.

Педагогик маҳорат ўз ичига болалар ҳақидаги, уларнинг психологияси тўғрисидаги, мактаб ҳақидаги, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва унинг мазмуни, методлари ҳақидаги кенг билимларни қамраб олади. Бу билимлар умумий педагогик маданиятни ташкил этади, ўқитувчи, тарбиячи бу маданиятни эгалламаса, ҳеч вақт ўз ишининг чинакам устаси бўла олмайди, ёмон, эски усулдан, бир қолипдаги тайёр андозаларни ишлатишдан нарига ўтмайди. Бироқ, замонавий ўқитувчига биргина умумий маданиятнинг ўзи кифоя қилмайди, маҳсус билимлар ва малакалар-болаларни кузатиш, уларнинг ишидаги муҳим нарсаларни аниқлай олиш, уларни рвожлантириш усуллари ва усулларини аниқлаш, турли ўзаро таъсирини чукур таҳлил қилиш, педагогик изланишлар ва ютуқларни илмий жиҳатдан бири тизимга солиш малакалари зарур бўлади.

### **Педагогик фаолиятнинг ўзига хослиги қуидагиларда намоён бўлади**

- 1.Инсон табиатнинг жонсиз моддаси эмас, балки ўзининг алоҳида хусусиятлари, рўй бераётган воқеаларни идрок қилиш ва уларга ўзича баҳо берадиган, тақрорланмайдиган фаол мавжудотдир. Психологияда таъкидланганидек, ҳар бир шахс тақрорланмасдир. У педагогик жараённинг ўз мақсади, иштиёқи ва шахсий ҳулқга эга бўлган ишрокчиси ҳамдир.
- 2.Педагог доимо ўсиб-ўзгариб борадиган инсон билан ишлайди. Уларга ёндошища бир хил қолип, шаклланиб қолган хатти-ҳаракатлардан фойдаланиш мумкин эмас. Бу эса педагогдан доимо ижодий изланиб туришни талаб этади.
- 3.Ўкувчиларга педагогдан ташқари, атроф-муҳит, ота-она, бошқа фан ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий ҳаёт ҳам таъсир этади.

Шунинг учун ҳам педагог меҳнати бир вақтнинг ўзида жамики таъсирларга ва ўқувчиларнинг ўзида пайдо бўлган фикрларга тузатишлар киритиб боришни назарда тутади.

### **Педагогик мақсаднинг ўзига хослиги қуйидагилардан билиш мумкин:**

1. Педагог фаолиятнинг мақсади жамият томонидан белгиланади, яъни педагог фаолиятининг натижаси жамият манфаатлари билан боғлиқдир. Унинг меҳнат ёшлар шахсини ҳар томонлама комол топтиришга йўналтирилган. Педагогик фаолият авлоднинг ижтимоий узвийлиги (кетма-кетлиги)ни таъминлайди. Бир авлод тажрибасини, иккинчи авлод ўтказади, ижтимоий тажриба ортириш учун инсондаги табиий имкониятларни рўёбга чиқаради.
2. Педагог фаолияти доимо шахс фаолиятини бошқариш билан боғлик. Бунда педагогик мақсад ўқувчи мақсадига айланиши муҳимдир. Педагог ўз фаолияти мақсадини ва унга эришиш йўлларини аниқ тасввур қилиш ва бу мақсадга эришиш ўқувчилар учун ҳам аҳамиятли эканлигини улар англата олиши зарур. Гёте таъкидлаганидек: “Ишонч билан гапир, ана шунда сўз ҳам, тингловчиларни маҳлиё қилиш ҳам ўз-ўзидан келаверади”.
3. Педагогик (таълим-тарбия) жараёнида ўқувчи фаолиятини бошқариш, шунинг учун мураккабки, педагог мақсади доимо ўқувчи келажаги томон йўналтирилган бўлади. Буни англаган ҳолда, моҳир педагоглар фаолиятини мантиқан ўқувчилар эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда лойиҳалайдилар. Ҳамкорлик педагогикасининг туб моҳияти ҳам ана шундан иборат.

Шундай қилиб, педагогик фаолият мақсаднинг ўзига хослиги ўқитувчидан қуйидагиларни талаб қиласди:

- жамиятнинг ижтимоий вазифаларини тўла англаб, ўз шахсига қабул қилиши. Жамият мақсадларини “ўсиб” унинг педагогик нуқтаи назардан айланиши;
- муайян ҳаракат ва вазифаларга ижодий ёндошиши;
- ўқувчилар қизиқишлигини эътиборга олиш, уларни педагог фаолиятини белгиланган мақсадларига айлантириш;

Ўқувчи шахсига доимо ижобий-аҳлоқий таъсир кўрсата оладиган кишигина ҳақиқий тарбиячидир. Бунга эришиш учун педагог ўзининг аҳлоқий сифатларини доимо такомиллаштириб бориши зарур.

Ўқувчилар меҳнат, мулоқат ўйин, ўқиш каби фаолият турларида иштирок этишлари тарбиянинг асосий воситаси ҳисобланади. Ҳар бир моҳир педагог ўзининг индивидуал педагогик тизимиға эга бўлиши керак.

Айрим педагоглар касбий маҳорат сирларини эгаллаш учун, аввало таълим-тарбия методларини такомиллаштиришга интиладилар. Бу табиий ҳол, чунки айнан методлар ёрдамида педагог ўз ўқувчиларини турли ўқув фаолиятига жалб қиласди. Шу билан бирга ўқувчиларни билим олиш қизиқтиришида ўқитувчи томонидан танланган методлар, усуллар ва топшириқлардан бошқа сабаблар ҳам таъсир этади. Педагог фаолиятининг муваффақиятли кечиши унинг шахси, характеристери, ўқувчилар билан қилган

муомаласига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Одатда буларнинг таълимтарбия жараёнига таъсири аҳамиятсиздек туюлади. Аммо тажрибали педагог унинг хатти-харакати ўқувчиларга қандай таъсир кўрсатаётганлигига аҳамият бераб, унга керакли кузатишлар киритиб, такомиллаштириб боради. Шунинг учун ҳам педагогик маҳоратни ўқитувчи шахси сифатларини мажмуйи сифатида қаралиб, уни ўқитувчи юқори даражада психологик-педагогик тайёргарликка эга бўлиши билан боғлиқ бўлишини унутмаслик лозим.

Шундай қилиб, педагог-муаллим ўз маҳоратига қуидаги босқичларда эришиши мумкин:

1. Педагогика-психология фанларини чукур ўрганиш.
2. Махсус фанларни ўқитилиш методикасини чукур билиш.
3. Педагогик амалиётда фаол иштирок этиш ва уни самарали ўтказиш.
4. Ўз фаолиятини доимо таҳлил қилиб, унга нисбатан танқидий муносабатда бўлиш.
5. Ўз устида мустақил ишлаш, малака ошириш курсларида ўқиб бориш.

Ўқитувчилик- инсон жамияти тарихи бошлангандан эътиборан давом этиб, шу билан бирга ҳамма вақт жамият ва жамоатчилик томонидан эътиборга лойиқ эъзозлаб келинган касбдир.

“...Ўқитувчи,-дейди Ал Фаробий,-ақл-фаросатга, чиройли нутқга эга бўлиш ва ўқувчиларга айтмоқчи бўлган фикрларни тўла ва аниқ ифодалай олишни билмоғи зарур”. У ўз фикрини давом эттириб: “Ўқитувчи ва раҳбарнинг вазифаси доно давлат раҳбари вазифасига ўхшайди, шу сабабли ўқитувчи эшитган ва кўрганларини барчасини эслаб қолиши, ақл-фаросатга, чиройли нутқга эга бўлиши, ўқувчиларга айтмоқчи бўлган фикрларини тўла ва аниқ ифодалаб беришни билмоғи лозим. Ана шундагина у инсонийликнинг юксак даражасига эга бўлади ва баҳт чўққисига эришади”,-деб таъкидлайди. Абу Али ибн Синонинг фикрича “...Ўқитувчи матонатли, соф виждонли, ростгўй ва болани тарбиялаш методларини, ахлоқ қоидаларини яхши биладиган одам бўлмоғи лозим. Ўқитувчи ўқувчининг бутун ички ва ташқи дунёсини ўрганиб, унинг ақл қатламларига кира олмоғи лозим”.

Насириддин Тусий ўзининг “Ўқитувчиларни тарбиялаш тўғрисида” деган асарида шундай дейди:”...Ўқитувчи мунозараларни олиб бориши, ўз фикрларининг тўғрилигига ишониши, нутқи эса мутлоқа тоза, жумлалари мантиқий ифодаланадиган бўлиши лозим... Ўқитувчи нутқи ҳеч қачон ва ҳеч қаерда заҳарҳандали, қўпол ёки қаттиқ бўлиши мумкин эмас. Дарс пайтида ўқитувчининг ўзини тута олмаслиги ишини бузиши мумкин...”

Қошғарий: “ ...Мен аъзолар касаллигини даволашдан олдин одамларнинг руҳиятини даволашни зарур деб топдим. Бунга мен ўқитувчилик йўли билан эришаман, бунга менинг ишончим комил. Чунки, аъзолар кассалиги билан юзларча, мингларча одамлар ҳалок бўлсалар, нодонлик, билимсизлик туфайли ўн минг ва юз мингларча одамлар ҳалок бўладилар...”.

Улуғ шоиримиз Алишер Навоий ҳам ўқитувчи меҳнатини холисона баҳолаб: “Агар шогирд подшоликка эришса ҳам, унга (муаллимга) қуллук қиласа арзийди”, “Ҳак йўлида кам сенга бир ҳарф ўргатмиш ранж ила” каби сатрлар битган.

Ҳозирга замон илм-фан таррақиётини буюк алломаларимиз яратган бир неча қимматли асарларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу нодир асарлар бир неча асрлар илгари яратилган бўлсада, ўз қимматини йўқотмаган.

Ўқитувчининг ўрни ва унинг вазифалари ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ишига жамият ва жамоатчилик томонидан эътибор қаратилишининг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланади.

Мамлакатимизда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни ҳаётга тадбиқ этиш жараёнида ўқитувчининг ёш авлодга таълим ва тарбия беришда жамият олдидаги жавобгарлиги янада ортиб боради.

Замонавий мактаб ўқитувчиси қатор вазифаларни бажаради. Ўқитувчи - синфдаги ўкув жараёнини ташкилотчисидир. Ўқитувчи ўқувчилар учун дарс пайти, қўшимча дарсларда ва шу билан бирга дарсдан ташқари пайтларда ҳам керакли маслаҳатлар беришда билимлар манбайида биридир. Кўпчилик ўқитувчилар синф раҳбари вазифасини бажариб, тарбия жараёning ташкилотчилари ҳисобланадилар.

Замонавий ўқитувчи ижтимоий психолог бўлмаслиги мукин эмас. Шунинг учун ҳам у ўқувчилар ўртасида ўзаро муносабатларни йўлга қўя олиши, болалар жамоасида ижтимоий-психологик механизмлардан фойдаланишни билиши зарур.

Маълумки, педагогик фаолият-киши меҳнатининг энг муҳим соҳаларидан бири. Жамият томонидан қўйиладиган талблардан энг муҳими ўқитувчининг шахси ва унинг касби билан боғлиқ хислатлари қаратилган.

Ўқитувчининг энг муҳим шахсий хислатлари қўйидагилар:

-ўқитувчининг ўз Ватанига содиқлиги, болаларни севиши, уларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш истаги, ўз юрти, она тили, ўз халқининг она тили ва унинг маданиятини севиши, давлатнинг мустақиллиги ғоясида яшашидан иборат;

-ижтимоий жавобгарликни юксак даражада ҳис этиши;

-олијжаноблиги, ақл-фаросатли, маънавий пок-маънавият ва маърифат бўйича юксак мақсадларга мос келиши, бундай хислатларни жамият хоҳиш бўйича болаларга сингдириб бориши;

-ўзини қўлга ола билиши, сабр-тоқатли, бардам, матонатлилигидир.

Жамиятнинг ўқитувчилик касбига қўядиган асосий талблари қўйидагичадир:

-шахсни маънавий ва маърифий томондан тарбиялашнинг, миллий уйғониш мафкурасининг ҳамда умуминсоний бойликларнинг моҳиятини билиши, болаларни мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялашни билиши, ўз Ватани, табиатиги ва оиласига бўлган муҳаббати;

-кенг билим савиясига эга бўлиши, турли билимларни хабардор бўлиши;

-ёш педагогик психология, ижтимоий психология ва педагогика, ёш физиологияси ҳамда мактаб гигиенасидан чукур билимларга эга бўлиши;

-таълим ва тарбия методикасини эгаллаши;

-ўз ишига ижодий ёндашиши;

-болаларни билиши, унинг ички дунёсини тушина олиши;

-педагогик техникани (мантиқ, нутқ, таълимнинг ифодали воситалари) ва педагогик тактга эга бўлиши;

-ўқитувчининг ўз билим ва педагогик маҳоратини доимий равишда ошириб бориши.

Ҳар бир ўқитувчи ана шу талабларга энг юқори даражада мос келадиган бўлишига интилиши керак.

### **Саволлар:**

1. Педагогик маҳорат нима?
2. Педагогик маҳоратнинг шаклланиш босқичлари қандай бўлади?
3. Педагогик фаолият деганда нимани тушинасиз?
4. Ўқитувчи фаолиятининг асосий йўналишлари нималардан иборат?
5. Ўқитувчилик касбига қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
6. Педагогик маҳоратнинг қандай таркибий қисмлари мавжуд?

## **12-МАВЗУ: МАКТАБ АМАЛИЁТИДА ЎҚИТУВЧИ МАҲОРАТИ МАСАЛАЛАРИ**

1. Шарқ мутафаккирларининг педагогик фаолият борасидаги ижтимоий қарашлари.
2. Муддарисларга қўйиладиган талаблар. Мударрисларнинг маҳорати мулоқат ва муомала маданияти.
3. Педагогик фаолиятни режалаштиришнинг асосий қонуниятлари.
4. Дарс-таълимнинг асосий шакл сифатида.
5. Замонавий дарс олдига қўйиладиган дидактик талаблар.

**Таянч иборалар:** Авесто, педагогик фаолият, мулоқат, муомила, мақсад, педагогик меҳнат, дарс, дарс типлари, дарс таҳлили, нутқ услуби, мударрис мутафаккир.

Инсон-табиатнинг бир бўлаги. Инсон боласи маълум лаёқат куртаклари, маълум имкониятлар билан туғилади. Аммо, булар имконият. Бу лаёқат куртакларининг ривожланиши учун қулай ижтимоий муҳит, шароит, таълимтарбия зарур.

Марказий Осиё мутафаккирларидан Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний ва бошқалар ҳам инсон тарбиясига таъсир этувчи омиллар аҳамиятига катта эътибор бериб келганлар. Фаробий инсон камолтида таълимтарбиянинг муҳимлигини таъкидлаб: “Муносиб инсон бўлиш учун одамда икки имконият – таълим ва тарбия олиш имконияти бор. Таълим олиш орқали назарий камолатга эришилади, тарбия эса бу кишиларда мулоқатда ахлоқий кадр-қимматни ва амалий фаолиятни яратишга олиб борадиган йўлдир”, -дейди.

Ўтмишда яшаган буюк мутафаккир ва донишмандлар, айниқса Абу Наср Фаробий, Ибн Сино ўз асарларида табиатнинг шакллари ва усуллари ҳақида қимматли фикрларини баён қилганлар.

Абу Наср Фаробий (873-950) таълим-тарбияга оид асарларида таълим-тарбиянинг муҳимлиги, унда нималарга эътибор бериш, таълим-тарбия усуулари ҳақида фикр юритади. Бу жиҳатдан унинг “Фозил одамлар шахри”, “Баҳт-саодатга эришув тўғрисида”, “Илимларнинг келиб чиқиши”, “Ақл маънолари тўғрисида” каби асарлари муҳим аҳамиятга эга.

Фаробий таълим-тарбияги биринчи марта таъриф берган олим ҳисобланади. Таълим деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш, тарбия-назарий фазилатлари, масъул ҳунарни эгаллаш учун зарур бўлган ҳулқ нормаларини ва амалий малакаларни ўргатишидир, дейди олим.

Та-лим факат сўз ва ўргатиш билангина башлади. Тарбия эса амалийиш, тажрибада ўрганишидир.

Фаробий, “Баҳт-саодатга эрившув тўғрисида” асарида билимларни ўрганиш тартиби ҳагида фикр баён этган. У: “Аввал билиш зарур бўлган илм ўрганилади, бу-олам асослари ҳақидаги илмдир. Уни ўргангач, табиий билимларни ўрганиш зарур. Ундан сўнг умуман, жонли табиат – ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳақидаги илм ўрганилади”, -дейди.

Фаробий фанларни тавсифлаш билан бирга, уларни қандай ўрганиш масаласига ҳам алоҳида тўхталган. Унинг фикрича ҳар бир фанни ўрганувчи олдин ўзини шу илмни ўзлаштиришга тайёрлаши, сўнгра ҳақиқатни излаши, ўзининг саломатлиги, ахлоқ-одобига жиддийроқ эътибор бериши лозим. Кимки илм ҳикматини ўрганишни истаса, бу ишни ёшлигидан бошласин.

Фаробий дидактик қарашларида устоз ўқитувчининг маъсулиятини ифодалайди. “Устоз,-дейди у шогирдларига қаттиқ зулм ҳам, ҳаддан ташқари кўнгилчанлик ҳам қилмаслиги лозим”. Чунки, ортиқча зулим шогирдда устозга нисбатан нафрат уйғотади, борди-ю устоз жуда юмшоқ бўлса, шогирд уни менсимаё қшяди ва у берадиган билимдан совиб қолади. Айниқса, Фаробий ўзининг “Фозил одамлар шахри”, “Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар”, “Ҳикмат ҳулосалари”, “Шарҳлар” каби асарларида инсонни тарбиялаш ҳақида ҳам фикр юритилади.

Фаробий тарбияланаётган кишининг шароити ва ҳарактерига қараб иккита педагогик усуулдан фойдаланишни тавсия этади. Агар тарбияланаётган кишилар фан ва ҳунарни ўрганишга ўзларида хоҳиш билдираётган бўлсалар, уларга нисбатан юмшоқ усулни қўллаш зарур. Борди-ю тарбияланувчилар ўзбошимча ва итоатсиз бўлса, уларга нисбатан қаттиққўл қўлланилади, дейди.

Фаробий асарларида шахснинг ривожланиш муоммоларини баён қилиб, инсон бошқа жонзотлардан сифат жиҳатдан тубдан фарқ қиласди, деб кўрсатади.

Биринчидан, дейди у инсон-ақлли мавжудот бўлиб, ақл ва жон инсоннинг табиий ибтидосидир. Иккинчидан, инсоннинг тили ва нутқи бор. Учинчидан, инсон касб-ҳунарга эга. Бир-бiri билан боғлиқ бўлган бу барча хусусиятлар инсоннинг ривожланиши ва такомиллашувига имкон беради.

Фаробий педагогик таълимотнинг асосида комил инсонни шакллантириш, инсоннинг ўз моҳияти билан ижтимоийлиги, яъни факат жамиятда, ўзаро муносабатлар жараёнида комиллика эришади, деган фалсафий қараш ётади.

Қомусий олим Абу Райҳон Беруний ўзининг таълим-тарбияга иод қарашларида инсон камолатига жуда катта эътибор берган.

Унинг ақлий таълим ҳақидаги фикрларни ўрганар эканмиз, энг аввало, унинг илм олиш, билимдаги таълим узвийликлари, ўқиши, ўқитиши ва ўқув қуроллари, ёзув белгилари ҳақида айтган фикрлари ғоят қимматлидир.

Беруний ўзининг таълим-тарбияга оид қарашларини, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Минералогия”, “Китоб ас-Сайдана” каби асарларида баён этган. У ўз асарларида дунёни илмий билиш йўлларини кўрсатиб берди. Берунийнинг фикрича, кишининг ақл билан ўйлаши, ҳаёл суриши, фикрлаши – бу унинг билим жараёning манбаи ҳисобланади.

Беруний таълим-тарбияга ўқувчиларнинг дикқатини жалб қилиш, машғулотлар давомида ўқувчиларни зериктириб қўймаслик учун таълим олишнинг турли йўллари, шакл ва метод лари устида тўхталади. У: “Бизнинг мақсадимиз ўқувчини толиқтирмаслик, ҳадеб нарса ўқиб бериш зерикли бўлади ва тоқатини тоқ қиласди. Арап ўқув бир масаладан бошқа масалага ўтиб турса, у худди турли-туман боғларда сайр қилгандек бўлади...”-дейди.

Берунийнинг таъкидлашича, билим олишга имконият яратган билимларни эгаллаш учун ўқувчида интилиш ва қизиқиш бўлиши керак. Беруний илм олиш йўли билан дунёни билиш босқичларини кўрсатиб берди. Олим асасий педагогик, дидактик – талаб таққослаш, машқ, тажрибалар ўтказиш деб билади, булар билим олишдаги узвийликни яхшилайди. Беруний ўша даврда мавжуд бўлган аниқ фактлардан ҳар бирининг мақсад ва вазифаларини ўқувчи онгига тўлиқ етказилган бўлишини талаб қиласди. Беруний ҳамма фанларни бир-бири билан бўлиқ ҳолда ўрганиш лозимлигини таъкидлайди. Ҳар бир ўқувчини билим олишдаги вазифаси ҳақида ҳам қимматла фикрлар баён этган.

Таълим-инсон билиш фаолиятнинг энг мураккаб турларидан биридир. Таълим-ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини эгаллаш бўйича ўқув-билиш фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг қобилият ва тафаккурларини ўстириш, дунёқарашиб, маънавий сифатлари, ахлоқий, эстетик маданиятини шакллантиришга қаратилган педагогик жараёндир.

Беруний шахс ривожланиши, камолатида уч нарса муҳимлигини таъкидалайди. Яъни, ҳозирга давр педагогикасида эътироф этилганидек, шахс ривожланишида ирсият, муҳит ва тарбия муҳим роль ўйнайди. Беруний инсонинг ривожланишида илму маърифат, санъат, адабиёт, амалий фаолият, айниқса, ижтимоий турмушнинг ҳам аҳамияти катта эканлигини таъкидлайди

Буюк мутафакир Абу Али ибн Сино педагогик қарашлар инсонинг ҳам ақлий, ҳам ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожланиши унинг камолга етишининг асосий мезони сифатида талқин этилади. Шарқда “Шайх ар-Раис” номи балан машҳур бўлган аллома – Абу Али ибн Сино ўқитувчи маҳорати ҳақида фикр юритар экан, қуидагилар эслатиб ўтилади:

-болалар билан муомила босиқ, жиддий бўлиш;

-берилаётган билимнинг талабалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш;

-таълимда турли метод ва шаклларидан фойдаланиш;

-талабанинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларни билиш;

-ақлий даражасига мос равища таълим бериш;

-ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиш зарур.

У ўзининг бир қатор асарларида, жумладан, "Донишномма", "Шифо китоби", "Тил қонунлари" ва бошқаларда таълим-тарбия масаларига кенг тўхталади. Ибн Сино бола тарбиялашнинг қийин ва мураккаб томонларига тўхталади. У ўзининг "Тиб қонунлари" асарида ушбу масалага "Тарбия тўғрисида" деган бир бобни бағишлийди. Бунда у ёш болаларда ҳаракларини қандай тарбиялаш кераклиги тўғрисида қимматли фикрлар баён қиласи. У болаларга нисбатан бўладиган жисмоний жазонинг ҳар қандай ҳолатини қаттиқ қоралайди.

Ёш болалар тарбиясига катталарнинг таъсирини тез ўтишини ибн Сино алоҳида уқтиради. Ёш болалар ҳамиша катталарга тақлид қилувчи бўлади. Уларнинг яхши тарбия топишида яхши ҳулқ, одобли ва ақлли кишиларни таъсири ижобий роль ўйнайди. Шунинг учун Ибн Сино ёш ота –оналарга ва ҳамма тарбиячиларга болаларга шахсий намуна кўрсатишни маслаҳат беради. Унинг фикрича, бола ёшлигидан бошлаб фақат яхши қиликларига ўргатилиши зарур. Бу келажакда унинг мустаҳкам ҳарактерли бўлиб етишишига олиб келади.

Ибн Сино инсон ривожланишида, камолотида ақлий, ахлоқий, жисмоний тарбияни ўзаро алоқада амалга оширишнинг илмий асосларини кўрсатиб берди. Боланинг ҳар томонлама ривожланишида оила тарбиясининг ўрни катта эканлигини, агар оилада тарбиянинг яхши усувларидан фойдаланилса, оила баҳтли бўлишини таъкидлайди.

Шахс тарбиясида ўқитувчининг ўрни ниҳоятда каттаэканлиги маънавий меросимиз дурдоналари бўлмиш Кайковуз, Абу Наср Фаробий, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Райхон Беруний, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний асарларида марказий ўринни эгаллайди. Улар болани тўғри тарбиялаш, унинг шахсини шакллантириш ўқитувчи меҳнатининг аҳамиятли, унинг маъсулияти масаласида қимматли фикрлар қолдирилган.

"Халқ педагогик мероси-уммон, биз билган педагогик фикрлар ундан бир томчи ҳолос", - деб ёзган эди атоқли педагог Раҳимжон Усмонов. Педагогика фани ва унинг тарихини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, таълим-тарбиянинг жамиятда пайдо бўлиши билан шаклланганига ишонч ҳосил қиласи. Таълим-тарбиянинг мақсади, инсонни ҳар томонлама етук қилиб шакллантиришdir.

Алломаларимиздан бири Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг "Қутадғу билиг" асарида шундай деб ёзади: "Билим-бу инсонийликнинг пойдевори, унинг негизида ахлоқан мукаммал шахс шаклланади". Унинг фикрича, жамиятдаги нолойиқ ишларнинг сабаби билимсизлик ва саводсизликdir.

Педагогика тарихида таълим-тарбия пайдо бўлиши билан бирга аста-секин инсоният томонидан ўзи билмаган ҳолда ривожлантириб келинди. Шундай қилиб, педагогика мафсад ва вазифалари, уларнинг мазмунм, усувлари ҳам ташкил этиш шакллари ҳақида маълумот берувчи фанга айтилади.

Ҳар бир даврда янги-янги педагогик фикрлар пайдо бўлади ва шунинг асосида таълим-тарбия ривожланади.

Шу даврда яшаб ижод этган буюк мутафаккир Алишер Навоий ўз даврининг илғор маърифатпарвар алломаси сифатида таълим-тарбия ақидаларини, ўзидан илғор ижод этган мутафаккирларнинг педагогик қарашларини давом эттиради. Айниқса, инсоний камолотда илм-фаннынг бекиёслигини таърифлади. Навоий ўзининг аҳлоқий асарларида комил инсон ҳақида фикр юритади ва унга хос фазилатларни саниаб ўтади.

Алишер Навоий ёшларга чуқур билим беришда муаллимумударрислар ҳамда устозу-мураббийларнинг ўзлари ҳам билимли ва тарбияли бўлиши зарурлагини уқтиради. У нодон, мутаасиб, жоҳил домлаларни танқид этади ва ўқитувчи маълумотли, ўқитиш йўлларини биладиган муаллим бўлиши зарур, дейди. “Маҳбуб-ул-қулуб” асарида мактабдорлар ҳақида фикр юритар экан, уларнинг ўта қаттиққўл, жоҳил ва тъмагирликларини қоралаш билан бирга, ўқитувчи меҳнатининг оғирлиги, муррабийлик ҳаққини холисона баҳолайди.

Абдулла Авлоний фикрича, болаларда фикрлаш қобилиятини ўстириш ва бу тарбия билан мунтазам шуғилланиш бениҳоя зарур ва муқаддас бир вазифа. Бинобарин, у муаллимнинг “**диққатларига суюнга, вижданларига юкландан муқаддас бир вазифадир...Негаки фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги, муаллимнинг тарбиясига боғлиқдир**”.

Педагогика тарихига назар соладиган бўлсак, кўплаб бундай қимматли қикрлар диққатимизни тортади. Бугунги қунда ҳам мутафаккирларимизнинг таълим-тарбияга оид қарашлари етук иймонни тарбиялашда қўл келмоқда.

**Дарс-мактабда ўқув ишларини ташкил қилишнинг асосий шаклидир.** Ҳозирга пайтда ўқув ишларининг ташкил этишининг қуидаги шакллари қўлланилади: дарс, экспурсия (саёҳат), ўқув устахоналарида машғулотлар, меҳнат ва ишлаб чиқариш таълими шакллари, семинарлар, факультатив машғулотлар, уй ишлари, ўқитувчининг машғулотлари (яни консультациялари), синқдан ташқари ўқув ишларининг шакллари: предмет тўгараклар, олимпиадалар, тагловлvr ва бошқалар.

Синф – ёши ва билими жиҳатидан бир хил бўлган маълум ўқувчилар гурухини англаатади.

Дарс – мактабда ўқув ишларини ташкил қилишнинг асосий шакли бўлиб, бевосита ўқитувчи раҳбарлигига ёш ва билими бир хил бўлган ўқувчилар доим гурухи билан муаян вақт ичида (масалан 45 минут) қатъий жадвал асосида олиб бориладиган ўқув машғулотидир.

#### **Замонавий дарс олдига қуидаги талаблар қўйилади:**

- 1.Ҳар бир дарс албатта, маълум бир мақсадни амалга оширишга қаратилган ва пухта режалаштирилган бўлмоғи лозим.
- 2.Ўқувчи талабаларни дастлаб ахборот янгиликлари билан танишириши керак.
- 3.Ҳар бир дарс мустаҳкам ғоявий йўналишга эга бўлмоғи керак. Дарснинг мазмуни ўқиталаётган мавзуга боғлиқ ҳолда ўқувчиларга миллий истиқлол мағкураси ғояларини, мустақиллик, ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларини синдиришга, уларда миллий ғурур, миллий одоб, янгича дунёқараш, иймон-эътиқод каби фазилатларни тарбиялашни назарда тутиш керак.
- 4.Дарс турмуш билан боғланган бўлиши керак.

5.Ҳар бир дарс хилма-хил метод, усул ва воситалардан кенг, унумли фойдаланилган ҳолда олиб борилиши лозим.

6.Дарсга ажратилган вақтни тежаш ва ундан самарали фойдаланиш керак.

7.Ҳар бир дарс ўқитувчи ўқувчиларнинг актив фаолияти бирлигини таъминламоғи лозим.бунда интерактив методлардан фойдаланиш янги самара беради.

8.Машғулотлар бутун синф билан ва ҳар бир ўқувчи билан уларнинг ўзига хос шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши керак.

9.Дарсда ўқувчиларнинг қунт билан ишлашларини таъминлайдиган мустаҳкам интизом ўрнатилган бўлиши керак.

10.Ҳар бир дарс ўқувчиларнинг мустақиллигини оширишга қаратилган бўлиши керак.

### **Дарс таълимининг бошқа шаклларидан ўзининг ташқи ва ички белгилари билан фарқ қиласи.**

1.Ўқувчиларнинг доимий гуруҳи, қатъий режим, дарс жадвали, машғулотларнинг маълум хонада, дарс этаплари-булар дарснинг ташқи белгилариидир.

2.Дарнинг мақсади, ўқувчиларнинг ўрганишга қизиқишлиари, таълим материалини ҳис қилиш, англаш, тушуниш, ўзлаштириш-булар дарснинг ички белгилариидир.

#### **Дарс типлари.**

Таълим тизимида тажрибадан ўтган дарс типлари қўйидагилар:

- 1) янги билимларни баён қилиш дарси;
- 2) ўқув материалларини мустаҳкамлаш дарси;
- 3) такрорлаш ва умумлаштириш дарслари;
- 4) ўқувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилиш ва ўзлаштириш дарси;
- 5) дарс турлари уйғунлашган дарслар (аралаш дарс).

#### **Дарсларнинг турлари.**

Дарс фақат типлар бўйича эмас, балки турлари бўйича ҳам тавсифланади, яъни гурухларга ажратилади.

#### **Дарсларнинг турлари қўйидагича:**

а) лекция дарс; б) сухбат-дарс; в) кино дарс; г) семинар-дарс, назарий ёки мустақил (тадқиқот типидаги) ишлари дарси; д) конференция-дарси; е) дарслаборатория иши; ж) амалий ишлар дарси; з) экспурсия дарси; и) ўйлаб топ (эврестик), баҳс-мунозара дарс, заковат-ўйин дарслар ва бошқалар.

Ҳар бир дарс типи ўзига хос тузилишга эга. Масалан, янги билимларни баён қилиш дарсининг тузилиши қўйидагича:

1. Дарсни ташкил қилиш.
2. Янги билимларни баён қилиш.
3. Янги билимларни мустаҳкамлаш.
4. Янги билимлар устида машқ ўтказиш.
5. Янги билимларга боғлиқ уй вазифаларини бажариш.
6. Дарсни якунлаш.

Дарс типлари уйғунлашган дарс (аралаш дарс)нинг тузилиши қўйидагича:

1. Дарсни ташкил қилиш.

2. уй топшириқларини бажаришини назорат қилиш ва баҳолаш.
3. Янги мавзуни баён қилиш.
4. Янги мавзуни мустаҳкамлаш.
5. Уй топшириқларини бериш.
6. Дарсни якунлаш.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишни, янгича технологияни талаб қилади. Педагогик технологияда ўқитувчининг методик маҳорати муҳим аҳамият касб этади.

Янги методик маҳорат – янги педагогик технология дегани. Педагогик маҳорат ўқитувчида йиллар давомида шаклланади. Педагогик маҳорат ўзининг йўналишига қараб таълимий ва тарбиявий бўлади.

Дарс жараёнида ўқувчилар билиш фаолиятини бошқариш бир неча омилларга боғлиқ. Айниқса, олимлар таъкидлаганидек, фақат қизиқишигина психик жараёнда уларнинг дикқат, хотира, тафаккур ва ирода функцияларига ижобий таъсир кўрсатади.

Моҳир ўқитувчи ўқувчиларда ўқишига бўлган қизиқишлигини шакллантириш ва доимо ривожлантириб бориш учун қуидагиларга амал қилиш муҳимдир:

1. Ўқувчиларни билишга интилишини, фанга, ақлий меҳнатга, қизиқишилкруни ривожлантириш ўқув жараёнини шундай ташкил этилишини таъминлайдики, унда ўқувчи фаол ҳаракат қилади, мустақил изланиш ва янги омилларни “кашф этиш”га, муаммоли вазиятларни ўзи ҳал этишига интилади.

2. Ўқув фаолияти, бошқа фаолиятлар каби факат турлича бўлганда гина, қизиқарли бўлади. Бир хил усулда ахборот бериш ва бир хил усулдаги ҳаракат тез орада зерикишни вужудга келтиради.

3. Фанга бўлган қизиқишини шакллантиришда бу фанни ва унинг айрим қисмларини ўрганишнинг зарурлиги, муҳимлиги ва мақсадга мувофиқлигини ўқувчилврга англашиб жуда зарур.

4. Ўқитилаётган материал олдинги материали ҳам қанчалик қўпроқ бўлиб тушунирилса, у ўқувчиларга шунчалик қизиқарлироқ туюлади. Ўқув материалини ўқувчиларни қизиқтирадиган нарсалар билан боғлаб тушунириш ҳам уларни дарсга қизиқтиришда муҳим роль ўйнайди.

5. Ўртача қийинчиликдаги ўқув материали ҳам ўқувчиларда қизиқишини уйғотмайди. Ўқув материали бироз қийинроқ, лекин ўқувчилар кучи етадиган бўлиши керак.

6. Ўқувчилар бажарган ишларини тез-тез текшириш ҳам уларни фанга бўлган қизиқишини уйғотади.

7. Ўқув материалининг аниқлиги, ҳиссиётга бойлиги, ўқувчининг завқланиб гапириши ҳам ўқувчига, унда фанга бўлган қизиқишининг ортишига жуда катта таъсир кўрсатади.

Илғор ўқитувчилар ўқитиш методларини танлашга алоҳида эътибор берадилар. Ўқувчиларнинг фронтал, дифференциаллашган ва якка тартибдаги фаолиятларининг умумий жиҳатлари қўпроқ бўлсада, уларни ташкил этиш ўқитувчидан ўзига хос ёндошувни талаб қилади, агар бутун синф, гурӯҳ ва алоҳида шахсга нисбатан бир хил метод билан таъсир кўрсатилар экан, унда

тарбия ҳам, ижодий ёндашиш ҳам барбод бўлади.

Айрим ҳолларда ўқишига қизиқитувчи методлардан ҳам кўра, бурч ва жавобгарликни ҳис этишни рағбатлантирувчи методларга қўпроқ эътибор бериш тавсия этилади.

Моҳир педагоглар маъруза, семинар, мунозара, конференция, ўкув саёҳати, ўкувчи-маслаҳатчилар ёрдамида мустақил дарс, кўрик-танлов каби дарс турларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берадилар.

Ўқитувчининг моҳирлиги юқорида қайд қилинган ноанъанавий дарс турларини ўтиш техникасини эгаллашда намоён бўлади.

Ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришда маъруза дарсларининг аҳамияти катта.

Маърузани бошлишдан олдин, бу материални ўрганишдан кўзланган аниқ мақсадни таъкидлаш муҳим. Дарс мақсади эса уч турга бўлинади:

1.таълимий мақсад; 2. Тарбиявий мақсад; 3. Ривожлантирувчи мақсад; Мисол келтирамиз.

**Дарснинг таълимий мақсади:** Талабаларга педагогик назокат, унинг ўзига хос хусусичтлари, педагогик одоб-аҳлоқни ташкил этиш маданияти ҳақида тушунтириш.

Суҳбат-мунозара орқали тарқатма материаллардан матнлар қай даражада ўзлаштирилганлиги назорат қилиш. Назарий билимлар асосида ўргатиш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Педагогиканинг таълим назарияси ҳақидаги Шарқ ва Ғарб олимлари илгари сурган ғоялардан кенг фойдаланган ҳолда ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашга ундаш.

**Дарсни ривожлантирувчи мақсади:** Замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёнида педагогика тарихини амалиётда кўллаш усувларини ўрганиш.

Сўнгра билимларни эгаллаш, ғояни исботлаш, оқилона ҳаракат усувларини танлаш принципларини кўрсатиш зарур. Шундан сўнггина, мавзунинг моҳияти очиб берилади. Ўз ишига ижодий ёндашадиган ўқитувчилар маъруза давомида диолог, савол-жавоб, қайтариш, зиддиятли вазиятлар, ўхшатишлар ва бошқа фоалият турларидан унумли фойдаланадилар.

Ўқувчилар янги билимларни ва қонуниятларни кашф этиш билан боғлиқ бўлган ақлий фаолиятни ривожлантиришда семинар дарслар муҳим аҳамият касб этади. Семинар дарсда энг қолоқ ўқувчи ҳам бошқа турдаги дарсда уддалай олмайдиган миқдорлардаги ақлий иш бажарар экан, машғулотлар одатдагидан ташқари анъанавий усувларга олиб борилади. Баъзан у мунозара ёки суҳбат шаклида бўлиши мумкин. Лекин, ўкув материали аниқ ва ишонарли қилиб баён этилади.

Илфор ўқитувчилар иш тажрибасида мунозара дарслар ҳам муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Мунозара дарсларини ўташ ўқувчилардан жуда катта моҳирликни талаб этади. Бунда, энг аввало, ўқувчилар фикрларини таққослаш ва уларнинг фикрларидағи қарама-қаршиликларни аниқлаш муҳимдир. Лекин, дарснинг бу турини ҳар доим ҳам ўтилавермайди.

Чунки, ҳамма мавзулар мунозарабоп эмас.

Дарснинг ноанъанавий шаклларидан бири кўрик-конкурс дарсидир.

Бунда синф ўқувчилари 3-4 тадан гурухларга бўлиниб, мавзуни мустақил ўзлаштириб, дарсни ўzlари баён қиладилар. Дарснинг бу тури мусобақа шаклида ўтказилганлиги учун ҳар бир ўқувчи унга астойдил тайёргарлик кўришга интилади. Баҳолашда ҳам, гуруҳдаги барча болалар иштрок этадилар. Бундай дарснинг мазмуни, методик таъминоти, материални тушунтиришни ўзига хослигига алоҳида эътибор берилади. Ўқувчиларни гурухларга бўлиниб ишлаши эса, уларни жамоада ҳамкорлик билан ишлашга, ўзаро ёрдам беришга ўргатади. Бунёдкор ва илғор ўқувчиларнинг тажрибасиз ўқитувчилардан тубдан фарқ қилувчи томонлари қуидагилардан иборат: тажрибаси кам бўлган ўқитувчилар дарсда ўқувчиларга асосан билимларни тайёр ҳолда берадилар. Бундай ўқитувчилар дарсда кўпроқ ўқув материалини ўқитувчи тушунтиришдан ёки адабиётлардан ўқувчиларни ёд олишига ҳаракат қиладилар. Албатта, бундай ўқитиш муаммони излаб топиш ва муаммоли вазиятлар яратишдан осон. Баъзи ўқитувчилар эса ривожлантирувчи таълим моҳиятини тўла-тўкис тушуниб ета олмайдилар. Улар етарли даражада дидактик ва умумпедагогик маълумотларга эга эмаслар. Натижада, муаммоли ўқитишни жорий этишда муваффақиятсизликка учрайдилар.

Моҳир ўқитувчи дарс ўтиш методикасини доимо такомиллаштириб боради. Муаммони қўяр экан, ўқувчини уни ўал қилишдаги ички зиддиятларни овоз чиқариб мулоҳаза юритади, ўзфирларини баён қилади ва уларни муҳокамага қўяди. Содир бўладиган эътиrozларни олдиндан бартараф қилади, ҳақиқатни тажрибада ( уни намайиш қилиш ёки олимлар ўтказган тажрибалар асосида ) исботлайди. Ўқитувчи ўқувчилар олдида илмий тафаккур юритиш йўлларни намойиш қилади. Ўқувчиларни илмий изланиш ёрдамида ҳақиқат томон йўллайди, уларни бунда ишт рокчи бўлишини таъминлайди. Масалан, В.Ф.Шаталов ўқувчиларга жуда кўп масалалар ечиради ва назарий билимларни амалда қўллаш малакаларини шакллантиради. Агар ўқитувчининг тушунтириши, қўлланиладиган сигналлар, схемалар ва конспектлар уларнинг хотираларини ривожлантирса, масалалар ечиш эса уларнинг тафаккурини ўстиради, математик мантиқий фикрлаш эса мустақил фаолиятда таркиб топтирилади.

Ўқувчиларни ижодий тафаккурини ривожлантиришда таянч сигналлар тузим, “очиқ фикрлар дарслари”, олимпиадада иштрок этишлари муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Илғор ўқитувчиларнинг фикрига муаммоли ўқитиш ўқувчиларнинг дарсдаги фаоллигини, уларнинг эркин фикрлашларини таъминлайди. Илғор ўқитувчилар ўқув материалини блоклар бўйича бериш, умумийликдан хусусийлика, қонунлардан ҳодисалар томон йўналишга асосланган принциплардан оқилона фойдаланадилар.

Шундай қилиб, бунёдкор ўқувчилар муаммоли вазият амалиётини яна бир пағонага кўтардилар. Уларнинг тажрибаси замонавий дарсга ёндошиш, уни ташкил этишни янгича тушунишга асос яратади. Бу муаммоли-ривожлантирувчи ўқитишга бевосита боғлиқдир.

Моҳир ўқитувчи дарси – бу педагог ва ўқитувчиларни қизиқиш, синчиковлик, билимга оид эҳтиёjlари намоён бўлади.

Үқувчилар савол берадилар ва ўзлари жавоб излайдилар, тафаккурини ишга солиб ўқищдаги кучига мос бўлган қийинчиликларни енгишга ўрганадилар.

Үқувчиларнинг фаоллиги ва изланувчанлигини оширишда, муаммоли ўқитишни қўллашда моҳир ўқитувчилар ўқувчиларга бериладиган саволлар ва топшириқлар системасини ўйлаб топадилар. Улар тузган саволлар қисқа, лўнда ва аниқ бўлиши керак. Улар ўқувчиларнинг қизиқувчанлигини мустақил фикрлаш қобиляти эмас, балки уларнинг ижодий қобилятларини ҳам ривожлантирадилар. Лекин, шуни таъқидлаш лозимки, ёш ўқитувчилар томонидан ўқувчиларга берилган саволларнинг 80 фоизи фикрлашни талаб этмайди. Албатта, механик хотирани ишлатиш, уни ривожлантириш зарур, лекин шу билан бирга ўқувчиларнинг билишдаги фаоллигини, тафаккури ва диққатини ривожлантириш зарурлигини ҳам ёддан чиқармаслик керак. Ўқувчиларга бериладиган саволлар қарамағарши исбот талаб қилувчи фикрларга бой, мавжуд билимлардан факат муайян ҳолатда зарурлигини талаб этишни таъминлайдиган, билимларни амалда қулланишини таъминлайдиган бўлиши лозим. Изланувчи ўқитувчи, тажрибасиз ўқитувчига нисбатан оз меҳнат ва вақт сарф қилиб, кўзланган мақсадга эришади, чунки, у ўқувчиларни доим мустақил билим олиб боришига ўргатиб боради. Улар “агар мавзуни ўзлаштиришга ўқувчиларнинг ўзи тушунтириб бериши керак” деган қоидага амал қиласидилар.

Мустақил ишлаш сирасига мавзуни такрорлаш учун анкета саволларига жавоблар, машқ ва масалалар ечиш, схема ва жадвалларни тўлдириш, тавсия этилган адабиётларни ўқиш ва бошқалар киради.

Назарий ёки амалий дарс бўлишидан қатъи назар, ўқувчиларнинг мустақил ишлари ўқитувчи томонидан бошқарилиши лозим. Бўлажак ўқитувчилар ўқувчиларни китоб билан ишлашга, конспект тузишга, ижодий ишларни ташкил этишга ва бажаришга ўргатишига алоҳида эътибор беришлари лозим.

Масалан, В.Ф. Шаталов ўқувчиларнинг бевосита яратувчи фикрлашларини ривожлантиришга оид усуллар системасини қўллайди. Кенг қўламдаги топшириқларни, турли ҳил ўзига хос мустақил ишларни бажарадилар. Бунга эришиш учун, у дарсда масаланинг битта вариантини кўрсатади. Шунга ўхшаш масалалар қайси эканлагини ўқувчилардан сўрайди ва мустақил ечишни тавсия этади. Айниқса, далиллар мустақил тахлил қилиб, умулаштириб ва хулоса ясаб, янги билимларни ўзлаштиришда ўқувчиларнинг мустақил иши ниҳоятда фойдали бўлади. Дарсда ўқувчиларни китоб билан мустақил ишларини ташкил қилишда, ўқитувчи тезкор ўқитувчини тўхтатмайди, аста-секин ўзлаштираётган ўқувчини шошилтирмайди, саволга тўғри жавоб берган ўқувчига эса, қўшимча топшириқ беради. Педагогик маҳоратни эгаллаш учун ўқитувчи ўз ишини чуқур билишдан ташкари, ўқувчилар сиёсатини, фан, маданият, техника соҳалари бўйича нималар қизиқтираётганлигидан ҳам хабардор бўлиши лозим. Дарс тўла ўқув жараёни каби ижтимоий йўналишга эга бўлиши лозим. Дарс-бу ҳам кафедра, ҳам минбар, умуман олганда, ўқитувчи дунёқарашини ифодалайди, ўқитувчи ўзининг ва ўқувчиларни ҳаётига, бошқа

мафкурага нисбатан муносабатини шакллантиради. Педагогик маҳоратни эгаллаш калити ҳам дарснинг ўзидадир.

Ўқитувчи ўз фаолиятида ўқувчиларнинг ривожланиш даражаси, хотираси, диққати, иродаси, фикрининг ихчамлиги ва муҳим ишлаш қобилятларини ҳар доим синаб боради. Бунда, энг аввало, у ўз ўқувчиси-инсон ҳақида ёмон сўз айтишга шошилмаслиги зарур. Ўқувчиларда содир бўлаётган ўзгаришларни синчиковлик билан ўрганиш ва уларни тушуниши, мулоҳазали иш тутиши, ўқувчи қалбига, унинг руҳиятига тўғри йўл топиш-бунёдкор ўқувчиларга хос бўлган ҳислатдир.

Ёш ўқувчилар дарсда кимнинг йўқлиги ва ўқувчилар нима билан шуғулланаётганликларига бефарқ қарамаслик лозим. Ўқувчилар эса ниҳоятда серташвиш бўладилар. Математикадан тайёрланмаган уй вазифаси қизиқарли бадиий асарлардан ҳозиргина ўқиган образ, у ёқтирадиган фудбол ёки хоккей командасининг омадсизлиги, дўстлар билан айтишиб қолиши-буларнинг ҳаммаси ўқитувчи хотиржамлигини бузадиган омиллардир. Шунинг учун ҳам, ўқитувчи ўқувчиларнинг юз ифодасидан тушуниши, унинг диққатини бошқара олиши, уни кузатиш каби психология билимларга ва амалий малакаларга эга бўлиши лозим.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг қизиқишлигини, қобилятларини, фикрлаш суръатини, синфдаги ҳар бир ўқувчининг ҳарактер ҳислатларини билиш дарсга ижобий ёндашишнинг психологияк омилидир.

А.С.Макаренконинг “Агар мендан бирор киши ”сиз педагог тажрибангизни қисқа шаклда қандай қилиб таърифлай оласиз?” деб сўраса, мен инсрнга иложи бориқа кўп талаб ва уни иложи борича кўпроқ талаб қилиш керак, деб жавоб берган бўлардим”, -деган фикрни эслаш кифоя. Албатта, бу ерда гап ўқувчига қанча талаб қўйиш ҳақида эмас, балки қандай талаб қўйиш зарурлиги ҳақида бораётир. Энг аввало, биз талаб қўйишнинг моҳиятини, уларнинг тафсилотисиз ўрганишимиз керак. Бунинг учун, албатта, педагогика, психология ва ўқитиш методикасига оид чуқур билимларга эга бўлишимиз керак. Талаб қўйишни аниқ бир шаклини танлашда педагогик вазиятни, яъни бу талаблар бажарилиши шароитини эътиборга олиш асосий омиллардан биридир. Энг муҳими, педагог талаби ўқувчига мос бўлиши ва уни бажарилиши охиригача етказилишидан иборат бўлиши лозим.

Дарсда ўқувчилар фақат предмет ва ҳодисаларни фаоллик билан ўрганибина қолмай, балким уларга нисбатан ўз муносабатларини ҳам шакллантирадилар. Баъзи ҳодисалар уларни ҳаяжонлантиради, баъзилари эса лоқайд қарайдилар. Психологлар ижодий ҳиссиётлар инсон фаолиятини кучли қўзгатувчи ва илҳомлантирувчи эканлигини таъкидлайдилар.

Дарснинг ҳиссий интеллектуал оҳанги турли усуллар билан сақланиб туралади. Биринчидан, ўтилаётган мавзу ва қўшимча материалда ўқувчилар учун ниҳоятда қизиқ бўлган маълумотларнинг бўлиши билан. “Ишонч билан гапир, шунда сўз ҳам, тингловчиларни маҳлиё қилиш ҳам ўз-ўзидан келаверади”, -деган эди Гёте.

Дарснинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш ўқитувчи учун мохирлик устаҳонаси, машғулот ташкил этишининг энг самарали шакл ва методларидан

онгли равища фойдаланиш шарти бўлиб ҳисобланади. У дарсда нималарга эриши, нималарга эриши олмади, муваффақиятсизликнинг сабаби нима ва уни бартараф қилиш йўллари қандай, педагогик маҳоратни янада такомиллаштириш учун нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклиги ҳақида яққол тасаввур ҳосил қиласди.

Дарс сифатини анъанавий усулда: сўраш, тушунтириш, мустаҳкамлаш, уй вазифаси схемасида аниклаш ҳам мумкин. Лекин, илғор тажрибалар замонавий дарс сифатини “кенг” ва “тор” мазмунда, дидактик тоифа ва таркибий тузилиши қисмлари бўйича таҳлил қилиниши лозимлигини таъкидлайди.

Булар қўйидагича:

-дарс дидактик принциплар ва ўқув-тарбиявий жараённи ташкил этиш талабларига жавоб берадими?

-дарснинг бориши ва натижаси ўқув дастурига мос келадими, асосий дидактик мақсадга мувофиқ бўладими?

-дарс таркибий тузилиши қандай?

-ўқитиши методларини кўргазмалилик, ЎТВдан фойдаланиш билаш биргаликда қўллаш дарснинг дидактик мақсадларига мувофиқ бўладими? Бу ўқувчиларнинг мустақил ишлари, таълим ва тарбияни биргаликда юқори даражади амалга оширишни амалга оширишни таъминлай олдими?

-дарсда ўқувчилар фаолиятини якка тартибда ва табақалашган ҳолда ташкил этиш, дарсни ҳаёт билан боғлаб олиб борилганлиги нима билан характерланади?

Дарснинг таркибий тузилиши, қисмлар бўйича таҳлил қилиш қўйидагилар:

-янги тушунча ва ҳаракат усулларини шаклланиши, кўнишка ва малакаларнинг шаклланиши, дарснинг қайси қисми ўқувчилар тарбиясига кўпроқ таъсир этади. Буларнинг ҳаммаси дарснинг сифат кўрсаткичларини белгилайди.

Шундай қилиб, ўқитувчининг дарсга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишдаги маҳорати ўта мураккаб, лекин ўз ишига ижодий ёндошган ҳар бир ўқитувчи улдалай оладиган вазифадир.

### **Саволлар:**

1. Шарқ мутақаккирларининг таълим-тарбия ҳақидаги қандай фикрларини биласиз?
2. “Муддарис”сўзи нимани англатади?
3. Таълимни ташкил этиш шакллари файслилар?
4. Замонавий дарс олдига қандай дидактик талаблар қўйилади?
5. Қандай дарс типларини биласиз? Уларнинг тузилишларини айтиб беринг.
6. Дарснинг сифат кўрсаткичлари фандай қилиб аниқланади?
7. дарсни таҳлил қилишда нималарга эътибор бериш керак?

## **13-МАВЗУ: ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИДА ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТ**

1. Қобилиятнинг психологик тавсифи.
2. Ўқитувчи қобилиятларининг турлари.
3. Ўқитувчи иродаси, сабр-тоқати, мақсадга интилиши.
4. Ўқитувчининг бошқаларга таъсир ўтказа олиш қобиляти.
5. Ўқитувчи нутқ маҳоратини такомиллаштириш йўллари.

**Таянч иборалар:** қобилият, психологик тавсиф, перцевтив қобилият, конструктив, коммуникатив, ўқитувчи иродаси, бошқарув, нутқ маданияти, шахсий ибрат.

**Қобилият-** бу кишининг бирор фаолиятига яроқлилиги ва шу фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш шарти ҳисобланган ва бунинг учун зарур билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш динамикасида юзага чиқадиган фарқларда намоён бўладиган индивидуал-психологик хусусиятдир.

**Педагогик қобилият-**бу қобилият турларидан бири бўлиб, кишининг педагогик қобилиятга яроқлилигини ва шу фаолият билан муваффақиятли шуғулдана олишини аниқлаб беради.

Педагогик психологияда ўқитувчилик фаолиятида педагогик қобилиятларнинг тутган ўрнини илмий изоҳлаб беришга оид самарали тадқиқотлар олиб борилган.

Йирик психолог С.Л.Рубинштейн таъкидлаб ўтганидек, педагогик жараён ўқитувчи тарбиячининг фаолияти тариқасида ривожланувчи бола шахсини шакллантиради, бу эса педагогнинг ўқувчи фаолиятига нақадар раҳбарлик қилишга ёки аксинча, унга эҳтиёж сезилмаслигига боғлиқ. Бола шахсини ривожланишида ўқитувчининг роли бениҳоя муҳимдир, чунки, у таълим ва тарбия жараёнинг ташкилотчиси вазифасини бажаради. Шу боис, ҳозирги шароитда ўқитувчининг ташкилотчилик қобилиятига нисбатан юксак талаб қўйилади, шунинг учун ижтимоий-тарихий тажрибаларнинг бойлиги эҳтиёжлар кўламининг ортишига бевосита боғлиқ.

70-80-йилларда ўқитувчининг характер-хислатлари, педагогик қобилиятлари, унда тарбиячилик маҳоратини таркиб топтириш шартлари чуқур ўрганилди.

Жумладан, рус олим Н.В.Кузьмина ўқитувчилик фаолиятида педагогик қобилиятларнинг ўрни ва уларни таркиб топтиришга оид қатор илмий-тадқиқот ишларини олиб борган. У ўз тадқиқотларида педагогик қобилиятларни

1. Гностик (билишга оид)
2. Проектив (олдиндан режалаштиришга қаратилган)
3. Конструктив, ташкилий ва коммуникатив турларга ажратиб, уларнинг ҳар бирига чуқур психологик таъриф берди. Н.В. Кузьмина педагогик қобилиятнинг муҳим аломатлари қаторига кузатувчанликни ҳам киритади, ўқитувчининг бу ҳслати ўқувчининг ички кечинмалари, хистайғулари каби омилларни аниқлашга хизмат қиласди.

Тадқиқотчи А.И.Шчербаков фикрига кўра, педагогик фаолият-бу ўқитувчи

олдига қўядиган мураккаб психологик тاكتdir. Педагогик фаолият ўқитувчини чуқур ва пухта билимга, педагогик қобилиятга, мустажкам характерга, юксак маънавиятга эга бўлишини тақазо қилади. А.И. Шчербаков ўқитувчи шахси б-та касбий-таркибий қисмдан иборат эканлигини таъкидлайди:

1. Юксак савиядаги билим ва маданият.
2. Йўналишнинг аниқ ифодаланганлиги.
3. Юксак ахлоқий хислатларнинг мавжудлиги.
4. Юқори даражада юзага келувчи фаоллик ва барқарор мустақиллик.
5. Қатъий ва силлий характер.
6. Педагогик қобилиятлар.

Йирик олим Ф.Н.Гоноболин педагогик қобилиятларни қўйидаги турга ажратишни таклиф этади:

1. Дидақтик қобилиятлар.
2. Академик қобилиятлар.
3. Перцептив қобилиятлар.
4. Нутқ қобилиятлари.
5. Ташкилотчилик қобилияти.
6. Авторитар қобилиятлар.
7. Коммуникатив қобилиятлар.
8. Педагогик хаёлот.
9. Диққатни тақсимлаш қобилияти.

Ф.Н.Гоноболин педагогик қобилиятларни таркиб топтириш босқичлари, хусусиятлари ва хоссалари тўғрисида мукаммал маълумотлар беради. Таълим ва тарбия жараёнини такомиллаштиришда педагогик қобилятларнинг роли тажриба материалларига асосланиб шарҳлаб берилади.

Йирик ўзбек олими С.Р.Ражабов ва унинг юзлаб шогирдларининг ишлари ҳам ўқитувчининг педагогик ва психологик хусусиятларига қаратилган.

Педагогика ва психология соҳасида олиб бориган илмий тадқиқотларга асосланиб, бизнингча, ўқитувчининг педагогик қобилиятларини қўйидагича классификация қилиш мумкин.

**1. Дидақтик қобилият**-бу осон йўл билан мураккаб билимларни ўқувчиларга тушунтира олишдир. Бунда ўқитувчининг ўқув материалини ўқувчиларга тушунарли қилиб баён этиши, мавзу ёки муаммоларни шларга аниқ ва тушунарли қилиб айтиб бериши, ўқувчиларда мустақил равишда фаол фикрлашга қизиқиш уйғота олиши кўзда тутилади. Ўқитувчи зарурат туғилган ҳолларда ўқув материалини ўзгартира, соддалаштира олади, қийин нарсани осон, мураккаб нарсани оддий, тушунарсиз, ноаниқ нарсани тушунарли қилиб олади.

**2. Академик қобилият**-барча фанлар юзасидан муайян билимларга эга бўлишлик. Бундай қобилиятларга эга бўлган ўқитувчи ўз фанини ўқув курси ҳажмидағина эмас, балки анча кенг ва чуқурроқ билади, ўз фани соҳасидаги янгиликларни кузатиб боради. Фан-техника, ижтимоий-сиёсий ҳаётга доир қизиқишлири билан кўп нарсаларни ўрганиб боради.

**3. Перцептив қобилият**-қисқа дақиқаларда ўқувчилар қобилятини идрок эта олиш фазилати, бу ўқувчининг, тарбияланувчининг ички дунёсига кира олиш

қобиляти, ўқувчи шахсини ва унинг вақтинчалик руҳий ҳолатларини жуда яхши тушуна олиш билан боғлик бўлган психологик кузатувчанлиқдир. Бундай ўқитувчи кичкина аломатлар, унча катта бўлмаган ташқи белгилар асосида ўқувчи руҳиятидаги кўз илғамас ўзгаришлар ҳам фаҳмлаб олади.

**4.Нуқтавий қобилият**-ихчам, маъноли, оҳангдор, муаян ритм, темп, частотага эга бўлган нутқ, шунингдек, ўқитувчи нутқининг жарангдорлик, унинг пауза, мантиқий урғуга риоя қилиши, қобилияти ўқувчининг нутқи дарсда ҳамиша ўқувчиларга қаратилган бўлади. Ўқитувчи янги материални тушунтираётган, ўқувчининг жавобини таҳлил қилаётган, маъқуллаётган ёки қоралаётган бўлса ҳам унинг нутқи ҳамиша ўзининг ички кучи, ишончи, ўзи гапираётган нарсага қаратилганлиги билан ажralиб туради. Фикрлар ифодаси ўқувчи учун аниқ, содда, тушунарли бўлади.

**5.Ташкилотчилик қобилияти**-синф-гуруҳ ёки жамоани уюштириш ва уни бошқариш истеъдоди. Ташкилотчилик ўқувчиларни хилма-хил фаолият турига жалб қилиш учун асос ҳисобланади. Бу қобилият, биринчидан ўқувчилар жамоасини уюштириш, жипслаштириш, муҳим вазифаларни ҳал этишга руҳлантириш бўлса, иккинчидан, ўз шахсий ишини тўғри уюштириш қобилиятидир.

**6.Обрўга эга бўлишлик қобилияти**- ўзининг шахсий хусусияти, билимдонлиги, ақл-фаросатлилиги, мустаҳкам иродаси билан обрў орттириш укувчанлиги. Фанда бу қобилият тури-авторитар қобилят, деб ҳам юритилади. Обрўга эга бўлиш ўқитувчи шахсий сифатларининг бутун бир комплексига, чунончи, унинг иродавий сифатларига ( дадиллиги, чидамлилиги, қатъийлиги, талабчанлиги ва ҳоказо), шунингдек, ўқувчиларга таълим ҳамда тарбия бериш масъулиятини ҳис этишга, бу ишончни ўқувчиларга ҳам етказа олишга боғлик бўлади.

**7.Комуникатив қобилиятлар**-муомала ва мулоқат ўrnата олиш, болаларга аралашиш қобилияти, ўқувчиларга тўғри ёндашиш йўлини топа олиш, улар билан педагогик нуқтаи назардан самарали ўзаро муносабатлар ўrnата билиш, педагогика назокатининг мавжудлиги.

**8.Психологик ташхис (диагноз) қобилияти**-инсоннинг келажагини оқилона тасаввур қилишдан иборат башорати. Бу ўз харакатларининг оқибатларини олдин кўришда, ўқувчининг келгусида қандай одам бўлиши ҳақидаги тасаввур билан боғлик бўлган шахсни тарбиялаб этиштиришда, тарбиялинувчининг қандай фазилатларнинг тараққиёт этишини олдиндан айтиб бера олишда ифодаланадиган маҳсус қобилият. Бу қобилият педагогик оптимизмга, тарбиянинг қудратига, одамга ишониш билан боғлик бўлади.

**9. Диққатни тақсимлаш қобилияти**- бир неча обьектларга бир даврнинг ўзидаги ўз муносабатини билдириш. Ўқувчи, ўқитувчи учун диққатнинг барча хусусиятлари-ҳажми, унинг кучи, кўчувчанлиги, идора қилина олиши ва ишга солинишининг тараққий этган бўлиши мумкинdir.

Қобилиятли, тажрибили ўқитувчи материални баён қилиш мазмуниниг ва шаклини, ўз фикрини (ёки ўқувчи фикрини) диққат билан кузатади, толиқиши, эътиборсизлик, тушунмаслик аломатларини хушёрлик билан кузатиб боради, барча интизом бузилиш ҳолларини эътибордан қочирмайди, ниҳоят ўз шахсий

ҳаттт-харакатиларини (мимикаси, пантомимикаси, юриш-туришини) ҳам кузатиб боради.

**1.Конструктив қобилият**-ўқув-тарбия ишларини режалаштириш ва натижасини олдиндан айтиш қобилияти. Бу қобилият ўқувчи шахсининг ривожини лойиҳалашга, ўқув-тарбия мазмунини, шунингдек, ўқувчилар билан ишлаш методларини танлаб олишга имкон беради.

**2.Гностик қобилият**- тадқиқотга лаёкатлилик бўлиб, ўз фаолиятини, бу фаолият жараёнини ва унинг натижаларини текшириш ҳамда ўрганиш натижалариги мувофиқ фаолиятни қайта қуриш қобилиятидир

Педагогик қобилияtlарни ҳар томонлама ўрганиш қобилияtlар шахснинг ақл-идроқи, ҳис-туйғуси ва ирода сифатларини намоён бўлишидан иборат эканлагини кўрсатади. Педагогик қобилияtlар умумий қобилият: масалан, адабий ва илмий ижод қилиш, лойиҳалаш қобилияtlари билан боғланган. Улар ўқитувчи фаолиятининг самарадорлигини оширади. Бундай ўқитувчилар ўз ўқувчиларини (талабаларни) ана шу фаолиятига жалб қила бориб, уларга таълим ва тарбия беришда катта муваффақияtlарга эришмоқдалар.

Педагогик қобилияtlар характер-хислатлари билан боғланган. Уюшқоқлик, қатъийлик, ҳаққонийлик педагогик фаолият даражасининг ортишига олиб келади, аксинча, уюшмаганлик, кўнгилчанлик, адолатсизлик, педагог фаолияти натижаларини пасайтиради.

Ҳар бир ўқитувчи ўзига хос индивидуал-психологик хислатларга эга бўлади. Улардан баъзилари ҳаракатчанроқ, бошқалари юмшоқроқ бўладилар. Бу хусусияtlарнинг ҳаммаси жуда яхши хусусияtlар бўлиб, улардан фойдаланишнинг аҳамияти катта. Бундан ўқитувчига ҳис-туйғулар, эмоциялар ёт нарса бўлиши керак, деган маъно келиб чиқмайди, аксинча у қувониши ҳам, ғазабланиши ҳам, қайғуга тушиши ҳам, хафа бўлиши ҳам мумкин ва лозим. Бу ерда гап ўқитувчининг қандайдир бир андозадаги (қолипдаги) шахсга бароварлаштириш зарурлиги тӯғрисида эмас, балки унинг ўзи индивидуал сифатларидан усталик билан фойдаланиши, ўзида шахснинг зарур ҳислатларини таркиб топтириши, ўз камчиликларига барҳам бериш тӯғрисида боради.

### Саволлар:

1. “Қобилият” тушунчасига таъриф беринг.
2. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар.
3. Қобилияtnинг турларини санаб беринг.
4. Ўқитувчининг педагогик заковати нималарда акс этади?
5. Ўқитувчи нутқи қандай бўлиши мумкин?
6. Ўқитувчининг мақсадга йўналган фаолиятидаги педагогик вазифалар неча гурухга бўлинади?

## **14-МАВЗУ: ЎҚИТУВЧИННИГ КОММУНИКАТИВ ҚОБИЛИЯТИ**

- 1.Коммуникация (алоқа ўрнатиш) тушунчасининг моҳияти.
- 2.Ўқитувчи томонидан мuloқатга киришиш жараёнида қўлланиладиган муомала услублар.
- 3.Ўқитувчининг коммуникатив қўникмаси: “юзни ўқиш санъати”.
- 4.Мулокат жараёнида қўлланиладиган педагогик таъсир кўрсатиш усуллари: ишонтириш ва уқтириш.
5. Ўқитувчининг коммуникатив қобилиягини ривожлантириш услуби.

**Таянч иборалар:** мuloқот, алоқа ўрнатиш, муомала услублари, юзни ўқиш санъати, педагогик таъсир кўрсатиш, ишонтириш, маъқуллаш, педагогик низо, коммуникация.

Бугунги кунда мустақил республикамиз дунё ҳамжамияти томонидан тан олинаётган экан, унинг келгусидаги ривожи, гуллаб-яшнаши бугунги кун ёшларига боғлиқдир. Демак, бугунги ёшлар ҳар томонлама ривожланган, ўзига, бошқа инсонга, мустақил фаолият кўрсата оладиган, ижодкор, ташабускор ва тадбиркор бўлмоғи лозим. Ўқувчида ана шу хусусиятларнинг ривожланиши сўзсиз ўқитувчига, унинг ўқув-тарбия жараёни тўғри бошқара олишга ва ўқувчилар билан ўрната оладиган муомала ва муносабатларига боғлиқ.

**Коммуникация**-лотинча, communicatio- умумлаштираман, боғлайман, деган маънони англатади. Коммуникация гурӯҳ ёки жамоа ичида алоҳида шахслар ўртасида ахборот алмашиш жараёнини ўз ичига олади. Бундай жараён асосан мулокат ёрдамида амалга оширилади.

**Мулокот**-педагог фаолиятининг энг муҳим профессионал қуролидир. Педагогик мулокот- қулай психологик муҳит яратиш мақсадида ўқитувчининг ўқувчи билан дарс ва ундан ташқаридаги ҳақиқий мулокатдир.

Хозирги замон психологияси шахслараро мулокатнинг аҳамиятини чукур ўрганмоқда. Айниқса, мулокот қонуниятларини билиш ҳамда мулокот ўрнатиш малакалари ва қобилиятларини ривожлантириш педагог учун, айниқса, муҳимдир. Негаки, унинг касбий вазифаси ўқувчиларни ўзи билан билғаликдаги фаолиятга унумли жалб қила билган, тарбиянинг мақсадлари ва вазифаларига жавоб берадиган тарздаги ўзаро биргаликдаги ҳаракат ва ўзаро ҳам жиҳатликни йўлга қўя олган, яъни, тўлақонли педагогик мулокатни ўрната олган тақдирдагина муваффақиятли ҳал этилиши мумкин.

Педагог фаолиятининг дидактик ва хусусан тарбиявий вазифаларни ўқитувчи билан ўқувчилар жамоаси ўртасидаги сермаҳсул мулокат жараёнини ташкил этмасдан туриб, етарли даражада унумли тарзда амалга ошириб бўлмайди. Шу тариқа педагог фаолиятида мулокот:

**биринчидан**, хусусан ўқув вазифаларини ҳал этиш воситаси сифатида;

**иккинчидан**, тарбиявий жараённи ижтимоий-психологик жиҳатдан таъминловчи тизим сифатида;

**учинчидан**, ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида таълим ва тарбиянинг муваффақиятли олиб борилишига имкон берадиган ўзаро муносабатларнинг

муайян тизимини ташкил этиш усули сифатида;

**тўртингидан**, бусиз мактаб ўқувчисининг индивидга хос хусусиятларини тарбиялаб бўлмайдиган жарайён сифатида майдонга чиқади.

Педагогик мулоқат деганда педагого ва ўқувчилар жамоасида ўртасида ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг мазмуни ахборот айирбошлишдан, ўқуттарбиявий таъсир кўрсатиш ва ўзаро ҳамжиҳатликни ташкил этишдан иборат тизими, усуллари ва малакалари тушунилади. Педагог ушбу жараённинг ташаббускори сифатида майдонга чиқади ва уни ташкил этади ҳамда унга бошчилик қиласи.

Дарсга тайёргарлик кўрилаётганда, мулоқатнинг барча функцияларидан комплекс фойдаланишни ривожлантириш зарур. Бунда энг муҳими ўқувчиларнинг ўз шахсини намоён қилишларини ва ўз қобилятларини кўрсата олишларига эришиш мумкин.

Ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатувчи манбалар ичидаги ўқитувчи муҳим ўрин тутади.

*Ўқитувчи ўқувчининг онги, сезгиси, фаолияти ва хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатувчи қандай усуллар қўллашига эга? Барча ёши ўқитувчилар ҳам бу усулларни тушуниб ўқувчиларга таъсир кўрсатишида улардан фойдаланадиларми?*

Мулоқатнинг ижтимоий-психологик назарияси ва педагог тажрибаларни ўрганиш педагогик таъсир этиш икки усулдан: ишонтириш уқтиришдан иборат эканлигини кўрсатади.

Ишонтириш-ўқувчиларга хатти-ҳаракатларнинг тўғрилиги ва зарурлигини, шунингдек, айрим ҳулқ-атворларнинг нотўғрилигини тишунитириш ва исботлашдир. Ишонтириш жараёнида ўқувчиларда янги билим, кўникма, малака ҳамда ахлоқий сифатларни шакллантиради. Булар эса ўқувчилар ва уларнинг атрофдагилари учун меъёр (мезон) бўлиб хисобланади.

Ўқитувчининг ҳар қандай тарбиявий таъсир кўрсатиши, оқибат натижасида ўқувчи руҳиятига ҳар томонлама таъсир кўрсатишга, яъни ўқувчиларда ижобий хиссиятларни: ҳулқ-атвор, муносабатлар, хатти-ҳаракатларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга йўналган бўлади. Лекин, ишонтириш ва ўқтиришнинг технологик механизмлари турличадир.

Ўсиб бораётган ёшлар ижтимоий муҳит ва табиат билан ҳам ўзаро таъсирланадилар. Бу ўзаро таъсир натижасида уларда ишонч, янги билимлар ва муносабатлар, ахлоқий меъёрлар мажмуи вужудга келади.

Ишонтириш хақиқий ва сохта бўлиши мумкин. Ҳақиқий ишонч ҳақиқий воқеаликка мос келади ва шахснинг жамият олдидаги қадр-қимматни оширади. Ўзининг ҳақиқий ишончига содик бўлиши учун киши ҳатто ўлимига ҳам рози бўлади. Масалан, Ватанга содиқлик руҳида тарбияланган аскарларимизнинг жанг майдонида кўрсатилган матонатлари.

Сохта ишонч эса, аввало ишонч ҳосил бўлишининг сабаблари қўйидагилар бўлиши мумкин:

-фақат аъло боҳога ўқиши-бу билим олишда кўр-кўроналик, қуруқ ёдлашга олиб боради;

-ўзини ўта итоаткорона тутиши-бу ўқувчи фаолиятини ниҳоятда паст

бўлишига олиб келади. Меъёрдаги ўқувчи ўқитувчидан баъзан танбех олиб туриши керак;

-ўқитувчини алдаш-бу ўқувчини ўта ақлли ва топқирлигидан далолат беради;

-мактаб ички тартиб-қоидасини бузиш фақат кучли характерга эга бўлган ўқувчигагина хос бўлиб, у ўқитувчи томонидан танқид қилиб турилади;

-ҳаддан ташқари кўп меҳнат қилиш-бу керак бўлмаган тиришқоқликдир.

Юқоридаги бундай ишончлар ўқувчидан шаклланиб, аста-секин боқимандалик, ўқиш ва меҳнат фаолиятида сусткашлик кайфиятини содир қиласди.

Сохта ишончни бартараф қилиш учун ўқитувчи қуидаги уч йўналишда иш олиб бориши керак:

1. Синф жамоасида соғлом ижтимоий фикрни шакллантириш.
2. Муҳим аҳамият касб этувчи шахсий ҳаётий тажриба яратиш.
3. Сохта ишончни асосий тарзда инкор қилиш.

Сохта ишончларни ўзгартиришнинг қуидаги усувлари мавжуд:

-ўқувчини ўзини бошқалар билин таққослашга ундаш. Унинг фикрига қарама-қарши фикрда бўлган киши билан яқиндан танишиш (масалан, бола ўқишини ҳоҳламайди, лекин унинг таниш ўртоғи кўп ўқийди ва билади, аммо ўзининг “қуруқ ёдловчи” ёки “ўта билимдон” қилиб қўрсатмайди);

-нотўғри қарашлар ва ишонч оқибатида нималарга олиб боришини қўрсатиш (масалан, ана шундай ҳислатларга эга бўлиб, ўз ҳаётини барбод қилган, ўз эрки, ғурури ва виждонини йўқотган кишилар ҳақида сўзлаб бериш. Бунинг учун ҳаётий мисоллар, бадиий асарлар, кинофильмлар ва бошқалардан фойдаланиш мумкин);

-сохта ишонч ёқлаб, химоя қилувчи ўқувчи фикрини мантиқий ривожлантириб, уни ҳайратга солувчи ҳолатга етказиш. (Масалан, барча ўқувчиларни алдаш, ички тартиб-қоидаларга риоя қилмаслик нималарга олиб келиши мумкин).

Ишонтиришнинг бирон ташкил этувчисига амал қилмаслик ҳам тарбиявий иш самарадорлигини пасайтириб юборади. Бундай ҳолда ўқувчидан фақат билиш шаклланган ҳалос. Инсон ўзини қандай тутишилозимлигини билиши, айнан шундай тутиши лозимлигини тушуниши, лекин ўзини бунга мажбур қиломаслиги мумкин.

Демак, бу унинг иродавий сифатлари ривожланмаганлиги ҳулқ-атвор қоидаларига амал қилиш малакаси таркиб топммаганлигини англаатади.

Ишонтириш билимлар, қарашлар ва ҳулқ-атвор меъёрлари тизими бўлиб қолмай, балки уларни шакллантириш усувлари ҳамдир. Ишонтириш ёрдамида янги қарашлар, муносабатлар шаклланади ёки нотўғри қарашлар муносабатлар ўзгаради. Мунозара, тортишув, сухбат, ўқитувчи ҳикояси ва унинг шахсий намунаси, ишонтириш шакллари бўлиб ҳисобланади. Ишонтириш ўқувчиларга таъсир этиш методи сифатида юқори самара бериши учун қуидаги талабларга жавоб бериши керак:

-ишонтиришнинг шакли ва мазмуни, ўқувчилар ёш даврага мос бўлиши лозим (кичик мактаб ёшида эртак, ривоят ва фантастик ҳикоялар мисолида,

сүнгра эса борлик дунёни ўрганиш инсон маънавий дунёсини ўрганиш);

-ишонтириш ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларига мос бўлиши лозим. Бунинг учун ўқувчининг ҳақиқий хаёт тарзини ўрганиш зарур;

-ишонтириш умумий тарздаги қоида ва принциплардан ташқари аниқ далил ва мисолларни ҳам ўз ичиға олиши зарур (ўқитищдан кўргазмалиликка эътибор бериш);

-ишонтириш жараёнида баъзи ҳолатларда барча бир хил хабардор бўлган далил ва хулқ-атворни муҳокама қилишга тўғри келади. Бу ўз навбатида далилнинг ҳаққонийлиги тўғрисида иккиланишларни йўққа чиқаришга ва умуман тўғри хулоса чиқаришга ёрдам беради;

-бошқаларни ишонтирас экан, ўқитувчи ўз фикрига қатъий ишониши зарур.

Ишонтириш жараёнини ташкил этишда ўқувчи руҳий қийфасининг ўзига хослигини эътиборга олиш лозим. Бунинг учун педагог ўқувчи олий асаб тизимининг типини, унинг таълим-тарбия ва камолотининг ривожланиш доирасини билиши зарур. Масалан: бола кучли мувозанатлашган (сангвиник) асаб типига эга бўлсин. Унда тормзланиш жараёни кучлироқ бўлади. Бу ҳолда ўқитувчи ишонтиришжараёнини ўқувчи асаб тизимини ортиқча қўзғалишига йўл қўймайдиган тарзда олиб бориши керак.

Фикр, сезги ва иродавий ҳислатлар бир бутун яхлитликни ташкил этгандагина, ишонтириш методи ҳақиқий ҳаракатлантирувчи кучга айланиши мумкин. Бу методни қўллашда ишонтириш таркиби билиш, сезги, ҳиссиёт-хулқ-атворга амал қилиш мақсадга мувофиқ.

Ишонтириш натижаси ўқитувчининг сўз бойлигига ҳам боғлиқдир. Педагогнинг сўзи ва иши ҳам бир бўлиши керак.

Ишонтириш натижаси қайта тарбиялаш, яъни қараш ва муносабатларни шакллантиришда қўллаш, у ёки бу ҳислатларни намойиш қилиш зарур бўлган маҳсус вазиятлар яратиш орқали амалга оширилиши ҳам мумкин. Тасодифий вазиятлар қуйидаги йўллар билан яратилади: дарсда ўқувчига кутилмаган савол бериш, дарсдан ташқаридаги нотўғри хатти-ҳаракатига икрор бўлишига мажбур қилиш, ўйинда эса ҳаракат қилишга ундаш (масалан: ғира-шира ўрмонда разветкага бориш). Мактаб ҳаётида тастиқланганидек, баъзан ўқувчи ўз имкониятларини рўёбга чиқаришга шароит бўлмагани ўқун ҳам тарбияси оғирлар қаторига қўшилиб қолар экан. Унда дарсда онда-сонда сўрашади: ўқитувчи унинг билимига ишонмайди, дарс пайтида унга эътибор беришга вақтдан қизғанади. Агар ўқувчига тез-тез мурожат қилинса, унга ўз фикрини баён қилиш, таклиф этилса, унинг хулқида шаклланиб қолган стеротиплар аста-секин ўзгара бошлайди. Уқтириш-кишиларнинг мулоқот фаолияти жараёнида ўзаро таъсир этишлари воситаларидан биридир. Уқтиришнинг ўзига хослиги, инсон руҳиятига унинг ўзига сездирмасдан таъсир этиши, шахс психикаси, таркибий тузилишига беихтиёр кириб бориш ва кундалик ҳаётдаги қиликлар, интилишлар, мотивлар ва йўл-йўрикларда акс этишидир. Ҳар қандай педагогик таъсир этишда ўқтириш элементи мавжуд бўлади. Тўғри ташкил этилган уқтириш ўқувчиларнинг онгли равишда фаоллигини оширишга бевосита таъсир кўрсатади.

Сўз ёрдамида ўқувчидаги тетиклик ёки қўрқув, хурсандчилик ёки ҳафалик, ўзига ишонч ва ишонмаслик, қизиқувчанлик ёки зерикиш, бошқаларга ишониш

ёки хадиксираш каби сезгиларни вужудга келтириш мумкин. Ўқитувчининг ёмон кайфияти тўлқин каби бир зумда ўқувчиларни қамраб олишини ҳам фақат уқтириш билангина тушунтириш мумкин. Ёки асабийлашган характерга эга бўлган гурух раҳбари тез орада асабий ҳолат гуруҳда мулоқот меъёрига айланиб қолганлигидан таажжубланди.

Педагогик уқтириш самарадорлигини оширишнинг умумий шартлари қўйидагилардан иборат:

- ўқув материалининг мазмуни;
- уқтириш амалга оширилаётган вазият;
- уқтириш натижасида ўқитувчининг ишончи;
- ўқувчиларнинг ўқитувчиларга муносабати (хурмат қилиши);
- ўқувчиларнинг ёш даврлари ва индивидуал хусусиятлари эътиборга олиниши;
- ўқувчиларнинг уқтириш техникасини эгаллаганликлари;
- уқтириш натижасида қарор топган хислатларни рўёбга чиқариш учун шартшароитлар яратиш.

Уқтиришни туркумларга ажратиш учун қўйидагилар асос қилиб олинади.

### **1.Уқтириб таъсир этиш манбалари бўйича:**

- А) бошқа киши томонидан уқтириш;
- Б) ўз-ўзини уқтириш-бундай уқтириш обьекти ва субъети бир-бири билан устма-уст тушади.

### **2.Уқтириш объектининг ҳолати бўйича:**

- А) уйғоқ ҳолда уқтириш;
- В) табиий уйқу ҳолатида уқтириш;
- В) гипноз ҳолатида уқтириш;

Замонавий дидактикада гипноз ҳолатда уқтириш ва табиий ҳолатда уқтириш ( туш кўраётганда чет тилини ўрганиш-гипнopedия ) ҳам қўлланишидан қатъий назар, биз педагогик муносабатларистикболини белгиловчи уйғоқ ҳолатда уқтиришни ўрганамиз.

### **3.Ўқитувчининг мақсади бўйича:**

- а) олдин мўлжалланган уқтириш;
- б) олдиндан мўлжалланмаган уқтириш;

### **4.Уқтириб таъсир қўрсатиш унинг оқибатига қараб:**

- А)ижобий;
- Б)салбий кўринишлар бўлиши мумкин:

-ижобий психологик жиҳатлар (одатлар, қизиқишилар, қарашлар, муносабатлар) шаклланади.

-салбий уқтириш жараёнида эса онгли ва беихтиёр олдиндан кўзлаб мўлжалланмасдан кишига салбий психологик сифатлар (ўз-ўзини паст баҳолаш, масъулиятсизлик, журъатсизлик ва ҳаказолар) киритиб борилади.

### **5.Уқтириш мазмунига қараб икки турга бўлинади:**

А)очиқдан-очик уқтириш, бунда уқтириш мақсади унинг шаклига мос келади. Уқтирувчи тўғридан-тўғри ва очик ҳолда ўқувчини баъзи хатти-харакатларини бажаришга ёки бундан ўзини тўхтатишга чақиради. “Сен бундан кейин доим дарсни тайёрлаб келасан, сенга ишонаман” (аниқ шахсга йўналтирилган фикр).

Б) Ёпик (воситали) ўқитиши. Бунда таъсир этиш мақсади “ниқобланган” бўлади. Ўқувчи ўқитувчини кучга эга эканлигини кўп ҳолларда англамайди. Бу ҳолда сўзловчи тингловчидаги айнан ўзидағи тасаввур, қиёфа ва сезгиларни гавдвлантиради. Натижада унинг олдида тўла ишонч қозонади. Уқтириш кишиларнинг мулоқатда ўзаро таъсир этиш жарайни сифатида ихтиёрий ва ихтиёrsиз тўғридан-тўғри кўринишга эга бўлиши мумкин.

### **Саволлар:**

1. Комуникация, коммуникабеллик нима?
2. Педагогик мулоқат тушунчасини изохланг.
3. Мулоқат функциялари нималардан иборат?
4. Профессионал-мулоқот таркиби қандай?
5. Қандай педагогик таъсир кўрсатиш усуооарини биласиз?

## **15-МАВЗУ: ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ**

1. “Мулоқат”атамасининг фалсафий, ижтимоий, психологик ва педагогик моҳияти, мулоқат бирлиги.
2. Педагогик мулоқатда учрайдиган камчиликлар
3. Педагогик мулоқот, унинг камчиликлари
4. Педагогик мулоқотни ташкил этиш маданияти
5. Мулоқот жараёнида ташаббусни бошқариш
6. Дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги мулоқот

**Таянч иборалар:** умумсоний қадриятлар, мулоқат бирлиги, педагогик мулоқот, мулоқот модули, машфарат одоби, шарқона мулоқот

**Мулоқот**-ахборот жараёни бўлиб, ахборот икки йўналишда бошқариш субъектидан (педагог) бошқариш обьектига (ўқувчига) боради ва аксинча обьектдан субъектга боради. Педагог бевосита шахслараро мулоқотдан ўз тарбияланувчилари, умуман жамоа ҳақида, ундаги ички жараёнлар ҳақида кўпгина халма-хил ахборотларга эга бўлади. Ўз навбатида, педагог мулоқат жараёнида ўз ўқувчиларига ҳам мақсадга қаратилган ахборотни маълум қилади.

**Педагог мулоқот-ижтимоий-психологик** жараён сифатида қўйидаги функциялар билан характерланади: шахсни ўрганиш (билиш), ахбороталмасиши ва фаолиятни ташкил этиши.

**Мулоқотнинг ахборот алмасиши функцияси** маънавий бойлик ва янгиликлар билан ўртоқлашиш жараёни ривожлантириш учун ижобий иштиёқлар, ҳамкорликда ва фикрлаш учун шароитлар яратишдан иборат.

Роллар алмасиниши ёрдамида мулоқат ўрнатиш эса уларда у ёки бу ижтимоий шаклланиб қолган хатти-ҳаракатни дастурлайди. Ўқувтилар ўқувтарбия жараёнида шахс-роль шаклидан фойдаланадилар: дарснинг айрим элементларини бажаришга ўқувчиларни таклиф қилидилар.

Бунда ўқувчилар томонидан ўз шахси (мен)ни, ўз қадр-қимматини, шахсини мукаммал баҳолаш ва келажагини тасаввур эта билиш учун интилишларини таъминлаш имконияти туғилади.

Мулоқотнинг энг муҳим функцияларидан бири-ҳамдард бўлишdir. У бошқа киши ҳиссиятларини тушуниши, бошқалар нуқтаи назарини мақуллаш қобилятини шакллантириши жараёнида амалга ошади ва жамоадаги муносабатларни меъёрга келтирали. Бунда ўқувчига унинг истакларини тушуниш ва булар асосида ўқувчига таъсир этиш зарурлигини англаш ўқитувчи учун жуда мухимdir.

Дарсга тайёргарлик кўрилаётганда мулоқотнинг барча функцияларидан комплекс фойдаланишин режалаштириш зарур. Бунда энг муҳими ўқувчиларнинг ўз шахсини намоён қилишларини ва ўз қобилятларини кўрсата олишларига эришишлари мумкин.

Ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатувчи манбалар ичida ўқитувчи мухим ўрин тутади.

Ўқитувчи ўқувчининг онги, сезгиси, фаолияти ва ҳатто, характерларига таъсир кўрсатувчи қандай усувлар қўллашга эга. Барча ёш ўқувчилар ҳам бу усувларни тушуниб ўқувчиларга таъсир кўрсатишда улардан фойдаланадиларми?

Мулоқотнинг ижтимоий-психологик назарияси ва педагогик тажрибаларни ўрганиш педагогик таъсир этиш икки усулдан – ишонтириш ва уқтиришдан иборат эканлагини кўрсатади.

Ишонтириш-ўқувчиларга хатти-ҳаракатларнинг тўғрилиги ва зарурлигини, шунингдек, айrim хулқ-атворнинг нотўғрилигини тушунтириш ва исботлашdir. Ишонтириш жараёнида ўқувчиларга янги билим, кўникма ва малака ҳамда ахлоқий сифатлар шакллантирилади.

Булар эса ўқувчилар ва уларнинг атрофдагилар учун меъёр (мезон) бўлиб қисобланади.

Ўқувчининг ҳар фандай тарбиявий таъсир кўрсатиши, оқибат натижасида ўқувчи руҳиятига ҳар томонлама таъсир кўрсатишга, яъни ўқувчиларда ижобий ҳиссиятларни: хулқ-атвор, муносабатлар, хатти-ҳаракатлар шакллантириш ва йўналган бўлади.

Педагогик мулоқотда учрайдиган камчиликлар куйидагилар:

1. Эҳтиётсизлик, шахсиятпаратлик, сухбатдошни ортиқча мажбурлаш;
2. Пассивлик, ўзини юқори қўйиш;
3. Ҳаддан ташқари жонбозлик кўрсатиш

Ўқитувчига жамият томонидан қўйиладиган талаблар, турли хилдаги ижтимоий кутишлар, педагогнинг индивидуаллиги, унинг шу тарзда, талабларга жавоб беришга субъектив тайёрлиги муайян ўқитувчининг педагогик мулоқотга нақадар тайёрлигидан далолат беради.

Ўқитувчи професиограммаси муайян фан томонидан ўқитувчига қўйиладиган маҳсус талабларни ўз ичига қамраб олиши лозим. Бундай ўқитувчи у ёки бу хилдаги фан томонидан фандай талаблар қўйилишини билиши ва шу аснода ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш учун педагог олий ўқув юртларида муайян мутахассислик бўйича ўқитувчи професиограммаси

ишлаб чиқилиши зарур. Проффиесиограмма психологик нұқтаи назардан ишлаб чиқариш фаолияти характеристикасининг (аниқ бирорта касб бүйича) келгуси амалий ишлар учун зарур бўлган мазмундаги барча томонларини ўз ичига олиши кераклиги устида боради.

- 1) ўқитувчининг шахсий хислатлари;
- 2) касбига хос билими;
- 3) ўз касбига хос хислатлар;
- 4) шахсий-педагогик удавбуронлиги;
- 5) ташкилотчилик малакалари;
- 6) коммуникатив малакалар;
- 7) гностик малакалар;
- 8) ижодий хислатлар

Проффиесиограммани касбга хос равища ўқитишни ташкил қилиш таълимнинг самарадорлиги ва унинг муваффақияти қандай билим ва кўникмаларга, айниқса, шахснинг қандай қобилят ва шахсий хислатлар боғлиқ эканлигини албатта кўрсатиш зарур.

Қобилят-бу кишининг бирор фаолиятга яроқлилиги ва шу фаолиятни муваффақиятли амалга оширишdir.

Педагогик қобилят-бу қобилят турларидан бири бўлиб, кишининг педагогик фаолиятга яроқлилигини ва шу фаолият билан муваффақиятли шуғуллана олишини аниқлаб беради.

Узоқ йиллар олиб борилган тадқиқотлар педагогик қобилятлар мураккаб ва кўпқиррали психологик билимлардан иборатлигини кўрсатиб берди. Ана шу тадқиқот маълумотлардан фойдаланиб, педагог қобилятлар тузилишида мухим ўрин эгаллайдиган қатор компонентларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. дидактический қобилятлар-бу ўқувчиларга ўқув материалини аниқ ва равшан тушунтириб, осон қилиб етказиб бериш, болаларда фанга қизиқиш уйғотиб, уларда мустақил фаол фикрлашни уйғота оладиган қобилятлар;

2. академик қобилятлар-математика, физика, биология, она тили, адабиёт, тарих ва бошқа шу каби фанлар соҳасига хос қобилятлар;

3. перцептив қобилятлар;
4. нутқ қобиляти;
5. ташкилотчилик қобиляти;
6. авторитар қобилят;
7. коммуникативлик қобиляти;
8. педагогик хаёл;
9. диққатни тақсимлай олиш қобиляти.

**Педагогик муроҷатда ҳазил-мутойиба сезгисининг мавжудлиги ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини енгиллаштиради.**

Олимлар изланишларнинг кўрсатишича, тажрибали ўқитувчиларнинг шахсий сифатлари орасида “қувноқ харакат” доимо ажralиб туради. Чунки, ўқувчиларни ниҳоятда чарчаган, диққатлари ўта тарқалувчи бўлган ҳолда ҳам ўқувчига дарсда ишчи вазиятни яратиш имконини беради. бундай ҳолда, ўқувчиларни қизиқтирган мавзуда сухбатлашади, қизиқарли ҳикоя ёки воқеани айтиб беради.

Баъзи ўқувчилар эса, аксинча, ҳажмий воқеани айтиб туриб, ўқувчиларнинг кулишига йўл қўймайди. Уларни жеркиб, тартибни бузмасликка чақиради. Ҳазил-мутойиба сезгиси бўлмаган ўқитувчи ҳатто ўқувчиларнинг енгил ҳазилини ҳам кечира олмайдилар. Уларга қўпол муомалада бўладилар. Бу ҳол ўқитувчи-ўқувчи муомаласига салбий таъсир кўрсатади.

“Мактабдаги хушчақчақ ҳаётга худди душманга қўпол хато бўлганидек муносабатда бўлиш, кўпчиллик ҳолларда йўл қўйядиган жиддий камчилигимиздир”, -деб таъкидлайди Л.Н.Толстой.

Дарс маросими ўқитувчи меҳнатининг маданиятигини бўлиб қолмай, балки унинг интизоми, дарснинг сифати ҳамдир. Дарс маросими юқори, лекин ўқувчиларга мос бўлиши лозим.

Дарда энг мақбул маромга эришиш учун қуидагилар тавсия қилинади:

- дарсда кўпчиликни қаноатлантирувчи “ўртача” маромни танлаш;
- ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш;
- дарда якка тартибда ва ҳамкорликда бажариладиган ишларни оқилона уёғунлаштириш;

- ўқувчилар фаолиятларининг турли-туман шаклларини қўллаш;
- вақтдан иложи борича самаралироқ фойдаланиш;

Дарс маросими ўқитувчи томонидан фақат иш жараёнидагина танланади.

**Дарда ўз-ўзини назорат қилишга ҳам ўқитувчилар эътибор берилешлари лозим.**

Ўз-ўзини назорат қилиш ёки ўқитувчи педагог қобилиятини тезроқ ривожланишига тажрибали педагоглар маҳорати “сирлари”ни тезроқ эгаллашга имкон беради.

Ўқитувчи ўз фаолиятини ўзи таҳлил қилар экан, ўз-ўзини бошқариш ва такомиллаштиришнинг энг кучли қуролига эга бўлади. Муваффакиятли ишлаш усулларини эгаллайди (диагноз-прогноз), бу эса, ўқувчида ўз меҳнатидан қониқиш ҳосил қилиш хислатларини уйғотади, унга маънавий қувват, ижодий иштиёқ бағишлиади.

Ўқитувчи ўз-ўзини ахлоқий баркамолликка эриштириши ижтимоий касб фаолиятини муваффакиятли олиб боришнинг муҳим шартидир.

Ўқитувчи ўзининг дарсини ўз таҳлил қилаётганда, қуидагиларга эътибор беришни тавсия этилади:

- кўзланган мақсад ва дарс натижасини таққослаш;

- ўқувчилар билими, кўникмаси ва камол топишидаги силжишларни кўзланган натижага мувофиқлигини аниқлаш;

- ўқувчилар дарсда иштиёқ билан ишланганликларига алоҳида эътибор бериш.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”ни амалга ошираётган замонавий мактаб ўқувчисининг ҳислатлари, унингижодий фаолияти кириб келаётган XX! Асрда шаклланиб, асосан амалий ишда, педагогик тажрибаларни эгаллаш жараёнида ўсиб-ривожлана боради.

Шу билин бирга ўқитувчи доимий равишда ўз малакасини ошириб, ўз ишининг муваффақиятини юқори даражада таъминлашга ёрдам берадиган шахсий хислатларини тарбиялаб бориши зарур.

### **Саволлар:**

1. Педагогик мuloқот деганда нимани тушунасиз?
2. Мулокот функцияларини нималардан иборат?
3. Прфесионал-педагогик мuloқот таркиби қандай?
4. Мулокот этикаси ва маданияти нималарда кўринади?
5. Педагогик мулокатнинг асосий камчиликлари нималардан иборат?
6. Педагогик қобилияtlар қандай турларга бўлинадилар?

## **16-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК НАЗОКАТ ВА ОДОБ-АХЛОҚ.**

1. Ўқитувчининг педагогик одоби ҳақида тушунча.
2. Педагогик такт. Ўқитувчининг дарсдаги педагогик такти.
3. Педагогик назорат меъёри. Педагогик назоратни эгаллаш шароитлари.
4. Педагогик таъсир қўрсатиш методикаси.
5. Педагогик таъсир қўрсатишнинг асосий усуллари.

**Танч иборалар:** педагогик одоб, педагогик назокат, ихтисослик соҳасидаги бурч, педагогик адолат, виждон, педагогик орият, назокат ва тактика, ўқитувчининг мулокот одоби, психологик мухит.

### **Ўқитувчининг педагогик одоби ҳақида тушунча**

**1. Ўқитувчилик касбini севиши педагогик одобнинг зарур талабларидан бири ҳисобланади.** Ўз касбini севган кишигина бутун куч-ғайратини, қалб кўри ва дил ҳароратини бу ишга бағишлийди ва ўз фаолиятида яхши натижаларга эришади. Шунингдек, болаларни севиш, уларга меҳр-муҳаббатли бўлиш ўқитувчилик касби, ўқитувчи аҳлоқий қиёфасида жуда муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчидан болаларга меҳрибонлик билан бирга талабчанлик ва қаттиққўллик ҳам талаб этилади.

Муаллимнинг билимдон бўлиши, маънавий баркамолликка ўқувчи шахсини шаклланишига ижобий аҳлоқий таъсир ўтказади.

Ўқитувчи ҳалоллик, ростгўйлик, аҳлоқий поклик, одамийлик, камтарлик каби фазилатларга эга бўлиши педагогик одобнинг муҳим талаб-қоидасидир. Муаллим дейарли ҳар куни ўқувчилар билан учрашади, савол-жавоб қиласи, уларнинг яхши хулқи, эзгу ишларни маъқуллайди, билимини баҳолайди, ножӯя хатти-харакати учун танбех беради. Албатта ўқитувчининг фикри, мулоҳазаларида нисбийлик, субъективлик аломатлаори мавжуд. У ҳаммага айнан бирдек тўғри муносабатда бўла олмаслиги мумкин, лекин у ҳамма ўқувчиларга нисбатан ҳолис ниятли, яхшилик қилишга интилевчи, адолатли киши эканлигига барчанинг ишончи комил бўлмоғи лозим.

Синфда ўқитувчи “яхши кўрадигани”, “ёмон кўрадигани” бор деган таассурот туғдирмаслик керак. Фаннинг муҳим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита олиши ва ниҳоят ўқувчиларни ҳам ижодий фикрлаш, тадқиқот ишларига ўргатиш ва жалб этишни талаб қиласди. Хуллас, яхши ўқитувчи бўлиш учун бўлажак муаллим юксак педагогик одоб маданиятни эгаллаши зарур. Бунинг учун бўлажак ўқитувчи педагогик одобнинг талаб ва қоидаларини билиб, ўзлаштириб олиши, тажрибада педагогик фаолиятда қўллаши, ўзининг дунёқарashi ва ахлоқий тажрибаси билан бойитиши лозим, фикрлаш ва ҳис қилиш, турмушда синаб кўриш натижасида педагогик одобнинг талаб ва қоидалари ўқитувчининг шахсий эътиқодига, ахлоқий фазилатларига айланади.

Дарҳакикат, ўқитувчи ёшларга таълим-тарбия берувчи киши. “Таълим ўртасида”ги Қонуннинг 5-моддасида шундай ёзилган: “Тегишла маълумоти, қасбий тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш хуқуқига эга”. Чунки, ҳукумат томонидан ҳалқ таълими соҳасида ўртага қўйиладиган вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ. Ҳар қандай мутахассис одоб-ахлоқ намуналарига эга бўлиши табиий, лекин педагогик одоблилик мутлоқа ўзгача ҳолдир. Чунки, табиатга, жамиятга, нотаниш кишиларга, жисм ва ашёларга, ўз-ўзига муносабатда ҳақиқий мезон ролини бажарувчи қобилиятга эга бўлишилик айнан ўқитувчи шахсида мужассамлашади. Педагогик назокат этнопсихологик ҳис-туйғулари, миллий ҳарактер хусусияти, ҳулқ, фаолият, муаммоли қоидалари, қонуниятлари ва кўникмаларидан меъёрий равища мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланишда ўз аксини топади:

-эмоционал ҳис-туйғулар, кечинмалар, стресс ва эффектив ҳолатлар хоссалари, чегараларига батамом риоя қилиш;

-хулқ-автор малакаларини амалиётда оқилона қўллаш;

-бачкана қилиқлар, ортиқча ҳаракатлар қилишдан ўзини тийиш;

-нутқ маданиятидан ташқари чиқмаслик, шахсиятга тегадиган иборалар ишлатмаслик, қўпол ва дағал сўзлар қўлламаслик;

-ҳиссий, ақлий билиш жараёнига муайян меъёрларга асосланиш, манманликни намойиш этмаслик;-ўқитувчи ва ўқувчилар жамоалари билан, ота-оналар ҳамда нотаниш кишилар билан муносабатга киришишда расмий, қатъий ишбилармонлик услубларига асосланиш ва ҳоказо.

Ўқитувчи зиёлилар ичida маънавий дунёning муайян даражаси билан тафовутланиб, кўрсаткичи бўйича анча юксакликка эга инсон. Унинг бу даражага эришиши манбалари-ўқитувчилик кундалик, ижодий изланиш фаолиятининг қўринишидан, ижтимоий статус ва ролни қатъий ижро этишдан иборат. Ўқувчининг қасбий маҳоратидан ташқари, унинг сиёсий, иқтисодий, тарихий билимларга эга бўлашидек зарурияти, эҳтиёжи, имконияти алоҳида аҳамият касб этади.

### ***1.Педагогик назокат ўқитувчига мулоқотни ижобий ҳиссиётлар асосида қуришга, болалар билан психологик kontaktни сақлашга ёрдам беради.***

Ўқитувчи педагогик назокат талабларига амал қилиб ўзида мулоқотнинг демократик услубини шакллантиради, ўқувчилар билан ҳақиқий мулоқот

маданиятига эришади. Педагогик назокат ўқитувчига болалар билан мулоқотда конфликт (қарама-қаршилик) дан қочишга, ўзаро муносабатни түғри қуришга ёрдам беради.

Назокатли бўлиш барча кишиларга қўйилган ахлоқий талаб, айниқса педагоглар учун бу жуда муҳим. Педагог такт ўқитувчининг касбий сифати, унинг маҳоратининг бир қисми.

“Такт” сўзи таъсир этиш маъносини билдиради. Бу кишилар ўзаро муносабатини бошқаришга ёрдам берувчи ахлоқий категориядир. Тактик хулқ инсонпарварлик принципига асосланиб, мураккаб конфликт ҳолатларида ҳам кишига хурмат сақлаб қолишни талаб қиласди.

**Педагогик такт**-бу ўқитувчининг ўқувчига мақсадга мувофиқ педагогик таъсир ўлчови, мулоқотнинг маҳсулдор услугубини ўрнатиш кўнижмаси. Педагогик такт ўқувчилар билан мулоқотда охирги ҳолатга (чорага) йўл қўймайди.

Хурмат, эркалаш ва талабчанликни ҳам талаб этади. Ўқувчига муносабат уларнинг ёш хусусиятларига ҳам боғлик бўлади.

Кичик ёшдаги ўқувчиларга муносабатда ўқитувчи болани қучоғига олиши, бошини силаши, эркалаб чиқариши мумкин. Катта ўқувчилар билан бундай ҳолатга айрим шароитларда йўл қўйилади. Ўспиринлик билан бундай муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмайди. Улар ўзларини катта, мустақил деб билишади.

Ўқитувчи такти дарсда, синфдан ташқари ишларда ва бошқа жойларда намоён бўлади.

Ўқитувчининг дарсдаги педагогик такти. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги зиддиятлар таҳлили шуни кўрсатадики, бунинг муҳим сабабларидан бири-ўқитувчининг тактсизлигидир. Баъзи ўқитувчилар “нимага жим ўритолмайсан, тагингда мих борми?” каби огоҳлантиришларни нормал ҳолат деб ҳисоблашади. Баъзи ўқитувчилар дарсга кириб ўқитувчини кўчада кўрганлиги, ким билан юрганлиги ва қандай кийинганини кесатиб айтиб беради. Баъзан шундан зиддиятлар бошланади.

Назокат (такт) дарсининг барча этапларида зарур. Айниқса, ўқувчилар билимини баҳолаш вақтида бунга алоҳида эътибор бериш керак. Жавоб берадётган ўқитувчининг гапини бўлиб, “хеч нарса билмайман”, “бу гаплар нимага керак?” каби сўзлар билан уларни тўхтатиш мумкин эмас. Баъзи ўқувчилар назокатли ўқитувчи дарсида яхши гапира олса, тактсиз ўқитувчи дарсида жавоб беришда қийналадилар.

Барча ўқувчилар уларнинг жавобини эътибор ва хурмат билан тингловчи ўқитувчига жавоб беришни хоҳлашади. Ўқувчи гапираётганда ўқитувчи уни қувватлаб, қараши, мимиқаси билан маъқуллаб туриши керак. Жавобни бефарқ тингласа ёки менсимай эътибор бермаса, ўқувчи шу ўқитувчига жавоб беришдан кочади.

Баҳо қўйиш вақти ҳам муҳим. Баъзан ўқитувчи аввал яхши жавоб бермаган ўқувчи яхши гапириб қолса: “Сен мени ҳайрон қолдирдинг, сенга “4” баҳо қўйишга мажбурман”,-дейди. Аслида, у ўқувчи муваффақиятидан мамнун бшлиши керак эди.

Педагогик такт ўқитувчи хулқининг мослашувчанлиги-тактикани талаб қиласи. Чунки ўқитувчи болалар олдида турли назокатни талаб этувчи турли ролларда чиқади. Синфда ўқувчилар дарга тайёр бўлмаганди, қатъийлик ва муомаланинг совуқ бўлиши кузатилади. Синфда ташқари ишларда қўнгил очиқлиги, мажбур этмаслик, айниқса индивидуал сухбат, саёҳатлар, дўстона алоқа, болаларга ишонч ўқитувчи учун зарур ҳолатлар ҳисобланади.

Мулоқатда тактни танлаш ролли ҳолатлардан фойдаланиш кўнимаси билан боғлиқ. Бунда 4 -та ҳолат бор.

- юқоридан қурилган ҳолат;
- пастдан қурилган ҳолат
- ёнма-ён ҳолат;
- аралаш ҳолат.

Юқоридан ўрнатилган ҳолатда ўқитувчи ўзининг мустақиллигини, жавобгарлигини ўз бўйнига олишини, ҳеч ким билан ҳисоботлашмаслигини кўрсатади. Бу ҳолат “Ота-она” ҳолати дейилади.

Пастдан ўрнатилган ҳолатда бўйсунувчан, ўзига ишонмайдиган шахс намоён бўлади. Бу “Болалар” ҳолати дейилади.

Ёнма-ён қурилган ҳолат шароитини ҳисобга олиш, бошқалар қизиқишини тушуниш, жавобгарликни ўзи ва болалар ўртасидаги тенг бўлиш кабилар кўринади. Бу “кatta киши” ҳолати дейилади. Бунда ўқитувчи, “Мен сизлар билан маслаҳатлашмоқчиман” ёки “биргалиқда ўйлаб кўрайлик” усулида иш кўради. Баъзан ўқитувчи пассивлик ҳолатини кўрсатади. Масалан, “доскада адашади”, ўқувчилар эса катта кувонч билан уни тўғрилашади. Бу ҳолат ўқувчи мустақиллигини кўрсатишга кенгроқ имконият беради. Умуман, бу ҳолатларда ўқитувчи ўқувчилар билан роль алмасиб туради.

**1. Педагогик шароитни эгаллаши шароитлари.** Педагогик назокат педагогик маҳорат билан бирга тарбияланади ва эгалланади. Ўқитувчининг маънавий етуклик дарражаси, болалар билан мулоқот кўникмаларини ҳосил қилиши учун маҳсус билимларни эгаллашида ўз устида ишлаш натижасида эришади.

Аввало, бу билимлар ёш психологиясини ва болаларнинг индивидуал хусусиятларини билиш билан боғлиқ.

Ахлоқ асосларини билиш, хатти-ҳаракатлардаги ахлоқий маънони кўриш ғам катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга, ўқувчига таъсир этиш йўлларини билиш улар қобилятига айланиши лозим:

- болаларни севиш, ўз муҳаббатини кўрсатиш;
- болалар хулқидаги нозикликларини кўриш ва кузатиш;
- шароитга мослашиш;
- ҳамкорликнинг мақсадга мувофиқ йўлини танлаш;
- болалар билан сухбат.

Тўғри мулоқот услубини танлашда ўзини бошқара олиш, адолатсизлик, бошқалар тажрибасига ижобий ёндашув, педагогик техникани ривожлантириш, ҳазил-мутойибага мойиллик ғам катта аҳамиятга эга. Бунда ўқитувчи болаларни ҳурмат қилишни ва ўз қадрини сақлаши муҳимдир.

Педагогик фаолиятда турли конфликтлар, педагогик вазиятлар учраб туради. Шунинг учун ёш педагоглар юқоридаги қоидаларни билиши лозим.

Педагогика ўз усулларни йўқ нарсадан яратмайди, уларни ўйлаб топмайди. У хаётда хулқ-атворининг реал омилларини, болалар ҳаётини педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш вазифаларига жавоб берадиганларни танлаб олади, тарбиявий ишда педагогик таъсир қўрсатиш усуллари сифатида фойдаланади.

**Педагогик таъсир қўрсатиш методикаси** болаларнинг ижтимоий фойдали фаолиятини педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш учун фойдаланиладиган воситалар системасидан иборатдир. Бу воситалар тарбияланувчи шахсига қаратилган бўлиб, болалар хулқ-атворини рағбатлантиради, уларнинг қийин ва мураккаб вазифаларини қувонч, ижодий шавқ-завқ манбаига, ҳар бир тарбияланувчи ўқувчининг шахсий муддаоларга айлантиради.

Педагогик таъсир қўрсатишнинг асосий усуллари талаб, истиқбол, рағбатлантириш ва жазолаш, жамоатчилик фикридир.

**-Талаб-тажрибада** жуда кенг тарқалган усул бўлиб, таълим ва тарбия жараёнида педагогнинг тарбияланувчига шахсий муносабатининг намоён бўлиши йўли билан у ёки бу хатти-ҳаракатларнинг рағбатлантирилиши ёки тўхтатилишини таъминлайди.

Педагогик таъсир қўрсатиш усули бўлган талаб билан коллективни ташкил этиш методи сифатидаги ягона педагогик талабларни бир-биридан фарқлаш керак. Агар ягона педагогик талаблар болаларнинг ижтимоий фойдали фаолиятини рағбатлантириш мазмунини ва коллективни жисплаштиришда педагоглар билан болаларнинг ҳаракатлари бирлигига эришиш йўлларин таъминласа, талаб эса хулқ-атвор ва фаолият нормаларини балаларнинг хатти-ҳаракатлари ҳамда ишларида амалга ошириш усулларидан иборатдир.

**Истиқбол-таъсир** қўрсатишнинг жуда таъсирчан усули бўлиб, у болаларнинг хатти-ҳаракатларини улар олдига мароқли мақсадлар қўйиш йўлини таъминлайди, бу мақсадлар уларнинг шахсий интилишлари, қизиқиши ва муддаоларига айланади. Бу усул мактаб ўқувчиларида шахснинг энг муҳим фазилатларидан бири бўлган мақсадга интилувчанликни ривожлантиришга ёрдам беради.

**-рағбатлантириш ва жазолаш-тарбиянинг** энг анъанавий усули бўлиб, болалар хулқ-атворига тузатиш киритишни, яъни фойдали фойдали хатти-ҳаракатларни қўшимча рағбатлантириш ва тарбияланувчиларнинг номақбул хатти-ҳаракатларини тўхтатишни таъминлайди, бунда уларнинг ҳуқуқ бучларини кенгайтириш ёки чеклаш, уларга ахлоқий таъсир қўрсатиш йўлидан фойдаланилади. Рағбатлантириш ва жазолаш методи ўзига хос хусусиятига эга бўлганлиги сабабли (бу ҳақда қуйироқда гап боради) унинг қўлланилиши алоҳида эҳтиёткорликни, педагогларнинг сезигирлиги ва хушмуомилалигини талаб қиласди.

**Жамоатчилик фикри-таъсир** қўрсатишнинг қудратли усули бўлиб, болаларнинг ижтимоий фойдали фаолиятини ғоя ҳар томонлама ва мунтазам рағбатлантириб боришни таъминлайди, жамоанинг тарбиявий вазифаларини анча тўлиқ амалга оширилади. Бу усул жамоа аъзоларининг ижтимоий фаоллигини ва ўртоқларча бирдамлилигини ривожлантиришга ёрдам беради.

Педагогик таъсир кўрсатиш усулларини алоҳида-алоҳида тасвирашга ўташдан олдин уларни муваффақиятли қўлланишнинг умумий қоидаларини қараб чиқамиз.

Педагогик таъсир кўрсатиш усулларидан самарали фойдаланишнинг зарур шарти педагогнинг болаларга бўлган муносабатларнинг чинакам инсонпарварлигидир. Педагогик таъсир кўрсатиш усуллари ўз тарбияланувчилар тақдирларига бепарво бўлган қўлида соф касбдорлик воситалари мажмуи эмас, бу усуллар бир жамоа бўлиб, ягона интилишлар, умумий маъсулият билан бирлашган жонли кишиларнинг жонла муносабатидир.

Қаттиқлик ва тошбағирликни, расмий маъмуриятчиликни ўзининг болалари билан муносабати нормасига айлантирган кишилар ҳақиқий педагог бўлолмайдилар. Бизнинг шароитимизда фақат педагоглар билан ўқувчилар ўртасидаги ўртоқларча муносабатларни ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга қаратилган йўлгина педагогик таъсир кўрсатишнинг асоси бўлиши мумкин. Бинобарин, у ёки бу усулларнинг қўлланилиши ҳар бир ҳолда ўқувчиларнинг фаолиятида фақат жузъий ўзгаришларга олиб келибгина қолмай, шу билан ҳамиша педагоглар билан тарбияланувчилар ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишига фаол хизмат қиласди.

Педагогик таъсир кўрсатиш усулини қуллашнинг иккинчи умумий қоидаси шундан иборатки, бу қоида оқилона тайёрланган бўлиши лозим, уни амалга ошириш учун шарт-шароитнинг мавжудлигини назарда тутади.

Ўқувчиларнинг реал имкониятларини, уларнинг тарбиячи рағбатлантирадиган ишларни бажариш қобилятини ҳисобга олиш педагогик таъсир кўрсатиш воситаларидан фойдаланишдаги шахсий ёндошувнинг моҳиятини ташкил этади. Баъзан у ёки бу педагогик таъсир натижасиз қолади, чунки педагог унинг амалга оширилиши учун зарур моддий воситаларнинг мавжуд бўлишини олдиндан таъминланмаган бўлади. Масалан, барча ўқувчилар ҳам ишга зарур бўладиган асбоблар билан таъминланган эмас, ўқитувчи эса уларга навбатдаги топшириқни бажаришни таклиф қиласди. Педагогик таъсир кўрсатишни амалга оширишда ўқувчиларнинг ёши ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш каби умумий принципларни изчилилк билан ўтказиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Педагогик назокат-ўқитувчи ахлоқининг ижодий кўриниши. Педагогик назокатнинг зарурлиги. Педагогик назокатнинг моҳияти ва хусусияти. Ўқитувчининг дарс жараёнидаги назокати. Назокат ва тактика.

Ўқувчининг мулоқот одоби. Ёқтириш ва ёқтираслик. Дўстлик, қариндошлиқ, хизматдаги мослик, ҳамжиҳат бўлиб ишлаш, маслакдошлиқ, психологик муҳит, чиқиша олмаслик ва ўзаро муносабатдаги қийинчиликлар уларни бартараф этиш йўллари.

Ўқув-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг билими ва хатти-ҳаракатларини баҳолаш, янги мавзуни тушунтириш, ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, дарсдан ташқари ва ишдан холис вақтларда ўқитувчининг назокати ва одобини шакллантириш, ривожлантириш йўллари ҳамда унга эришиш шарт-шароитлари.

## **Саволлар:**

1. Педагогик одоб ва педагогик назокат тушунчалариға таъриф беринг.
2. Ўқитувчининг хулқ-авторига қўйиладиган талабалар.
3. Қандай педагогик таъсир қўрсатиш усулларини биласиз?
4. Педагогик такт нима?
5. Рағбатлантириш ва жазолаш методи ҳақида гапириб беринг.

## **17-МАВЗУ:ПЕДАГОГИК ТЕХНИКА ҲАҚИДА ТУШУНЧА**

- 1.Педагогик техника-ўқитувчининг фель-автори, юриш-туришини ташкил этувчи усуллар мажмуаси.
2. Педагогик техника воситаси.
3. Ўқитувчининг ўз хулқи, хатти-харакати, феъл-авторини бошқара олиш қобилияти билан боғлиқ кўникмаси.
4. Ўқитувчининг конструктив малакаси.

**Таянч иборалар:** педагогик техника, вербал ва новербал коммуникация, психологик қобилият техникаси.

Педагогик техника ўқитувчилариға ўқув фаолиятида ҳам, ўқишдан ташқари фаолиятда ҳам зарур бўлган умумий педагогик малакалар мажмуидан ташкил топган.

**Педагогик маҳорат-** ўқитувчининг маънавий-маърифий маданияти ва ташқи таъсир ва сифатларнинг синтезидир.

Ташқи таъсир воситалариға-нутқ ва новербал мулоқот воситалари киради.

**Педагогик техника-**бир қанча усулларнинг йиғиндиси бўлиб, буларга: 1) ўқитувчининг ташқи кўриниши; 2) ўқитувчининг нутқи киради.

“Педагогик техника” тушунчаси 2 гурух таркибий қисмларга ажратилади.

**Биринчи гурух-бу** таркибга ўқитувчининг ўз хатти-харакатларини бошқаришга айтилади: 1) Ўз гавдасини бошқара олиш (мимика ва пантомимика). 2) Ўз ҳис-туйғусини, кайфиятини бошқара олиш (кераксиз психик зўриқиши олиб ташлаш, ижодий кайфиятни ўзи учун ва ўқувчилар учун яратади). 3) Ижтимоий прецептив қобилият (диққат, кузатувчанлик, ҳаёл). 4) Нутқ техникаси (нафас олиш, овозни тўғри кўйя олиш, дикция, нутқ, темп).

**Иккинчи гурухнинг таркибий қисмлари-**бунга жамоага ва шахсга таъсир эта олиш малакаси билан таълим ва тарбия жараёнининг технологик томонлари киради. Буларга қўйидагилар: Дидактик, ташкилотчилик, конструктив, коммуникатив малакалар киритилади. Ўқувчиларга талаб ва баҳолашнинг техникаси, педагогик мулоқотни бошқариш, синф жамоасида ижодий ишни ташкил этиш ҳолатлари жалб этилади.

Иккинчи гурухнинг таркибий қисмларини кенгроқ очиб берамиз.

**Иккинчи гурухга:** Дидактик, ташкилотчилик, конструктив, коммуникатив малакалар киради.

**1.Дидактик малака** (дидактика-таълим ва унинг мақсади, мазмуни, шунингдек таълим методлари, воситалари ва уни ташкил этиш ҳақидаги фандир).

Дидактик малака деб, ўқитувчининг билим ва малакаларини энг самарадор методлар ва воситалар билан ўқувчиларга етказиши тушунилади.

**2.Ташкилотчилик малакаси:** Ўқитувчининг синф жамоаси, унинг таркиби, динамикаси, синф лидерлари ва паст мавқедагиларни билиши, шу маълумотларни эътиборга олиб, синфи моҳирлик билан бошқариши.

**3. Конструктив малака:** дарс ва дарсдан ташқаридаги жараёнда моҳирлик билан ташкил эта олиш. Дарсда ўқувчиларга билим ва малакалар беришнинг энг осон ва қулай йўлларини топа олиш.

**4.Коммуникатив малака:** Дарс ва дарсдан ташқари жараёнда ўқувчи- ўқувчи, ўқитувчи-ўқувчи, ўқитувчи-ўқитувчи мулоқотини ижобий ташкил эта олиш. Педагогик мулоқот ёрдамида ўқувчиларга зарур билим ва малакаларни бера олиш қобилияти. Аввало, педагогик техниканинг таркибий қисми сифатида **ўқитувчининг нутқ малакаларини**, яъни саводли гапириш, ўз нутқини чиройли ва тушунарли, таъсирчан қилиб баён этиш, ўз фикр ва хис туйғуларини сўзда аниқ ифодалаш малакаларини айтиб ўтиш мумкин.

Педагогик техниканинг бошқа таркибий қисми **педагогнинг мимик ва пантомимик** ифодалилигидир. Аниқ имо-ишора, маъноли қараш, рағбатлантирувчи ёки истеҳзоли табассум педагогик таъсир кўрсатишида қўп сўзни тушунтириш ёки эътиroz билдиришга қараганда анча самарали муомала воситалари бўлади.

Педагогик ўзаро таъсир кўрсатишида **ўқитувчининг ўз ҳиссий (психик) ҳолатини бошқариш**, ўзида энг қулай ҳиссий (ижодий) жиддийлик даражасини ва умидбахшилик, хайриҳохлик кайфиятини сақлаш, ўзининг ҳиссий дам олишини ташкил этиш маҳоратини муҳим роль ўйнайди. Бу маҳорат педагогиканинг касбий жиҳатидан ўз-ўзини назорат қилишларини таъминлади, қўп йиллар давомида соғлом асаб тизимини сақлаб қолиш, асабий бузилишлардан, ҳиссий ва ақлий зўриқишидан ўзини тишиш ёрдам беради. Педагогик ўзаро таъсир кўрсатиши ташкил этиш учун ўқитувчи актёрлик ва режиссёрлик маҳорати таркибий қисмларини эгаллаш зарур, уларни ўқитувчига болалар билан муомила қилишда тарбияланувчиларнинг ақл-идрокини эмас, балки уларнинг ҳис-туйғуларига ҳам таъсир кўрсатиш уларга оламга бўлган ҳиссий-қадриятлт муносабатда бўлиш тажрибасини анча тўлиқ бера билишга имкон яратади.

**Педагогик мулоқот маҳорати.** Педагогик маҳорат-тарбия мақсадларида педагогик билан тарбияланувчилар орасидаги контактлардир. У педагогнинг ўқувчиларга касбий таъсиридан иборат бўлиб, ўқув-тарбия фаолиятини ва улар орасидаги муносабатларни оптималлаштиришга қаратилган.

**Педагогик мулоқот техникаси** учун нутқ маданиятига эга бўлиш, тўлиқ нафас олишни ишлаб чиқиш энг катта-энг асосий қийматдир.

Оғзаки нутқ маҳоратини юксалтириш, нафақат ҳикоя ва тушунтириш, балки уларга берилган сўз ҳам педагогик таъсир усусларидан яхшироқ фойдаланишга имкон яратади.

Педагог ўзининг овозини ва кўринишини бошқаришни билиши, ташки қиёфани, мимикани ушлаб туришни билиши зарур.

Мен фақат “буёққа кел”ни 15-20 хилда гапира олганимдан, афт, ташки қиёфа ва овозни 20- кўринишда бера олганимдан сўнггина хақиқий мастерга айландим,-дейди буюк педагог А.С.Макаренко.

Муаллимнинг педагогик маҳорати қуидаги асосий қисмларда ташкил топиши мумкин:

1. Педагогнинг ўз фикрини, иложи борича, содда, равон ва етарли тўлаликда тингловчига етказа олиши ва бошқа омилларга боғлиқ бўлган ўқитиш ишларини бижариши зарур;

2. Дарсни ташкил қилишда тингловчининг билим даражаси, уларнинг тақдим этилаётган билимларни қабул қила олиш маҳорати ва интилишини ҳисобга олган ҳолда маъруза, семинар ва ҳ.к.лар тайёрланган бўлиши ва ниҳоят муаллимнинг тинглоачиларни ўзи билан бир хилда интилиб боришини-бир фазада ишлашини ташкил эта олиши;

3. Ўқитиш методлари, усуllibарини ҳар томонлама эгаллаган бўлиши;

4. Муаллимнинг салоҳияти ўтилаётган фан йўналишида ишни аниқ ва самарали бажариш учун зарур бўлган педагогик талабга жавоб бериши, фаннинг таркибига кирувчи маҳсус бўлимларни юқори даражада эгаллаган бўлиши ва ўз ҳаракатлари учун жавобгарликни билиши;

5. Педагог ўз дарси давомида ўқувчиларда ўтказиладиган машғулотлардан қониқиши ҳосил қилишга эриша олиш ва ўзи тузган дарс режасининг тўғрилиги хақида ишонч ҳосил қилиб, ўз устида янада яхшироқ ишлашга интилиши;

6. Педагог маҳоратини эгаллаши учун тарбия бериш қонунларини, тамойилларини ва уларнинг таркибий қисмларини билиши зарур, яъни бир аниқ ҳолат учун ўқитиш методини танлаш, жараённи берилган даражада сифатда лойиҳалашни билиш;

7. Муаллимнинг ҳар қандай шароитда ҳам ўқувчиларнинг етарли тарбияланганлик даражаси, ривожланиши ва зарурий билимларга эга бўлишига эришиши;

8. Педагог талабанинг ҳар қандай саволига жавоб топиши, ундан қониқиши ҳосил қилиш зарур. Бунга эришиш учун муаллим ўз фанни чукур билиши унинг ривожланиш истиқболини кўра билиши керак;

9. Муаллимнинг дарс ўтиш санъати ўтилаётган мавзуни ундан олдинги ва уйга берилган мавзулар билан боғланган ҳолда талабаларнинг фаоллигини ошириш орқали чукур ўзлаштиришга эриша олиши;

10. Педагогнинг ўқув жараёнида самарали тарбиявий иг олиб бориши, юқори маънавият ва ватанпарварлик туйғулари ҳамда меҳнатсеварликни шакллантира олиши зарур;

11. Талабаларни ўтилаётган мавзуга жалб қилиб, уларнинг фаоллигини ошириш ва фобилятларини мустаҳкамлаш асосида уларни илмий жиҳатдан ривожлантиришга эриша олиши;

12. Педагогнинг вазифаси ўқув жараёнида ижобий туйғуларни яратиш йўлини топиши ва ўқувчилар билан биргаликда фикр юритиб ва ўқув муоммосининг ечимини излашда муваффақиятга эришсалар, унда педагог дарсни тўғри ташкил қилган, деб баҳолаш мумкин.

13.Муаллим томонидан ўтказиладиган ҳар бир машғулот талабардан таҳлилни, материалларни қисмларга ажратса олишни, таққослаш асосида улар орасидаги боғлиқликни ҳосил қилишга ўргатиш ва бошқалардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ. Демак, педагогик маҳорат муаллимнинг шахсий маданияти, катта назарий ва амалий билимлар эгаси эканлиги, ўқитиш ва тарбиялаш усулларидан моҳирона фойдалана олиши педагогик техника, яъни предметни ўргатишда аниқ мантиқий тартибни, кетма-кетликни, ўзаро ва фанлар орасидаги боғланишлар тизимининг бир бутунлигини сақлаган ҳолда, талабаларда замонавий фан ва техника тараққиётидан моҳирона фойдалана олиш, фикрлаш қобиляти ва исбот ҳамда талабалар тафаккурини ривожлантиришдан иборат.

Педагогик техника шундай йифиндики, у ўқитувчининг энг яхши ижодий хулқ-атворга, бошқача айганда, ҳар қандай педагогик вазиятда тарбияланувчига самарали таъсир кўрсатишга ёрдам беради.

Педагогик техника малакаларининг муҳим хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

Педагогик техниканинг аниқ ифодаланган индивидуал шахсий тарзда бўлиши, яъни педагогнинг индивидуал психик-физиологик хусусиятлари асосида таркиб топади. Индивидуал педагогик техника педагогнинг ёши, жинси, мижози, феъл-атвори, сиҳат-саломатлиги, анатомик-физиологик хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Педагогик таъсир кўрсатишда юқоридаги малакалар орқали педагогнинг маънавий ва эстетик нуқтия назарлари тарбияланувчиларга янада тўлароқ очиб берилади.

Педагогик таъсир кўрсатишда юқоридаги малакалар орқали педагогнинг умумий маданий даражасини, яъни шахснинг педагогик имкониятларини акс эттиради.

Педагогик техника 2 -турдаги кўнімалар гурухидан иборат:

1.Ўзини-ўзи (гавдаси, ҳиссий ҳолати ва нутқ техникаси)ни бошқара олиши;

2.ПЕдагогик вазифаларни ҳал этишда ўқувчилар билан ҳамкорликда ишлашни улдалаш (дидактик, ташкилотчилик малакалари, бевосита таъсир этиш техникаси).

Педагогик техника қўйидаги икки гурух йифиндисидан иборат:

1.Педагогнинг ўз хулқини бошқара олиши;

А)Ўз-ўзини бошқара олиш, мимика ва тактикалари;

Б)Ҳиссиёти, руҳий ҳолатини бошқара олиши, ижобий вазиятни вужудга келтириш;

В)Мантиқий фикр тузиш, қобиляти, диққати, ўқиб олиш, сезирлик, ўзини қўлга олишликни эгаллаш;

Г)Нутқ техникаси, нафас олиши, овозни тингловчиларга мослаштириши. Талаффуз тарзи, нутқ суръати.

2.Педагогик жараён шахс ва жамоатга таъсир кўрсатиш бўлиб, у таълим-тарбия жараёнининг технологиясини очиб беради. Унга педагогнинг дидактик, ташкилотчилийк, коструктивлийк, коммуникатив кўнімалар, қўйидаги талабаларнинг технологик усуллари, педагогик мулоқотни бошқариш,

жамоанинг ижодий ишларини ташкил этиш ва бошқариш киради.

Ёш ўқувчиларнинг педагогик техникасида қуидаги жуъзий камчиликлар учрайди:

-ўқувчи ёки унинг ота-онаси билан сидқидилдан сўзлаша олмаслиқ;

-ғазабни тўхтата олмаслик ёки уни ўз ўрнида ишлата олмаслиқ;

-ўзида ишончсизлик енга олмаслиқ;

-нутқининг равон эмаслиги;

-ортиқча қаттиққўллик;

-хушмуомала бўлишдан қўриқиши;

-жуда тез гапириш (айниқса, дарсда)

-ортиқча ҳаракат ёки бир жойда қотиб қолиш, қўлларни қаерга қўйишини билмаслиқ;

-ўз гавдасини туташдаги камчилик (букчайиб, ерга қараб юриш бефойда кулиш, ортиқча ҳаракат), турли жисмларни қўлида айлантириб юриш;

-товушдаги камчиликлар: бир оҳангли, зерикарли аниқ талаффузининг йўқлиги, хона учун зарур товуш баландлигини танлай билмаслиқ;

-нутқдаги камчиликлар: нутқнинг ҳаётий эмаслиги ифодали ўқиши малакаси (дикция)нинг йўқлиги.

Юқоридаги камчиликлар ўқитувчи учун ўқувчиларга самарали таъсир этишига халақит беради. Камчиликларга талабалик даврида барҳам бериш бўлажак педагоглар учун жуда аҳамиятлидир.

Педагогнинг ташқи кўриниши эстетик жиҳатдан мукаммал бўлиши керак. Ўқитувчиларнинг ташқи қиёфаси ҳам унинг обрўи таркиб топишга таъсир этади. Ўқитувчининг сарамжон-саришталиги, озодалиги, яхши одатлари, чиройли қадди-қомати ва юриш-туришлари ўқувчиларда жуда яхши таъсурот қолдиради.

Ўқитувчи педагог қуидаги хислатларга эга бўлиши керак:

А) ортиқча бадқовоқлик бўлмаслиқ;

Б) бошқалар нуқсонларини ошириб кўрсатмаслиқ;

В) ҳазил мутойибага мойил бўлиш;

Г) хушмуомала бўлиш ва келажакка ишонч билан қараш;

### **Бундай сифатлар эгаллаш шатрлари қуидагича:**

Ўз касбини, жамиятдаги ўрни онгли равишда тушуниш, бурч сезгисини устунлиги, педагогик зийраклик, ҳиссий сезувчанлик ҳамда ўзини-ўзи таҳлил қилиш ва тўғри баҳолаш.

Дарсга тайёргарлик кўраётган ва ўзида ишончсизлик, қўрқич сезаётган ёш ўқитувчи жисмоний ва руҳий эркинликка эришиш мақсадида қуидагича релаксация сеансини (треннингни) ўтказишлари тавсия этилади.

“Мен тинчман, мен ишонч билан дарс беряпман, болалар мени тинглашмоқдалар. Дарсда ўзимни бемалол ҳис этяпман.

Мен дарсга пухта тайёрланганман. Дарс қизиқарли, уни яхши тугатаман. Мен ўзимни бошқара оламан. Кайфиятим жуда яхши. Ўқувчилар мени хурмат қиласидилар, талабларим бажарадилар. Дарсдаги меҳнат менга ёқади. Мен ўқитувчиман”.

**Пантомима**-бу гавда, фўл ва оёқларнинг ҳаракатидир. У асосий фикрни ажратиб кўрсатишга имкон беради. Қиёфаларини яққол гавдалантиради. Ўқитувчи дарсда ўқувчилар олдида тўғри туриш ҳолатини машқ қилиш керак (оёқлар оралиғи 12-15 см, ўнг оёқ бироз олдинда), барча ҳаракатлар ўзининг оддийлиги ва нафислиги билан ўқитувчилар эътиборини тортиш лозим.

Гавда тутиш эстетикаси: олдига-орқага тебраниш, оғирликни бир оёқда иккинчи оёқка ўтказим туриш, қулоқ кавлаш каби заарли одатларга йўл қўймайди. Ўқитувчи гавдасининг ҳаракати чегарали ва босик бўлиши ортиқча силкиниши ва кескин ҳаракатлардан ҳоли бўлиши шарт.

**Мимика**-юз мускулариорқали ўз сезгиси, фикри, кайфиятини ифодалашдир. Ўқитувчининг юз ифодаси ва қараши баъзан ўқитувчиларга сўздан ҳам қаттиқ таъсир кўрсатади. Мимика ахборотнинг хусусий ахборотини оширади, уни пухтароқ ўзлаштиришини таъминлайди. Ўқувчилар ўқитувчи кайфияти ва муносабатини унинг юзидан уқиб турадилар. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг юз ифодасида билдирилмаслиги керак. Пиёда юриш, дам олиш, китоб ўқиш билан руҳий зўриқишлиар бартараф этилади.

Юз ифодаси ва ҳаракатлар фақат дарс мақсадига, ўқув-тарбиявий ишни яхшилашга йўналтириши лозим.

Юз ифодасида кўзлар мухим ўрин тутади. Жозибаси кўзлар маъносиз қалбни акс эттиради.

Ўқитувчи ўз мускуллари ва кўзларини тез-тез ҳаракатлантиришдан шу билаш бирга уларни бирдай қотиб қолишидан эҳтиёт бўлиши, бевосита кўриш контактини вужудга келтириш зарур, барча ўқувчиларни дикқат марказида ушлаб туришга интилиш лозим.

### **Саволлар:**

1. “Педагогик техника” тушунчасига таъриф беринг.
2. Ёш ўқитувчилар қандай хатоларга йўл қўядилар?
3. Аутоган машқлар нима?
4. пантомимика ва мимика сўзларининг маъноси нима?

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т.: “Ўзбекистон” 2017 йил 102 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Т.:“Ўзбекистон” 2016 й., 47 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Т.: “Ўзбекистон” 2016 йил 486 б.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. -Т.: 2008.
5. Азизхужаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. -Т.: 2003,2006.
6. Азизходжаева.Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. - Ташкент: Молия, 2002.
7. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат - Т.: Фан, 2006.
8. Йўлдошев Ж.Г., Усмонов С.Илғор педагогик технологиялар. - Т.: Ўқитувчи, 2004.
9. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. Тошкент: Халқ мероси, 1999.
10. Асқарова Ў. Қорабоев З. Педагогик маҳорат асослари. Муаммоли маърузалар матни. Наманган, 2005.
11. Беспалко В. П. Слагаемие педагогической технологии. -М.: 1989.
12. Фарберман Б. Илғор педагогика технологиялар. -Т.: 2000.
13. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. -Карши.: 2000.
14. Очилов М., Очилова Н. Олий мактаб педагогикаси. -Т.: 2008.
15. Махкамова М.Ю.Педагогик технологиялар.Т.2012.

## ИЛОВАЛАР

1-илова

### Таълим технологиясини лойиҳалаштириш бўйича намуна

Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиш керак. Бунда ўқитувчига у томонидан бўлажак дарсни технологик харитасини тузиб олиши катта аҳамиятга эгадир, чунки дарснинг технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс учун ўқитилаётган предмет, фаннинг хусусиятидан, ўқувчи – талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда тузилади.

Технологик харитада дарс жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа, дарс жараёнини ташкил этишнинг технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиши керак. Технологик харитани тузилиши ўқитувчини дарсни кенгайтирилган конспектини ёзишдан халос этади, чунки бундай харитада дарс жараёнининг барча қирралари ўз аксини топади.

Куйида биз, “Крахмал ва крахмал махсулотлари” мавзуси бўйича ўтказиладиган дарснинг олдиндан лойиҳалаштирилган технологик модели ва харитасини ишлаб чиқдик.

#### “Крахмал ва крахмал махсулотлари” мавзусининг технологик модели, харитаси ва ўқитиш методикаси

МАВЗУ	Крахмал ва крахмал махсулотлари
-------	---------------------------------

#### 1.1. Амалий олиб бориш технологияси


Ўқув соати – 2 соат	Талабалар сони: 20
Ўқув машгулот шакли	Ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. Крахмал ва унинг махсулотлари ҳақидаги билимларни тақрорлаш. 2. Интерфаол усуллар ёрдамида ўқувчилар билимларини мустаҳкамлаш
<b>Ўқув машгулотининг мақсади:</b> Крахмал ва крахмал махсулотлари ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
“Кластер” усули ёрдамида мавзуга оид тушунчаларни эсга тушуради	“Кластер” тузадилар
“Синквейн” усули ёрдамида мавзуни тақрорлайди	“Синквейн” тузади
“Резюме” усули асосида крахмал турларини таққослайди	“Резюме” жадвалини тўлдиради
“Нилиофар гули” усули ёрдамида	“Нилиофар гули” схемасини тузади

<b>крахмал бўйича барча билимларни умумлаштиради ва тартибга келтиради</b>	
Ўқитиши воситалари	компьютер слайдлари, доска, A1 шаклидаги плакатлар, маркерлар
Ўқитиши усуллари	“Кластер”, “Синквейн”, “Резюме”, “Нилуфар гули”
Ўқитиши шакллари	Кичик груптарда ва жамоада ишиш
Ўқитиши шароити	техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	оғзаки савол-жавоб

## 1.2. “Крахмал ва крахмал махсулотлари” мавзусининг технологик харитаси

Иш босқичлари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Мавзуга кириш (20мин)	1.1. Ўтилган маъруза ва амалий машғулотларни мустаҳкамлади. 1.2. Машғулот мавзуси ва режаси билан таништиради. 1.3. Крахмал ҳакидаги мавжуд билимларни “Кластер” ва “Синквейн” усуллари ёрдамида жонлантиради (1,2 илова)	Саволларга жавоб берадилар  Режани ёзиб оладилар
2 -босқич. Асосий қисм (30 мин)	2.1. Крахмалдан олинадиган хом ашёлар, картошка ва маккажӯхоридан крахмал олиш технологиясини тушунтиради. 2.2. Крахмал турлари ва навлари, крахмал сифатига кўйиладиган талаблар билан таништиради. 2.3. Крахмал турларини “Резюме” усули ёрдамида таққослайди (илова 3)	Тинглайдилар ва асосий маълумотларни ёзиб оладилар
3-босқич. Якунловчи (30 мин)	3.1. Мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун “Нилуфар гули” интерфаол усулидан фойдаланади (илова 4) 3.2. Мавзу бўйича адабиётлар рўйхати билан таништиради (5 илова)	Саволларга жавоб берадилар  Адабиётлар рўйхатини ёзиб оладилар

## “Крахмал ва крахмал маҳсулотлари” мавзусига кластер график организери



**2-илова****Крахмал**

1. Ҳосила.
2. Маккажүхори, картошкали (нам, курук).
3. Глюкоза қолдикларидан ташкил топган.
4. Халқ хўжалигига кенг қўлланиладиган қимматбаҳо хом ашё.
5. Махсулот.

**3-илова**

**“КРАХМАЛ ВА КРАХМАЛ МАҲСУЛОТЛАРИ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА “РЕЗЮМЕ”  
ИНТЕРФАОЛ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

КРАХМАЛ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ			
Маккажүхори крахмали		Картошка крахмали	
афзалликлари	камчиликлари	афзалликлари	камчиликлари
<ul style="list-style-type: none"> <li>- Маккажүхори крахмали ишлаб чиқарувчи завод йил давомида ишлайди;</li> <li>- Сақлаш қулай;</li> <li>- Транспортировка қилиш қулай;</li> <li>- Маккажүхори дони курук моддаларининг 70%ини крахмал ташкил қиласди.</li> </ul>	<p>Крахмал доначаларини ажратиб олиш картошкага караганда мураккаб кечади.</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Крахмал доначаларини ажратиб олиш учун энг қулай хом ашё;</li> <li>- Крахмал доначаларини ажратиб олиш жараёни осон кечади.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Картошка крахмал олиш корхоналари мавсумий ишлайди;</li> <li>- Сақлаш мураккаб (5 ойдан ошмаслиги керак);</li> <li>- Транспортировка қилиш ноқулай;</li> <li>- Картошка таркибида ўртача микдорда 25% курук модда бўлиб, 18,5%ини крахмал ташкил қиласди.</li> </ul>

## 4-ИЛОВА

Картошка крахмали экстра	Картошка крахмали олий	Картошка крахмали биринчи
Картошка крахмали иккинчи	<b>Крахмал навлари</b>	Маккажүхори крахмали олий, биринчи, иккинчи
Гуруч крахмали олий, биринчи, иккинчи	Буғдой крахмали экстра	Буғдой крахмали олий, биринчи

Картошка	Үсимлик уруғлари	Үсимлик дуккалари
Маккажүхори	<b>Крахмал олинадиган хом ашёлар</b>	Үсимлик илдизлари
Буғдой	Гуруч	Ун

Картошкани сақлаш	Картошкани заводга келтириш	Аралашмалардан тозалаш ва ювиш
Оғирлигини ўлчаш	<b>Картошка крахмали олиш технологияси</b>	Майдалаб бўтқа тайёрлаш
Бўтқадан хужайра шарбатини ажратиб, эркин крахмални ювиб олиш	Крахмал сутини олиш, тозалаш ва ювиш	Нам крахмални қадоқлаш ва қайта қуритишга юбориш

Крахмал навлари	Крахмал олинадиган хом ашёлар	Крахмал сифатига қўйиладиган сифатлар
Картошка крахмали олиш технологияси	<b>КРАХМАЛ</b>	Крахмал ва крахмал патокасининг қўлланилиши
Крахмал патокасининг таркиби ва тузилиши	Крахмал патока олиш технологияси	Крахмал патокасининг ишлатилиши ва таёрланишига кўра турлари

Глюкоза	Мальтоза	Декстрин
Рангсиз, тиник	<b>Крахмал патокасининг таркиби ва тузилиши</b>	Ёпишқоқ суюклик
Баъзан сарик	Ширин (кучсиз) таъмсиз	Бегона ҳидсиз

Крахмал қайта ишлашга тайёрланади	Тайёр крахмал гидролизланади	Гидролизланган маҳсулот нейтралланади
Ҳосил бўлган сироп филтрдан ўтказилади	<b>Крахмал патока олиш технологияси</b>	Сироп адсорбентлар таъсирида рангизлантирилади
Суюқ сироп куюлтириш учун қайнатилади	Яна адсорбентлар таъсирида рангизлантирилиб, куюлтирилган сироп патока даражасига етгунча қайнатилади	Ҳосил бўлган патока совутилади

Жуда тоза бўлиши керак	Ҳеч қандай аралашмаларсиз бўлиши лозим	Фижирлашга йўл кўйилмайди
Таъми ўзига хос бегона таъмларсиз бўлиши лозим	<b>Крахмал сифатига қўйиладиган талаблар</b>	Ранги олий навда тиник, оппок, иккнчи навларда бироз хирароқ бўлиши
Намлиги картошка крахмалида 20%, маккажўхори крахмалида 13% дан ошмаслиги	Кулдорлик, навларга ажратувчи кўрсатгич ҳисобланади	Кислоталик, крахмал янгилигини тавсифловчи кўрсатгич

Нонвойлик	Қандолатчилик	Медицина
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари	<b>Крахмал ва крахмал патокасининг қўлланилиши</b>	Текстил
Полиграфия	Қоғоз ишлаб чиқариш корхонаси	Карамел олиш

Карамелли патока (К)	Карамелли паст даражада қандлантирилган (КП)	Глюкозали юкори даражада қандлантирилган (ГЮ)
Олий навли карамелли патока (КО)	<b>Крахмал патокасининг ишлатилиши ва таёrlанишига кўра турлари</b>	Биринчи навли карамелли патока (К1)
Малтозали патока	Крахмални гидролиз арпа солоди препаратлари ёрдамида малтозали патока ишлаб чиқариш	Крахмални амилолитик фермент препаратлари ёрдамида малтозали патока ишлаб чиқариш

## 5 илова

- Х. Бўриев, Р. Жўраев, О. Алимов. - «Дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш», Т., «Мехнат», 1997.
- Х. Бўриев, Р.Ризаев. - «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаш, метрология ва сертификациялаш асослари», Т., «Мехнат», 1999.
- Трисвятский Л.А. Товароведение зерна и продуктов его переработки. Учебник, Москва: “Колос”, 1991. - 431 бет.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, юқоридаги машғулотда тўртта интерфаол усул қўлланилган.

Ушбу интерфаол усуллар мавзунинг мазмун-моҳиятини чукурроқ англашга ва энг муҳими талабалар танқидий тафаккурини, ижодий қобилияtlарини ривожлантиришга имконият яратади.

“Кластер” усули ёрдамида талабларнинг мавзуга оид барча фикрларини қамраб олиш ва дикқатини жамлаш мумкин.

“Синквейн” усули таълим олувчиларнинг барча тафаккур операцияларини ривожлантиришга қаратилган усулдир. Яъни “Синквейн” тузиш жараёнида ўқувчи маълумотларни анализ ва синтез қиласи, умумлаштиради, мавзуга нисбатан ўз муносабатини билдиради ва ҳ.к.

“Резюме” интерфаол усули ҳам маълумотни таҳлил қилишга, нарса,

жараён ва ҳодисаларнинг афзаллик ва камчилик томонларини ўрганишга ёрдам беради.

“Нилуфар гули” интерфаол усули схема кўринишида намоён бўлади. Бу усул ҳар қандай муаммоларни ҳал этишда қўлланилиши мумкин. Интерфаол усул ўзида нилуфар гули образини мужассам этган. Унинг асосини 9 та катта квадратлар ташкил этиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида тўққизта кичик квадратдан иборат.

“Нилуфар гули” методи (бошқа интерфаол усуллар ҳам) талабаларга янги билим бермайди. Бу метод орқали талабаларда мавжуд билимлар мустахкамланади, ғоялар мужассамлашади, муаммоларни ечиш йўллари аникланади.

“Нилуфар гули” методи қандайдир бир маънода “Кластер” усулига ўхшаб кетади, лекин “Кластер”дан фарқли равишда “Нилуфар гули”да ғоялар тартиб билан жойлаштирилади. Бундан ташқари ҳар бир муаммога тегишли ғоялар сони 8 тадан кам бўлмаслиги керак.

Бу усул ёрдамида асосий муаммонинг (мавзунинг) аввало 8 та ғояси келтирилади. Кейин эса ҳар бир ғоя яна 8 кичик ғояга бўлинади. Шундай қилиб, “Нилуфар гулида” камида 64та ғоя хосил бўлади. Ғоялар сонининг чегараси йўқ. Ғояларни шакллантириш жараёнида энг мураккаб муаммолар ҳам ўз ечимини топади.

Бунда берилган топшириқ ўқув мақсади мазмунидан келиб чиқиб, ўқув мақсадига эришганлигимизни кўрсатиши керак.

**Ўқув мақсадларини тест топшириқлариға айлатириш бўйича намуна**

<b>“Крахмал ва крахмал махсулотлари” мавзуси бўйича ишлаб чиқилган ўқув мақсадларини тест топшириқлариға айлантириш</b>	
<b>БИЛИШ КАТЕГОРИЯСИ</b>	
Талаба крахмал олганда хом ашёларни билади	<p>Крахмал олинадиган хом ашёни аниқланг.</p> <p>А) картошка, маккажухори, ўсимлик уруғлари*</p> <p>Б) маккажухори, кунгабоқар</p> <p>В) ўсимлик уруғлари, пахта чигити</p> <p>Г)картошка, тропик мевалар</p>
Талаба крахмалдан крахмал олиш технологияси таркиби тўғри келтирилган қарорни аниқлай олади	<p>Крахмал олиш технологияси тартиби тўғри келтирилган қаторни аниқланг.</p> <p>А) 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9</p> <p>Б) 2, 1, 4, 3, 5, 6, 7, 8, 9*</p> <p>В) 7, 4, 3, 2, 5, 6, 1, 8, 9</p> <p>Г) 1, 2, 9, 6, 5, 4, 7, 8, 3</p> <p>1- картошкани заводга келтириш</p> <p>2-картошкани сақлаш</p> <p>3-картошка оғирлигини ўлчаш</p> <p>4-картошкани аралашмалардан тозалаш ва ювиш</p> <p>5-картошкани майдалаб, бўтқа тайёрлаш</p> <p>6-хўжайра сокини ажратиб олиш</p> <p>7-крахмал сутини олиш ва тозалаш</p> <p>8- бўтқадаги эркин крахмални ювиб олиш</p> <p>9-крахмални ювиш</p>
Талаба патока таркибини билади	<p>Патока таркибига нима киради?</p> <p>А) глюкоза, пентозан, ёғ</p> <p>Б) малтоза, крахмал, ёғ</p> <p>В) глюкоза, малтоза, декстрин *</p> <p>Г) декстрин, пентозан, ёғ</p>
<b>ТУШУНИШ КАТЕГОРИЯСИ</b>	
Талаба картошка таркибини тушунтириб беради	<p>Картошка таркиби нимадан иборат?</p> <p>А)18,5% крахмал, 2% яқин азот, 1% клетчатка, 0,9% минерал моддалар, пентозан*</p> <p>Б) 28,5% крахмал, 1% яқин азот, 2% клетчатка, 0,9% минерал моддалар, пентозан</p> <p>В) 12% крахмал, 3% яқин азот, 4% клетчатка, 2% минерал моддалар, пентозан</p>

	Г) 2% крахмал, 3% яқин азот, 14% клетчатка, 12% минерал моддалар, пентозан
Талаба ишлаб чиқарилган крахмалнинг сифатига навларини очиб беради	Ишлаб чиқариладиган крахмал ўзининг сифатига кўра қандай навларга ажратилди? А) олий, экстра, учинчи Б) экстра, олий, биринчи, иккинчи* В) экстра, биринчи, иккинчи Г) олий, биринчи, иккинчи, учинчи
Талаба тайёрланишга қараб крахмал патокаси ишлаб чиқарилишини тушунтириб беради	Тайёрланишига қараб крахмал патокаси неча турда ишлаб чиқилади? А) уч турда Б) икки турда В) тўрт турда Г) беш турда

#### ҚЎЛЛАШ КАТЕГОРИЯСИ

Талаба маккажўхори донидан крахмал олиш технологик схемасини чизади	Маккажўхори донидан крахмал олиш технологик схемасини чизинг ва унга изоҳ беринг
Талаба крахмални сақлай олади	Крахмални сақлашда нималарга эътибор берган бўлар эдингиз? Нима учун?
Талаба крахмал қайта ишлашга тайёрлайди	Крахмал қайта ишлашга тайёрлаш жараёнини чизма тариқасида тушунтиринг

#### АНАЛИЗ КАТЕГОРИЯСИ

Талаба картошка ва маккажўхори донидан крахмал олиш технологиясининг бир-биридан ажрата олади	Картошка ва маккажўхори донидан крахмал олиш технологияси бир биридан қандай фарқланади?
Талаба маккажўхоридан крахмал олиш технологиясини таҳлил қиласи	Картошка ва маккажўхори донидан крахмал олиш технологиялари кўрсатилган чизмаларда қандай фарқ бор?
Талаба крахмал патокаси таркибини билади	Крахмал патокаси таркибига изоҳ беринг

#### СИНТЕЗ КАТЕГОРИЯСИ

Талаба крахмал олинадиган хом ашёлар классификацияни яратади	Крахмал олинадиган хом ашёлар классификацияни “Кластер” кўринишида қелтиринг
Талаба крахмални органолептик хусусиятлари ва сифатларига кўра навларга ажратади	Крахмални органолептик хусусиятлари ва сифатларига кўра навларга ажратиш қандай амалга оширилади?
Талаба кимёвий табиати жиҳатидан крахмалнинг тузилишини билади	Кимёвий табиати жиҳатидан крахмал нима? А) полисахарид Б) углевод

	В) минерал
<b>БАҲОЛАШ КАТЕГОРИЯСИ</b>	
Талаба картошка крахмалнинг сифатига баҳо беради	Картошканинг сифати қандай аниқланади?
Талаба картошкаларни корхона ва заводларда саклаш шароитига баҳо беради	Картошкалар крахмал ишлаб чиқариш учун қандай хароратда сақланиши керак? А) 1-3° С Б) 2-8° С* В) 2-4° С Г) 8-10° С
Талаба патока сифатига баҳо беради	Патока сифатига қандай талаблар қўйилади? А) ҳидсиз бўлиши Б) таъмсиз бўлиши В) тиник бўлиши Г) барча жавоблар тўғри*

<b>“Шакар ва асал. Зираворлар” мавзуси бўйича ишлаб чиқилган ўқув мақсадларини тест топшириқларига айлантириш</b>	
<b>БИЛИШ КАТЕГОРИЯСИ</b>	
Талаба шакарнинг хусусиятларини билади.	Шакар нимадан ташкил топган? А) сахарозадан Б) фруктозадан В) асалдан
Талаба шакарнинг турлари ҳақида гапириб беради	Шакарнинг нечта тури мавзуд? А) иккита Б) учта В) тўртта
Талаба асаларилар томонидан йиғиб олинадиган манбаларга кўра турини билади	Асаларилар томонидан йиғиб олинадиган манбаларга кўра асал қандай турларга бўлинади? А) нектар, шира* Б) табиий, сунъий В) шифобахш, оддий
<b>ТУШУНИШ КАТЕГОРИЯСИ</b>	
Талаба асалнинг кимёвий таркибини тушунади	Асалнинг асосий қисмини нималар ташкил этади? А) углеводлар* Б) полисахаридлар В) азотли моддалар
Талаба лавлаги таркибидаги эримайдиган органик моддалар ҳақида гапириб беради	Лавлаги таркибидаги эримайдиган органик моддалар нима деб аталади?
Талаба зираворларни ўсимликнинг қайси қисмидан олингандигига қараб гурухга бўлинади	Зиравор гулларга нималар киради? А) гвоздика, шафран Б) хантал, лавр

	В) хрен, занжабил
<b>ҚҰЛЛАШ КАТЕГОРИЯСИ</b>	
Талаба зираворлар сифатини аникланади	Зираворлар сифати қандай аникланади? Зиравор сифатини аникланг.
Талаба зираворларни қадоқлады ва сақтай олади	Зираворларни қандай қадоқлаш ва сақлаш керак? Нима учун?
Талаба хантал кукунининг сифатига қўйиладиган талабарини аниклади	Хантал кукунининг намлиги қандай бўлиши керак? А) 10% дан кам бўлмаслиги керак* Б) 30% дан кам бўлмаслиги керак В) 20% дан кам бўлмаслиги керак
<b>АНАЛИЗ КАТЕГОРИЯСИ</b>	
Шакар сифатига қўйиладиган сифатларини таҳлил қиласди	Шакар сифатига қўйиладиган талабларни санаб беринг
Талаба зираворларнинг кимёвий таркибини таҳлил қиласди	Зираворлар кимёвий таркиби бўйича жиҳатидан қандай ҳисобланади? А) ҳидли эфир мойларига бой Б) витаминларга бой В) минераллар моддаларга бой Г) барча жавоблар тўғри*
Талаба қанд лавлагидан шакар олиш технологисини билади	Қанд лавлагидан шакар олиш технологисини қандай амалга оширилади?
<b>СИНТЕЗ КАТЕГОРИЯСИ</b>	
Талаба шакар олишда ишлатиладиган хом ашёлар класификациясини яратади	Шакар олишда ишлатиладиган хом ашёлар класификациясини “Кластер” кўринишида кўрсатиб беринг
Талаба асал сифатига қўйиладиган талабларин умумлаштиради	Асалнинг намлиги қандай бўлиши керак? А) 21% дан ошмасилиги керак* Б) 12% дан ошмасилиги керак В) 10 % дан ошмасилиги керак Г) 15% дан ошмасилиги керак
Талаба асал ва шакарларни сақлаш шароитларига қўйиладиган талабларни умумлаштиради	Асал ва шакарларни сақлаш шароитларига қўйиладиган талабларга изоҳ беринг
<b>БАҲОЛАШ КАТЕГОРИЯСИ</b>	
Талаба шакар сифатигабаҳо беради	Шакар сифатигабаҳо беришда нималарга эътибор қаратасиз? Нима учун?
Талаба зираворлар сифатига қўйиладиган талабларга баҳо беради	Зираворлар сифатига баҳо беришда нималарга эътибор қаратасиз? Нима учун?
Талаба асални сақлаш шароитларига баҳо беради	Асални қандай шароитларда сақлаш керак? Нима учун?

**“Тухум ва тухум махсулотлари” мавзуси бўйича ишлаб чиқилган ўқув  
мақсадларини тест топшириқларига айлантириш**

**БИЛИШ КАТЕГОРИЯСИ**

Талаба тухум турларини билади	Нуқталар ўрнига керакли сўзлар қўйинг. Тухум табиий махсулот бўлиб, ..., ..., ..., ... олинади.
Талаба тухум пўчоги таркибини гапириб беради	Тухум пўчоги нималардан таркиб топган? А) кальций, углерод, кислород* Б) кальций, минерал, кислород В) каротин, углерод, водород
Талаба пархез тухумга таъриф беради	Пархез тухум неча суткагача сакланади? А) 25 суткагача* Б) 10 суткагача В) 15 суткагача

**ТУШУНИШ КАТЕГОРИЯСИ**

Талаба паранда тухумлар кимёвий таркибини мазмунини очиб беради.	Қайси тухум энг кучли қувватга эга? А) ўрдак тухуми* Б) товук тухуми В) цесарка тухуми
Талаба тухумнинг тузилишини тушунтиради	Тухумнинг ўлчами ва массаси нимага боғлиқ? А) паранда турига ва ёшига Б) парвариш шароитига В) озуқага Г) барча жавоблар тўғри*
Талаба стандартларда бутун тухумнинг янгилигини тавсифлайдиган асосий параметрларни тушунтириб беради	Стандартларда бутун тухумнинг янгилигини тавсифлайдиган асосий параметрларни тушунтириб беринг.

**ҚЎЛЛАШ КАТЕГОРИЯСИ**

Талаба тухумини турли усусларда сақлай олади	Тухум қандай шароитларда сақланиши керак? Нима учун?
Талаба тухумини сақлаш давомийлигига қараб тухумини пархез ёки ошхона тухумига ажратилади	Ошхона тухуми пархез тухумидан қандай фарқ қиласди? А) сақланиш муддати билан Б) калорияси билан В) хажми билан Г) фойдалилиги билан
Талаба массасига кўра тухумларни тоифаларга ажратади	Массасига кўра тухумларни тоифаларга ажратинг

**АНАЛИЗ КАТЕГОРИЯСИ**

Талаба тухум махсулотларини таҳлил қиласди	Тухум махсулотларини таҳлил қилинг
Талаба тухум сарифини таркибини билади	Тухум сарифида қандай моддалар мавжуд? А) каротин, витаминлар* Б) углевод ва кислород

	<p>В) минераллар Г) муцин, лизоцим</p>
Талаба тухум кукуни сақлаш тартибини билади	
<b>СИНТЕЗ КАТЕГОРИЯСИ</b>	
Талаба тухумни сақлаш усуллари ва муддатлари, массаси ва сифати бўйича классификациясини еритади	Тухумни сақлаш усуллари ва муддатлари, массаси ва сифати бўйича классификациясини “Кластер” кўринишида ишлаб чиқинг
Талаба тухум таркибининг сифат ҳолатини акс эттирадиган сабабларини билади	Тухум таркибининг сифат ҳолатини акс эттирадиган сабабларини очиб беринг ва ўз фикрингизни билдиринг
Талаба тухум сифатига қўйилган талабларни умумлаштиради	Тухум сифатига қўйилган талабларга оид эссе тузинг
<b>БАҲОЛАШ КАТЕГОРИЯСИ</b>	
Талаба тухум маҳсулоти сифатига қўйиладиган талабларга баҳо беради	<p>Нима учун сузувчи парандаларнинг тухумлари кўп ишлатилмайди?</p> <p>А) витаминларга бой эмас Б) сақланиши қийин В) салмонелла бактерияси кўп учрайди</p>
Талаба тухумларни сақлаш шароитларига баҳо беради	Тухумларни сақлаш шароитларига баҳо беринг
Талаба тухумни сақлаш муддатларини баҳолайди	Тухумни сақлаш муддатларига баҳо беринг

## МУНДАРИЖА

<b>Сўз боши .....</b>	<b>3</b>
<b>1-МАВЗУ: "Педагогик технологиялар" фанининг предмети ва вазифалари.....</b>	<b>5</b>
<b>2-МАВЗУ: Педагогик технологиянинг ривожланиши ва принциплари.....</b>	<b>7</b>
<b>3-МАВЗУ: Педагогик қонуниятлар, педагогик жараён ва унинг тизими - педагогик технологиянинг асоси.....</b>	<b>20</b>
<b>4-МАВЗУ: Таълим жараёнининг мақсади ва технологияси.....</b>	<b>27</b>
<b>5-МАВЗУ: Тарбия жараёни технологияси.....</b>	<b>40</b>
<b>6-МАВЗУ: Тарбия жараёнининг мақсади ва технологияси (давоми).....</b>	<b>46</b>
<b>7-МАВЗУ: Педагогик ташҳис, ўзликни англаш ва педагогик технология.....</b>	<b>50</b>
<b>8-МАВЗУ: Таълим-тарбия мазмуни ва педагогик технология</b>	<b>54</b>
<b>9-МАВЗУ: Таълим-тарбиянинг оптимал методлари, воситалари ва шаклларини қўллаш технологияси.....</b>	<b>56</b>
<b>10-МАВЗУ: Интерфаол усуллар.....</b>	<b>81</b>
<b>11-МАВЗУ: Педагогик маҳорат ҳақида тушунча, унинг ўқитувчи фаолиятида тутган ўрни ва аҳамияти.....</b>	<b>116</b>
<b>12-МАВЗУ: Мактаб амалиётида ўқитувчи маҳорати масалалари.....</b>	<b>121</b>
<b>13-МАВЗУ: Ўқитувчи фаолиятида педагогик қобилият.....</b>	<b>133</b>
<b>14-МАВЗУ: Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти.....</b>	<b>137</b>
<b>15-МАВЗУ: Ўқитувчи фаолиятида мулоқот маданияти.....</b>	<b>142</b>
<b>16-МАВЗУ: Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ.....</b>	<b>146</b>
<b>17-МАВЗУ: Педагогик техника ҳақида тушунча.....</b>	<b>152</b>
<b>Фойдаланган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>158</b>
<b>ИЛОВАЛАР.....</b>	<b>159</b>

*Қоғоз бичими 60x84 1/8. б/т. 10,75. Адади 50 нусха.*

*Нархи: Келишилган ҳолда. Буюртма рақами 218*

*"ПРИНТ РЕБЕЛ" МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.*

*Тошкент шаҳри Олмазор тумани,*

*Ўразбоев кўчаси, 35-й.*